

**А.САИДОВ  
У.ТОЖИХОНОВ**

**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ  
НАЗАРИЯСИ**

**"АДОЛАТ"**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ


А. САИДОВ, У.ТОЖИХОНОВ

# ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ

*Икки жилдли*

*1-жилд*

ДАВЛАТ НАЗАРИЯСИ



Тошкент  
«Адолат»  
2001

**Саидов А., Тожихонов У.** Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Икки жилди. 1-жилд. Давлат назарияси. Ўзбекистон Ғ публикаси ИИВ Академияси, 2001. 336 бет.

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Илмий кенгашида маъқулланган*

«Давлат ва ҳуқуқ назарияси» фани бўйича мазкур китобни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясиен мустақиллик йилларида қабул қилинган ва қонуналаридан, мамтакатимизда ҳамда хорижда босилиб чиққан юридик адабиётлардан, шунингдек, илмий журналларда ва вақтли оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган фанга оид мақодалардан, рисоалардан ҳам кенг фойдаланилди.

Китобда «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» фанининг предмети, метод масалалари, давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, тараққиётининг умумий қонуниятлари, давлат назариясининг асосий муаммолари баён этилган.

Китоб Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрлари учун «Қў» қўланма сифатида фойдаланишга муъжалланган.

**А.А. АЗАЕВ**

Масъул муҳаррир акад.

Ф. доктори, профессор **М. М. Файзиёв,**

Ғақризчи акад.лар доктори, профессор **О.Т. Хусанов,**

1203000000—001

С.Т. \_\_\_\_\_ 2001

(04) 2001

© А. Саидов, У. Тожихонов, 2001

© Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси, «Адолат», 2001

## КИРИШ

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги инсоният та-рихида ижтимоий дунёқарашда, жаҳон ҳамjami-ятининг жўғрофий-сиёсий (геополитик) тузили-шида куб ўзгаришлар даври бўлиб кирди. *Бир то-мондан*, давлатлар, халқларнинг яқинлашуви, ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқти-содий маконларнинг вужудга келиши, ягона хал-қаро меъёрлар (нормалар), қондалар ва андаза-ларга ўтилиши, *иккинчи томондан*, социалистик лагернинг емирилиши ва тоталитар тузумларнинг тугатилиши, уларнинг ўрнида ёш мустақил дав-латларнинг пайдо бўлиши бу даврнинг ўзига хос хусусиятидир.

XXI аср бошида янги ҳодисалар, ижтимоий му-носабатлар ва сиёсий жараёнлар анъанавий ту-шунчаларга мос келмаяпти. «Мулкчилик», «иш-лаб чиқариш муносабатлари», «фуқаролик жами-яти», «демократия», «давлат», «ҳуқуқ» каби ту-шунчалар бутунлай янги мазмун касб этмоқда.

«Тафаккурнинг мафкуравий ақидаларидан холи бўлган, ҳар бир мамлакатнинг ва бутун жаҳон маъ-рифатларварлигининг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиш шакллари ва йўлларининг хилма-хиллигини кўрсатиб берадиган янги тури ва услу-бини яратиш зарурати етилди»<sup>1</sup>. Шунинг ҳам назарияга мурожаат қилиш мантиқан тўғри ва давр тақозосидир. Назария бугунги кунни англаш ва инсониятнинг ўз келажагига назар ташлаши учун зарур.

Ҳозирги даврда демократик ҳуқуқий давлат назариясини ишлаб чиқиш ҳуқуқшунослик фа-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиё-сат, мафкура. Т. I.—Т.: Ўзбекистон, 1996.—275-бет.

нининг асосий ғояси ва вазифасидир. Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ҳозирги пайтда жаҳон тараққиётининг марказий йўналишидир. У ижтимоий борлиқни бутунлай қамраб олади. Бу эса ҳозирги даврда давлат ва ҳуқуқнинг аҳамияти объектив равишда янада ошганига олиб келмоқда.

Давлат ва миллий ҳуқуқий тизимларнинг яқинлашуви умумбашарий ҳодиса бўлиб, ХХІ аср ҳуқуқшунослиги тараққиётининг устувор йўналишидир. Халқаро ҳуқуқнинг аҳамияти ошаётганлиги ва унинг устуворлигини таъминлаш, ўз навбатида, миллий ҳуқуқий тизимда бир хил нормаларни қўллашга олиб келади. Бу чет эл моделларини, шаклларини ўрганишни тақозо этади. Бундай ўрганиш ҳар бир мамлакатнинг аниқ-тарихий шароитидан келиб чиқиши лозим. Шу каби омиллар давлат ва ҳуқуқнинг ривожланишига муҳим таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, давлат ва ҳуқуқий тизимларнинг яқинлашуви улар ўз хусусиятлари ва анъаналарни йўқотади, дегани эмас.

Давлат ва ҳуқуқ ижтимоий ҳаётнинг барча кўринишлари билан узвий боғлиқ бўлган мураккаб ижтимоий ҳодисалардир. Шунинг учун ҳам ҳозирги замоннинг долзарб муаммолари давлат ва ҳуқуққа яқин алоқадор. Бу муаммолар аксаринан ҳолларда давлат ва ҳуқуққа оид масалалар сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни давлат ва ҳуқуқ орқали таъминламасдан туриб тасаввур қилиб бўлмайди. Давлат, ҳуқуқ ва демократиянинг узвий алоқадорлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Адолатли фуқаролик жамиятининг тараққиёт да-

ражаси қанчалик юқори бўлса, демократик принципларни тартибга солувчи ҳуқуқ шунчалик катта аҳамият касб этади.

Ҳуқуқ жаҳонда тинчликни, сиёсий барқарорликни, миллатлараро тотувликни сақлашга хизмат қилади. У ижтимоий онг шакли сифатида бошбошдоқлик, тазйиқ, сиёсий куч ишлатиш ва босқинчиликка қарши туради.

Бугунги кунда ХХI аср учун малакали ҳуқуқшунослар тайёрлайдиган олий юридик ўқув юртлари олдида долзарб муаммолар турибди. Ҳаёт ўқув режаларини янгилашни, янги ўқув фанларининг киритилишини, замонавий дастурлар, янги дарсликлар ва қўлланмаларнинг яратилишини талаб этмоқда. «Тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши» — жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривожига ҳақида махсус дарсликлар, қўлланмалар, оммабон адабиётлар яратиш зарур»<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунос мутахассисларни тайёрлашга хизмат қиладиган фанлар орасида давлат ва ҳуқуқ назарияси алоҳида аҳамият касб этади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси асосий юридик ўқув фани сифатида:

**биринчидан**, ўзининг муайян предметига эга;  
**иккинчидан**, давлат ва ҳуқуқ ҳақида яхлит билим беради, давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини, тараққиёт босқичлари ва қонуниятларини очиқ беради;

**учинчидан**, давлат ва ҳуқуқ соҳасида тупланган билимлар сифатида «давлат», «ҳуқуқ» ва бошқа категорияларни ифода этади;

**тўртинчидан**, давлат ва ҳуқуқнинг ижтимоий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг иродасига ишонаман//Фидокор, 2000, 8 июль.

ходиса сифатида ривожланишидаги объектив жараёнларни ва тараққиёт қонуниятларини акс эттиради.

Хуллас, давлат ва ҳуқуқ назарияси юридик таълим тизимидаги ўқув фанлари орасида марказий ўрин эгаллайди. Бу фан бўлажак ҳуқуқшуносларда ҳуқуқий тафаккур ва дунёқарашни, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга. **Давлат ва ҳуқуқ назариясини ҳуқуқшунослик алифбоси дейиш мумкин.**

Ушбу «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» китобини тайёрлашда мамлакатимизда ва чет элларда шу вақтга қадар босилиб чиққан ва юридик олий ўқув юртларида қўлланма сифатида фойдаланиб келаётган давлат ва ҳуқуқ назариясига оид дарсликлар атрофлича ўрганилди ва танқидий жиҳатдан таҳлил этилди.

Дарсликни тайёрлаш ва ёзишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарлари, бой тарихий-ҳуқуқий меросимиз методологик асос ва йўлланма бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, илмий ҳуқуқий журналларда ва вақт-ли матбуот саҳифаларида эълон қилинган ушбу мавзуга доир мақола ва рисоалардан ҳам кенг фойдаланилди.

Мавзуларни ёритишда қонун ҳужжатларидан мумкин қадар кенг фойдаланилди.

«Давлат ва ҳуқуқ назарияси» бўйича мазкур китобни ёзишда ҳуқуқшунос олимларимиздан Ш. Ўразаев, О. Эшонов, А. Аъзамхўжаев, Х. Раҳмонқулов, Ҳ. Бобоев, М. Файзиев, З. Исломов, У. Чориёров, Х. Одилқориев, Ж. Тошқулов, Р. Қаюмов, О. Ҳусанов ва бошқаларнинг шу соҳада ёзган китоб, рисола ва илмий мақолаларидан ҳам фойдаланилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айрим мавзуларга оид масалаларни қўйиш ва баён этишда қийинчиликларга дуч келинди. Айниқса, давлат ва ҳуқуқ назариясига оид ўзбекча атамалар шу вақтга қадар тўла ишланмаганлиги туфайли айрим сўз ва ибораларни мумкин қадар уларнинг муқобили билан бирга беришга ҳаракат қилдик.

Ушбу китоб ўзбек тилида илк бор тайёрланганлиги туфайли унда баъзи камчиликлар, нуқсонлар учраши, айрим боб ва мавзулар тўла ёригилмаган бўлиши мумкин. Талабчан китобхонлар ўз мулоҳазаларини билдириб, китобнинг кейинги нашрлари мукамал бўлиб чиқишида муаллифларга ёрдам берадилар, деган умиддамиз.



## БИРИНЧИ ҚИСМ

# ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИГА КИРИШ

---

### 1-боб. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИНING ПРЕДМЕТИ

- 1-§. *Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг предмети.*
- 2-§. *Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг хусусиятлари.*
- 3-§. *Давлат ва ҳуқуқ назариясининг қонунлари ва категориялари.*
- 4-§. *Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг функциялари.*

#### 1-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг предмети

**Фан** — табиат, жамият ва инсон тафаккури тўғрисидаги тушунчаларда, категорияларда, қонунларда акс эттирилган, ҳаққонийлиги амалиётда тасдиқланган билимлар тизимидир. Ҳар бир фан ўзига хос объекти ва унга мос келувчи предмети билан ажралиб туради.

*Фаннинг объекти* — кишиларнинг мақсади, фаолияти, диққат-эътибори қаратилган объектив борлик, моддий ва руҳий дунё, воқелик, мавжудот, воқеа, ҳодиса, жараён, шахс, нарса, буюм ва ҳоказолардир.

*Фаннинг предмети*ни ана шу объектлар ва уларни акс эттиришдан ҳосил бўлган билимларнинг мажмуи ва ўрганиладиган масалалар ташкил қилади.

Ҳар бир фанни ўрганиш, энг аввало, унинг объектини ва предметини аниқлаб олишдан бошланади. Бу эса ўрганилаётган фаннинг бошқа фанлардан фарқини кўрсатади.

Демак, ҳар бир ўқув фанининг предметини аниқлаш учун бу фаннинг умумий фанлар тизимида тутган ўрни, роли ва аҳамиятини, ўрганадиган объектини билиб олиш керак.

Ҳар бир мустақил ўқув фани ўз предмети ва методига эга бўлиши зарур. Ўқув фанининг *предмети* у ўрганадиган масалаларнинг мажмуидир. Ўқув фанининг *методи* ушбу фан мавзулари ўрганиладиган усуллардир.

Барча фанларни, предмети ва методи нуқтаи назаридан, иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга табиат қонуниятларини ўрганувчи математика, физика, биология, химия каби **табiiй фанлар**, иккинчи гуруҳга эса кишилик жамиятининг ривожланиш қонуниятларини ўрганувчи фалсафа, тарих, иқтисодиёт, сиёсатшунослик, адабиёт, ҳуқуқшунослик каби **ижтимоий фанлар** киради.

**Ҳуқуқшунослик фани** — энг муҳим ижтимоий фанлардан бири. Чунки у кишилик жамиятига хос бўлган давлат ва ҳуқуқни яхлит ижтимоий ҳодиса ва воқелик сифатида ўрганади.

Ҳар бир фан объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг у ёки бу томонларини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди.

Мустақил фан бўлмиш давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳам мавжуд воқеликда юз бераётган давлат ва ҳуқуқни ижтимоий ҳодиса сифатида ҳар томонлама ўрганишни ўзининг асосий мақсади деб билади. Демак, мавжуд *воқеликда юз бераётган, давлат ва ҳуқуққа тегишли ҳодиса ҳамда*

*жараёнлар давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг объектини* ташкил этади.

Давлат ва ҳуқуққа тегишли ҳодисалар, жараёнлар турличадир. Булар, *бир томондан*, давлатнинг келиб чиқиш ва ривожланиш қонуниятлари; бир давлатнинг ўрнига бошқа бир давлатнинг вужудга келиши; давлат ҳокимияти ва уни амалга ошириш; давлат аппарати ишларини ташкил этиш; давлат бошқаруви; давлатнинг ички ва ташқи сиёсати; давлатнинг жамоат ташкилотлари, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар билан муносабатлари; давлатлар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатлар; *иккинчи томондан*, ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши; давлат, шахс, жамоалар ўртасида бўладиган ҳуқуқий муносабатлар; қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот; юридик шахс, жисмоний шахс, жиноятчилик, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар, юридик масъулият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарбия ва ҳ.к.

Давлат ва ҳуқуққа оид ҳодисалар, жараёнлар хилма-хил ва кўп қирралидир. Бироқ, уларнинг барчасига хос бўлган умумий, муҳим, такрорланувчан, узвий боғланишда бўлган томонлари ва жиҳатлари ҳам мавжуддир. Ана шу жиҳат ва томонларни билиш мавжуд воқелик тўғрисида инсон онгида давлат ва ҳуқуқ ҳақида яхлит тасаввурларни келтириб чиқаради, ушбу воқеликнинг умумий қонуниятларини очиш ва шу асосда уни бошқариш имкониятини яратади.

Юқори малакали ҳуқуқшунос бўлиш учун, авваламбор, давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги асосий тушунчаларни, таълимотларни билиш зарур. Давлат ва ҳуқуқ ҳуқуқшунослик фанининг турли соҳаларида ўрганилади.

*Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳуқуқшунослик фанлари тизимида марказий ўрин эгаллайди. Бу фан ҳуқуқшунослик фанларининг методологик пойдеворини ташкил этади.*

Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқнинг назарий муаммоларини ўрганади. Шу ўринда «**назария**» сўзининг маъноси нима, деган табиий савол туғилади. **Назария** — *жамият тараққиёти қонуниятларини мужсасамлаштирган амалиётнинг мантиқан илмий умумлаштирилишидир.*

Назария ва амалиёт — ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳодисалар. Назария бамисоли амалиётнинг йўлини ёритиб турувчи кучли миёқ бўлиб, амалиёт билан узвий боғланган, амалиётга хизмат қилади ҳамда амалиётдан келиб чиқади. Амалиётсиз назария — «чўлоқ», назариясиз амалиёт «кўр»дир.

Ижтимоий фанларнинг муҳим таркибий қисми бўлган, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳам амалиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳуқуқий амалиёт тараққиётининг йўналишларини белгилаб беради. У ҳуқуқий амалиёт хулосалари ва тажрибаларининг мантиқан умумлашмаси, синтезидир.

**Давлат ва ҳуқуқ назарияси** ҳуқуқий амалиёт қонуниятларини ақс эттирувчи тажрибани мантиқан умумлаштиради, улар тараққиётининг асосий тамойилларини аниқлаб беради. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳуқуқий амалиёт билан узвий боғланган бўлиб, амалиётга хизмат қилади ва амалиётдан келиб чиқади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳаёт тарихий тараққиёт жараёнида илгари сурган вазифалар негизида ўз хулоса ва таклифларига аниқликлар киритади, уларни бойитади ва ривожлантиради. Давлат ва ҳуқуқ ҳар бир жамият ижтимоий тараққиётининг муҳим кўрсаткичидир. Демократик

ҳуқуқий давлатни шакллантиришда шахс, давлат ва жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади.

**Давлат ва ҳуқуқ назарияси** — давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг умумий қонунлари ҳақидаги фан бўлиб, унинг предметини давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, келиб чиқиши, ривожланиш принциплари ва қонуниятлари ташкил этади.

Ҳар бир жамиятдаги демократик ўзгаришлар ва ислоҳотлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Бу жараёнларга жаҳон, давлат ва ҳуқуқ тараққиёти талаблари, андазалари ва тамойиллари нуқтаи назаридан қараш зарур. Бу, *бир томондан*, Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг йўналишлари ва мезонлари, қадриятлари ва мақсадларини аниқ белгилашга ёрдам берса, *иккинчи томондан* мамлакатимизда давлат ва ҳуқуқ қачон пайдо бўлган, қандай ривожланган, қаёққа қараб кетяпти, унинг ўзига хос жиҳатлари, ривожланишининг шакл ва кўринишлари қандай, мезонлари борми ёки дунёдаги мавжуд ҳуқуқий тараққиёт ўзанидан кетяптими, деган саволларга жавоб топиш имконини беради. Ана шу муаммолар давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг асосий масалаларини ташкил этади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуққа тегишли ҳодиса ва жараёнларининг муҳим, зарурий, умумий томонларини ўрганган ҳолда жамият тараққиётининг объектив қонуниятларини тushунтириб бериш, унинг ижтимоий-сиёсий мақсадларини белгилаш ва мавжуд ижтимоий муносабатларни давлат ва ҳуқуқ йўли билан бошқариш механизмларини очиш, уларнинг ривожланиш истиқболларини кўрсатиб бериш билан шуғулланади. Шундай қилиб, давлат ва ҳуқуқ назарияси фанига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Давлат ва ҳуқуқ назарияси — ижтимоий ҳодиса бўлмиш давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва фаолият кўрсатишининг умумий қонуниятларини ўрганувчи фандир.

## 2-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг хусусиятлари

Давлат ва ҳуқуқ назарияси бошқа фанлардан қуйидаги асосий хусусиятлари билан ажралиб туради.

*Биринчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси — *ижтимоий фан*, чунки унинг ўрганадиган соҳаси муҳим ижтимоий ҳодисалар бўлмиш давлат ва ҳуқуқдир. Бундан ташқари, давлат ва ҳуқуқ назарияси бошқа ижтимоий фанлардан фарқли равишда, бевосита давлат ва ҳуқуққа, ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий руҳият (психология)га оид масалаларни яхлит тизим сифатида ўрганади.

*Иккинчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси — *назарий фан*, зеро у давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг умумий қонуниятларини очиб беради. Бинобарин, у давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши қонуниятларини назарий жиҳатдан умумлаштиради, ҳуқуқшунослик фанининг асосий тушунчалари ва қоидаларини, яъни категориялари ва принципларини ишлаб чиқади.

*Учинчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси — *фалсафий хусусиятга эга бўлган фан*, чунки у давлат ва ҳуқуқнинг қонуниятларини ёритиш билан бирга, фалсафанинг шахс ва жамият, давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги умумий қонунларини ҳам очиб беради.

*Тўртинчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси — *методологик фан*. У ҳуқуқшунослик фанининг барча соҳаларини умумий ҳуқуқий методология билан қуроллантиради. Давлат ва ҳуқуқ назарияси

фани ишлаб чиққан илмий хулоса ва амалий таклифлар барча ҳуқуқ соҳаларини ўрганишда методологик аҳамиятга эга.

*Бешинчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси — *амалиётга йўналтирилган фан*, чунки у демократик ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда назарий асос бўлиб хизмат қилади, демократик ҳуқуқий давлатни, миллий ҳуқуқий тизимни шакллантиришда амалий аҳамиятга эга. Давлат ва ҳуқуқ назариясини шунчаки билиш билан чекланмасдан, балки уни амалиётга татбиқ этиш ҳам зарур. Назарий ҳуқуқий қоидалар ва уларни амалда тўғри қўллаш демократик давлат қуришнинг муҳим шартидир.

*Олтинчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси — *ўқув-тарбиявий аҳамиятга молик фан*, чунки у кишиларнинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги тасаввурларини, билимларини кенгайтиради, уларда ҳуқуқий тафаккурни, ҳуқуқий дунёқарашни таркиб топтиришга, давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, ривожланиши ва истиқболларини тушуниб олишга ёрдам беради.

### **3-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг қонунлари ва категориялари**

Ҳар бир фаннинг ўз қонунлари ва категориялари бор. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ҳам давлат ва ҳуқуққа оид ҳодиса, воқеа, жараёнларни ўзида акс эттирувчи, уларнинг туб моҳиятини ва аҳамиятини очиб берувчи қонунлари, категориялари мавжуд.

*Давлат ва ҳуқуқ назариясининг қонунлари деб*, давлат ва ҳуқуқ ҳодисалари, жараёнларининг муҳим, зарурий, умумий, нисбатан барқарор бўлган, ривожланиш хусусияти ва йўналишларини белгилайдиган, аниқ бир натижаларни келтириб чиқаришга мойиллик туғдирадиган муносабатлар мажмуига айтилади.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг қонунлари давлат ва ҳуқуққа тегишли ҳодиса ва жараёнларнинг барчасини эмас, балки уларнинг ўзига хос томонларини акс эттиради. Булар қуйидагилар:

— кишилар онги ва иродасига боғлиқ бўлмаган объектив, муҳим, барқарор боғланишлар;

— сабаб оқибат боғланишларидан келиб чиқувчи, бир бирини тақозо этувчи, ўзаро таъсир қилувчи сабабий, зарурий алоқадорликлар;

— ички имкониятдан, моҳиятдан келиб чиққан ҳолда, давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш хусусияти ва йўналишларини белгилаб берувчи томонлар;

— муайян шарт-шароитлар мавжуд бўлганда маълум бир натижаларни келтириб чиқарувчи муносабатларни очиб берувчи хусусиятлар.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси қонунлари туркумига қуйидагилар киради.

*Биринчиси* — давлат ва ҳокимиятнинг ўзаро боғлиқлиги, бирлиги, ҳокимиятнинг давлат моҳиятини белгилаши қонуни.

*Иккинчиси* — давлат ва ҳуқуқнинг узвий алоқадорлиги, ҳуқуқнинг давлатдаги мувозанатни сақлаш қонуни.

*Учинчиси* — давлат, ҳуқуқ ва иқтисодиётнинг ўзаро алоқадорлиги қонуни.

*Тўртинчиси* — давлат, ҳуқуқ ва сиёсатнинг ўзаро бирлиги, сиёсатнинг давлат фаолияти йўналишини белгилашдаги фаоллиги қонуни.

*Бешинчиси* — давлат, ҳуқуқ ва маданиятнинг ўзаро алоқадорлиги, маданиятнинг давлат етуклиги даражасининг мезонини белгилаши қонуни.

*Давлат ва ҳуқуқ назариясининг категориялари*<sup>1</sup> деб давлат ва ҳуқуққа оид объектив мавжуд бўлган

<sup>1</sup> «Категория» грекча сўз бўлиб, «гувоҳ», «таъриф», «ифода-ловчи» деган маънони билдиради.



ходиса, воқеа, жараёнларнинг асосий хусусиятларини ва қонуниятларини акс эттирадиган ва муайян даврнинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги илмий-назарий тафаккури хусусиятини белгилаб берадиган умумий тушунчаларга айтилади.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг категорияларига «давлат», «ҳокимият», «давлатнинг моҳияти», «давлатнинг шакли», «давлатнинг функциялари», «давлат механизми», «демократия», «давлат органи», «монархия», «республика», «федерация», «конфедерация», «парламент», «сиёсат», «сиёсий тизим», «ҳуқуқий давлат», «фуқаролик жамияти», «суверенитет», «ҳуқуқ», «ҳуқуқий тизим», «ҳуқуқ нормаси», «қонунийлик», «ҳуқуқий тартибот» каби бир қатор тушунчалар киради.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг категориялари ўз манбаи, табиати жиҳатидан — онтологик<sup>1</sup>, билиш шаклига кўра — гносеологик<sup>2</sup>, ижодий хусусияти бўйича — методологик<sup>3</sup> мазмунга эга. Бу категориялар давлат ва ҳуқуққа тегишли ҳодиса, воқеа, жараёнларнинг моҳиятини очиб беришга ҳамда давлат ва ҳуқуқ назариясини бошқа ижтимоий фанлардан фарқлашга хизмат қилади.

#### **4-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг функциялари**

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани ўз олдига қўйган мақсадларини адо этиш учун қуйидаги асосий функцияларни<sup>4</sup> бажаради.

<sup>1</sup> «Онтология» грекча сўз бўлиб, «борлик» ва «таълимот» сўзларидан келиб чиққан, яъни «борлик тўғрисидаги таълимот» деган маънони англатади.

<sup>2</sup> «Гносеология» грекча сўз бўлиб, «билиш» ва «таълимот», яъни «билиш тўғрисидаги таълимот» деганидир.

<sup>3</sup> «Методология» грекча сўз бўлиб, «билиш йўли, усули ҳақидаги таълимот» деган маънони англатади.

<sup>4</sup> «Функция» латинча сўз бўлиб, «бажариш», «юзага чиқариш», «вазифа» деган маъноларни англатади.

*Биринчиси* — давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг *эвристик*<sup>1</sup> *функцияси*. Давлат ва ҳуқуқ назарияси объектив воқелик — давлат ва ҳуқуқни ҳар томонлама билиб олишнинг мантиқий усуллари ва методик қоидалари тизимига эга. Бу функция давлат ва ҳуқуқни изоҳлаш, тушунтириш, давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини шарҳлаш билангина эмас, балки бу ҳодисаларнинг моҳиятини очиш орқали янги-янги қонуниятларини топиш билан ҳам шуғулланади. Мана шу эвристика функциясидир. Эвристика — ҳақиқатни топиш санъати ҳисобланади. Шунга кўра, давлат ва ҳуқуқ назарияси реал воқелик — Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқининг янги-янги қирраларини топиш санъати вазифасини бажаради.

*Иккинчиси* — давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг *методологик функцияси*. Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқ жараёнларини ўрганиш воситалари бўлган қонунлар, категориялар ва тушунчаларни илмий жиҳатдан ишлаб чиқади. Ишлаб чиқилган бу илмий тушунчалар, таърифлар, қоидалар, принциплар бошқа махсус ва амалий юридик фанлар учун йўриқнома вазифасини ўтайди. Шунга кўра, давлат ва ҳуқуқ назарияси бошқа ҳуқуқий фанлар учун методологик функцияни бажаради.

*Учинчиси* — давлат ва ҳуқуқ назариясининг *сиёсий функцияси*. Давлат ва ҳуқуқ доимо сиёсатнинг объекти бўлиб келган. Сиёсатнинг асосий мақсади эса ҳамisha давлат ҳокимиятини эгаллаш, шу орқали жамиятни бошқаришни ташкил этишдан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам сиёсатни — давлатни бошқариш санъати деб ҳам аташади. Шу маънода давлат ва ҳуқуқ назарияси

<sup>1</sup> «Эвристика» грекча сўз бўлиб «топаман» деган маънони англатади.

Ўзбекистондаги давлат ҳокимияти ва бошқа сиёсий ташкилотларни ўз ичига олувчи сиёсий ҳокимиятни амалга оширишни ташкил этишга кўмаклашади. Бу давлат ва ҳуқуқ назариясининг сиёсий функциясидир.

*Тўртинчиси* — давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг *амалий функцияси*. Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқ ҳодисалари, институтлари тўғрисидаги билимларни амалда қўллаш вазифасини ҳам бажаради. У Ўзбекистон давлати фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, тинч-тотув яшашларини таъминлаш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини барқарорлаштириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқади.

*Бешинчиси* — давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг *илмий башорат қилиш функцияси*. Илмий башорат — мавжуд воқеликнинг объектив қонунларини билиш асосида, келажакда юз берадиган ёки юз бериши мумкин бўлган воқеа, жараён ва ҳодисаларни олдиндан кўра билиш, айтиб беришдир. Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг объектив қонуниятларини ўрганиш асосида уларнинг келажакдаги тақдири тўғрисида илмий башорат қилиш функциясини ҳам бажаради.

*Олтинчиси* — давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг *дунёқарашни шакллантириш функцияси*. Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуққа оид ҳар бир ҳодиса, воқеа, жараёнларнинг юзага келиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиб, одамларнинг ақл-заковатини ўстириш асосида давлат ва ҳуқуқ тараққиёти тўғрисидаги қарашларнинг яхлит илмий манзарасини яратади. Бу ушбу назариянинг дунёқарашни шакллантириш функциясидир.

*Еттинчиси* — давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг *гоявий-тарбиявий функцияси*. Давлат ва ҳуқуқ назарияси миллатимизнинг истиқлол туфайли ўсиб бораётган ўзини ўзи англаш, билиш эҳтиёжларини қондиришга, давлатимизни жаҳон давлатлари билан қиёслаб ўрганиш асосида миллий онгимизни ўстиришга, янгича миллий ғурур ва туйғуни шакллантиришга хизмат қилади. Бу унинг гоявий-тарбиявий функциясидир. Ушбу функция, шунингдек, миллий мафкурамизнинг ҳуқуқий асоси бўлган — Конституция ва қонунларнинг устунлигини, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглиги қоидаларига оғишмай амал қилишни, миллатимизни умуминсоний қадриятларнинг энг яхши анъаналарига содиқ ҳолда тарбиялашни ҳам ўз ичига олади.

## **2-боб. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИНING МЕТОДОЛОГИЯСИ**

1-§. *Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг методлари.*

2-§. *Давлат ва ҳуқуқ назариясининг принциплари.*

3-§. *Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг методологияси.*

### **1-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг методлари**

Ҳар қандай ўқув фани муайян методларга, усулларга, яъни ўрганилаётган ҳодисаларни англаш воситаларига эга. Бундай методлар икки гуруҳга бўлинади: *биринчиси* барча ўқув фанларига хос бўлган *умумий* методлар бўлиб, улар табиат, жамият ва тафаккурнинг энг умумий қонуниятларини билиш ва улардан фойдаланишга асосланади; *иккинчиси* махсус методлар бўлиб, уларга

системали ёндашув, тарихий, қиёсий, социологик ва бошқа методлар киради.

**Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг методлари** давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг қонуниятлари, ҳозирги аҳволи ва моҳияти ҳақида билим олишга ёрдам берувчи усул ва воситалар бирлигидан иборат.

Жаҳонда рўй бераётган барча жараёнлар «инсон мезони» орқали баҳоланади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг **методологик асосларини, биринчидан**, давлат ва ҳуқуқ масаласига, инсонийлик нуқтаи назаридан ёндашиш, инсонга барча нарсаларнинг ўлчови сифатида қараш; **иккинчидан**, шахсга давлат машинасининг бир мурвати сифатида қарашга асосланган мустабид тушунчадан воз кечиб, шахсни фаол ижтимоий субъект сифатида қабул қилиш ташкил этади.

**Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг методлари** давлат ва ҳуқуқни ўрганиш усулларидир. Ҳар қандай фандаги каби, давлат ва ҳуқуқ назариясида ҳам турли ёндашувлар, ҳар хил қарашлар мавжуд. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг методлари давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, турли жиҳатлари ва хусусиятларини, ривожланиш қонуниятлари ва принципларини ўрганишга имкон беради.

**Давлат ва ҳуқуқ назариясининг методлари** давлат ва ҳуқуқнинг турли соҳалари ва жиҳатларини **очиқ беришга ёрдам беради**. Улар давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги билимларни ўрганиш, тўплаш ва умумлаштириш калитидир.

**Давлат ва ҳуқуқ назариясининг методлари** давлат ва ҳуқуқни бошқа ижтимоий ҳодисалар билан узвий алоқадорликда, ҳаракатда, миқдорий ва сифат ўзгаришида ўрганишни тақозо этади.

Давлат ва ҳуқуқ мавҳум эмас, балки реал ҳодисалардир. Шу боис улар муайян вазият, муайян, вақт, муайян жамият билан алоқадорликда ўрганилиши лозим. Бинобарин, давлат ва ҳуқуқни тушуниш учун улар шаклланган шароитларни, мавжуд бўлган тарихий даврнинг хусусиятларини билиш ва эътиборга олиш керак.

**Давлат ва ҳуқуқ назариясининг методлари** давлат ва ҳуқуқнинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини билишга кўмаклашади; давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти ва вазифаларига, функциялари ва тараққиёт тамойилларига илмий ёндашиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

*Давлат ва ҳуқуқ ҳодисалари, воқеалари, жараёнлари тўғрисидаги билимларни эгаллашда қўлланадиган назарий тадқиқотлар ва амалий ҳаракат қилиш усуллари ва йўлларининг йиғиндисига давлат ва ҳуқуқ назариясининг илмий ўрганиш методлари<sup>1</sup> дейилади.*

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг методлари хилма-хил бўлиб, уларни уч асосий гуруҳга (Энг умумий методлар, умумий илмий методлар, хусусий илмий методлар) бўлиш мумкин.

**Энг умумий методлар** — ҳар томонлама фикр юритишнинг асосий қонун-қоидаларини ўзида ифодалайдиган дунёқараш шаклидаги усуллардир. Уларга *метафизика* ва *диалектик* методлар киради.

**Метафизика<sup>2</sup> методи** билан иш кўрувчилар давлат ва ҳуқуқ илгаридан мавжуд бўлган, бундан кейин ҳам бўлади, у абадий ва ўзгармасдир, ҳеч

<sup>1</sup> «Метод» грекча сўз бўлиб, айнан «бирон нарсага бориш нули» демакдир.

<sup>2</sup> «Метафизика» грекча сўз бўлиб, айнан маъноси «физика кетидан келадиган нарса» дегани бўлиб, ҳозирги кунда фанда «қотиб қолган фикр юритиш усули» маъносида ишлатилади.

қандай бошқа ижтимоий ҳодисалар билан ички боғланишда эмас, ривожланишда эмас, қандай бўлса шундайлигича сақланиб қолади деб фикр юритадилар.

Диалектика методи билан иш кўрувчиларнинг бирлари — давлат ва ҳуқуқ парвардигори олам — Оллоҳнинг илоҳий кучи ила пайдо бўлган ва шу асосда ривожланади (**объектив идеализм**);

иккинчилари — давлат ва ҳуқуқ инсонлар онгининг; яъни уларнинг руҳияти, ҳис-туйғулари, сезгиларининг маҳсули (**субъектив идеализм**);

учинчилари — давлат ва ҳуқуқ муайян сабабларга кўра вужудга келган ва шу асосда ривожланади (**объектив материализм**);

тўртинчилари — давлат ва ҳуқуқ жўғрофий муҳитнинг, этник ва миллий хусусиятларнинг маҳсули (**жўғрофий детерминизм**) деб фикр юритадилар.

Метафизика, идеалистик ва материалистик диалектика методлари давлат ва ҳуқуқ воқеа-ҳодисалари жараёнларининг туб моҳиятини очиб беролмайдиган тадқиқот усулидир. Чунки давлат ва ҳуқуқ соҳасида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни қотиб қолган, бир-биридан ажралган ўзаро, боғланмаган ҳолда кўриш ёки фақат Тангри-таоло иродасига боғлаб қўйиш, уни ўрганмасдан, ўзгартирмасдан, қўл қовуштириб ўтириш ёки ҳаммаси фақат моддий асосларнинг маҳсули деб, маънавийт омилларини назардан қочириш бизнинг билиш усулларимизга, методологиямизга мос келмайди.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг энг умумий методини — *илмий диалектика* ташкил қилади. Бу метод қуйидагиларни тақозо этади:

*биринчидан*, давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги ҳар бир жараёнда моддий ва маънавий асосларнинг бор-

лигини, инсон тафаккури уларни ҳар томонлама тўлиқ қамраб олишини эътироф этиш;

*иккинчидан*, ҳеч бир давлат ёки ҳуқуқнинг, уларда юз бераётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг сабабсиз содир бўлмаслигини, улар ўзаро алоқадорликда ва ривожланишда эканлигини, эскилари йўқолиб, уларнинг ўрнига янгилари келишини тан олган ҳолда уларни ҳамма вақт тараққиётда ва ҳаракатда олиб қараш;

*учинчидан*, ҳар қандай давлат ва ҳуқуқда юз бераётган воқеа, ҳодиса, жараёнларни билишга бутун инсоният амалий фаолиятини жалб қилиш;

*тўртинчидан*, давлат ва ҳуқуққа оид воқеа-ҳодисаларни билиш жараёнида эгалланадиган, ҳақиқатлар объектив, бир вақтнинг ўзида нисбий ва мутлақ хусусиятга эга бўлиб, мавҳум эмас, балки аниқ шаклда мавжуд бўлишини тан олиши ва шу асосда иш юритиш.

Шунинг учун ҳам ушбу метод давлат ва ҳуқуқ назариясининг энг умумий методинигина эмас, балки методологик асосларидан бирини ҳам ташкил қилади.

**Умумий илмий методлар.** Улар энг умумий методлардан фарқли равишда, давлат ва ҳуқуқда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни билишнинг маълум босқичларида қўлланиладиган усуллардир. Уларга анализ ва синтез, системали ва функционал ёндашув каби методлар киради.

**Анализ<sup>1</sup> методи** — давлат ва ҳуқуқда юз берган воқеа, ҳодиса, жараёнларни таркибий қисмларга, томонларга фикран ажратиш, бу таркибий қисмларнинг мазкур ҳодисадаги, воқеадаги, жараёндаги ўрнини белгилаш, умумийларини хусу-

<sup>1</sup> «Анализ» — грекча сўз бўлиб, «ажратиш, бўлиш» деган маънони англатади.



сийларидан, зарурийларини тасодифийларидан, муҳим, асосий, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганларини муҳим бўлмаган, иккинчи даражалиларидан ажратиш, шу орқали уларнинг моҳиятини муҳим объектив боғланишларини очишга асосланган тадқиқот усулидир.

**Синтез<sup>1</sup> методи** — давлат ва ҳуқуқда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг қисмларини, томонларини фикран бирлаштириш асосида янги билимларга, яъни янгиликка эга бўлишдир.

Анализ ва синтез узвий бирликда бўлиб, умум илмий билишдаги аналитик-синтетик усулнинг ўзаро таъсир қилувчи жиҳатларидир. Масалан, Ўзбекистон давлатини ижтимоий ҳодиса сифатида фикран анализ қиладиган бўлсак, уни, энг аввало ҳокимият, фуқаро, ҳудудлар каби таркибий қисмларга бўламиз ва уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўрганамиз. Айни вақтда анализдан олинган билимларни фикран қайта бирлаштирадиган бўлсак, яъни синтез қилсак, Ўзбекистон суверен демократик республика эканлигини кўрсатувчи янги билимга эга бўламиз.

**Анализ ва синтез методлари** давлат ва ҳуқуқни ўрганишда оқилона, тўғри хулоса чиқаришга имкон беради. Улар илмий билишнинг мавҳум шакли бўлиб, давлат ва ҳуқуқни мантиқий ўрганишнинг усул ва воситаларини ифодалайди ҳамда тафаккур шакллариغا, мантиқ қонунларига асосланади. Давлат ва ҳуқуқни ўрганишда, қонунчилик жараёнида мантиқий усуллардан самарали фойдаланиш қонун ҳужжатларида зиддиятларнинг олдини олиш имконини беради.

<sup>1</sup> «Синтез» грекча сўз бўлиб, «қўшиш, бирлаштириш» деганидир.

**Системали<sup>1</sup> метод** — давлат ва ҳуқуқда юз берётган воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг «горизонтал» ва «вертикал» йўналишлари яхлитлигини, яъни уларнинг ўзаро боғланган ва яхлитликни ташкил этувчи барча унсурларини бирликда ўрганишдир. Масалан, Ўзбекистон давлатидаги ҳокимият ҳодисасига системали ёндашадиган бўлсак, унинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан ташкил топганлигини, айтиш мумкин, давлат ва ҳуқуқнинг ҳар бири бошқа шахслар, ижтимоий гуруҳлар, партиялар, миллатлар билан турлича алоқада эканлигини, улар ўртасида бир қадар яхлитлик борлигини кўрамиз. Аниқланган мазкур яхлитлик, шубҳасиз, системали ёндашувнинг маҳсулидир.

**Системали метод** давлат ва ҳуқуқни ҳар томонлама ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бу метод, давлат ва ҳуқуқни турли ижтимоий ҳодисалар тизимида ўзаро боғлиқликда ўрганиш учун имконият яратди. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани давлат ва ҳуқуқ масаласига системали ёндашишнинг ҳисобга олган ҳолда илмий холислик — объективлик, тарихийлик принциплари асосига қурилади.

**Функционал<sup>2</sup> метод** — давлат ва ҳуқуққа оид воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг вазифаларини аниқлаш орқали улар ўртасидаги муносабатларни тушунтиришдир. Масалан, биз ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига ажратар эканмиз, энг аввало, уларнинг ҳар бирининг функцияларини аниқлаб оламиз, шундан кейин улар ўртасидаги муносабатларни ту-

<sup>1</sup> «Система» — грекча сўз бўлиб, «қисмлардан таркиб топган мажмуа» деган маънони англатади.

<sup>2</sup> «Функция» латинча сўз бўлиб «бажариш, юзага чиқариш» деган маънони англатади.

шуниб олишга ўтамиз. Бундай усул — функционал ёндашув ҳисобланади.

**Хусусий илмий методлар.** Табиий, ижтимоий, техникавий фанларнинг тараққиёти натижасида келиб чиқаётган янги илмий методларни давлат ва ҳуқуққа тегишли воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда қўллаш катта фойда беради. Бу гуруҳга социологик, статистик, кибернетик, қиёсий ва бошқа методлар киради.

**Социологик метод** — сўров, анкеталаштириш, кузатувлар олиб бориш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, керакли ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида давлат ва ҳуқуққа оид воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишнинг илмий усуллари-дан бири ҳисобланади. Ана шу усулларни қўллаш натижасида давлат ва ҳуқуқ тўғрисида аниқ маълумотлар олинади. Олинган маълумотлар давлат ишларини бошқариш, ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш, янги ишларни режалаштириш, уларнинг ривожланиш йўналишларини белгилаш учун кенг имкониятлар яратади. Бу усул демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий ислоҳотлар ва амалий тадбирларнинг самарадорлигини аниқлашда ёрдам беради.

**Статистик<sup>1</sup> метод** — давлат ва ҳуқуқ институтлари тўғрисидаги математик ҳисоб-китоблар ёрдамида миқдорий маълумотларни олишга қаратилган илмий усуллардан биридир. Бу усул, олинган миқдорий маълумотларни умумлаштириш асосида давлат ва ҳуқуқни ривожлантиришнинг миқдорий йўналишларини белгилаб олишга хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> «Статистика» — лотинча сўз бўлиб, «ҳисоб-китоб» деган маънони аниқлатади.

**Кибернетик<sup>1</sup> метод** — ҳозирги замон кибернетик техника воситаларининг тушунчалари, қонунларининг тизими ёрдамида давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини ўрганиш усули ҳисобланади. Масалан, ЭҲҚ (электрон ҳисоблаш қурилмалари) ёрдамида давлат ва ҳуқуқ функцияларидан биронтасининг модели тузиб чиқилади ва ана шу модель асосиданинг бундан 10—20 йил кейинги ҳолати қандай бўлиши ўрганилади.

**Кибернетик метод**, математика ва статистика методларини қўллаган ҳолда ҳуқуқий статистика ва ахборотни компьютерлар ёрдамида қайта иш-лашга, турли хил техника воситаларидан фойдаланишга давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги ахборотқидирув тизимини яратишга ёрдам беради.

**Қиёслаш методи** — муайян давлат ва ҳуқуқни бошқа жойдаги, бошқа шаклдаги давлат ва ҳуқуқ билан фикран таққослаш асосида маълумотлар олиш, улардан илмий хулосалар чиқариш, янги билим ҳосил қилиш усули ҳисобланади.

**Ушбу метод** турли давлатлар ва ҳуқуқий тизимларнинг умумий ва ўзига хос томонларини билиш ҳамда ана шу асосда давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг қонуниятларини очишга, давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги ҳодисалар ва жараёнларни ўзаро солиштириш асосида улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашга имкон беради.

Давлат ва ҳуқуқни ўрганишда яна *тарихийлик*, *мантиқий* ва бошқа методлардан ҳам фойдаланилади.

Шундай қилиб, *давлат ва ҳуқуқ назариясининг методлари* давлат ва ҳуқуққа тегишли воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни билишга, уларнинг қону-

<sup>1</sup> «Кибернетика» грекча сўз бўлиб, «бошқариш санъати» деган маънони билдиради.

ниятларини очишга қаратилган умумфалсафий, умуммиллий, хусусий-илмий усуллар, йўллар, қоидалар ва воситалар тизимидир. Улардан амалда фойдаланиш олиб борилаётган тадқиқотнинг предмети ва вазифаларига боғлиқдир.

## 2-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг принциплари

Давлат ва **ҳуқуқ** назарияси ўзининг принципларига<sup>1</sup>, яъни давлат ва ҳуқуққа оид воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда риюя қиладиган асосий қонун-қоидаларига эга. Бу асосий қонун-қоидаларга объективлик, тарихийлик, мантиқийлик, ижтимоий ёндашув, миллий ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш киради.

**Объективлик принципи** — давлат ва ҳуқуққа тегишли воқеа-ҳодиса ва жараёнларнинг вужудга келиши ва ривожланишини (ҳеч бир шахс ёки индивиднинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмаслигини таъкидлаб) ҳолисона, ҳеч қандай ўзгартиришларсиз, аниқ ҳужжатлар, ишончли далиллар асосида барча қирраларини, қарама-қарши, салбий ва ижобий томонларини ҳисобга олган ҳолда яхлит ҳодиса сифатида ўрганишни тақозо этади.

**Тарихийлик принципи** — муайян, давлат ва ҳуқуқ билан уларнинг тафаккурдаги инъикоси ўртасидаги нисбатни ифодалайдиган қоидалардир. Бунда тарихийлик — давлат ва ҳуқуқнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни, яъни воқеликда рўй берган реал тарихдир. *Мантиқийлик принципи* эса, ривожланган ва ривожланаётган давлат ва ҳуқуқнинг барча муҳим қонуний алоқа ва муносабатларини назарий жиҳатдан акс этти-

<sup>1</sup> «Принцип» — латинча сўз бўлиб, «асосий қонун-қоида, нуқтаи назар» деган маъноларни англатади.

ришдир. Ушбу принцип давлат ва ҳуқуқнинг ўзаро таъсирини таҳлил қилиш орқали тарихийликни фикран қайта ҳосил қилишни англатади. Мантиқийлик тарихийликни тушуниш калитидир.

Тарихийлик ва мантиқийлик узвий бирликда бўлган тушунчалар бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради. Тарихийлик ва мантиқийликни алоҳида-алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, улар билишнинг асосий методларидан эканлигига амин бўламиз. Бунда *мантиқий метод* — давлат ва ҳуқуқ объектининг моҳиятини, асосий мазмунини назарий шаклда, абстракциялар, мантиқ қонуниятлари асосида ўрганади. У оқилона ва изчил ҳулоса чиқаришни назарда тутаяди. *Тарихий метод* — давлат ва ҳуқуқнинг тарихий ривожланишдаги турли босқичларини хронологик изчилликда ўрганишни тақозо қилади.

**Ижтимоий ёндашув принципи** — давлат ва ҳуқуққа тегишли воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишга моддий неъматларни ишлаб чиқариш жараёнида жамиятда вужудга келган барча гуруҳлар, партиялар, ижтимоий қатламларнинг манфаатларини ифодаловчи миллий мафкура талабларига мос равишда ёндашиш қоидасидир.

**Миллий ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш принципи** — ҳар бир миллат тенг ҳуқуқли бўлиб, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга, деган қоидага асосланган. У давлат ва ҳуқуқнинг институтларини ўрганишда, уларни бошқаришда ҳар бир миллат ва элатнинг дини, тили, руҳияти, урф-одати, расм-русумлари, маросимларини тўлиғича ҳисобга олишни ва шу асосда иш юритишни назарда тутаяди.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг принципларини унинг методларига қарама-қарши қўйиш,

улардан ажратиш мумкин эмас. Улар бир-бирларини тўлдиради, бир жойда метод шаклида, иккинчи жойда принцип тарзида амал қилади.

### 3-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг методологияси

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг умумий асосини, яъни методологиясини қуйидагилар ташкил этади:

*биринчидан*, давлат ва ҳуқуққа оид умуминсоний қадриятлар ва халқаро андозалар;

*иккинчидан*, давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги Шарқ таълимоти;

*учинчидан*, миллий ҳуқуқий мафкура;

*тўртинчидан*, ҳуқуқий мерос ва тажриба.

**Давлат ва ҳуқуққа оид умуминсоний қадриятлар ва халқаро андозалар.** Демократик ҳуқуқий давлат, энг аввало, умуминсоний қадриятларга, умумжаҳон цивилизацияси ютуқларига, бу соҳада бошқа халқлар эришган тажрибаларга, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормаларига асосланади.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг халқаро миқёсда эътироф этилган принциплари бор. Тенглик, эркинлик, биродарлик, халқаро ва миллатлараро дўстлик, инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўнчиликка бўйсунishi, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, асосий давлат идораларининг сайлаб қўйилиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериб туриши, давлат ва жамият бошқарувида қонуннинг устунлиги, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат идораларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва

бошқалар давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги умуминсоний қадриятлар жумласига киради<sup>1</sup>.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро андазалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унга қўшимча факультатив протоколлар ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий ғоя ва қоидаларини ўзида мужассамлаштирган. Қомусимиз тарихда синалган умуминсоний қадриятларни ўзида акс эттирган, энг ривожланган, тараққий этган давлатларнинг ҳуқуқий тажрибасини умумлаштирган.

Жаҳоннинг маърифати ривожланган мамлакатлари эътироф этган ҳуқуқий давлат ва давлат суверенитети, демократия ва халқаро ҳуқуқнинг устунлиги каби умумбашарий қадриятлар Ўзбекистон давлатининг манфаатларига, ўзбек халқининг ўзига хослигига, унинг миллий анъана ва урф-одатларига тўла-тўқис мос келади. Ўзбекистонда ҳуқуқий маданият Конституция ва қонунлар билангина эмас, балки халқнинг ўз онги, унинг маънавий-ахлоқий дунёқараши ва ҳуқуқий тажрибаси, меҳр-шафқати билан мустаҳкамланади. «*Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир*»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: *И. А. Каримов*. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.— Ўзбекистон, 1996. Т. 3.—8 бет.

<sup>2</sup> *И. А. Каримов*. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсий мафкура.— Т.: Ўзбекистон, 1993.— 74-бет.



## Давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги Шарқ таълимоти.

Давлат ва ҳуқуқ ўз объектив қонуниятлари асосида ривожланади. Шарқда давлат ва ҳуқуқ ҳамда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шарқда давлат ва ҳуқуқ ҳамда демократик жараёнлар узвий равишда, аста-секин тараққий этган ва ривожланиб келмоқда. Бу ерда «давлат», «ҳуқуқ» ва «демократия» тушунчалари ҳамжиҳатлик гоёси, жамоатчилик фикрининг устунлиги заминидан шаклланади.

Ғарбда эса давлат ва ҳуқуқ индивидуализм фалсафасига таянади. Бу эса оммавий онгнинг ҳаддан ташқари сиёсийлашувига олиб келади. Шарқда ахлоқий-маънавий қадриятлар сиёсий муносабатлардан устунлиги билан ажралиб туради. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавий адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимотлари билан узвий равишда ривожланган. Шу билан бирга, буюк аждодларимиз — Шарқнинг машҳур мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Бурҳониддин Марғиноний, ал-Хоразмий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо ва бошқалар жаҳон маданияти, фани ва цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшганлар.

Ўзбекистонда, бутун Шарқ цивилизациясига хос бўлганидек, оилани барча чоралар билан қўллаб-қувватлаш энг муҳим инсоний қадриятлардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Давлат ва ҳуқуққа ҳурматни шакллантириш макони маҳалладир, чунки маҳалла халқимизнинг

турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган яшаш тарзидир.

**Миллий ҳуқуқий мафкура.** Давлат ва ҳуқуққа муносабат ўзбек миллатининг турмуш тарзида, анъанавий маданиятида, миллий дунёқараши ва мафкурасида муҳим ўрин тутди. Демократик ҳуқуқий давлатни қарор топтиришда миллий, маънавий, диний-ахлоқий, давлат-ҳуқуқий ва тарихий меросимизга, мафкурамиз ғояларига таълим керак.

Миллий ҳуқуқий мафкуранинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат: *биринчидан*, давлат суверенитетини ҳимоя қилиш истак-хоҳиши; *иккинчидан*, ҳуқуқий ғоялар, қарашлар ва таълимотлар; *учинчидан*, давлат ва ҳуқуқ рамзларига ҳурмат руҳи.

**Миллий ҳуқуқий мафкура** — ўзбек давлатчилигига бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш, ардоқлаш ва равақ топтириш ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий ғоялар ва қарашлар мажмуидир. Миллий ҳуқуқий мафкура — жамият аҳли руҳиятининг кўрсаткичи, хоҳиш-иродасининг намоён бўлишидир. Миллий ҳуқуқий мафкура давлат тараққиётини белгилаб берувчи мафкуравий мезонларни ҳам қамраб олади. Миллий ҳуқуқий мафкура адолатли, ҳуқуқий, демократик, фуқаролик жамияти ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий ғоялардан ташкил топади.

**Ҳуқуқий мерос ва тажриба.** Давлат ва ҳуқуқ назарияси миллий давлат ва ҳуқуққа оид умумбашарий тушунчаларини ўзида мужассамлаштиради. Давлат ва ҳуқуқ аниқ тарихий, миллий ўзига хос шароитда табиий равишда пайдо бўлади ва ривожланади. Шунинг учун ҳам ўзбек маънавий-ҳуқуқий меросининг илдизларини чуқур билиш ва идрок этиш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий

давлат қуриш муаммоларини тўғри талқин қилишнинг асосидир.

*Ўзбек давлат-ҳуқуқий меросининг илдизлари қандай?* Бизнинг кўҳна заминда давлатчилик ва ҳуқуқ ўзининг чуқур илдизларига эга бўлиб, қадим-қадим даврларга бориб тақалади. Ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқининг пайдо бўлиши, тараққий этиши салкам уч минг йиллик тарихга эга.

Ўзбекистон Республикасидаги давлатчилик ўзида кўҳна Сугдиёна ва Хоразмдан бошлаб, Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва темурийлар давлатлари, ўзбек хонликларининг давлатни бошқариш борасидаги ютуқларини, халқимизнинг бутун ҳуқуқий мероси ва тажрибасини ҳамда унинг ўз миллий давлатига ва қонунчилик тизимига эга бўлиш каби асрий орзуларини мужассамлаштирган. Ҳозирги ўзбек давлати давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг қонуниятларига оид умумжаҳон ва миллий ютуқ ҳамда тажрибаларни ўзида узвий равишда уйғунлаштирган.

Ўзбекистон ўз тараққиётининг асоси бўлмиш миллий давлатчилиги ва ҳуқуқий тизимини қайта шакллантирмоқда. Демократик ҳуқуқий давлат қуришда юксак ҳуқуқий маданият, Конституция ва қонунга ҳурмат, миллий ҳуқуқий мафкура муҳим ўрин тутади. Миллий ҳуқуқий мафкура ўзида халқимизнинг энг ардоқли фазилатлари — иймон ва инсоф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, ҳаё, уят ва андиша, ор-номус, элига ва юртига садоқат, ватанпарварлик каби қадриятлар ва ғояларни мужассамлаштириши лозим.

Ўзбек халқи асрлар мобайнида авайлаб сақлаб, сайқаллаб келган ўз миллий урф-одатлари,

расм-русумлари, удум ва анъаналари, гурури, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, ҳуқуқий оинги ва маданияти, эътиқоди, қисқача айтганда, маданий-маънавий дунёси билан ажралиб туради. Буюк алломаларимиз башарият цивилизациясини яратишда бевосита иштирок этганлар, улар жаҳон ҳуқуқий маданиятига улкан ҳисса қўшганлар. Аждодларимизнинг бой ҳуқуқий мероси мустақил давлатимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

### **3-боб. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИНING ИЖТИМОИЙ ВА ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАНЛАРИ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ**

- 1-§. *Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги.*
- 2-§. *Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ҳуқуқшунослик фанлари тизимидаги ўрни.*
- 3-§. *Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанини ўрганишнинг аҳамияти.*

#### **1-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги**

Давлат ва ҳуқуқ масалалари турли ижтимоий фанлар томонидан ўрганилади. Ҳар бир ижтимоий фан давлат ва ҳуқуқнинг у ёки бу жиҳатларини ўз предмети нуқтаи назаридан талқин этади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ўқув фани сифатида турли ижтимоий ва юридик фанлар билан узвий боғлиқдир. Ушбу алоқадорлик мазкур фанлар ўрганадиган объектнинг умумийлигидан келиб чиқади. Улар ўз предмети доирасида давлат ва ҳуқуқни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганидилар. Шу билан бирга, бу фанларнинг ҳар бири

муайян хусусиятга, ўзи ўрганадиган фан соҳасига эга.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ижтимоий фанлар бўлмиш фалсафа, иқтисодиёт назарияси, социология, сиёсатшунослик, маданиятшунослик, тарих каби фанлар билан ҳам боғлиқлар. Айни пайтда давлат ва ҳуқуқ назарияси бу фанлардан фарқ ҳам қилади.

**Иқтисодий фанлар ҳамда давлат ва ҳуқуқ назарияси.** Иқтисодий фанлар ишлаб чиқариш муносабатлари тизими, хўжалик ҳаётини ташкил этиш, хўжалик соҳалари, меҳнат, молия, кредит каби масалаларни ўрганади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ўқув фани эса давлат ва ҳуқуқни ўзининг асосий предмети деб ҳисоблайди. Иқтисодий фанлар ҳамда давлат ва ҳуқуқ назариясининг ўзаро таъсири, уларнинг бир-бири билан ўзаро алоқаси, давлат ва ҳуқуқнинг иқтисодиётга қанчалик боғлиқ эканлигини аниқлашга имкон беради.

**Фалсафа ҳамда давлат ва ҳуқуқ назарияси.** Фалсафа табиат ва жамият ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганади. Шу боис, у давлат ва ҳуқуқ масалаларини умумий тарзда, ижтимоий ҳодиса сифатида кўриб чиқади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани фалсафанинг хулосаларига таянган ҳолда, давлат ва ҳуқуқ муаммоларини аниқлаштиради ҳамда бир қатор махсус назарий масалаларни ўрганади. Бунда фалсафа билан давлат ва ҳуқуқ назарияси бир-бирини такрорламайди, балки тўлдиради.

Фалсафа борлиқнинг онгга, инсоннинг уни ўраб турган атроф-муҳитга муносабатининг умумий принциплари ҳақидаги билимлар тизимидир. Фалсафа давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, табиати, унинг

ижтимоий ҳодисалар тизимидаги ўрнини аниқлайди ва фақат шунинг ўзи билан чекланади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани эса давлат ва ҳуқуқни барча кўринишлари ва белгилари билан бир бутун ҳолда батафсил ўрганади. Агар фалсафа давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини аниқлаш қалитини берса, давлат ва ҳуқуқ назарияси фалсафани ижтимоий паракқиёт, давлат ва ҳуқуқнинг умумий тамойилларини ифодалаш билан қуроллантиради.

Фалсафанинг умумий қонун ва категорияларидан давлат ва ҳуқуққа тегишли воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда амалий фойдаланиш, бир томондан, давлат ва ҳуқуқ ҳақида гупланган барча билимларни илмий жиҳатдан умумлаштириб, бу билимларни давлат ва ҳуқуқ назариясининг категорияси сифатида баён қилиш имкониятини беради; иккинчи томондан, давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг илмий тадқиқотлари натижасида олинган ҳамда амалиётда тасдиқланган билимлар, маълумотлар фалсафанинг объектив қонунларни очиши ва умумий категорияларни ишлаб чиқиши учун эмпирик маълумотлар бўла олади.

Шундай қилиб, фалсафа фани давлат ва ҳуқуқ назарияси учун таянч нуқталаридан бири бўлиб, методология вазифасини бажаради, давлат ва ҳуқуқ назарияси эса фалсафа учун эмпирик маълумот манбаи вазифасини бажаради.

**Социология ҳамда давлат ва ҳуқуқ назарияси.** Давлат ва ҳуқуқ назарияси социология фани билан ҳам ўзаро алоқада. Чунки социология фани ҳам жамиятни яхлит, уюшган тизим сифатида тадқиқ этиб, жамият аъзоларининг, хусусан турли хил жамоаларнинг, аҳоли турли қатламларининг давлатга, ҳуқуққа қандай муносабатда бўлишини,

уларнинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини «инсон мезони» бўлмиш амалий кўрсаткичлар, аниқ математик ҳисоб-китоблар асосида ўрганади. Шунга кўра, социология фани давлат ва ҳуқуқ назарияси фани учун дастлабки эмпирик маълумотларни тўплаб бериш вазифасини бажаради. Давлат ва ҳуқуқ назарияси эса, ўз навбатида, социология фани берган маълумотларни умумлаштириб, улардан назарий хулосалар чиқаради.

Социология яхлит тизим бўлмиш жамият, ҳамда у билан алоқадорликда ўрганиладиган алоҳида ижтимоий гуруҳлар, социал жараёнлар ҳақидаги фандир. Социология ўзининг хулосаларида эмпирик маълумотларга, ижтимоий тажрибаларга асосланади. Барча ижтимоий ҳодисалар, жумладан, давлат ва ҳуқуқ ҳам социологик тадқиқотларнинг объектига айланади. Социология ҳам, фалсафа сингари, давлат ва ҳуқуқни билишнинг умумий воситаси ҳисобланади. У давлат ва ҳуқуқни ўрганиш асосида ўзининг предметини чуқурлаштиради ва ойдинлаштириб олади.

**Сиёсатшунослик ҳамда давлат ва ҳуқуқ назарияси.** Сиёсатшунослик фани сиёсат, унинг шакллари, сиёсий жараёнлар ва сиёсий бирлашмалар, жумладан, партиялар, сиёсий ҳокимиятга ва давлат ҳокимиятига эришиш воситалари, фуқаролик жамияти, давлат ва шахснинг ўзаро муносабати каби ҳодисаларни ўрганади. Сиёсатшунослик инсон сиёсий маданиятини ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими орқали, яъни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш орқали ўрганади.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг сиёсатшунослик фани билан боғлиқлиги ҳар иккала фаннинг

ҳам бир объектни, яъни жамият сиёсий тизимининг муҳим элементи бўлмиш давлат ва ҳуқуқни илмий жиҳатдан тадқиқ этишида яққол кўзга ташланади. Бунда давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, ривожланиши, амалий фаолиятининг умумий қонуниятларини ўрганса, сиёсатшунослик фани давлат ва ҳуқуқий сиёсатни, аниқроғи, жамиятда юз бераётган сиёсий ҳодисалар ва жараёнларни яъни сиёсат назарияси ва амалиётини ўрганади. Уларнинг ҳар иккаласи бир предмет — давлат ва ҳуқуқни, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини турли томонлардан ўрганади, илмий тадқиқотлар натижасида олинган билимлар билан бир-бирларини тўлдиради. Оқибатда, сиёсатшунослик фани ўзининг кенг қамровлигига кўра, давлат ва ҳуқуқ назарияси фани учун методологик асослардан бири вазифасини бажаради.

Шундай қилиб, давлат ва ҳуқуқ назарияси ижтимоий фанлар тизимида қуйидагича ўрин туғади.

*Биринчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси ижтимоий фанлар жумласига кирувчи ҳуқуқшунослик фанининг таркибий қисмидир. У ҳуқуқшуносликка нисбатан хусусийлик, бошқа ижтимоий фанларга нисбатан эса, алоҳидалик касб этади.

*Иккинчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси бошқа ижтимоий фанлар сингари жамият ижтимоий ҳаётининг маҳсули сифатида пайдо бўлган. У бошқа ижтимоий фанлар билан биргаликда давлат ва ҳуқуққа тегишли воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ҳар томонлама ўрганади, бошқа фанларнинг методларидан методологик асос сифатида фойдаланади. Айни вақтда, давлат ва ҳуқуқ назарияси ижтимоий фанларни давлат ва ҳуқуққа



оид аниқ маълумотлар билан таъминлаб, назарий ва амалий жиҳатдан қуроллантиради.

*Учинчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳуқуқшунослик фани орқали давлат ва ҳуқуқ билан қизиқётган ҳар қандай ижтимоий фан соҳасининг илмий тадқиқот мавзудан ўрин эгаллаши мумкин.

*Тўртинчидан*, ҳозирги кунда суверен Ўзбекистон давлати ўзбек халқининг муштарак мақсадларига мувофиқ тарзда ва мустақил равишда фаолият юритмоқда. Бу эса Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқини бир неча ижтимоий фанларнинг тадқиқот объектига айлантирмоқда.

Масалан, Ўзбекистон давлатининг жамиятни бошқариш фаолияти — бошқарув, маъмурий фанларнинг; иқтисодий-хўжалик юрителиш фаолияти — иқтисодиёт фанларининг; сиёсий фаолияти — сиёсатшунослик фанларининг; жамиятни яхлит тизим сифатида ўрганиш — социология фанининг илмий тадқиқот объектига айланган. Ҳосил бўлган билимлар эса ушбу фанлар предметларининг таркибий қисмларини ташкил қилади. Бу давлат ва ҳуқуқнинг кўпгина ижтимоий фанлар объектига айланиб бораётганлигидан дарак беради. Бу давлат ва ҳуқуқ назариясининг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни янада мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатади.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг барча ижтимоий фанлар билан алоқаси ҳам икки томонламадир. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ижтимоий фанларнинг хулосаларига асосланган ҳолда хилма-хил фалсафий, тарихий материалларни умумлаштириб, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши сабабларини, тараққиёт босқичларини, давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини, мазмуни ва шаклларини

очиб беради. Шу маънода давлат ва ҳуқуқ назарияси бошқа ижтимоий фанларни такрорламайди, балки тўлдиради. Бу ҳол эса давлат ва ҳуқуқ назарияси ўзининг предметига ва хусусиятларига эга эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

## **2-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ҳуқуқшунослик фанлари тизимидаги ўрни**

**Ҳуқуқшунослик фанлари** — ижтимоий ҳодиса сифатида давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва амал қилишининг умумий ва махсус қонуниятлари тўғрисидаги ҳуқуқий билимлар тизимидир.

Ҳуқуқшунослик фанлари давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларининг инъикоси бўлиб ижтимоий фанлар жумласига киради.

Давлат ва ҳуқуқ барча ҳуқуқшунослик фанларининг умумий тадқиқот объектидир. Айни пайтда ҳар бир юридик фан давлат ва ҳуқуқнинг муайян томонларини, жиҳатларини ўрганади. Шунинг учун ҳуқуқшунослик фанларининг ҳар бири ўзининг мустақил предметига эга.

Давлат ва ҳуқуқ кўп қиррали ижтимоий ҳодиса сифатида кишилик жамиятининг барча соҳалари (иқтисодиёт, сиёсат, маънавият ва бошқалар) билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли, ижтимоий тараққиёт жараёнидаги объектив ва субъектив сабаблар натижасида давлат ва ҳуқуқнинг турли муаммоларини ўрганувчи ҳуқуқшунослик фанлари тизими вужудга келган.

Барча ҳуқуқшунослик фанларини уларнинг предмети ва методларига кўра тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: тарихий-назарий юридик фанлар, тар-

моқ юридик фанлари, амалий юридик фанлар, халқаро ҳуқуқий фанлар.

**Биринчи гуруҳ: тарихий-назарий юридик фанларга** давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи, мусулмон ҳуқуқи, рим ҳуқуқи, қиёсий ҳуқуқшунослик, ҳуқуқ фалсафаси, ҳуқуқ социологияси, ҳуқуқий маданият назарияси каби ўқув фанлари киради.

**Иккинчи гуруҳ: тармоқ юридик фанларига** оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, экология ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи, фуқаролик-процессуал ҳуқуқ, жиноят-процессуал ҳуқуқ, хўжалик-процессуал ҳуқуқ каби фанлар киради.

**Учинчи гуруҳ: амалий юридик фанларга** криминалистика, суд бухгалтерияси, ҳуқуқ статистикаси, ҳуқуқий психология, суд психиатрияси, суд тиббиёти каби фанлар киради.

**Тўртинчи гуруҳ: халқаро-ҳуқуқий фанлар** халқаро ҳуқуқнинг турли соҳаларини ўрганadi. Улар қаторига халқаро умумий ҳуқуқ, халқаро хусусий ҳуқуқ, дипломатия ва консуллик ҳуқуқи, халқаро шартномалар ҳуқуқи, халқаро денгиз ҳуқуқи, халқаро космос ҳуқуқи, халқаро иқтисодий ҳуқуқ, халқаро гуманитар ҳуқуқ ва бошқалар киради.

Демак, замонавий ҳуқуқшунослик фани давлат ва ҳуқуқ масалаларини ўрганувчи кўп тармоқли турли юридик фанлар тизимидан иборат бўлиб, бу тизимда ҳар бир юридик фан ўз ўрнига эга.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ўзининг моҳияти ва аҳамиятига кўра, тарихий-назарий ҳуқуқий фанлар жумласига киради. У умумий, тармоқ,

амалий, халқаро ҳуқуқ фанлари билан ўзаро алоқададир.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳуқуқшунослик фанлари тизимида марказий ўринни эгаллайди. Давлат ва ҳуқуқ назарияси барча ҳуқуқшунослик фанлари учун умумий бўлган асосий тушунчалар (категориялар) ва назарий қоидалар (принциплар)ни ишлаб чиқади. Масалан, «давлат», «ҳуқуқ», «демократия», «қонунийлик», «ҳуқуқий тартибот», «ҳуқуқий муносабат», «ҳуқуқий жавобгарлик» каби тушунчалар у ёки бу даражада ҳамма юридик фанларга тааллуқлидир. Бундан ташқари, давлат ва ҳуқуқ назарияси барча юридик фанлар фойдаланадиган хусусий ҳуқуқий методлар ва принципларни ҳам ишлаб чиқади.

Шундай қилиб, давлат ва ҳуқуқ назарияси предметига кирувчи масалалар ҳуқуқшунослик фанлари тизимининг ўзагини ташкил этади. Давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги асосий ва умумназарий билимларни эгалламасдан туриб, бошқа юридик фанлар муаммоларини ўрганиш мумкин эмас. Бундан келиб чиқиб, давлат ва ҳуқуқ назариясини тармоқ ва махсус юридик фанларнинг кириш қисми, яъни барча юридик фанларнинг умумий қисми деб қабул қилмаслик керак. Аммо давлат ва ҳуқуқ назариясини бошқа юридик фанлардан ажратиб қўйиш ҳам тўғри бўлмайди.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси барча юридик фанларнинг аниқ материалларига таянади, уларни назарий жиҳатдан умумлаштиради. Тармоқ ва махсус юридик фанлар эса давлат ва ҳуқуқ назариясининг хулосаларига асосланади. Демак, давлат ва ҳуқуқ назарияси бошқа барча юридик фанлар билан ўзаро алоқада бўлиб, улар бир-бирларини бойитади ва тўлдиради.

Давлат ва ҳуқуқ назариясини ҳуқуқшуносликнинг барча соҳалари билан боғлиқликда ўрганиш зарур. Чунки ҳар бир юридик фан ўз мустақил предмети доирасида яхлит давлатни ва ҳуқуқнинг турли жиҳатларини, қирраларини, томонларини ўрганади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси тарихий юридик фанлар билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, давлат ва ҳуқуқ тарихи фани давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва тарихий тараққиёт босқичларини хронологик тарзда ўрганади, давлат ва ҳуқуқ институтларига турли тарихий даврлар бўйича маълумотлар беради, давлатчилик ва қонунчиликнинг ривожланиш тарихини ёритиб беради. Ҳуқуқий ёдгорликлар давлат ва ҳуқуқ тарихининг марказий мавзуини ташкил этиб, муайян тарихий даврлардаги ҳуқуқий маданият даражасининг яққол кўрсаткичидир.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ўз хулосаларини тарихий маълумотлар билан асослайди, бунда у тарихий методдан кенг фойдаланади. Ҳеч бир тарихий-ҳуқуқий фактни назария ёрдамисиз очиб бериш мумкин эмас. Назария тарихий воқеаларга ёндашиш принципини белгилайди, тарихни илмий ўрганиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Тарих ва назария бир-бирисиз мавжуд эмас, бири иккинчисини тақозо этади. Академик Ш. З. Ўразаев таъбири билан айтганда, «назариясиз тарих, тарихсиз назария бўлмайди».

Шунингдек, давлат ва ҳуқуқ назарияси конституциявий ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ каби бир қатор ҳуқуқий фанлар билан узвий алоқада бўлиб, уларнинг чиқарган илмий хулосаларидан давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини ўрганишда фойдаланади, бу хулосаларни назарий жиҳатдан умумлаштиради.

Назарий жиҳатдан умумлаштирилган хулосалар бошқа махсус ва амалий юридик фанлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, давлат ва ҳуқуқ назарияси махсус соҳа юридик фанлари учун ҳуқуқшунос-лик фанлари тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу қуйидагиларда намоён бўлади: *биринчидан*, бу фан бошқа фанлардан фарқли равишда давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, ривожланиши ва амал қилишининг умумий қонуниятларини ўрганади; *иккинчидан*, давлат ва ҳуқуқнинг умумий қонуниятларини ўрганишдан ташқари, тармоқ, амалий юридик фанларнинг ўз ечимини кутаётган муаммоларини ҳам илмий жиҳатдан тадқиқ этиш билан шуғулланади; *учинчидан*, ҳуқуқшунос-лик соҳасида методологик вазифани бажаради.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси бошқа ҳуқуқшунос-лик фанларидан қуйидаги ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради.

*Биринчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси ижтимоий ҳодиса бўлган давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг умумий қонуниятларини ўзида акс эттиради. Бу унинг ижтимоий хусусиятидир. Шу билан бирга давлат ва ҳуқуқ назарияси умумназарий ижтимоий фан ҳисобланади.

*Иккинчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси ижтимоий ҳаётнинг бевосита давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларига тааллуқли бўлган сиёсий-ҳуқуқий муассасаларини ўзида акс эттиради. Бу унинг, сиёсий ва ҳуқуқий хусусиятларидир. Шунинг учун ҳам давлат ва ҳуқуқ назарияси сиёсий-ҳуқуқий фан сифатида бошқа ижтимоий фанлардан фарқ қилади.

*Учинчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқнинг энг умумий қонуниятларини ўрга-

нувчи фан сифатида назарий фан хусусиятига эга. У ўзининг назарий фан эканлиги билан бошқа тармоқ соҳа ҳуқуқий фанларидан фарқ қилади.

Демак, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳуқуқшунослик фанлари тизимида марказий умумлаштирувчи аҳамиятга эга. У барча юридик фанларнинг хулоса ва таклифларини ўзида уйғунлаштиради, уларнинг ўзаро бойишига ёрдам беради.

### **3-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанини ўрганишнинг аҳамияти**

Ўз олдига юрист бўлишни мақсад қилиб қўйган ҳар бир шахс Ўзбекистон давлат мустақиллигининг асосларини, давлат идораларининг таркибини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларини яхши ўзлаштириб олиши шарт. Бу келажакда етук мутахассис бўлишга ёрдам беради.

Ҳуқуқшунослар учун давлат ва ҳуқуқ назариясини мустақил фан сифатида ўрганишнинг куйидаги аҳамиятлари мавжуд.

*Биринчидан*, давлат ва ҳуқуқ назариясини ўрганиш бўлажак юристлар учун давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши ва ривожланиши қонуниятларини тушуниб олиш имконини беради. Ҳуқуқшунослар шу фанни ўрганишлари туфайли Ўзбекистон демократик давлатининг кишилик жамияти сиёсий ва ҳуқуқий тизимида, дунё давлатлари ўртасида тутган ўрнини билиб оладилар, истиқлолнинг миллатимиз учун нақадар буюк неъмат эканлигини англаб оладилар. Бу билан давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳуқуқшуносларнинг қалбида

Ўзбек халқига, ўзбек давлатига нисбатан чуқур эҳтиром, ишонч уруғларини экади. Натижада, давлатга, унинг куч-қудратига ишонч ҳар бир юристнинг ички маънавий эътиқодига айланади. Бу маънавий-руҳий эътиқод ҳуқуқшуносларнинг давлатга чин дилдан, виждонан, ҳалол, садоқат билан хизмат қилишларини таъминлайдиган маънавий омил ҳисобланади.

*Иккинчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг вазифаларини тўғри белгилаб олишларига кўмаклашди. Чунки давлат ва ҳуқуқ назарияси Ўзбекистон Республикасининг давлат механизмини, давлат органларининг тузилишини, давлат апаратининг фаолияти ва унинг ишлашини ташкил этиш принципларини тушунтириб беради, давлат апаратида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг тутган ўрнини ва бажариши лозим бўлган вазифаларини ҳам кўрсатиб беради.

*Учинчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари учун жаҳонда ва мамлакатимизда давлат ва ҳуқуқ соҳасида бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини тезда илғаб олишга имкон берувчи сиёсий-ҳуқуқий кўрсаткич вазифасини ўтайди. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимларига кундалик амалий фаолиятидаги ҳар бир воқеани сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолай олишларига, қонун талабларига мос равишда ҳаракат қилишларига ёрдам беради.

*Тўртинчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг қоидаларини, хулосаларини ўрганиш бўлғуси ҳуқуқшуносларнинг бошқа махсус ва



амалий юридик фанларни пухта ўзлаштириб олишларига замин ҳозирлайди. Бу билан, давлат ва ҳуқуқ назарияси *бир томондан*, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари ўртасида ҳуқуқий тадбирларни қўллаш, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий тарғибот ишларининг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини методология шаклида белгилаб берса; *иккинчи томондан* ҳуқуқшуносларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларни омма орасида тарғиб қилишлари орқали ўзбек халқининг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ

---

#### **4-боб. ЖАМИЯТ, УНИНГ ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТЛАРИ ВА СОЦИАЛ НОРМАЛАРИ**

1-§. *«Жамият» тушунчаси. Фуқаролик жамияти.*

2-§. *Ибтидоий жамоа тузумининг хусусиятлари.*

3-§. *Ибтидоий жамиятнинг социал нормалари ва уларнинг белгилари.*

#### **1-§. «Жамият» тушунчаси. Фуқаролик жамияти**

Жамият инсон ҳайвонот дунёсидан ажралгандан сўнг пайдо бўлган. Инсон жамиятнинг бирламчи бўғини ва асосидир. Жамият — онгли инсонлар ўзаро алоқаларининг муайян тизими. Инсон доимо жамият билан алоқада. Инсон жамиятдан ташқарида яшай олмайди. У фақат жамиятдагина ривожланади, ўз қобилияти ва имкониятларини намоён этади, шахс сифатида шаклланади. Ўз навбатида, шахс ҳам жамият тараққиётига ҳисса қўшади. Инсонсиз жамиятни тасаввур этиш мумкин эмас.

Жамият — муайян табиий эҳтиёж ва манфаатларига кўра бирлашган кишиларнинг маълум тарзда ташкил этилган тизимидир. Кишилар, уларнинг ташкилотлари, жамоалари турли иқтисодий, маънавий, ахлоқий, диний ва бошқа муносабатлар орқали жамиятга бирлашади.

Жамият — кишиларнинг мураккаб ижтимоий бирлашмасидир. Жамиятда биологик қонунлар эмас, балки социал қонунлар амал қилади. Жамият бирлашишга мойил бўлган бирликлар, яъни

гуруҳлар, синфлар, қатламлардан иборат. «Жамият» — ер куррасидаги барча кишиларни бирлаштирувчи энг кенг тушунчадир. «Кишилиқ жамияти» тушунчаси шундан келиб чиққан. «Жамият» тушунчаси ўз ичига «фуқаролик жамияти» ва «давлат» тушунчаларини олади.

Жамият — муайян ижтимоий муносабатлар тизимидир. Шунинг учун жамиятга аниқ тарихий нуқтаи назардан ёндашиш керак. Кишилиқ жамияти ўз тараққиётида турли босқичларни босиб ўтган. Мисол учун инсониятнинг қадимий, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр тарихини кўрсатиш мумкин.

Жамият ижтимоий ҳаётдаги иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларнинг хусусиятларини ўзида намоён этади. «Жамият» тушунчаси ижтимоий мулоқот субъектларини, яъни шахс, оила, миллат ва бошқаларни аниқлашга имкон беради.

Тарихий ривожланишнинг турли босқичларида жамият турли шаклларни олади. Унинг ички тузилиши, яъни иқтисодий ва ижтимоий структураси ҳам ҳар хил бўлади. Кишилиқ тараққиёти давомида жамият тузилиши мураккаблашиб боради.

Аммо айрим ҳолларда, одатда иқтисодий, сиёсий, миллий, диний манфаатлар асосида жамият «ажрашиш кайфиятларига» мубтало бўлади. Давлат жамиятнинг энг муҳим таркибий элементи дир. У жамиятда асосан сиёсий функцияларни бажаради. Жамият билан давлат айнан бир нарса эмас. «Жамият» тушунчаси «давлат» тушунчасидан кенг.

**Фуқаролик жамияти** — давлатнинг фуқароларидан, яъни ўзаро узвий алоқадорликда бўлган ҳамда ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга

кишилардан иборат жамиятдир. Фуқаролик жамияти нафақат давлатнинг мажбурлов кучи билан, балки унинг аъзолари бўлмиш фуқароларнинг ўзлари орқали онгли равишда сақлаб туриладиган ва қатъий тартиб қарор топган жамиятдир. Бундай жамият ўзини ўзи юксак даражада гашкил этиши билан ажралиб туради. Фуқаролик жамиятига давлатнинг кучли таъсири талаб этилмайди. Давлат бундай жамиятнинг назоратида бўлади, чунки давлат — фуқаролик жамиятининг «ёлланма хизматкори»дир. Зеро, давлат фуқаролар, корхона ва муассасалардан олинадиган солиқлар ҳисобига яшайди. Фуқаролик жамияти нафақат ўзининг сиёсий, маданий ҳаётини, балки иқтисодий, ижтимоий ҳаётини ҳам бошқариб туради.

Ҳамма жамиятлар ҳам фуқаролик жамияти эмас. Фуқаролик жамияти анча юксак даражадаги ижтимоий ривожланиш кўрсаткичидир.

Давлат, ҳуқуқ ва жамият муайян алоқадорликдадир. «Жамият» — энг кенг тушунча. Давлат унинг ичида юзага келади. Давлат ҳуқуқни келтириб чиқаради, аммо ҳуқуқ ҳам давлатни шакллантиради ва йўналтиради. Жамият давлат ва ҳуқуқ таъсирида у ёки бу томонга ўзгаради. Ҳуқуқ ҳамма учун мажбурий бўлиб, давлат учун ҳам, жамият аъзолари учун ҳам муҳимдир. Давлат ва жамият ўзаро алоқадор, аммо тенг аҳамиятли эмас. Давлат билан жамият айнан бир нарса эмас. Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар қанчалик мукамал бўлса, жамият ва давлатнинг функциялари (вазифалари) ҳам шунчалик аниқ ажралиб туради.

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат уйғун муносабатларда бўлади. Жамият ўзининг иж-

тимойй ва иқтисодий ҳаётига оид кўплаб муаммоларни давлатнинг ёрдамисиз (ва аралашувисиз) ҳал қилади. Фуқаролик жамияти ўзини ўзи бошқаради ва ҳуқуқий давлат сиёсатига, ундаги ҳуқуқий тизимга ҳал қилувчи таъсир ўтказа олади.

## **2-§. Ибтидоий жамоа тузумининг хусусиятлари**

Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши масаласи барча ҳуқуқшунослик фанлари учун муҳим мавзудир. Аммо ҳуқуқшунос олимлар ушбу масалада умумий фикрга келганларича йўқ.

Умуман, *давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқишига икки хил ёндашиш мумкин. Биринчиси* — давлат ва ҳуқуқ ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши натижасида пайдо бўлган деган нуқтаи назар; *иккинчиси* — муайян даврда аниқ бир давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлган деган нуқтаи назар. Давлат ва ҳуқуқ назарияси учун умуман давлатнинг келиб чиқиши ҳақидаги масала алоҳида аҳамиятга эга.

Авваламбор, давлат ва ҳуқуқнинг қандай пайдо бўлганлигига улар ўз ривожланишида қандай асосий босқичлардан ўтганлиги нуқтаи назардан қараш зарур. Ҳақиқатан ҳам, давлат ва ҳуқуқ қандай шароитда, нима учун, нима мақсадда пайдо бўлганлиги аниқлангандан кейингина уларнинг табиатини, моҳиятини ва ижтимоий ҳаётдаги ролини аниқ белгилаш мумкин.

Кишилик жамиятининг илк босқичларида давлат ҳам, ҳуқуқ ҳам бўлмаган. Одамлар бу тушунчалар ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаганлар. Кишилик жамияти маълум бир тарихий давр мобайнида давлат ва ҳуқуқ бўлмаса ҳам яшай олган.

Кишилик жамиятининг ибтидоий жамоа тузуми деб аталадиган дастлабки босқичи жуда узоқ давом этган. Ибтидоий жамоа тузумида одамларнинг хаёлига давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги гоё келмаганлиги учун эмас, балки буларга ҳали эҳтиёж йўқлиги, жамият ҳали давлат ва ҳуқуқсиз яшай олиши мумкинлиги учун мавжуд эмас эди. Давлат ва ҳуқуқ айрим ижтимоий гуруҳларнинг ёки синфларнинг хоҳиши натижасида эмас, балки кишиларнинг иродасидан ташқари, жамият тараққиётининг қонуний натижаси сифатида пайдо бўлган.

Шундай қилиб, *давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлмасдан олдин ҳам қадимий жамият бўлган. Бу давр ибтидоий жамоа тузуми ҳукмрон бўлган катта бир тарихий даврни ташкил этган.*

Агар кишилик жамияти 3—5 миллион йил аввал пайдо бўлган бўлса, давлат 5—6 минг йил илгари келиб чиққан. Демак, давлатнинг моҳиятини тўғри тушунмоқ учун ибтидоий жамоа тузуми давридаги ижтимоий ҳокимият ва социал нормаларнинг таърифини билиш зарур.

XXI аср бўсағасида археология, тарих ва этнография фанлари эришган илмий ютуқлар туфайли ибтидоий жамият, унинг ривожланиш босқичлари ва йўналишлари ҳақидаги билимларимиз анча бойиди. XIX—XX аср бошларида ижтимоий тараққиёт ҳақидаги тарихий билимлар тахминан 3 минг йилни қамраб олган эди. Эндликда эса кўп минтақаларнинг тарихи 10—12 минг йилга тенглиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Тарихга европацентризм нуқтаи назаридан қарашга, Европа ва унга яқин минтақалар ҳақидаги билимларни бутун дунёга татбиқ этишга чек қўйилди.

Шундай қилиб, давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш тарихини бутун дунё миқёсида мантиқан умумлаштириш имкониятига эга бўлди.

Ибтидоий жамият ҳар қандай тарихий воқеалик каби бир хил бўлмаган. У ривожлана бориб, турли босқичларни босиб ўтган. Олимлар унинг даврларга бўлинишининг бир неча турларини кўрсатадилар. Умумтарихий, қадимшунослик, антропологик ёндашувлар шулар жумласидандир.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси учун археология фанининг янги маълумотларига асосланган ва ибтидоий жамият ривожланишининг асосий чегараларидан бири бўлган янги тош асри ёки **неолит инқилоби** («неолит» «янги тош асри» маъносини билдиради)га таянган услуб қимматлидир. «Неолит инқилоби» терминини тарих фанига XX аср ўрталарида инглиз археологи Г. Чайлд киритган. Бу тушунча инсоният ҳаётининг барча соҳаларида муҳим сифат ўзгаришларига олиб келган. Бу даврда, яъни тахминан милoddан аввалги VII—III минг йилликларда табиатдаги тайёр маҳсулотни ўзлаштиришдан ишлаб чиқариш хўжалигига ўтилган. Инсоният овчиликдан, балиқ тутишдан, табиатдаги тайёр маҳсулотларни ўзлаштиришдан деҳқончиликка ва металлни қайта ишлашга, кулолчиликка ўтган.

Ер шарининг турли минтақаларида — Яқин Шарқ, Месоамерика, Тоғли Перу ва бошқаларда неолит инқилоби тахминан 10—12 минг йиллар олдин содир бўлган. Бу ўтиш даври ибтидоий жамиятнинг моддий асосини, унинг социал, маънавий тузилишини тубдан ўзгартириб юборган ва минг йилларга чўзилган. Шунинг учун бу давр инқилобга тенглаштирилади ва *янги тош асри (неолит) инқилоби дейилади.*

Тарихни бундай даврларга бўлиш қандай ибтидоий жамият қандай вақт доирасида мавжудлигини, унинг социал ва маънавий ташкилотлари қандай эканлигини, инсоният қайта ишлаб чиқаришнинг қандай кўринишларидан фойдаланганлигини аниқлашга имкон беради. Давлат ва ҳуқуқ назарияси учун эса ҳокимият тузилишининг, ижтимоий тартибга солиш тизимининг қандай кўринишлари мавжуд бўлганлиги, улар ўзлаштириш иқтисодиётига асосланган жамиятда қандай вазифаларни бажарган-у, ишлаб чиқариш иқтисодиётига асосланган жамиятда қандай вазифаларни бажарганлигини аниқлашга имкон туғилади.

Узоқ вақтлар бизнинг аجدодимиз — *кроманьон одам* (бундан 40 минг йил аввал дунёга келган деб ҳисобланади) овчилик, балиқ тутиш, мева ва илдизларни тўплаш билан, яъни табиатдаги тайёр маҳсулотларни ўзлаштириш билан ҳаёт кечирган. Бунинг учун у тайёр материаллардан қурол сифатида фойдаланган.

Кроманьонларнинг ижтимоий тузилиши оила жамоаси кўринишида бўлган. Оила жамоасини энг обрўли, озуқа топишда тажрибали, одат ва удумларни яхши биладиган аъзолар бошқарган. *Оила жамоасининг асосини қариндошлик муносабатлари ташкил қилган.* У бир неча авлод — ота-оналар, ёш эркак ва аёллар ҳамда болаларни бирлаштирган. Улар маълум ҳудудда кўчманчи ҳаёт кечирганлар. Оила жамоаси ташқи ҳужумдан ҳимояланиб, ҳарбий юришлар ташкил қилиш, жамоа бўлиб ов қилиш учун қариндошлик асосида йирик уюшмаларга бирлашиши мумкин бўлган.

Ибтидоий жамоанинг социал тузилиши асосини қариндошлик муносабатлари ташкил қил-



ганлиги сабабли, бу ташкилий тузилиш **уруғчилик тузуми** деб аталади. Бу жамиятда меҳнат, озиқ-овқат, оила-никоҳ муносабатлари аниқ белгиланган тизимга асосланган. Оила-никоҳ муносабатларида эркак ва аёлнинг ёшига, ўрнатилган никоҳ шаклларига қараб оиланинг якка никоҳликдан ҳарам шаклларигача бўлган турлари тарқалган.

Меҳнат қуролларининг оддийлиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги кишиларни яшаш учун ўз куч-ғайратларини ва ишлаб чиқариш воситаларини бирлаштиришга мажбур қилган. Ишлаб чиқариш воситалари умумий бўлиб, биргаликда топиб келтирилган маҳсулотлар баб-баравар тақсимланган. Буларнинг ҳаммаси юксак даражадаги онглиликдан эмас, балки ҳаётий заруратдан келиб чиққан.

Кишиларнинг дастлабки ячейкаси аввал гуруҳ, кейин қон-қариндошлик, умумий меҳнат ва мулкка асосланган қабила-уруғдошлик ташкилотларига бўлинган. Уруғ кишиларнинг илк уюшмаси бўлмаган. У жамоавий никоҳга асосланган оиланинг шаклланиш даврида пайдо бўлган.

Қабила-уруғдошлик тузумида давлат ҳокимияти эмас, ижтимоий ҳокимият бўлган. Бу — ҳудуд ҳокимлиги бўлмай, балки кишилар устидан ҳокимликдир. Чунки уруғ кишиларнинг ҳудудий бирлашмаси эмас, шахсий бирлашмаси эди. Уруғ бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиши мумкин бўлган, бинобарин, уруғнинг доимий ҳудуди ҳам бўлмаган. Ижтимоий ҳокимият кучга (қўшин, полицияга) эмас, балки обрў, иззат-ҳурмат, урф-одатга таянган. Ижтимоий ҳокимият органлари уруғ аъзоларининг кенгаши, улар сайлаган оқсоқоллар, ҳарбий бошлиқлардан иборат бўлган. Уларда жамоат фикридан бошқа ҳеч

қандай мажбур этиш усули бўлмаган. Жамиятда имтиёзликлар, бойлар ва камбағаллар бўлмаган, ҳамма тенг саналган.

Давлатга қадар мавжуд бўлган ижтимоий ҳокимиятнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлган: *биринчидан*, ижтимоий ҳокимият уруғ ва қабила доирасида тарқалиб, қон-қариндошлик алоқаларига асосланган; *иккинчидан*, ижтимоий ҳокимият ўз-ўзини бошқариш ва ибтидоий демократияга асосланган, яъни ҳокимиятнинг субъекти ва объекти бир бўлган; *учинчидан*, ижтимоий ҳокимият органлари бўлган уруғ аъзоларининг йиғилишлари, оқсоқоллар, ҳарбий бошлиқлар ибтидоий жамоанинг энг асосий масалаларини ҳал қилганлар.

Ижтимоий ҳокимият институти сифатида оқсоқоллар кенгаши ва оқсоқоллар кенгашини, йўлбошчиларни; саркардаларни сайлаш, алмаштириш тартиби ҳам мавжуд бўлган. Ибтидоий жамиятда ҳокимият потестар (лот. — ҳокимият, куч) шаклида тузилган. Оила жамоаси саркардасининг потестар ҳокимияти нафақат унинг обрўсига, балки мажбур қилиш имкониятига ҳам асосланган. Ўрнатилган тартиб-қоида бузган киши қаттиқ жазоланган, ҳаттоки ўлимга маҳкум этилиши мумкин бўлган.

Ибтидоий жамиятда жанжал ва низоларни ҳал қилишнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, жанжаллашаётганларнинг ўзаро мусобақаларида енгган киши ғолиб ҳисобланган. Қариндошлар, воқитчилар, саркардалар, оқсоқоллар кенгаши судлари ҳам мавжуд эди. Ибтидоий жамиятнинг бундай тузилиши минг йиллар давомида ўзлаштирувчи иқтисодий тиклаб борган, инсон ва табиатнинг бир-бири билан муносабатини уй-

ғунлаштирган, инсоннинг кейинги турмуш тарзи услубидан фарқли ўлароқ, унинг талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган жамият бўлган. Лекин милоддан олдинги 12—10 минг йилликлар оралиғида юз берган экологик инқироз инсоннинг биологик тур сифатида йўқ бўлиб кетиши хавфни туғдирган. Об-ҳавода ноқулай ўзгаришлар юз берган, мегафауналар (мамонт, жунли носороғлар ва бошқалар) — бир қатор худудларда йўқ бўла бошлаган. Булар эса инсон таъминотининг асосий манбалари эди.

### **3-§. Ибтидоий жамиятнинг социал нормалари ва уларнинг белгилари**

Ўзлаштирувчи иқтисодиёт даврида ҳаёт шартини таъминлашда жамоанинг ҳар бир аъзоси сарф қилган вақт аниқ эмас эди. Уруғ, жамоа, аймақ, гуруҳлар, атроф-муҳитнинг экологик ҳолати, овчилар, балиқ тутувчилар ва ўт-ўлан йиғувчилар имконияти ва эҳтиёжи — уруғнинг, жамоанинг, аймақ ва кичик гуруҳлар иштирокини ҳисобга олишни тартибга солувчи мезон бўлган.

Ўз-ўзини ташкил қилиш, бошқа ўз-ўзидан бўладиган жараёнлар кўп минг йиллар давомида ўзлаштирувчи иқтисодиётда инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларини белгиловчи асосий мезон ҳисобланган. Бундай жамоалардаги ўз-ўзини ташкил қилиш жараёнида аста-секин тартибга солиш механизми келиб чиққан ва кенгайиб борган. Бундай тартибга солиш маълум жамоаларнинг, уруғ-аймоқларнинг, гуруҳларнинг ҳаёт кечириши ва қайта тикланишини таъминлаган.

Айрим гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни ҳал қилиш учун оила-никоҳ

муносабатларини, ўзаро ёрдамни, биргаликдаги овни, балиқ тутишни, озиқ-овқат тақсимотини, зарурий санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишни, бошқарув органларининг амал қилишини, жанжал ва низоларни ҳал этиш жараёнини ва бошқаларни тартибга солувчи қоидалар келиб чиққан. Ушбу дастлабки тартибга солишлар турли шаклларда бўлиб, моҳияти битта — ўзлаштирувчи иқтисодиётни қўллаб-қувватлашга, инсоннинг табиат бағрида уйғун яшашига, унинг биологик тур сифатида узлуксиз қайта тикланишини таъминлашга қаратилган.

Ҳатто овчилар ва озуқа тўпловчиларнинг юксак ихтисослаштирилган жамоаларида ҳам, масалан, денгиз ови билан шуғулланувчи ва шу сабабли доимо керагидан ортиқ маҳсулот олувчилар жамоасида ҳам аъзоларнинг фаолиятини тартибга солиш зарурати келиб чиққан. Лекин бу асосий йўналиш эмас, балки ибтидоий жамоанинг турмуш тарзи ва ривожланишидаги истиснолар бўлган. Чунки бундай ҳолатлар ҳам ишлаб чиқарувчи иқтисодиётнинг ташкил топишига олиб келмаган. Алоҳида жамоалар ўзи яшаб турган жойининг зарур экологик ҳолатини онгли равишда қўллаб-қувватлашлари ҳам муайян тартибга солувчи омил бўлиб хизмат қилган. Бундай ҳолат ўзига хос тартибга солиш усули бўлиб, масалан, ўзига хос тотем<sup>1</sup> тизими воситасида амалга оширилган.

---

<sup>1</sup> «Тотем» сўзи «менинг авлодбошим» деган маънони билдиради ва у бирор ҳайвонни назарда тутди. Ибтидоий жамоа даврида ҳар бир қабиланинг ўз тотеми, яъни шу қабиланинг «авлодбошиси» бўлган. Уша давр кишиларининг фикрича, тотем шу қабилани ҳар хил хавф-хатардан ва касалликлардан сақлайди, қabila аъзоларининг эсон-омон яшашларини таъмин этади. Тотем — ўлдириш ёки истеъмол қилиш мумкин бўлмаган ҳайвон ёки ўсимлик тури бўлиб, бутун гуруҳни ёки гуруҳнинг айрим аъзосини идеаллаштиришдир.

Ишлаб чиқариш иқтисодиётида аҳвол бутунлай бошқача бўлган. Бу даврда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мураккаблашган, бошқариш функциялари алоҳида аҳамият касб этган, унинг озиқ-овқат ишлаб чиқариш билан боғлиқ янги турлари қарор топган. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, кўшимча маҳсулотни сақлаш, тақсимлаш, айирбошлаш ва бунинг асосида мулкчилик муносабатларининг келиб чиқишини тартибга солиш зарурати пайдо бўлган. Жамият ҳар бир аъзосининг меҳнати ҳиссасини аниқлаш ва тартибга солиш, меҳнати натижасини, унинг ижтимоий захираларини бунёд этишдаги улуғини ҳисобга олиш, унга ижтимоий захирадан ҳисса ажратиб бериш каби объектив зарурат пайдо бўлган. Бундай тартибга солишсиз ва ҳисобга олишсиз ишлаб чиқарувчи иқтисодиётга асосланган жамият яшаши мумкин эмас.

Бундай иқтисодиёт меҳнатнинг янада тақсимланишига олиб келган. Жинсий етуклик даражаси ўз аҳамиятини сақлаб қолса ҳам, лекин энди унга бошқача ижтимоий ва синфий бўлиниш ҳам кўшилган. Ишлаб чиқаришни ташкил қилувчилар гуруҳи, меҳнат ва унинг натижасини тақсимлашни ҳисобга олувчи ахборот тизими, тартибга солиш нормаларига риоя этишни назорат қилиш тизими, шунингдек, ўрнатилган нормаларнинг бажарилишини таъминловчи шахслар ва ташкилотларни назорат қилувчи хизматчилар пайдо бўлган.

Давлатнинг келиб чиқиши ва давлат ҳокимиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, жамиятдан ажралиб чиққан одамлар қатлами пайдо бўлган. Одамларнинг бундай қатлами пайдо бўлиши ва фаолият кўрсатиши давлат ҳокимиятининг

пайдо бўлиши билангина боғлиқ бўлмай, балки тартибга солишнинг бошқача тизими вужудга келиши билан, ишлаб чиқарувчи иқтисодиётнинг юзага келиши ва ривожланиши билан ҳам боғлиқдир.

Шундай қилиб, инсониятнинг тарихий ривожланишидаги икки хил хўжалик юритиш усулига — ўзлаштирувчи ва ишлаб чиқарувчи иқтисодиётга монанд бўлган, иккита бир-биридан тубдан фарқ қиладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тизими, яъни уларнинг ҳар бирининг иқтисодий ва экологик тавсифини, уларнинг амалда моддий, ижтимоий ва маънавий муносабатларини қамраб олган.

Ибтидоий жамиятнинг тартибга солиш тизимида ўзлаштирувчи иқтисодиётнинг социал нормалари қуйидаги элементлардан ташкил топган.

**Ибтидоий жамият социал нормаларининг мазмуни.** Социал нормалар ўзлаштирувчи иқтисодиётни таъминлашга қаратилган бўлиб, маълум жамоаларнинг табиат қўйнида уйғун яшаши ва қайта тикланишини таъминлашга қаратилган. Муайян гуруҳга, уруғ-аймоққа эркин юриши учун маълум ҳудудни бириктириб қўйиш бунинг энг муҳим омили бўлган. Социал нормаларда экологик тартибга солиш функцияларини бажарувчи готем тизими ҳам мустаҳкамланган.

Инсоният борлигининг энг муҳим масаласи унинг биологик тур сифатида қайта тикланишидир. Муайян гуруҳ, аймақнинг қайта тикланиши учун уларда хотинлар, болаларнинг маълум миқдорда бўлиши лозим бўлган. Шу боис социал нормалар оила-никоҳ муносабатларини, бошқа гуруҳлардан аёлларни қўлга киритиш, айрим ҳол-

ларда уларни ўғирлаш усуллари тартибга солган.

**Ибтидоий жамиятнинг нормалари** мазмунан жамоанинг, гуруҳнинг ҳаётини ижтимоийлаштириш, муайян экологик ҳолатни белгилаш ҳамда ўзлаштирувчи жамиятнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган бир қатор шароитларни таъминлаган.

**Ибтидоий жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш усуллари.** Бу ерда учта асосий усулни — тақиқлаш, ижозат бериш ва ижобий (позитив) мажбурлашни кўрсатиш мумкин.

**Тақиқлаш** асосан табу, яъни бирор ҳаракатни, масалан, қариндошлар ўртасидаги никоҳни диний эътиқод билан мустаҳкамланган кўринишда тақиқлаш бўлган. Одамлар қадимий замонлардаёқ қон-қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг, биологик ва ижтимоий зарарини тушунган ҳамда ўз ҳаётининг энг қадимий даврларидан бошлабоқ қаттиқ жазо қўллаш йўли билан бу ҳолатни тақиқлашган. Қон-қариндошлик никоҳларини тақиқлаш жамоаларнинг, уруғ-аймоқларнинг, бошқа гуруҳларнинг табиий қайта тикланишига хизмат қилган.

**Рухсат этиш** инсоннинг ёки одамлар уюшмасининг ўзлаштирувчи иқтисодиётдаги хатти-ҳаракатини белгилаб бериш билан баробар, яна ҳайвонларнинг турларини ва уларни ов қилиш муддатини, ўсимликлар турларини ва уларнинг ҳосилини тўплаш муддатларини, ўсимликларнинг илдизларини ковлаб олиш, у ёки бу ҳудуддан, сув манбаларидан фойдаланиш, никоҳга қадар (баъзи жамоаларда) жинсий муносабатда бўлиш мумкинлиги кабиларни белгилаб берган. Шунингдек, муайян ажратилган ҳудудларда ов қилиш ва

озуқа йигиш. йирик ҳайвонларнинг гўштини жамоа аъзолари ўртасида тақсимлаш ва кўшни жамоа аъзоларига ҳадя қилиш учун бериш, ўрнатилган тартиб бўйича овчиларнинг ўзларига тақсимлаш, жамоа аъзосига келтирилган зарар учун ўч олишда биргаликда иштирок этиш кабиларга рухсат этилган.

Жамоада эркаклар билан аёлларнинг, болалар билан катталарнинг вазифалари тақсимотини бузиш, одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш, канибализм, туғишганлар билан жинсий алоқада бўлиш, сеҳргарлик (бу иш билан фақат маҳсуе шахелар — сеҳргарлар шуғулланган), аёллар ва болаларни ўғирлаш, ўғирлик, эр-хотинлик иттифоқи қондаларини, шу жумладан, жамоалар ўртасида никоҳ учун аёлларни айирбошлаш нисбатини бузиш, доимий алдамчилик, эр-хотинлик ишончини бузиш ва бошқа шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар тақиқланган.

Озиқ-овқат тайёрлаш жараёнида зарурий хатти-ҳаракатларни ташкил қилиш, уй-жой қуриш, тулхан ёқиш ва оловни ўчириб қўймаслик, қурол тайёрлаш, кўчиб юриш воситаларини (масалан, қайиқлар) тайёрлаш кабиларда ижобий мажбурлан бўлган. Аммо тартибга солишнинг бу усуллари табиий шароитни ўзгартиришга, инсонни табиатдан ажратишга қаратилмаган бўлиб, фақат табиат маҳсулотларини ўзлаштиришни ва уларни қайта ишлашни, инсон эҳтиёжларини қондириш учун мослаштиришнинг фойдали шаклларини таъминлаш бўлган.

**Ибтидоий жамиятда социал нормаларни ифода этиш шакллари.** Ўзлаштирувчи иқтисодиётнинг социал нормалари афсоналарда, анъаналарда, оғазларда, маросимларда бошқа шаклларда ўз



ифодасини топган. Афсонавий норматив тизим — ижтимоий тартибга солишнинг энг қадимий шаклидир. Ҳозирги тарих ва этнография фанларида ибтидоий жамиятнинг афсоналарига фақат алданиш сифатида қараш тугатилган. Ҳозирги кунда афсоналарнинг мафкуравий ва норматив тартибга солиш функциясига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу функциялар овчилар, балиқчилар ва озиқ-овқат тўпловчиларнинг жамиятда белгиланган юриш-туриш қоидаларини қўллаб-қувватлаган. Афсоналар яхши ва ёмон намуналар сифатида норматив ахборот функциясини ўтаган, табиат билан ва ўзаро муносабатларда юриш-туриш қоидаларини намойиш қилган, ҳаракат учун қўлланма вазифасини бажарган.

Тош асри даражасида ҳаёт кечираётган баъзи халқларнинг турмуш тарзини тиклаш ва ўрганиш йўлидаги этнография фанининг ютуқлари афсоналар, уларнинг тошларга ҳамда ғорлардаги деворларга битилган инъикоси, афсоналар билан боғлиқ бўлган маросимлар, анъаналар, «муқаддас» буюмларнинг ижтимоий тартибга солишдаги аҳамиятини тўғри баҳолашга имкон бермоқда.

Афсоналар маросимлар, «муқаддас» буюмлар, анъаналар билан биргаликда асосий социал-норматив тизим ва ахборот ўрнини эгаллаган. Уларда қурол тайёрлаш усуллари, кўчиш йўллари ҳақида маълумотлар, кўноқ учун жойлар, жўғрофий аҳамиятга эга бўлган жойлар, оила-никоҳ муносабатлари нормалари, қариндошлик бўғинлари, тотем мафкураси, жинсий, озиқ-овқат ва ёш бўйича тақиқлар экологик ва тиббий аҳамиятга эга бўлган. Афсоналарни қайтариш удумларидан тортиб, афсоналарда белгиланган ва мустаҳкамланган қоидаларни «бузувчилар»ни жазо-

наш каби усуллар афсоналарнинг тартибга солиш функциясини таъминлаган.

Афсоналар ижтимоий амалиётни уйғунлаштириш ва тарқатиш билан бирга, ибтидоий одамнинг фикрлаш усули, аниқ мафкуравий тизими ҳам бўлган. Шу афсонавий маросимлар ва ҳаракатлар орқали инсон табиат воқеаларини, ижтимоий жараёнларни тушуниб олган. Инсон даставвал воқеаникни тушунтиришнинг афсонавий тизимидан фойдаланган. Чунки ўзлаштирувчи иқтисодиёт одамнинг афсонавий онги, афсоналарни бошқача тизимидан фойдаланадиган илк синфий жамият одамнинг онгидан катта фарқ қилган.

Ўзлаштирувчи жамият одамнинг афсоналари агроф муҳит, одамнинг табиатдаги ўрни ҳақида чуқур билимлар берган. Афсоналарда инсон одатда «хўжайин», «яратувчи», «табиатни қайта қурувчи» сифатида эмас, балки унинг бир қисми сифатида намоён бўлган. Экологик билимлар билан бир қаторда афсоналар ернинг тузилиши, одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги жуда оддий афсонавий тушунчаларни ҳам берган, ижтимоий онгнинг оддий кўринишларини намоён қилган. Лекин афсоналардаги энг муҳим ҳолат унинг норматив қисми бўлиб, унда инсониятнинг минг йиллар давомида тўплаган амалий тажрибаси жамланиб, бу маълумотлар жамиятнинг ҳар бир аъзоси онгига сингдирилган.

Ибтидоий жамиятда фақат афсоналаргина социал нормаларни ифодалаш шакли бўлмаган. Қонқариндошлик муносабатларини тартибга солувчи нормалар ҳам социал нормаларни ифодалаш шакли бўлган. Асосини оила-никоҳ нормалари ташкил қилган қариндошлик муносабатларига ҳокимият, яъни бир гуруҳни иккинчисига, бир шахс-

ни иккинчисига тобе қилиш муносабатлари ва тақсимлаш муносабатлари боғлиқ бўлган.

Шундай қилиб ўзлаштирувчи жамиятда уруғчилик таснифи одамларнинг ижтимоий алоқаларини, демография жараёнларини, ҳаттоки ер участкаларини, масалан, овчилик сарҳадларидан фойдаланишни тартибга солган. Ўзлаштирувчи жамиятда ҳудудлардан ҳамманинг тенг фойдаланиши мумкин бўлмаган. Бу жамиятда муайян ҳудудларга иқтисодий ва диний эгаллик мавжуд эди. Бу бир жамоа аъзоларининг хўжалик ва аймақ, тотемлик гуруҳларига бирлашишидан келиб чиққанди.

Анъаналар ва урф-одатлар ҳам социал нормаларнинг ифодаланиш шакли бўлган. Бундай жамиятлар илмий адабиётларда *анъанавий жамиятлар* деб аталади. Шунингдек, жамоа ёки маҳаллий тажрибани умумлаштириш шакли бўлган анъаналар ва урф-одатларга риоя қилиш ўзгаларнинг турмуш тарзига қараб одат таъсирида амалга оширилган. Тақлид қилиш механизми — ижтимоий онгнинг энг қадимий руҳий қатламидир. Унинг асосини анъаналар ва одатларнинг пайдо бўлиши, уларга риоя этиш ташкил қилган.

**Процедуралар (тартибга солиш жараёнлари).** Ўзлаштирувчи жамиятда социал нормаларнинг шаклланиши ва ўрнатилиши мустақил бўлиб, илк синфий жамият процедураларидан фарқ қилади. Анъана, урф-одат ва маросимларни ташкил қилиш билан бирга, ўзлаштирувчи иқтисодиёт ўз тараққиётининг айрим босқичларида нормаларни онгли, ижодий яратишни ҳам билган.

Синфий жамиятга қадар носийсий ҳокимият органлари (потестар органлар) бўлиб, улар ҳам айрим нормаларни ишлаб чиққанлар. Бу социал

нормаларни шартли равишда тартибга солиш объектлари бўйича — ер эгаллиги, мулкый, жиноий нормаларга; субъекти бўйича — қон-қариндошлик муносабатлари, оила-никоҳ, гуруҳий, гуруҳлараро, жамоа нормаларига бўлиш мумкин. Бу жамиятда ўзига хос «процессуал» нормалар ҳам бўлган. Масалан, тартибни бузиш жамоа томонидан текширилган, жамоанинг ўзи жазо тайинлаган. Жазони оқсоқоллар ва йўлбошчиларгина эмас, балки айбдорнинг ёки жабрланувчининг яқин қариндошлари ҳам тайинлаши мумкин бўлган.

**Санкциялар.** Юриш-туриш қоидаларини ихтиёрий равишда бажариш ўзлаштирувчи жамиятнинг хусусияти эди. Шу билан бирга, барча оила-никоҳ муносабатларини, ер участкаларидан фойдаланиш тартибини бузганлик учун ҳаётдан маҳрум этишга қадар жазо қўллаш ҳам бўлган. Бу жамиятда ўрнатилган тартиб қоидаларни бузиш ижтимоий ҳаётнинг диний томонга тааллуқли бўлгани учун санкциялар диний, ғайритабиий кучлар билан изоҳланиб қўлланган. Санкцияларнинг асосий шакллари қўйидагилар бўлган: жамоат иззаси, жамоадан ҳайдаб юбориш, тан жароҳати бериш, ўлимга маҳкум қилиш.

Шундай қилиб, *ўзлаштирувчи жамиятнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тизими социал нормаларнинг мазмуни, тартибга солиш усуллари, ифода этиш шакллари, процедура-лар ва санкциялардан ташкил топган.*

Бу тизим ишлаб чиқарувчи жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан тубдан фарқ қилган. Шу билан бирга ўзлаштирувчи ва ишлаб чиқарувчи жамиятларнинг социал нормалари ўртасидаги айрим давомийликни, ворисликни тан олиш керак.

Давлатсиз жамиятдаги юриш-туриш қоидаларини (социал нормаларни) ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий нормалар қаторига киритиш мумкин эмас. Булар этнограф олим А. И. Першицнинг фикрича, «*мононорма*», яъни ибтидоий жамиятнинг бўлинмаган, яхлит, ўзига хос нормаларидир. «Мононормалар» ҳуқуқдан фарқ қилиб, бошқа ҳолатдаги тартибга солувчи тизим сифатида жамият тараққиётининг кейинги босқичида, синфий давлатлаштирилган, ташкилий шаклда намоён бўлади. Улар ахлоқдан ҳам фарқ қилади. Хусусан, уларнинг бажарилиши ахлоққа хос бўлган жамоа иззаси билангина таъминланиб қолмай, аниқ белгиланган санкциялар асосида ҳам таъминланган.

Мононормаларни институциявий (махсус органлар томонидан ишлаб чиқилган ва санкцияланган) ҳамда ноинституциявий, (умум ишлаб чиқилган ва ижро этиладиган) мононормаларга бўлиш мумкин эмас. Мононормаларнинг асосини униси ҳам, буниси ҳам ташкил қилади. Ҳуқуқ асосан институциявий, ахлоқ эса ноинституциявий йўл билан келиб чиққан.

Мононормалар ўзлаштирувчи жамиятнинг иқтисодиёти ва мафкураси билан узвий боғланишда бўлган. Инсон эса табиатнинг бир қисми ҳисобланган. У табиат шаклларини ўзлаштирган. Шу ҳолат мафкуравий ва ижтимоий тартибга солиш тизимида мустаҳкамланган.

Ишлаб чиқариш фаолиятининг янгидан тузилиши (унинг мураккаблашуви, янги бошқариш функцияларининг пайдо бўлиши), бунинг асосида жамиятнинг ижтимоий табақаланиши, илк синфий тузилмаларнинг келиб чиқиши, уларда юқори табақаларнинг оддий ишлаб чиқарувчилардан аж-

ралиб туриши, мулкнинг янги шаклларининг, қўшимча маҳсулотнинг келиб чиқиши ва ўзлаштирилиши — тартибга солувчи тизимда янги синфларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Илк деҳқончилик жамиятларида вужудга келган дастлабки бошланғич шаклдаги ижобий мажбурлаш илк синфий давлатдаги тартибга солиш тизимининг асосий белгиларидан бири бўлиб қолди.

Ўзлаштирувчи жамиятнинг мононормалари синфий жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шароит таъсирида ишлаб чиқарувчи жамиятнинг ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларига айланган. Бунда улар «бўлиниш» йўли билан, шунингдек, янги позитив мажбурлаш нормаларининг пайдо бўлиши таъсирида, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг ташкил топиши натижасида янги тузилишга эга бўлган. Улар янги мазмун, тартибга солиш усули, ифодаланиш шакли, процедуралари, ниҳоят таъминлаш воситаси — санкцияларига эга бўла борган. Ўзлаштирувчи жамиятнинг социал нормаларидан фарқли ўлароқ, махсус нормалар тизими, бошқача айтганда, ҳуқуқ пайдо бўлган.

Ишлаб чиқарувчи иқтисодиётнинг келиб чиқиши жамиятнинг ҳамма томонларини тартибга солиш тизимининг сифат жиҳатдан ўзгаришларига олиб келган. Ҳуқуқни аввалги мононормалардан ажратиб турадиган белгилар кўп. Жумладан, ҳуқуқни, мононормалардан мазмуни ва тартибга солиш усули билан фарқлаш мумкин.

Жамиятда янги мафқуранинг пайдо бўлиши синининининг ўзгаришига олиб келган. Овчиликка хос бўлган магик ва мистик дунёқараш ўрнини диний-деҳқончилик дунёқараши — қўёшга (деҳқончилик рамзи — ўлиб тирилаётган худо) сизгиниш эгалла-

ган. Масалан, Қадимги Юнонистон афсоналари мазмуни ва функциялари жиҳатидан ўзлаштирувчи жамиятнинг афсоналаридан фарқ қилган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва турмушининг ўзига хос хусусияти тартибга солиш тизимининг ҳуқуқий томонини ҳам шакллантирган. Ҳуқуқий тартибга солиш бир томондан қишлоқ хўжалик ишлари ва уларни тақсимлашга оид қоидаларни қамраб олган. Иккинчи томондан эса ҳуқуқий тартибга солиш диний тусда бўлиб, қишлоқ хўжалигининг инсон билан боғлиқ бўлмаган ўзига хос хусусиятларини акс эттирган.

Ҳуқуқ ишлаб чиқарувчи иқтисодиётни тартибга солиш тизимининг турмуш, сиғиниш ва маросимлари асосини ташкил қилган. Шундай қилиб, дастлабки ҳуқуқ ҳам моддий, ҳам диний мазмунга эга эди.

Қишлоқ хўжалик фаолияти асосида келиб чиққан ишлаб чиқарувчи хўжалик қоидалари, ерга бўлган мулк ҳуқуқининг сиғиниш билан, удум билан боғлиқ бўлган томонлари кейинги босқичда аста-секин синфий мазмунга эга бўла борган.

Шаҳар-давлатларда қадам-бақадам ижтимоий, иқтисодий ахборот тенглиги емирила борган. Хусусий мулк, шу жумладан ерга эгалик келиб чиққан. Эксплуатация пайдо бўлган. Норматив тартибга солиш тизими шу синфий муносабатларга хизмат қила бошлаган. Бу янги мазмундаги сифатлар ҳуқуққа ҳам хос эди. Тартибга солиш усулига мос равишда тақиқлаш, рухсат бериш ва зўрлаш тизими ривожланиб борган. Мононормаларнинг бўлиниши юз берган. Мажбурлаш кўлами кенгая борган.

Астрономия билимларига эга бўлмай туриб деҳқончилик қилиш мумкин эмас. Инсон мада-

ниятининг умумий хазинасига қўшилган ҳиссалардан бири тақвим (календарь)дир. Тақвимлар вақт ўлчовини, унинг асоси вақти-вақти билан қайтариб туриладиган табиат ҳодисаларини ўзида акс эттиради. Тақвимларнинг бир неча турлари, масалан, деҳқон тақвими, чорвадор тақвими ва ҳ.з.лар мавжуд. Деҳқон тақвимлари илк деҳқончилик жамоалари аъзоларининг бутун ҳаётини кунлар бўйича тақсимлаган. Шундай қилиб, инсон ҳаракатини тартибга солиш усуллари, яъни нимага рухсат бериш, нимани таъқиқлаш ёки жамоат фикридан фарқли равишда ўз хоҳишига қараб иш тутиш мумкинлиги пайдо бўлган. Ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг бундай усули ҳуқуқдир. Мононормаларнинг бўлиниши натижасида вужудга келган ахлоқ нормалари эса у ёки бу хатти-ҳаракатни нима «яхши» ва нима «ёмон» тарзида баҳолаган. Шундай қилиб тартибга солиш усуллари, авваламбор, умумий ижтимоий вазифаларни, янги турдаги меҳнат фаолиятини таъминлашга йўналтирилган.

Кишилар амалиётда ҳосил қилинган муайян хулқ-авторга риоя қилганлар. Бора-бора бу социал нормалар урф-одатлар тусига кириб, анъанага айланган ва уларга қатъий амал қилинадиган бўлган. Социал нормалар турмуш, меҳнат ва оиладаги муносабатларни бошқариб турган, барча уруф аъзоларининг манфаатларини ифода этган, уруф ҳаётини ҳаракатга келтирган, хулқ-атвор тартиботини аниқ белгилаб берган. Социал нормаларга амал қилиш одат бўлган, зарур ҳолларда эса жамоатчилик фикри таъсирида қонли ўч олиш одат тусига кира бошлаган. Социал нормалар ўша вақтдаги тараққиёт даражасига монанд бўлиб, уруғчилик тузуми шароитларига мослаштирилган.



Шундай қилиб, ибтидоий жамиятдаги социал нормаларнинг белгилари қуйидагилардан иборат бўлган:

*биринчидан*, уруғдошлик тузумида ижтимоий муносабатлар асосан одат нормалари томонидан тартибга солинган;

*иккинчидан*, социал нормалар кишиларнинг онги ва хулқ-атворида бўлиб, одатда ёзма шаклда бўлмаган;

*учинчидан*, социал нормалар асосан кўникма кучи асосида, ҳамда ишонтириш ва мажбурлаш (уруғдан ҳайдаб юбориш) чоралари билан таъминланган;

*тўртинчидан*, таққлаш (табу тизими) ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг етакчи усули бўлган, ҳамда том маънодаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд бўлмаган;

*бешинчидан*, социал нормалар уруғ ва қабила аъзоларининг манфаатларини ифода қилган.

## **5-боб. ДАВЛАТНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ**

1-§. *Давлат келиб чиқишининг асосий сабаблари.*

2-§. *Илк давлатларнинг пайдо бўлиши.*

3-§. *Давлат пайдо бўлишининг турли шакллари.*

4-§. *Давлатнинг уруғдошлик тузуми давридаги ижтимоий таъкилотлардан фарқлари.*

5-§. *Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар.*

### **1-§. Давлат келиб чиқишининг асосий сабаблари**

Инсон экологик инқирозларга жавобан ҳаёт кечирини ва қайта ишлаб чиқаришнинг янги усулига — ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтиш билан жавоб берган. Янги тош асри, яъни «**Неолит инқилоби**» юз берган. **Одамлар** аста-секин овчи-

лик, балиқчилик, тайёр ўсимликларни йиғиш ҳамда деҳқончилик, чорвачиликнинг ибтидоий шаклларида, деҳқончиликнинг янги ривожланган шаклларига ўта бошлаган. Масалан, суғориладиган, жумладан ирригация иншоотлари ёрдамида суғориладиган деҳқончилик юзага келган. Хўжалик ҳаётининг янги ташкилий кўринишлари жамият ҳаётида асосий иқтисодий ўринни эгаллай бошлаган.

«Неолит инқилоби» давомида инсон тайёр ҳайвонот ва ўсимлик маҳсулотларини қурол ёрдамида ўзлаштирар эди. Энди табиатни ўзгартиришга, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, янги ўсимликлар ва ҳайвонот турларини яратиш, шу билан табиатнинг табиий шаклларини алмаштириш йўлига ўтила борган. Бу ўтиш фақат деҳқончилик ва чорвачиликда янги турлар яратиш эмас, балки бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам (кулолчилик, металл ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш) юз берган. Ишлаб чиқарувчи иқтисодиёт милоддан аввалги IV—III мингинчи йилларда инсон ҳаётининг асосий омили бўлган.

«Неолит инқилоби» оқибатида ер шарининг баъзи ҳудудларида илк деҳқончилик жамоалари ташкил топган. Яқин Шарқда, бу ҳолат милоддан аввалги 7 минг йилларда содир бўлган. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг кейинги босқичида милоддан аввалги IV—III минг йилларда илк деҳқончилик жамоаларида юксалиш юз берган. Бу юксалиш асосида дастлабки цивилизациялар — илк синфий жамиятлар ташкил топган. Улар Дажла, Фрот, Аму ва Сир каби йирик дарёлар водийларида ташкил топган. Бу минтақаларда деҳқончилик учун шароит жуда қулай эди.

Милоддан аввалги III—II минг йилларда Ўрта ер денгизидан Тинч океани соҳилларигача бўлган ҳудудда дастлабки маданият цивилизациялари ташкил топган. Ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва характери жиҳатидан илк деҳқончилик жамоаларининг келиб чиқиши, тараққиёт босқичлари — инсоният ривожланишининг умумий жараёнида алоҳида ўрин эгаллайди.

Ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтиш цивилизациянинг юксалиши ва одамларнинг кўпайишини таъминлаб берди. Олимларнинг фикрича, ўқёй билан қуролланган овчига ўзини тўйдириши учун 20 кв. км. ҳудуд керак бўлган. Бу майдон бир неча деҳқонни боқиш учун етарлидир. Бошқа ҳисобларга қараганда, ишлаб чиқариш хўжалигига ўтиш оқибатида ер юзи аҳолиси мезолит даври охирида (милоддан 7 минг йил аввал) 10 минг киши бўлган бўлса, неолит даври охирига келиб (милоддан аввалги II минг йил) 50 млнгача кўпайган. Тахминийлигига қарамай, бу ҳисобкитоб деҳқончилик ва чорвачиликка ўтгандан кейин ер юзи аҳолиси кескин кўпайганлигидан гувоҳлик беради.

Ишлаб чиқариш иқтисодиёти ўзининг илк босқичидаёқ, инсон билан табиат ўртасида шундай айирбошлашни вужудга келтирган эдики, инсон қўшимча маҳсулот ишлаб чиқара бошлаган, ўсимликлар селекцияси, суғориладиган деҳқончилик, айниқса, сунъий суғориш дастлабки даврлардаёқ кўн ҳосил бера бошлади.

Қўшимча маҳсулот ишлаб чиқиш ва унинг узлаштирилиши мулкнинг янги шакллари — жамоа, турух, хусусий мулк шакллари келтириб чиқарган, жамиятнинг табақаланишига олиб келган. Ишлаб чиқаришнинг янги тузилиши жа-

миятнинг социал бўлинишига олиб келган. На-тижада жамиятнинг юқори қатламлари асосий ишлаб чиқарувчи оммадан ажрала бошлаган, моддий ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмай қўйган.

*Шундай қилиб, «неолит инқилоби» — инсоният-нинг ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтишига, иб-тидоий жамоанинг социал табақаланишига, синф-ларнинг келиб чиқишига, давлатнинг пайдо бўли-шига олиб келган.*

## **2-§. Илк давлатларнинг пайдо бўлиши**

Энг қадимий давлатлар, илк деҳқончилик жа-миятларининг ижтимоий-иқтисодий асосида пай-до бўлган ва илк синфий давлатлар ҳисобланган. Бу дастлабки давлатлар милоддан аввалги IV— III минггчи йилларда Месопотамияда, Месоамерикада, Тоғли Перуда, ҳар хил даврда ва бир-биридан мустақил ташкил топган.

Улар дастлабки шаҳар-давлат шаклида эди. Эркин жамоачи деҳқонлар энди уруғ (оила) жамоасини эмас, балки қўшничилик жамоасини ташкил қилган. Улар бир неча қишлоқ гуруҳларидан ажралиб чиқиб, хўжалик ва диний марказни, кейинчалик маъмурий хўжалик ва диний марказ-шаҳарни ташкил қилган. Бундай шаҳарлар унчалик катта бўлмаган. Бундай давлатда йўлбошчилар ва қоҳинлар ўтроқ яшаганлар. Бу шаҳар-давлатларда мажлислар, кенгашлар ўтказилган.

Шаҳар-давлатларда социал табақаланиш кучли бўлган, мулкий тенгсизлик, меҳнат тақсимо-ти мавжуд эди. Кулоллар, мисгарлар, дурадгорлар ва бошқа ҳунармандлар яшаган, дастлабки маъмурий бошқарувчилар — ишлаб чиқаришни,

ҳисоб-китобни, жамоа ишларини (ҳашарни) ташкил қилиш, жамоа жамғармасидан баъзи нарсаларни ажратиб бериш билан шуғулланувчи шахслар пайдо бўлган эди.

Шаҳар-давлатларда бошқарув, маъмурий ва мафкуравий марказ (шаҳар жамоаси, сарой ва ибодатхона) ташкил топган. Шу жумладан ибодатхоналар диний, ташкилий, хўжалик, тақсимот ва ахборот тизими бўлиб қолган.

Шаҳар яқин қишлоқларга нисбатан давлат бошқаруви вазифасини бажара бошлаган. Бу вазифалар (функциялар) турлича эди, жамоа деҳқончилигини ва ер эгалигини бошқариш; жамоанинг диний маросимларини бажариш; давлатлараро маҳсулот айирбошлаш (вақти келиб товар айирбошлашга ўсиб ўтган<sup>1</sup>); ҳарбий ҳужумлардан ҳимоя қилиш, бошқа шаҳар-давлатни босиб олиш учун ҳарбий юришларни ташкил қилиш; ўлпон ёки солиқларни ундириш; жамоа захираларини (асосан озиқ-овқатни) табиий офат юз берганда, ҳарбий босқин бўлганда тақсимлаш учун тўплаш; жанжалларни (тортишувларни) ҳал қилиш учун, анъаналарни, одатларни қўллаб қувватлаш учун, дунёвий ва диний қоидаларни жорий қилиш учун, ҳунармандчилик, савдо-сотиқни ривожлантириш учун тегишли институтларни тузиш.

Шаҳар давлатларнинг дастлабки муҳим вазифаси эркин жамоачи деҳқонларнинг (илк деҳқончилик жамиятларининг) асосий социал ва

<sup>1</sup> Дастлабки давлатларда шаҳар-давлатлар заминда маҳсулот айирбошиши бўлмаган. Ҳар бир «кайта оила» (ота оналар, уларнинг фарзандлари — би эркек ва аёллар, уларнинг эр ва хотинлари неваралар, бошқа қариндошлар) тақинчоқлар, кулолчилик маҳсулотлари билан унинг таъминлаган. Бозорлар кейинги босқинларга келиб чиққан.

ишлаб чиқариш кучларига — яъни майдонларига, сувга, суғориш шохобчаларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ахборот хизмати функцияси эди. Ариқлар қазиш, кўприклар қуриш, жамоа захирасини таъминлаш, ҳисобга олиш, тўловлар, солиқларнинг ҳаммаси шаҳар-давлатларда ҳар хил маълумот тўплайдиган кенг тармоқли ахборот тизимининг ташкил топишига олиб келган. Масалан, инклар давлатида муайян оиланинг аъзолари ҳақида, шумерлар давлатида ҳашарга чиққан-чиқмаганлар ҳақида маълумотлар тўпланган. Бундай тизим ва бошқаришни ташкил қилиш жамиятдан ажралиб чиққан махсус ахборот хизматчилари гуруҳи — коҳинлар, ҳат-тотлар зиммасида эди.

Бу гуруҳ билимда ҳукмронлик қилган, жамоа захираларини назорат қилиб суд ва жазолаш вазифаларини бажарган, ахборотнинг назоратини юритиб ижтимоий яқинлаштирувга хизмат қилган. Социал институт сифатида ташкил топаётган дастлабки давлат илк деҳқончилик, илк синфий жамиятда ишлаб чиқарувчи иқтисодиётни ташкил этиб, унга хизмат қилган.

Ушбу концепция давлат ва ҳуқуқ назариясида давлатнинг келиб чиқиши ҳақидаги марксча-ленинча мулоҳазалардан тубдан фарқ қилади. Бу концепция дастлабки шаҳар давлатларининг ташкилий функцияларига, давлатнинг келиб чиқиши ва ишлаб чиқарувчи иқтисодиёт ўрнатилишидаги ўзаро боғлиқликка доир янги билимларга асосланган.

Синфий ёндашувга кўра ибтидоий жамиятдан цивилизацияга ўтиш босқичида кўшимча маҳсулот, хусусий мулк пайдо бўлиб, жамият синфларга бўлинар, ҳукмрон синф келиб чиқиб, у дав-

латни ташкил қилар ва давлат ёрдамида мажбурлаш йўли билан эксплуатация қилинувчи синфни тобеликда ушлаб турар, урушлар бўлар, асир тушганлар ўлдирилар, ҳатто истеъмол ҳам қилинар эди. Кейинчалик эса улардан гурли ишларни бажаришда фойдаланганликлари сабабли дастлабки эксплуатация қилинадиган синф асир-қуллар бўлиб, қашшоқлашиб, қарам бўлиб қолган фуқаролар ҳам улар қаторига қўшилган эди. Шу сабабли биринчи давлат — қулдорлик давлати бўлиб, бир синфнинг иккинчи бир синф устидан ҳукмронлигини таъминлайдиган машина деб таърифланарди.

Шаҳар-давлатларнинг функциялари турлича эди. Оқибатда дастлабки босқичлардаёқ кенг тармоқли давлат аппарати ташкил топди. Унча катта бўлмаган қадимий шаҳар-давлатларда ёзма манбаларга қараганда, милоддан аввалги IV—III минг йилларда 80 дан 130 гача амал ва касблар бўлган. Илк синфий тузумда жамият зодагонларга, бой шаҳарликларга, эркин шахсларга бўлинган. Шаҳар-давлатларнинг дастлабки аппарати деҳқончилик жамоаларининг социал бошқариш тузуми (деҳқонларнинг йиғини, оқсоқоллар кенгаши, йўлбошчилар, саркардалар) асосида ташкил топган. Кейинчалик бажарадиган функциялари, жамоага яқин қишлоқларга муносабатидан келиб чиқиб, шаҳар-давлатнинг бошқариш аппарати бўлиб қолган.

Илк давлатларнинг синфий табиати вақт ўтиши билан ўзгарган. Жамиятнинг табақаланиши, синфларнинг ташкил топиши билан у ёки бу синф давлатни эгаллаб олган, уни ўз манфаатларига мослаштиришган. Синфлар ва давлатнинг ташкил топиши мустақил, ёнма-ён, бир-бири

билан ҳамкорликда борган. Синфларнинг ташкил топиши дастлабки давлатнинг (шумерларда, майяларда, аштекларда, инкларда, қадимги Мисрда, Ҳиндистонда, Хитойда) келиб чиқишини рағбатлантирган. Шу билан бирга, дастлабки давлатнинг ўзи ҳам синфларнинг келиб чиқишига туртки берган, илк синфий жамиятнинг келиб чиқишини тезлаштирган. Илк синфий давлатларда жамоа зодагонларининг ажралиб чиқиши янада кучайган, мансабларни эгаллашда сулола механизми юзага келган (мансаблар аждоддан авлодга қолдирилган), энг муҳими шу асосда алоҳида гуруҳлар чексиз бойлик орттираверган.

Илк давлатлар ҳукмрон синфнинг фаолияти натижасидагина келиб чиққан эмас. Бу ишлаб чиқарувчи иқтисодиёт, деҳқончилик маданияти вужудга келаётган босқичдаги жамият тараққиётининг натижасидир. Аммо, у ёки бу синф давлатни қўлга олиб, унинг ёрдамида ҳукмрон синф бўлиб қолиши ҳам мумкин бўлган. Моддий ишлаб чиқариш усули — жамият ва ижтимоий тартибларнинг ривожланишини таъминловчи омил, ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир.

Давлат аппарати дастлабки босқичлардаёқ кенг тармоқли мураккаб тизимга эга эди. У ўзини сақлаш ва фаолият кўрсатиш учун маълум манбаларга муҳтожлик сезган. Бундай манбалар солиқлар, йиғимлар ва бошқа тушумлар эди.

Давлат асосида тузилган ҳар қандай жамият самарали бошқаришга муҳтож бўлиб, унинг кейинги ривожланиши шундай бошқаришни излаш билан боғлиқдир.

Давлат ўз функцияларини бажариш учун одамларнинг алоҳида қатлами — давлат аппаратига



эга бўлган. Бу муайян ҳокимиятга эга бўлган, яъни зарурият туғилганда мажбурлаш, зўравонлик ёрдамида аҳолининг бошқа табақаларини ўз эркига бўйсундириш, у ёки бу манфаатларни таъминловчи кишилар гуруҳи эди.

Бунинг учун илк давлатларда, ибтидоий жамиятнинг социал тизимидан фарқли ўлароқ, ўзига хос давлат институтлари — судлар, турмалар, полиция, армия пайдо бўлган. Улар мажбурлашга мослаштирилган органлар эди.

Илк синфий жамиятда катта сугориш иншоотларини ва сағаналарни қуришда ўн минглаб кишилар иштирок этарди. Лекин, баъзи ҳолларда, кўпчилик томонидан қабул қилинган тартибқоидаларни бажармаганларга нисбатан мажбурлаш қўлланиларди.

Аммо илк синфий давлатлардаги мажбурлаш ва махсус органларнинг ролинини бўрттириб кўрсатиш керак эмас. Бу давлатларда умумижтимоий функцияларни, яъни меҳнат, ишлаб чиқариш фаолиятини, жамиятнинг маънавий ҳаётини бошқаришга мўлжалланган асосий органлар ҳисобланарди.

Давлат ибтидоий жамиятдан ҳудудий ташкил топиши билан фарқ ҳам қиларди. Ҳудудий тузилишнинг биринчи босқичи шаҳар эди. Шаҳар одамларини қариндошлик асосида эмас, балки маълум ҳудудга кўра бирлаштирган.

Жамият тузилишининг, янги давлат шаклини таҳлил қилиш асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Давлат ягона ҳудудий кенгликдаги хўжалик фаолияти (баъзи олимлар ягона ҳудудий кенгликка ягона иқтисодий кенгликни ҳам қўшадилар), турли умумижтимоий функцияларни бажарадиган ва давлатнинг мажбурлаш кучини иш-

лага оладиган давлат аппаратининг мавжудлиги, ягона солиқлар ва молия тизимига эгаллиги билан ибтидоий тузумдан фарқ қилади.

Бундан ташқари давлат ҳудудида ўзаро мулоқот қуроли сифатидаги тил бирлиги (бундай тил бўлиши, маълумки унда яшовчи этник гуруҳлар тилининг мавжудлиги ва ундан фойдаланиш мумкинлиги инкор этилмайди), ягона мудофаа ва ташқи сиёсат, транспорт, ахборот, энергетик тизим, давлат томонидан ҳимоя қилинадиган шахс ҳуқуқларининг маълум бирлиги кабилар ҳам давлатнинг ибтидоий тузумдан фарқини кўрсатади.

Юқоридагилар давлатнинг пайдо бўлишига асосий сабаблардир. Давлат пайдо бўлишининг аниқ шакллари эса турлича бўлиши мумкин.

### **3-§. Давлат пайдо бўлишининг турли шакллари**

Ҳақиқатан ҳам, давлатнинг пайдо бўлиши узоқ давом этадиган мураккаб тарихий жараён бўлиб, бу жараён, турли халқларда, турли минтақаларда ҳар хил кечган. Шарқда давлат келиб чиқишининг Осиёча ишлаб чиқаришга асосланган шакли кенг тарқалган. Бунга қадимий Миср, Бобил, Ҳинд, Хитой давлатларининг пайдо бўлишини кўрсатиш мумкин. Бу давлатларда уруғдошлик тузумининг ижтимоий-иқтисодий тузилмалари бўлмиш ерга жамоа мулкчилиги, коллектив мулкчилик ва бошқалар ўта барқарор бўлган. Бу давлатлар бир вақтнинг ўзида ҳам қишлоқ хўжалик жамоаларини эксплуатация қилган, ҳам ишлаб чиқаришнинг ташкилотчилари бўлган.

Афина ва Римда эса давлатнинг келиб чиқиш жараёни ўзгача йўлдан борган. Қадимги Афинада

уруғдошлик жамияти ичида авж олган синфий қарама-қаршилиқлардан давлатнинг соф классик шакли пайдо бўлган. Римда плебейларнинг узлуксиз кураши натижасида уруғдошлик тузуми емирилиб, унинг харобалари ўрнида давлат пайдо бўлган. Германларда эса давлат бошқа худудларни босиб олиш натижасида пайдо бўлган.

Давлатнинг келиб чиқишидаги умумий принциплар муайян тарихий шароитларда ҳар хил бўлган. Давлат қисман уруғдошлик тузумини ўзгартириш, қисман бу тузумга янги органлар киритиш ёки бу тузумни суриб чиқариш, шунингдек, давлат ҳокимиятининг чинакам органлари билан тўла алмаштириш орқали пайдо бўлган.

Давлат асло жамиятга ташқаридан зўрлаб киритилган куч эмас. Давлат, Гегель айтган, «маънавий ғоянинг ҳақиқатга айланиши», «ақлнинг образи ва ҳақиқатга айланиши» ҳам эмас. *Давлат — кишилиқ тараққиётининг маълум босқичида келиб чиққан цивилизация маҳсулидир.* Демак, давлат жамиятнинг маҳсули. У жамиятнинг сиёсий ташкилоти бўлиб, муайян худудда синфий, умуминсоний, диний, миллий ва бошқа аниқ манфаатларни амалга оширишга кўмаклашади.

**Давлат — инсоният ҳаётининг муҳим объектив ташкилий шаклидир. У маълум иқтисодий, ижтимоий ва маънавий муҳитдан келиб чиққан, сиёсий ҳаётда катта ўрин ва социал қимматга эга.**

Давлатнинг пайдо бўлиши — тарихий қонуният.

Инсоният давлат пайдо бўлгунига қадар ўз тараққиётида узоқ йўлни босиб ўтган. Давлат ҳам, ҳуқуқ ҳам бўлмаган ибтидоий жамият асосан ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси билан фарқ қиладиган турли босқичларни ўтган. Меҳнат қуролларининг ривожланиши ва

такомиллашиши, йирик ижтимоий меҳнат тақсимооти (зироатчиликнинг чорвачиликдан, ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиши, савдонинг алоҳида иқтисодий соҳага айланиши) натижасида меҳнат унумдерлиги ошган, ортиқча маҳсулотлар ҳосил бўлган. Бу эса хусусий мулкчиликка ва жамиятнинг мулкий жиҳатдан қатламларга ажралишига олиб келган. Натижада асосий машғулоти хусусий мулкчилик муносабатларини ва мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилишдан иборат бўлган кишиларнинг махсус гуруҳлари юзага келган.

Шундай қилиб, ибтидоий жамиятдаги саркардалар, оқсоқоллар, қабила бошлиқлари, диний ҳокимият эгаларига тегишли бўлган ижтимоий ҳокимият аста-секин давлат ҳокимиятига айланган. Давлат пайдо бўлгунича мавжуд бўлган жамиятдаги ижтимоий ҳокимиятни сақлашнинг асосий воситаси — олий руҳонийларнинг шахсий обрўси эди. Давлат ҳокимиятининг моҳиятини эса мажбурлаш ташкил эта бошлаган. Инсоннинг жамиятдаги мавқеи тубдан ўзгарган. Агар ибтидоий жамиятда инсоннинг мавқеи алоҳида шахснинг оилага, уруққа ёки қабилага мансублиги билан белгиланган бўлса, давлатга эга жамиятда инсоннинг мавқеи унинг мулкий ҳолати ва давлат ҳокимияти эгаларига шахсий яқинлигига қараб белгиланади.

Давлат жамият ривожининг муайян босқичида юзага келган. У ўзининг шаклланиши ва ривожланишида узоқ, мураккаб йўлни босиб ўтган. Жамият ривожининг дастлабки босқичларида давлат етарлича ривожланмаган сиёсий ташкилот эди. Бундай давлат энг аввало мажбурлашга инсосланган.

Демократия шароитида давлат цивилизация талабларига мос тарзда ривожланади. У иқтисодий ва маънавий омиллар асосида ҳокимиятнинг мамлакатдаги тартиб-интизомни таъминлайдиган бир бутун ташкилотига айланади. Давлат ўзининг асосий вазифасини — халқ ҳокимиятчилиги, иқтисодий эркинлик, мустақил шахс эркинлигини амалга оширади.

#### **4-§. Давлатнинг уруғдошлик тузуми давридаги ижтимоий ташкилотдан фарқлари**

Давлат уруғдошлик тузуми ижтимоий ташкилотидан бир қатор ўзига хос белгилари билан фарқ қилади.

*Биринчидан*, давлат фуқароларининг ҳудудий белгиларига қараб бўлиниши бўлиб, бундай бўлиниш уруғдошлик тузумида қон-қардошлик алоқалари туфайли бўлган. Уруғдошлик иттифоқлари бузилгач, фуқаролар ўзларининг ижтимоий ҳуқуқ ва бурчларини қайси уруғ ва қабилага мансуб эканликларидан қатъи назар яшаган жойларига қараб амалга ошира бошлаганлар.

*Иккинчидан*, давлат уруғдошлик тузуми ижтимоий ташкилотидан халқдан ажралган ва унга бошчилик қиладиган давлат ҳокимиятининг мавжудлиги билан фарқ қилади. Бунда давлат ҳокимияти аҳолидан ажралган бўлиб, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан фақат муайян гуруҳга, синфга хизмат қилади. Давлат ҳокимияти тизимида қуролланган кишиларнинг махсус отряди, армия, полиция, турма ва ҳар хил мажбур этиш муассасалари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси уруғдошлик тузумида йўқ эди.

Давлат ҳокимияти мамлакат ичида зиддият кескинлашган сари ва кўпни давлатлар катталашиб,

аҳоли сон жиҳатидан кўпайиб борган сари кучая-веради. Давлат ҳокимиятига ички омилларгина эмас, шу билан бирга ташқи-сиёсий омиллар (ҳужум хавфи ва ҳоказолар) ҳам таъсир этади.

*Учинчидан*, давлат аппаратини сақлаш учун зарур бўлган фуқаролардан олинадиган солиқлар ва тўловлар мавжуд. Давлат хизматчилари муайян ҳокимиятга ва солиқлар ундириш ҳуқуқига эга бўлиб, давлат органлари номидан жамият устидан ҳукмронлик қиладилар. Уларнинг ҳокимияти обрўга, жамият аъзоларининг иззаг-ҳурматига эмас, балки давлатнинг мажбурлов кучига таянади. Махсус қонунлар уларнинг манфаатларини кўриқлайди.

*Тўртинчидан*, давлат суверенитети, яъни давлатнинг ўз ҳудудида олий ҳокимиятга эгаллиги ва халқаро муносабатларда мустақил ҳаракат қилиши уругдошлик тузумидаги ижтимоий ҳокимиятга хос эмас.

*Бешинчидан*, ҳуқуқнинг мавжудлиги. Ибтидоий жамиятда ҳуқуқ бўлмаган. Ижтимоий муносабатлар социал нормалар томонидан тартибга солинган. Давлат эса ҳуқуқсиз яшай олмайди. Ҳуқуқ давлат ҳокимиятини юридик жиҳатдан мустаҳкамлайди, давлат функцияларини амалга оширишнинг шакллари ва юридик доирасини аниқлаб беради.

## **5-§. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар**

Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисида турли назариялар мавжуд.

Давлатнинг келиб чиқиши ҳақидаги *патриархал назарияга* биноан, давлат биланинг тараққий

этиши натижасида пайдо бўлган. Оиладан уруғ-қабилла — давлат вужудга келади.

Патриархал назария тарафдорлари давлат бевосита катталашиб кетган оиладан келиб чиққан, монарх ҳокимияти эса оиланинг барча аъзоларига раҳбарлик қиладиган отадан мерос бўлиб ўтган деб ҳисоблайдилар. Ушбу назария Юнонистонда (қадимги Грецияда) пайдо бўлган ва Арасту (Аристотель) асарларида асослаб берилган, XVII асрда яшаган инглиз олими Фильмернинг «Патриарх» асарида ривожлантирилган. Муаллиф Инжилга асосланиб, Одам Атонинг ҳокимиятни худодан олиб, ўзининг катта ўғли — патриархга, у эса ўзининг авлодлари бўлган қиролларга берганлигини исботлашга уринган.

Патриархал назария инглиз социологи, тарихчиси ва юристи Генри Мэн (1822—1888) томонидан яратилган. Бу назариянинг Россиядаги тарафдори рус олими Н. Михайловский эди. У уруғдошлик алоқаларининг йўқ бўлишига ва давлатнинг пайдо бўлишига уруғдошлик алоқаларининг давоми бўлган миллий алоқаларнинг ривожланиши сабаб бўлган дейди. Унинг таъбири бўйича даставвал оила вужудга келган, оила ўсиб қабилага айланган, қабила эса ўсиб бориб давлатга айланган.

XVII—XVIII асрларда давлатнинг келиб чиқишининг *шартномали назарияси* пайдо бўлган. Бу назарияга кўра, ҳокимият халқ томонидан, халқнинг монарх билан битишуви натижасида ўрнатилади. Шартномали назариянинг вакиллари Голландияда Гуго Гроций ва Спиноза, Англияда Локк, Францияда Жан Жак Руссо, Россияда Радищев бўлган.

Руссонинг китоби айнан шундай: «Ижтимоий шартнома» деб аталган. Шартномали назарияга

одамлар кўзғолон кўтариш, монархларни қулатиш ҳуқуқига эга, улар давлатга бирлашиб, ўзларининг табиий эркинликларини йўқотмайдиган балки чеклайдилар, холос, деган табиий-ҳуқуқий таълимот асос қилиб олинган. Шартномали назарияда инсоннинг табиий ҳуқуқлари асослаб берилган.

Шартнома назариясига кўра, давлат онгли ижод маҳсули, одамлар келишган аҳд натижаси. Давлат — ўзаро келишув асосида ва онгли тарзда бирлашган кишилар ташкилоти бўлиб, ана шу шартнома асосида улар ўзларининг эркинликлари ва ҳокимиятининг бир қисмини давлатга берадилар.

**Зўравонлик назарияси** давлатнинг келиб чиқishiни босқинчилик ёки бир қабиланинг бошқа қабилани босиб олиши билан изоҳлайди. Бу назария тарафдорлари синфлар ва давлатни уруш, зўравонлик, босқинчилик маҳсули, деб изоҳлайди. Давлат ғолибнинг ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун тузилади. Зўравонлик назариясининг вакиллари австриялик юрист Л. Гумплович, немис назариётчиси Е. Дюринг ва К. Каутскийлардир.

Босқинчилик, зўравонлик давлатнинг пайдо бўлиш жараёнини тўхтатиб қолиши ёки тезлаштириши мумкин, лекин у биринчи сабаб бўлмайди. Давлатни вужудга келтирувчи бош омил моддий ишлаб чиқаришнинг тараққиёт даражаси, ишлаб чиқарувчи кучлар даражасидир.

Давлат келиб чиқishининг *психологик назарияси ҳам бор*. Бу назария тарафдори социолог Габриэль Тарддир. Бу назария давлатнинг келиб чиқishини кишиларнинг ҳукмронликка ва бўйсунишга бўлган эҳтиёжи билан изоҳлайди. Рус олими Коркунов, профессор Петрожицкийлар ҳам



давлат инсоннинг буйсунишга интилиши орқасида пайдо бўлади, деб ҳисоблаганлар. Психологик назария халқни алоҳида хусусиятларга эга бўлган кишиларга буйсунишни истовчи пассив омма деб билади.

Давлат келиб чиқишининг психологик назариётчиси социалист Рудольф Пампериен давлатнинг келиб чиқишини кишиларга хос бўлган ҳокимият инстинкти билан изоҳлайди, ҳокимият инстинктини очлик ёки севги инстинкти билан таққослайди. У давлатга қарашларни оилада вужудга келган тасаввурлар билан боғлашга ва бу билан психологик назарияни патриархал назария билан бирлаштиришга уринади.

**Ирригация назариясига** кўра, давлатнинг келиб чиқиши, уларнинг илк шакллари Шарқдаги улкан ирригация иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ. Ушбу назария немис олими Виттфогелнинг «Шарқ истибдоди» асарида ифодалаб берилган.

**Синфий назария** намояндаларининг, К.МАРКС, Ф.ЭНГЕЛЬС, В.И.ЛЕНИН фикрича, давлат иқтисодий сабаблар — ижтимоий меҳнат тақсимоти, қўшимча маҳсулот, хусусий мулк-нинг пайдо бўлиши, жамиятнинг қарама-қарши иқтисодий манфаатларга эга синфларга ажралиши туфайли келиб чиққан. Ушбу жараёнларнинг объектив натижаси ўлароқ, давлат ўзининг махсус бошқариш ва бостириш воситалари билан ана шу синфларнинг курашини бостириб туради. Бунда давлат ҳукмрон синф манфаатларини ҳимоя қилади.

Давлат келиб чиқишининг *синфий назарияси*, яъни маркеча-ленинча таълимот давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини уларни вужудга келтир-

ган иқтисодий базис билан боғлиқ равишда олиб қарайди. Бу назариянинг ўзига хос хусусияти — давлатнинг синфий моҳиятини эътироф этиш ҳам давлатни материалистик талқин қилишдир. Бу назарияга кўра, ҳар қандай давлат жамиятга нисбатан бутун жамият иродасининг ифодачиси сифатида эмас, балки иқтисодий ҳукмрон синфнинг қуроли, эксплуататор синфларнинг экс-плуатация қилинувчиларни эзиш, бостириш қуроли сифатида майдонга чиқади.

Синфий назария тарафдорлари давлатни ҳукм-рон синфнинг сиёсий ҳокимият ташкилоти, ҳуқуқни эса шу синфнинг қонун ҳолига келтирилган иродаси деб қарайди. Бу таълимотга кўра, давлат синфларнинг бир-бирига нисбатан қарама-қаршилигини жиловлаб туриш учун зарур бўлади, давлат ёрдамида иқтисодий ҳукмрон синф сиёсий ҳукмрон синф ҳам бўлиб қолади, бу синф давлат сиймосида мазлум синфни бостириб, эзиш учун янги қуролга эга бўлади.

**Теологик назария** вакиллари давлатнинг худо гомонидан яратилганлигини уқтирадилар. Улар «бутун ҳокимият худоники» деган қоидани илгари сурадилар. Бу назария қадимда пайдо бўлган ва ўрта асрларда кенг тарқалган. Ушбу назария теократик, яъни давлат бошлиғи айна пайтда унинг диний раҳнамоси бўладиган давлат қарор топган даврдаги жараёнларни акс эттиради.

Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги айрим назариялар шулардан иборат. Бу назариялар давлатнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи турли омилларни кўрсатадилар. Давлатнинг

вужудга келишига иқтисодий, ҳарбий, сиёсий, мафкуравий, биологик, илоҳий, инсон руҳияти ва бошқа омиллар сабаб бўлиши мумкин.

Иқтисодиёт давлат ва ҳуқуққа нисбатан бирламчи куч, давлат эса иккиламчи куч бўлиб майдонга чиқади. Давлат иқтисодиётнинг ҳосиласи, лекин пайдо бўлгандан кейин у маълум нисбий мустақилликка эга бўлади, жамият ҳаётида ва унинг иқтисодий тараққиётида актив роль ўйнайди. Давлат иқтисодиётга нисбатан ижобий ва салбий роль ўйнаши мумкин. Агар давлат ўз умрини ўтаётган ишлаб чиқариш муносабатларини ҳимоя қилса, ўз тараққиётига тўсқин бўлади. Агар давлат янги ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришга ёрдам берса, янги, янада прогрессив жамиятнинг иқтисодий негизини барпо этишга интилса, ижобий илғор куч бўлиб майдонга чиқади.

## **6-боб. ҲУҚУҚНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ**

- 1-§. *Ҳуқуқ келиб чиқишининг асосий сабаблари.*
- 2-§. *Ҳуқуқ пайдо бўлишининг асосий белгилари ва ўзига хос усуллари.*
- 3-§. *Ҳуқуқнинг илк функциялари.*
- 4-§. *Ҳуқуқ пайдо бўлишининг тарихий шакллари.*
- 5-§. *Ҳуқуқ келиб чиқиши ҳақидаги назариялар.*

### **1-§. Ҳуқуқ келиб чиқишининг асосий сабаблари**

Неолит инқилоби инсоният тарихини, унинг тараққиётини икки усулга — ўзлаштирувчи ва ишлаб чиқарувчи иқтисодиётга бўлинишининг чегарасигина эмас, балки мураккаблиги жиҳатдан давлатдан қолинмайдиган социал институт бўл-

миш ҳуқуқнинг келиб чиқишини ўрганиш учун ҳам муҳим методологик асосдир.

Агар давлатнинг келиб чиқиши жараёнини ўрганишда ибтидоий жамиятдаги ташкилий ва социал тузилмаларни ўрганишга асосий эътибор берилган бўлса, ҳуқуқнинг келиб чиқишини ўрганишда ибтидоий жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш усулларига эътибор бериш лозим.

Шу муносабат билан бир неча табиий саволлар туғилади. Инсон ва унинг турли уюшмалари уруғ, жамоа, аймақ ва шунга ўхшашларнинг хатти-ҳаракатларини нима белгилаб берган, қандай қилиб таъминлаган? Ҳуқуқ энг қудратли социал-тартибга солиш воситасининг бири бўлганми ёки у кишилиқ жамияти тараққиётининг маълум босқичида келиб чиққанми? Давлат келиб чиққунга қадар ва давлат ташкил топгандан кейинги жамиятлардаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тизими бир-биридан нима билан фарқланади?

Ҳуқуқнинг келиб чиқиш сабаблари ва моҳиятини ҳал қилиш давлат ва ҳуқуқ назариясининг энг асосий масалаларидандир.

Совет даврида чиққан давлат ва ҳуқуқ назариясига оид дареликларда ҳуқуқнинг келиб чиқиши масаласи давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ равишда кўриб чиқилган. Бунда синфий жамият аъзолари хатти-ҳаракатини, хусусий мулкни ҳимоя қилишни, синфий ҳукмронликни, эксплуатацияни тартибга солишни ўрганишда асосий эътибор мажбурлаш, зўрлик имкониятига қаратиларди. Ҳуқуқнинг жамиятнинг янги ҳолатини қўллаб-қувватлаш тизими синфатидаги умум-ижтимоий аҳамиятига, умуминсоний қадрият

сифатидаги жиҳатларига етарлича эътибор берилмасди.

Бундай ўта синфий ёндашув жамият ҳаётидаги зўрликнинг ўрни билан, давлатнинг синфий зўравонлик машинаси, ҳуқуқ эса унинг қуроли, таянчи, зўрликнинг шакли деб тушунадиган марксча-ленинча тасаввур билан боғлиқ. Ҳозирги замон ҳуқуқшунослик фани умумлаштирган янги тарихий маълумотлар ҳуқуқнинг пайдо бўлишидаги муҳим томонларни эътиборга олишни тақозо этади. Бу маълумотлар инсоннинг хатти-ҳаракатларини илк синфий жамиятда тартибга солиш ибтидоий жамиятдаги тартибга солишдан нафақат мазмуни ва тартибга солиш усули билан, балки бошқа бир қатор муҳим жиҳатлари билан ҳам фарқ қилиб туришидан гувоҳлик беради.

Милоддан аввал IV-III мингинчи йилларда ижтимоий тартибга солиш тизимида янги элемент — деҳқончилик жамиятида ишлаб чиқариш фаолиятини ёзма нормаларда аниқ белгилаб қўйиш пайдо бўлган.

Норматив деҳқон тақвимларининг пайдо бўлиши нормаларни янгича қайд этиш, уларнинг янгича ифода этилиши эди. Милоддан аввалги IV-III минг йилларда Месопотамия, Миср, Ҳиндистондаги деҳқончилик жамиятларининг тақвимларида ҳуқуқ пайдо бўла бошлаган.

Шаҳар-давлатлар ривожланишининг кейинги босқичларида таъқиқловчи, ижозат берувчи, позитив мажбурлаш тизимини ифодалайдиган, барча тартибга солувчи тизимнинг ахборотини умумий, дунёвий шаклга ўтказган ёзма манбалар келиб чиққан. Лекин бу манбалар аввалгидек диний эътиқод билан боғланишни сақлаган эди. Шу

босқичда қонунлар, кодекслар, қонунлар тўплами, қонунларни, суд тажрибасини системалаштириш келиб чиққан. Бизга маълум илк қонунлар тўплами — подшо Ур-Намму (Шумер давлатида) милоддан аввалги III минг йилликда қабул қилган қонунлар эди.

Бизгача етиб келган илк синфий жамиятнинг қонунлари биринчи давлатларнинг тузилишини ифодалайди. Улар биринчи сиёсий уюшган жамият ҳаётининг ҳамма томонларидаги воқеликдан анча узоқ эди.

Бойликни, судхўрликни чеклашга, адолатли нарх-навони мустаҳкамлашга интилиш — дастлабки синфий давлатлар подшоларининг ижобий ислоҳотлари эди. Бироқ товар ишлаб чиқариш, пул тизимининг ёйилиши билан бундай уринишлар мазкур давлатларда барбод бўлган.

Ҳуқуқ ривожланишининг дастлабки босқичларида «ижобий» қонунлар пайдо бўлган. Улар халқ оммасининг курашини чеклаб турган эксплуатацияни кучайтиришга йўналтирилган ҳуқуқни ташкил қилган. Бундай кураш энг қадимий ҳуқуқий ҳужжатлар — Хаммураппи қонунларида, Салон ислоҳотларида, XII жадвал қонунларида ўз ифодасини топган.

Ҳуқуқ пайдо бўлиши биланоқ умумижтимоий функцияни бажариш билан бирга, норматив синфий тартибга солиш (ҳукмрон синф нуқтаи назаридан туриб ижтимоий муносабатларни тартибга солиш) вазифасини ҳам бажарган.

Илк синфий жамиятда процедуралар тартибқондаларни таъминлаш шакллари сифатида янги ҳусусиятга эга эди. Аввалига илк синфий жамиятнинг нормаларини социал назорат қилишнинг янги усуллари ташкил топган. Ибтидоий жа-

миятда жамоа, гуруҳлар, жамоа оқсоқоллари шундай нозоратчи сифатида иштирок этарди. Илк синфий жамиятда эса уларнинг ўрнини махсус тайинланган мансабдор шахслар (масалан: жамоачи — деҳқонларнинг ишга чиқишини ҳисобга олувчи, меҳнатини ташкил қилувчи ҳисобчилар), махсус тузилган давлат институтлари — полиция, армия эгаллаган. Ўзаро низоларни ҳал қилиш учун махсус давлат органи — суд ташкил қилинган. Шунингдек, қонунларни татбиқ қилиш, тартиббузарларни жазолаш учун ундан фойдаланганлар.

У ёки бу битимларни, ваколатномаларни ва бошқа процедура ҳужжатларини тасдиқлашни касб қилиб олган шахслар пайдо бўлган. Эндликда давлат шартнома муносабатларига аралаша бошлаган. Шу аснода илк синфий жамиятнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тизими процедура томонидан расмийлаштирилган институциявий характер касб эта бошлаган. Илк синфий жамиятларда одат ҳуқуқига ўсиб ўтган одатлар ҳам бўлган. Бу одатларни давлат аппарати жумладан суд эътироф этган ва ҳимоя қилган.

Одат ҳуқуқининг ўзига хос процедура томонлари бор. Унда ўтмиш сарқитларининг шакллари ҳали кучли сақланган. У этник маросимлар, рамзлар, суд жараёни тартиблари, дин, ахлоқ ақидаларидан, ҳагто фольклордан ҳали тўлиқ ажралмаган. Илк синфий жамиятдан тўлиқ маънодаги жамиятга (Осиё ишлаб чиқариш усулидаги, Европа тинидаги қулдорлик, феодал давлатлари) ўтиш билан одат ҳуқуқи прецедентга ўрнини бўшата бошлаган. Лекин ҳуқуқий прецедент ҳам маҳаллий шароитни, синфий ўзига хосликни

ҳисобга олган. Фақат статут ҳуқуқи (қонунлар) аста-секин одат ва прецедент ҳуқуқини тўлдириб, уни сиқиб чиқара бошлаган.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг бундай тизими бошқача ёндашувни ва ахлоқ қоидаларини ўрнатишни, аҳолини хабардор қилишнинг янги усулларини талаб қилган. Масалан, адолатли нарх-навони белгиловчи Хаммураппи қонунлари тошларга ўйиб ёзилган ва улар бозорга яқин жойга ўрнатилган.

Шунингдек, санкциялар ҳам аввалги босқичда қўлланилган тадбирлардан мутлақо фарқ қилган. Илк синфий ҳуқуқда улар ўсиб келаётган мулкӣ ва ижтимоий тенгсизликка хизмат қила бошлаган. Бу ҳолат ижтимоий жиҳатдан юқори гурувчиларнинг мулкӣни ҳимоя қилувчи санкцияларнинг кескин кучайишида, шахсга қарши қаратилган жиноятлар учун бериладиган жазоларни шахснинг мавқеига қараб (эркин шахс, қул, эркак, аёл, болалар) белгилашда, имтиёзларнинг қонунлаштирилишида ифодаланган. Библияда, масалан, «кимдир бирор шахсни урганда у вафот этса, ўлимга ҳукм қилинсин. Агар, у ўз қулини ёки хизматкорини таёқ билан урганда улар қазо қилса, бундай шахс жазоланиши лозим» — деб кўрсатилган.

Жазоларнинг бундай табақаланиши илк синфий жамиятларда кенг тарқалган. Социология фани маълумотларига қараганда, илк ҳуқуқ учун қуйидаги ҳолат хосдир: илк синфий жамоанинг ўндан еттисида бир хилдаги жиноят учун оддий жамоа аъзолари юқори табақа вакилларига нисбатан қаттиқроқ жазоланган, биттасида баробар ва фақат иккитасида — масала аксинча ҳал қилинган. Илк ҳуқуқ санкциялари — мулкӣ жарима,



пул жарималари, тан жароҳати, ўлим жазоси қатъий ўрнатила бошлаган.

Юриш-туриш қоидалари яъни нормалар аниқ мантиқий тузилишга эга бўла бошлаган. Санкциялар диний элементлардан холис бўла бошлаган. Бунда бошқача санкциялар қоҳинлар ва дин хизматчилари томонидан эмас, балки давлат томонидан, унинг махсус аппарати томонидан қўлланган. Шарт (гипотеза) ни, қоиданинг ўзи (диспозиция) ни ва оқибат (санкция)ни бир нормада бериш (норматив) тартибга солиш тизимининг ривожланишида, ҳуқуқ ўрнатилишида муҳим босқич ҳисобланади.

Ҳуқуқнинг мазмуни, уни қўллаш усуллари ифодалаш шакллари, жараёни, таъминлаш усуллар, ҳамда янги ҳуқуқ нормалари ҳақида ахборот бериш тизими ҳақидаги ҳолатларни ҳисобга олиш билан ўзлаштирувчи жамиятнинг социал нормалари ўртасидаги фарқларни, жамиятда ҳуқуқ ва бошқа регуляторлар ўртасидаги фарқларни аниқлаб олиш мумкин.

Шундай қилиб, ҳуқуқ — илк синфий жамият ташкил топаётган босқичдаги ишлаб чиқарувчи хўжаликни, эркин жамоачи деҳқонлар ва ҳунармандлар меҳнатини тартибга солувчи норматив усул сифатида вужудга келган. *Ҳуқуқнинг келиб чиқиши қишлоқ хўжалик меҳнати жараёнини ва унинг натижаларини тақсимлашни тартибга солувчи махсус қоидаларнинг ташкил топиши билан боғлиқдир.* Бу қоидалар деҳқон тақвимлари шаклида махсус белгиланган. Шу билан бирга бу нормалар ҳақида ахборот берувчи, уларнинг ижросини назорат қилувчи мустақил тизим ҳам ривожланиб борган.

Шаҳар-давлатларнинг, синфларнинг келиб чиқиши жараёнида ҳуқуқ шаҳар-давлатларнинг функцияларини таъминлаш усули эди. Деҳқончилик жамоаларининг табақаланиши, синфий жамиятнинг ривожланиши, хусусий мулк ва пул товар муносабатларининг келиб чиқиши билан ҳуқуқ аниқ синфий характерга эга бўла бошлаган. Энди у социал гуруҳларнинг иқтисодий ва бошқа манфаатларига хизмат қила бошлаган. Бу мулкни ҳимоя қилувчи санкцияларни кучайтириш орқали амалга оширилган.

## **2-§. Ҳуқуқ пайдо бўлишининг асосий босқичлари ва ўзига хос белгилари**

Ҳуқуқнинг пайдо бўлишида асосан 3 та босқични ажратиб кўрсатиш мумкин.

*Биринчи босқич* — ҳуқуқнинг пайдо бўлиш босқичи. У асосан ишлаб чиқарувчи иқтисодиёт шакллари вужудга келаётган жамиятга хосдир.

*Иккинчи босқич* — ушбу тартибга солиш тизими қоидаларининг шаклланиши даври. Бу босқич ишлаб чиқарувчи иқтисодиётнинг турли шакллари тўлиқ ўрнатилган жамиятларда мавжуд эди.

*Учинчи босқич* — бир қатор илк давлатларда ҳуқуқнинг ёзма тарзда муайян тизимга солиниши, яъни кодификациялашидир.

Ҳуқуқнинг ўзига хос белгилари муайян жамиятдаги ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва шаклланишини тасдиқлайди, шунингдек, унинг бошқа социал нормалардан фарқини, муҳим жиҳатларини кўрсатади. Бундай белгилар қуйидагилардан иборат.

*Ҳуқуқнинг биринчи белгиси* — унинг ижтимоийлигидир. Ҳуқуқнинг ижтимоий хусусияти ишлаб

чиқаришни ташкил қилиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимлаш ёки қайта тақсимлаш, жамоа эҳтиёжлари учун қилинган меҳнатни нормалаштириш, жамиятда синфлар ёки социал гуруҳларнинг ҳукмронлиги, давлат ҳокимиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш, товар-пул муносабатларини ва мулк муносабатларини нормалаштириш, эксплуатация ва имтиёзларни ҳамда жамиятдаги ташкилий меҳнат ва ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бошқа соҳаларни таъминлашда яққол намоён бўлади.

**Ҳуқуқнинг иккинчи белгиси** — унинг норматив хусусиятга эгаллигидир. Ҳуқуқнинг бу жиҳати маълум мантиқий тузилиши билан белгиланадиган кўлам ўрнатилиши, юриш-туриш қоидалари, ижозат доираси, тақиқлаш, белгилаш, ижобий мажбурлаш нормалари тизими сифатида намоён бўлади.

Тартибга солиш тизимининг ижозат бериш, тақиқлаш, ижобий мажбурлаш хусусиятлари ўзлаштирувчи иқтисодиёт жамиятида пайдо бўлган, аммо улар ҳуқуқнинг келиб чиқиши босқичида янгича мазмун, ифодаланиш шакли ва таъминлаш усулига эга бўлган.

**Ҳуқуқнинг учинчи белгиси** — унинг мажбурийлигидир. Ҳуқуқий нормалар давлатнинг мажбурлаш имконияти билан таъминланади. Ҳуқуқий нормалар мафкуравий механизм билангина эмас (обрў, адолат, диний қўллаш), балки ноқулай оқибат имконияти билан, мулкий манфаат зарари, жисмоний, руҳий азият етказиш характеридаги талбирлар билан давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади.

**Ҳуқуқнинг тўртинчи белгиси** — унинг расмийлигидир. Ҳуқуқ нормалари махсус шаклда, ёзма кўринишида ифодаланади, яъни қонунлар ва улар-

нинг тўпламлари, прецедентлар шаклида бўлади. Расмийлик — ҳуқуқнинг алоҳида қиммати. У ҳуқуқни ихтиёрий ўзгаришдан сақлайди, жамият учун зарур бўлган доимийлигини ҳимоя қилади. Ҳуқуқнинг расмийлиги жамиятнинг барқарор бўлишига, ҳуқуқ нормалари аниқ татбиқ этилишига хизмат қилади.

**Ҳуқуқнинг бешинчи белгиси** — унинг муайян жараён эканлигидир. Ҳуқуқ уни ишлаб чиқишнинг аниқ тартибларини, татбиқ этилиши, ҳимоя қилинишини ўз ичига олади. Ҳуқуқий ижодкорлик қоидалари, муайян процессуал тартиб — ҳуқуқнинг давлат аппарати билан, аввало махсус давлат органлари — суд, полиция ва ҳ. к. билан боғлиқлигини белгилаб беради.

**Ҳуқуқнинг олтинчи белгиси** — унинг шахсийлаштирилмаганлигидир. Бу ҳуқуқнинг сифатини, унинг нормалари аниқ белгиланган шахсга (субъектга) эмас, балки номаълум, мавҳум шахслар гуруҳига қаратилганлигини кўрсатади. Агар бирорта аниқ шахс ҳуқуқ нормасида белгиланган шароитга тушиб қолса, демак шу норма ўша шахсга қаратилган бўлади. Бу белги ҳуқуқ нормаси ҳаракатининг такрорланиши, унинг вақт доирасидаги ҳаракати билан боғлиқ.

**Ҳуқуқнинг еттинчи белгиси** — унинг институциявийлигидир. Ҳуқуқ ҳуқуқ нормасини онгли тузиш жараёни натижасида келиб чиққан. У ўз-ўзидан пайдо бўлган амалий қоидалар (одатлар), ваколатли давлат органлари фаолияти асосида келиб чиққан қоидалар (прецедент) ни ваколатли давлат органларининг тан олиши орқали амалга оширилади.

**Ҳуқуқнинг саккизинчи белгиси** — унинг объективлигидир. Бу белги жамият ишлаб чиқариш

иқтисодиётга ўтаётган даврда тартибга солиш тизимининг табиий ривожланиши натижасида пайдо бўлган. Ҳуқуқ давлат каби, ишлаб чиқарувчи иқтисодиётга ўтиш босқичидаги сиёсий уюшган жамият турмуш тарзининг шартларидан биридир. У жуда муҳим ижтимоий қадрият.

Ҳуқуқий адабиётларда ҳуқуқнинг бошқа белгилари ҳам кўрсатилган. Лекин янги тарихий фактларни назарий умумлаштириш юқоридаги саккиз белги асосида ҳуқуқни аниқлашга имкон беради. Фақат уларнинг йиғиндисигина ҳуқуқнинг социал қадр-қимматини аниқлаб беради.

### 3-§. Ҳуқуқнинг илк функциялари

Ҳуқуқнинг пайдо бўлиши тарихий муқаррар эди. Унинг ижтимоий аҳамияти катта. Бу илк синфий жамиятнинг дастлабки босқичларида ҳуқуқ бажарадиган функцияларда кўринади.

*Биринчидан*, ҳуқуқ нормал ташкилий-меҳнатни, жамиятнинг ишлаб чиқариш фаолиятини, нормал иқтисодий ахборот ишлаб чиқаришни, маҳсулот истеъмол ва айирбошлашни тартибга солиш функциясини бажаради.

*Иккинчидан*, ҳуқуқ давлат тузумини, жамиятнинг ижтимоий тузилишини, иқтисодий ҳаётнинг ташкил этилишини, маълум социал гуруҳларнинг ҳукмронлигини, мафкура асосларини, деҳқон жамоаларининг, жамиятнинг бошқа аъзоларининг ҳаёти, эркинлиги, мулкини кўриқлаш функциясини бажаради.

*Учинчидан*, ҳуқуқ жамиятдаги қарама-қаршиликларни, ўзбошимчаликларни ва бошқа социал видияларни юмшатади. Бу унинг гуманистик функциясилир.

*Тўртинчидан*, ҳуқуқ бир қатор зарурий принциплари ва юриш-туриш қоидаларини, руҳий ва ахлоқ қоидаларини ижтимоий онгга сингдиради. Бу унинг мафкуравий функциясидир.

*Бешинчидан*, ҳуқуқ ёш авлодни, жамиятнинг ҳаётий мақсадларини, социал ҳаёт идеалларини, ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятларни ўзлаштиришга тайёрлайди. Бу унинг тарбиявий функцияси бўлиб, жуда муҳим ҳисобланади.

Ҳуқуқнинг яна бир функцияси кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу ерда ҳукмрон гуруҳлар ҳукмронлигини, давлатнинг синфий зўравонлик, ҳарбий босқинчилик ва шунга ўхшаш ноқонуний ҳаракатларини асослаш ва таъминлашда ҳуқуқдан фойдаланиш ҳақида гап борапти. Бу функция ҳуқуқ пайдо бўлишининг муҳим масалаларидан бири бўлиб, турли ҳуқуқий назарияларда турлича ҳал қилинади. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳуқуқ келиб чиқишининг дастлабки босқичидаёқ синфий зўрликни, давлатнинг мажбурлаш функциясини таъминлашга хизмат қилган. Зўрлик функциясини юридик ифодалаш ҳуқуқ мавжудлигининг ҳаётий воқелигидир. Лекин бу функция ҳуқуқнинг асосий социал аҳамияти ва вазифаси эмас ва функция маълум вақтда, одатда жамиятнинг ички ва ташқи ҳаётида фавқулодда ҳолат юз бергандагина амалда бўлади.

Зўрлик функциясининг пайдо бўлиши — ҳуқуқ тизими ва давлат ҳокимиятининг ўзаро муносабатидаги номутаносиблик, объектив ва субъектив омилларнинг ҳаракати натижасидир. Демак, ҳуқуқнинг «зўрлик» функциясини ҳаспўшлаш керак эмас, шу билан бирга, уни ҳуқуқнинг асосий функцияси деб қараш ҳам ярамайди. Бундай ҳолат ҳуқуқнинг ижтимоий қимматини асло камайтирмайди. Юқорида санаб ўтилганлар ҳуқуқнинг доимий амалдаги функцияларидир.

#### **4-§. Ҳуқуқ пайдо бўлишининг тарихий шакллари**

Ҳуқуқ нормалари тарихан қуйидаги уч йўл билан шаклланган:

*биринчидан*, мононормаларнинг (уруғдошлик тузуми одатларининг) одат ҳуқуқи нормаларига айланган. Шу муносабат билан улар давлат томонидан тасдиқланган. Натижада одам ҳуқуқи нормалари пайдо бўлган;

*иккинчидан*, давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти натижасида махсус ҳуқуқий ҳужжатлар (қонунлар, фармонлар) қабул қилинган;

*учинчидан*, прецедент ҳуқуқи юзага келган, яъни суд ва маъмурий органларнинг муайян ишлар бўйича қабул қилган қарорлари айнан шундай ишларни ҳал қилиш учун намуна хусусиятига эга бўлганлар.

Демак, давлат билан бирга ҳуқуқ ҳам пайдо бўлган. У даставвал, давлат сингари ижтимоий тенгсизликни мустаҳкамлаш учун пайдо бўлган. Ҳуқуқнинг биринчи шакли — одат ҳуқуқи, ёзилмаган ҳуқуқ бўлган. Кейинчалик ёзилмаган ҳуқуқ билан бирга ёзма ҳуқуқ ҳам пайдо бўлган. Қонунчиликнинг ривожланиши натижасида ҳуқуқшунослар табақаси вужудга келган. Улар билан бирга ҳуқуқшунослик фани ҳам пайдо бўлган.

#### **5-§. Ҳуқуқ келиб чиқиши ҳақидаги назариялар**

Ҳуқуқнинг келиб чиқиш жараёни ва функцияларини ўрганишда унинг давлат ҳокимияти билан ўзаро боғлиқлиги масаласини четлаб ўтиш мумкин эмас. Илк давлатлардаёқ ҳуқуқ давлат органлари, уларнинг ваколатлари, фаолияти доираси, яъни ҳокимият тузилишини ўрнатувчи ва

мустаҳкамловчи, давлат ҳокимияти ташкил қили-  
нишининг асоси сифатида пайдо бўлган.

Ҳуқуқ, бир томондан, давлат ташкилий тузи-  
лишининг зарурий элементи, иккинчи томондан  
эса давлат ҳокимиятини амалга ошириш шакли,  
давлатни бошқариш воситаси сифатида намоён  
бўлади. Одатда давлат ҳокимияти қонунларни,  
бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш билан  
шугулланади, уларнинг бажарилишини таъмин-  
лайди. Бу давлат ҳокимиятини амалга ошириш-  
нинг одатдаги ҳуқуқий шаклидир.

Қаерда давлат ҳокимияти ҳуқуқий шаклда  
бўлмаса, ўша давлатда ўзбошимчалик, шахсий  
ҳукмронлик, бюрократия ҳукмронлик қилади,  
халқ учун салбий оқибатга эга бўлган жуда катта  
ижтимоий ҳалокатлар келиб чиқади. Шунинг учун  
ҳам давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий шакллар би-  
дан таъминланиши — давлат ҳокимияти ташкил  
этилиши ва фаолиятининг асосий йўналишлари-  
дан биридир. Ҳуқуқ учун эса бу — пайдо бўлиш  
ва ривожланишнинг яна бир объектив воситаси  
ҳисобланади.

Шундай қилиб, давлат ва ҳуқуқ назариясида  
ҳуқуқ ижтимоий институт сифатида намоён бўла-  
ди. Шунинг учун ҳам давлат ва ҳуқуқнинг келиб  
чиқишини ўрганиш учун ҳуқуқий назарияларга  
катта ўрин берилган.

*Табиий ҳуқуқ назарияси.* Бу назария тарафдор-  
ларининг фикрича, давлат томонидан ўрнатил-  
ган ҳуқуқдан ташқари инсонга (у туғилиши би-  
дан) хос бўлган табиий ҳуқуқ мавжуд. Бу ҳуқуқни  
жамият ҳам, давлат ҳам инсонга ҳадя қилмаган.  
Ҳуқуқ инсон ва унинг фаолиятининг асосий шар-  
тидир. Шахснинг табиий ҳуқуқларига яшаш  
ҳуқуқи, эркинлик, тенглик, мулкка эгалик ва



бошқа ҳуқуқлар киради. Табиий ҳуқуқ — амалдаги позитив ҳуқуққа (қонунларга, одатларга, прецедентларга) нисбатан олий ҳуқуқ бўлиб, у ўзида идрок ва азалий адолатни мужассамлаштиради.

Табиий ҳуқуқ назарияси, ижтимоий воқелик сифатида инсондаги азалдан мавжуд ҳуқуқлар йиғиндиси бўлиб, у ҳуқуқнинг келиб чиқиши муммосини моҳиятан йўққа чиқаради. Бу назария жамият эҳтиёжлари ва тартибга солиш тизимининг ривожланишидаги маълум босқичнинг объектив натижаси бўлмиш ҳуқуқнинг давлат, синфлар ва бошқа социал тизимларнинг келиб чиқиши билан боғлиқлигини инкор этади.

Бу назария ҳуқуқ келиб чиқишининг объектив жараёнларини ўрганиш ва тушунтиришда ҳар бир инсонда ижтимоий воқелик сифатида маълум миқдорда ҳуқуқлар бор деб ҳисоблайди.

Табиий ҳуқуқ назарияси жуда катта ижтимоий салоҳиятга эга. Чунки адолат, инсонпарварлик, демократизм, оддий идрок билан амалдаги ҳуқуқни (агар у ижтимоий тараққиётга, жамиятнинг фаровонлигига тўсиқ бўлса), баҳолайди ва танқид қилади.

Социалистик мамлакатлардаги маъмурий-буйруқбозлик, ўта марказлашган, давлат мулкига таянган ҳокимият ва режали бошқариш тизимидан демократик ҳуқуқий тизимга, бозор иқтисодиётига, инсон ҳуқуқларини тан олиш ва ҳимоя қилишга, турли мулкчилик шакллариغا, жумладан хусусий мулкка ўтишда табиий ҳуқуқ назарияси ўзининг ижтимоий аҳамиятини яққол намойён этди.

Табиий ҳуқуқ назарияси ўз далилларини диний нуқтаи назардан туриб асослаши орқали

ҳуқуқнинг келиб чиқиши ҳақидаги *илоҳий (теологик) назария* билан ҳам боғланади. Ҳақиқатан ҳам, агар инсон табиий ҳуқуқларга дунёга келиши билан эга бўлса, бу ҳолат илоҳий келиб чиқиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, диний эътиқод бўйича бу ҳуқуқларни инсонга жамият ёки давлат эмас, балки Яратгanning ўзи беради.

Теологик (илоҳий) назариясида, айниқса, Фома Аквинский (XII — XIII асрлар) давридан бошлаб, амалдаги ҳуқуқнинг асосини илоҳий қонунлар ва табиий ҳуқуқлар ташкил қилади деб эълон қилинган. Бу назарияни ислом дини ва католик черков намоёндалари қўллайдилар. Ҳуқуқнинг келиб чиқишини тушунтиришда теологик назария тарафдорлари асосий қонунлар инсонга Худо томонидан берилади деб кўрсатилган диний китобларга таянганлар.

Илоҳий назария илк синфий жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг тажрибасини, қулдорликнинг айрим томонларини умумлаштирган ва мустаҳкамлаган, ўз даврининг маҳсулоти бўлган қонунларга умумий, универсал аҳамият беради, уларни илоҳий ақлнинг обрўси билан мустаҳкамлайди.

Табиий ҳуқуқ ва илоҳий назариялардан фарқли ўлароқ, ҳуқуқнинг *тарихий мактаби* ҳуқуқ келиб чиқишидаги аниқ тарихий жараёнларга катта эътибор беради. Ҳуқуқнинг тарихий мактаби XIX асрнинг биринчи ярмида Германияда ташкил топган. Савиньи (кейинчалик Пруссия қиролининг адлия вазири бўлган) ва унинг тарафдорлари асарларида асосий эътибор одат ҳуқуқига, ўша даврдаги Европанинг маҳаллий ҳуқуқ тизимларига қаратилган эди. Бу муаллифларнинг

фикрича, ҳуқуқ қонун чиқарувчилар томонидан вужудга келтирилмайди, ҳуқуқ халқ руҳининг (тил пайдо бўлиши каби) ривожланиши натижасида ўз-ўзидан пайдо бўлади, ҳуқуқшунос олимлар эса халқ руҳининг намоён бўлишини сезишлари ва ифода этишлари, унинг низоларини юридик формулаларда баён қилишлари, қонун чиқарувчи эса тайёр ҳуқуқни топиб, уни амалдаги қонунга айлантириши лозим. Ҳуқуқ, Савиньи фикрича, халқ руҳи ривожининг маҳсулотидир.

Ҳуқуқнинг тарихий мактаби тарихий нуқтаи назардан, «ҳуқуқ — тарихий тараққиётнинг объектив натижаси», деб тўғри хулоса чиқарган. «Халқ руҳи» — деганда нимани тушуниш мумкин? Яъни гап унинг ривожланишининг дастлабки сабаби нимада эканлигида.

Ҳуқуқнинг тарихий мактаби — ҳуқуқнинг келиб чиқишини ўрганишда назарий-ҳуқуқий тафаккурда олға қўйилган катта қадамдир. Бу мактаб ҳуқуқнинг келиб чиқишида этно маданият қатламининг аҳамиятини тўғри илғаб ола билган ва турли халқларда бу жараённинг хусусиятларини кўра билган. Шунингдек, жамиятнинг ҳаётидаги хўжалик-меҳнат, маданий-турмуш соҳаларидаги «дастлабки сабабларни», «руҳ», «ижтимоий онг» соҳасига кўчириш сохталаштириш бўлиб, танқидий инкор этилиши лозим.

Ҳуқуқ келиб чиқишининг маркеча-ленинча *синфий назарияси* бу жараёнга материалистик ёндашувга асосланган. У ҳуқуқнинг давлат, иқтисодий тузум, синфий тузум, зўрлик ва мажбурлаш билан боғлиқ эканлигини бўрттириб кўрсатади. Бу назария ҳуқуқ — ҳуқуқ нормасининг мажбурий ижросини таъминлай оладиган аппаратсиз ҳеч нарса эмас деб, таъкидлаган. Шу билан бир-

га, ҳуқуқнинг жамият ҳаёт фаолиятини таъминлай оладиган тартибга солиш сифатидаги қадрияти инкор қилинган, ҳуқуқнинг таъқиб этувчи, жазоловчи, мажбурловчи функцияси татқиқ этилган.

Марксча-ленинча назарияда ҳуқуқ нормаларининг эски уруғ одатларини сиқиб чиқарган синфий хусусияти таъкидланган, хусусий мулкнинг келиб чиқиши ва синфларнинг ташкил топиши билан юриш-туриш қоидалари ижтимоий тенгсизликни акс эттирган ва мустақкамлаган, жамиятнинг синфларга бўлиниши ва давлатнинг келиб чиқиши билан юриш-туриш қоидаларининг ижроси давлатнинг мажбурлаши билан таъминланган.

Ҳуқуқ келиб чиқиши тўғрисидаги бу назарияларнинг ҳаммаси ижтимоий ҳаётда бўлган ва халқлар, давлатлар тарихидаги мисоллар билан тасдиқланиши мумкин. Лекин бу жараёнларни бўрттириш, ҳуқуқнинг ташкил топишидаги бошқа умумий омилларни ҳаспўшлаш — ҳуқуқ келиб чиқишининг ижтимоий қонуниятларини англаш ва тушунтиришдан четлашиш, ҳақиқатни бузиб кўрсатишдир.

## УЧИНЧИ ҚИСМ

### ДАВЛАТ НАЗАРИЯСИ

---

#### 7-боб. ДАВЛАТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

- 1-§. *Давлат тушунчаси ва унинг асосий белгилари.*
- 2-§. *Давлат ҳокимиятининг ўзига хос хусусиятлари.*
- 3-§. *Давлатнинг моҳияти.*
- 4-§. *Давлатга синфий ёндашувнинг чекланганлиги.*
- 5-§. *Давлатнинг жамоат бирлашмаларидан фарқлари.*
- 6-§. *Давлат тўғрисидаги назариялар.*
- 7-§. *Давлатнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни.*

#### 1-§. Давлат тушунчаси ва унинг асосий белгилари

«*Давлат нима?*» деган савол давлат ва ҳуқуқ назариясининг энг асосий масалаларидан биридир. Ҳуқуқий адабиётларда бу саволга жавоб беришда ягона нуқтаи назар йўқ. Чунончи, совет ҳуқуқшунослигида давлатнинг моҳияти синфий нуқтаи-назардан чекланмаган ҳокимият, ҳукмрон синф диктатураси маъносида талқин қилинар эди.

Фарбий ҳуқуқий назарияларда эса, давлат бутун жамият манфаатларини ифода этадиган синфий, ижтимоий зиддиятларни муросага келтирадиган синфлар устидаги тузилма, қурол деб таърифланади.

Албатта, давлат тушунчасига у ёки бу ёндашувни дабдурустдан инкор этиш тўғри эмас. Давлатга берилган ҳар қандай таърифни диққат билан ўрганиш керак. Бунда асосий эътиборни давлатнинг моҳияти нимадан иборатлигига қаратиш лозим. Шу боис, моҳият мазкур ҳодисадаги бош,

белгиловчи, асосий жиҳатдир, яъни бу ҳодисани ташкил этадиган ички ўзига хос хусусиятлари йиғиндиси бўлиб, уларсиз ҳар қандай ҳодиса ўзига хосликдан маҳрум бўлади. *Давлат моҳиятининг асосий жиҳати* ҳокимият ва унинг кимга тегишлилиги масаласидир.

Давлат кишилиқ жамияти тараққиётининг муайян босқичида пайдо бўлади. Ушбу босқичда илгари мавжуд бўлган ижтимоий маҳсулотни тенг тақсимлаш тизими натижа бермай қўяди, жамиятнинг янада ривожланиши учун бошқариш билан шуғулланадиган Шарқ жамиятларидагидек сиёсий ёки Европа мамлакатларидагидек сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги нуфузли (элита) қатламининг ажралиб чиқиши зарурати туғилади. Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг табақаларга бўлинишига олиб келади.

Ибтидоий жамоа тузумида ҳокимият жамиятнинг барча аъзоларига тааллуқли эди. Кейинги босқичда эса ҳокимият сиёсий маъно касб эта бошлайди, яъни у, энг аввало, имтиёзли ижтимоий гуруҳлар, синфлар манфаатлари учун хизмат қила бошлайди. Бинобарин, давлатнинг келиб чиқиши ҳамisha ижтимоий ҳокимиятнинг оммавий сиёсий ҳокимиятга айланиши билан боғлиқ. Бу, ҳокимиятнинг ижтимоий жамоа тузумидан фарқли ўлароқ, энг аввало, жамиятнинг имтиёзли қисми ва синфий манфаатларга хизмат қилишини билдиради. Бундай ҳолатда синфий бундашув мазкур ҳокимиятни тавсифлаш, бундай давлатнинг моҳиятини таърифлашга имкон яратди.

Давлат ҳокимиятининг табиати ҳар доим бир хил бўлмайди. Чунончи, қадимги Афина ва Римнинг синфийлик ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди.

Мазкур давлатларда ҳокимият қулдорлар синфи-га хизмат қилган, қулдорлар эса асосий ишлаб чиқариш воситалари (ер)нинг, шунингдек, ишлаб чиқарувчи (қуллар)нинг ҳам эгалари бўлганлар. Қуллар давлат ҳокимиятини амалга оширишда қатнашиш у ёқда турсин барча ҳуқуқлардан ҳам маҳрум эдилар.

Урта аср жамиятида ҳам ҳокимият феодаллар — катта ер эгалари қўлида бўлган. Деҳқонлар ҳокимиятни бошқаришда қатнашишдан ва қарийб барча юридик ҳуқуқлардан маҳрум эдилар. Улар тўла ёки қисман феодаллар мулки мақомида бўлган. Демак, қулдорлик ва феодал жамиятларида ошкора ижтимоий тенгсизлик ва давлат ҳокимиятининг синфийлик моҳияти яққол намоён бўлади.

Буржуа жамиятида қонун олдида барча расман тенг бўлиб, тенглик принципи давлатлар конституцияларида мустаҳкамлаб қўйилган. Аммо илк буржуа жамиятида қонунлар мулкӣ, маълумотга оид ва шу каби цензларни ҳам белгилаган ва ушбу қонунлар мулки оз бўлган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини чеклаб қўйган. Шу билан ҳокимият иқтисодий жиҳатдан бой гуруҳларга хизмат қилган.

Ҳуқуқшунослик фанида давлатга турли таърифлар берилади. Давлат — муайян худудни ишғол этган ва ягона ҳокимиятга уюшган халқдир; давлат — инсонларнинг яшаш қоидаси шакли, кишилар ўртасидаги психологик алоқа (психология мактаби); давлат — абсолют руҳнинг мужассами (Гегель); давлат — органик ҳодиса, воқелик, жонли организм (Г. Спенсер ва бошқалар).

Давлат жамиятга, мамлакатга ва халққа алоқадор. У жамиятдан, мамлакатдан, халқдан таш-

қари яшамайди. Давлатга таъриф беришда унинг турлари ва шаклини эътиборга олиш зарур. Давлат бир неча минг йиллардан бери ривожланиб, ўзгариб келган. Шунга қарамай, турли турдаги ва шаклдаги давлатлар қандайдир умумий белгиларини сақлаб қолган. Бу ҳол ҳамма давлатларга хос бўлган энг асосий белгиларни акс эттирувчи умумий таърифга имкон беради.

*Хўш, давлатнинг қандай белгилари бор?*

Давлат — сиёсий ташкилот. Лекин инсоният жамияти тарихида бошқа ташкилотлар ҳам бўлган ва ҳозир ҳам бор. Масалан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, сиёсий партия, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари шулар жумласидандир.

Суверен бўлмаган, қарам давлат том маънодаги давлат эмас. Шунинг учун суверенитет давлатнинг энг муҳим белгиларидан биридир. Давлат белгиларидан унинг номи, байроги, гербини фарқ қила билиш лозим. Ҳар бир давлат ўз номини ўзи танлайди, ўз герби ва байроғини белгилаб, уларга ўзига маъқул бўлган сиёсий ва ғоявий мазмун беради.

Юксак уюшқоқлик, эътиқод, оммани тарбиялаш, янги жамият қуриш йўлидаги ижодий, яратувчилик иши давлатнинг ўзига хос белгисидир. Давлат зўрлик ишлатишдан воз кечмайди, лекин зўрлик давлатнинг асосий мазмуни эмас.

## **2-§. Давлат ҳокимиятининг ўзига хос хусусиятлари**

Давлат ҳокимияти — ижтимоий ҳокимиятнинг муҳим бир туридир. «Давлат ҳокимияти» тушунчаси «сиёсий ҳокимият» тушунчасига яқин тура-



ди. Бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар сиёсий ҳокимият давлат ҳокимиятидан кенгроқ тушунча, деб ҳисоблайдилар. Чунки сиёсий ҳокимият фақат давлат томонидангина эмас, балки жамият сиёсий тизимининг бошқа таркибий қисмлари бўлмиш сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқалар томонидан ҳам амалга оширилади. Иккинчи гуруҳ муаллифлар эса «сиёсий ҳокимият» ва «давлат ҳокимияти» тушунчалари синоним деб ҳисоблайдилар.

Давлат ҳокимиятининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, давлат ҳокимияти бутун жамиятга жорий этилади;

*иккинчидан*, давлат ҳокимияти оммавий-сиёсий характерга эга;

*учинчидан*, давлат ҳокимияти давлат мажбурловига таянади;

*тўртинчидан*, давлат ҳокимияти махсус шахслар, яъни мансабдор шахслар, давлат хизматчилари, сиёсатдонлар ва бошқалар томонидан амалга оширилади;

*бешинчидан*, давлат ҳокимияти солиқлар тизimini ўрнатади;

*олтинчидан*, давлат ҳокимияти аҳолининг ҳудудий белгиси бўйича бўлади.

### 3-§. Давлатнинг моҳияти

*Давлат* — сиёсий ҳокимият ташкилоти бўлиб, муайян ҳудудда турли синфий, умуминсоний, диний, миллий ва бошқа манфаатларни амалга оширишга кўмаклашади.

*Давлатнинг моҳияти* унинг фаолиятининг мазмунини ташкил этади. Давлатни унинг фаолияти

билан аралаштирмаслик керак. Давлат фаолияти унинг муайян воқелик сифатида намоён бўлишидир. Ҳар бир давлат у ёки бу жамиятда тутган ўрнига қараб ўз моҳиятига эга бўлади.

Давлатнинг моҳиятини аниқлашда шакл ва мазмун жиҳатига эътибор бериш зарур:

*биринчидан*, ҳар қандай давлат — сиёсий ҳокимият ташкилоти. Бу масаланинг шаклий томони.

*иккинчидан*, давлат кимнинг манфаатларига хизмат қилади. Бу масаланинг мазмун жиҳатидир.

Давлатнинг моҳиятига асосан икки хил (синфий ва умумижтимоий) ёндашувларни кўрсатиш мумкин.

**Синфий ёндашувда** давлат иқтисодий ҳукмрон синфнинг сиёсий ҳокимиятининг ташкилоти сифатида қаралади. Бунда давлат фақат ҳукмрон синфнинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилади, унинг умуминсоний жиҳати иккинчи даражали бўлади.

**Умумижтимоий ёндашувда** давлат турли синф ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини келиштирувчи сиёсий ҳокимият ташкилоти сифатида намоён бўлади.

Давлатнинг моҳиятига тааллуқли бу икки асосий ёндашувдан ташқари, яна диний, миллий, ирқий ва бошқа ёндашувларни кўрсатиш мумкин. Улар муайян, бир давлат сиёсатида миллий, диний, ирқий ва бошқа манфаатлар устувор аҳамиятга эга бўлганда айниқса муҳимдир.

Демак, давлатнинг моҳияти мураккаб ва кўп қиррали. Давлатнинг моҳияти синфий ва умумижтимоий хусусиятлар билангина чекланмайди. Ҳар қандай давлатнинг моҳияти аниқ тарихий шароитлардан келиб чиқади, унда у ёки бу жиҳатлар устунлик қилади.

#### 4-§. Давлатга синфий ёндашувнинг чекланганлиги

Шарқ мамлакатларида ҳокимият бюрократик амалдорлар маҳкамаси қўлида бўлган. Ушбу мамлакатларда ишлаб чиқариш воситаларига (ерга) хусусий мулк мавжуд бўлмай, ишлаб чиқарувчилар расман эркин бўлганлар. Шунинг назарда тутиш лозимки, бу ерда ҳокимият бутун жамиятнинг эмас, балки ҳокимият тепасида турган муайян ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этган. Мазкур ижтимоий гуруҳлар амалда синф сифатида шаклланган. Бу гуруҳлар жамиятнинг бошқа қатламларидан ўзларининг ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш тизимидаги етакчи ўринлари, шунинг натижасида маҳсулотнинг анчагина қисмини ўзлаштиришлари, ишлаб чиқариш воситаларига алоҳида муносабатлари билан ажралиб турганлар. Бу гуруҳлар ушбу воситаларнинг чинакам эгасига айланиб, ишлаб чиқарувчиларни мутелик, «жамоавий қулчилик» ҳолатига туширганлар.

Умуман, давлат аппаратининг якка ҳукмронлиги асосий ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик ҳукмрон бўлган жамиятда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Бу давлат аппарати фавқулодда мустақил бўлганда, жамиятдан ажралиб қолганда юз беради. Масалан, синфлар орасидаги мувозанатни тиклаш, уларни бир-бирига гиж-гижлатиш орқали бундай вазиятга эришилади. XIX асрнинг 50-60 йилларида Францияда Бонапарт режими даврида бундай ҳолат юз берганлиги тарихдан маълум. Давлат аппаратининг якка ҳукмронлигига ҳар қандай ўзгача фикрлашни, ҳукмрон қатламга кўрсатиладиган ҳар қандай қаршиликни аёвсиз чоралар билан бостириш натижа-

сида ҳам эришилади. Масалан, Германия ва Италиядаги фашистлар тузуми, Латин Америкасидаги тоталитар ва авторитар режимлар даврида бундай ҳолат рўй берганди.

Синфий ёндашув давлатнинг ўзига хос хусусиятларини, ундаги ижтимоий зиддиятларни илғаб олиш имконини беради. Маълумки, барча тарихий даврларда қўлида давлат ҳокимияти мавжуд бўлган эксплуатация қилувчи синфлар ва қатламларга қарши чиқишлар бўлган. Римдаги куллар қўзғолони, Англия, Франция, Германия, Хитойдаги деҳқонлар қўзғолонлари, ишчиларнинг иш ташлашлари ва инқилобий чиқишлари шулар жумласидан.

Шунга қарамай, давлат ҳокимиятининг синфий табиатини белгилаш давлат моҳиятини тўла акс эттирмайди. Ушбу муаммони фақат синфий ёндашув ёрдамида таҳлил этиш давлат ва сиёсий ҳокимиятни илмий билишнинг имкониятларини анча чеклаб қўяди. Бу қўидаги ҳолатларда кўринади.

*Биринчидан*, давлатда ҳокимият у ёки бу синф манфаатларини тўла акс эттирмайдиган, унча катта бўлмаган ижтимоий гуруҳ қўлида бўлиб, у ўз гуруҳининг хос манфаатлари йўлида ҳаракат қилади (бонапартизм, тоталитар, бюрократик режимлар).

*Иккинчидан*, мустамлакадан озод бўлган баъзи мамлакатларда бирор синф ҳокимиятни қўлига олиш учун етарли куч ва уюшқоқликка эга бўлмайди. Башарти бу мамлакатларда умуммиллий манфаатлар пайдо бўлганда ҳам (мустақилликка эришиш, миллий иқтисод ва маданиятнинг ривожланиши) турли синфлар ва ижтимоий гуруҳларнинг биргаликда тузган ҳокимияти пайдо

бўлиб, унга аксарият миллий овоздлик, мустақиллик ҳаракати вакиллари, зиёлилар, ҳунармандлар, кичик тадбиркорлар ва ҳоказолар киради.

*Учинчидан*, муайян шароитларда давлат пайдо бўлиб, унда ҳокимият бутун халқ қўлида бўлиши мумкин, зеро, умумхалқ манфаатлари синфий ёки муайян гуруҳ манфаатларидан устундир.

*Туртинчидан*, ижтимоий зиддиятларнинг мавжудлигига қарамай, жамият манфаатларининг ҳамиша муштараклиги жуда муҳим. Зеро, ҳар бир жамиятда турли ижтимоий гуруҳлар, синфлар бир-бирисиз яшай олмайди. Шу боис, ҳокимият тепасида турган синф ёки ижтимоий гуруҳ ҳамиша (ҳатто ўз манфаатлари йўлида) бошқа синф ёки гуруҳ тўғрисида ғамхўрлик қилишга мажбурдир.

Шу тариқа ҳар қандай жамият умумижтимоий вазифаларни бажаришга, жамият манфаатлари учун ҳаракат қилишга мажбур бўлади. Бундан давлатнинг фақат эзиш қуроли, бирор-бир синф ёки ижтимоий гуруҳнинг ҳукмронлиги механизмига эмас, айти пайтда жамиятнинг бирлашуви, яхлитлиги воситаси бўлиши келиб чиқади.

Давлатнинг умумижтимоий функцияси унинг синфий моҳияти билан бирга ягона мазмунининг иккинчи жиҳатини ҳам белгилайди. Давлатда ҳукмрон синф ёки гуруҳларнинг тор синфий ёки муайян гуруҳ манфаатлари ҳамиша бутун жамиятнинг манфаатлари билан бирлашиб кетади. Лекин давлат моҳиятининг зикр этилган жиҳатлари ўртасидаги муносабат турли тарихий шароитларда бир хил бўлмаган, бироқ бир томоннинг кучайиши иккинчи томоннинг кучсизланишига олиб келган. Буни инобатга олмоқ муҳим.

Чунончи, қадимги давр жамиятида давлатнинг синфий жиҳати яққол намоён бўлган. Ҳокимият-

нинг, юридик ҳуқуқлар ва ўз манфаатларини амалга ошириш имкониятларининг тўлақонлиги ҳукмрон синфларга хизмат қилган. Шунга қарамай, қулларнинг ҳуқуқсиз мавжудот эканликлари тўғрисидаги тасаввурларимиз бирмунча ошириб юборилган. Қулга ҳеч нима боғлиқ эмас эди деб бўлмайди. Мамлакатдаги эркин фуқароларнинг миқдоридан қуллар миқдори аксарият анча кўп бўлган. Масалан, қадимги Римда аҳолининг фақат 3 фоизигина эркин фуқаролардан иборат бўлган, шу боис қуллар билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ эди. Башарти қуллар билан ҳисоблашмаслик оқибатида жиддий муаммолар ҳам келиб чиққан (масалан, қуллар кўзғолони). Қуллар ҳар қандай қимматли мулк каби юридик жиҳатдан муайян тарзда ҳимояланган эдилар. Буларнинг барчаси қулдорлик жамиятининг катта умумижтимоий мавқеи мавжудлигидан гувоҳлик беради.

## **5-§. Давлатнинг жамоат бирлашмаларидан фарқлари**

Давлат кишилик жамиятининг энг муҳим сиёсий ташкилотидир. Лекин у жамиятдаги ягона ташкилот эмас. Сиёсий ҳокимият давлат органи орқалигина эмас, бошқа ташкилотлар, яъни сиёсий партиялар, ҳар хил уюшмалар, нодавлат ташкилотлар ва ҳоказолар орқали ҳам амалга оширилади. Шунинг учун «давлат» тушунчасидан ташқари яна «давлатчилик» тушунчаси ҳам бор. «Давлатчилик» тушунчаси «давлат» тушунчасини ҳам англатади, лекин кенгроқ маънога эга: Чунки жамиятнинг сиёсий тизимида давлатдан ташқари, нодавлат ташкилотлар ҳам киради (жамо-

ат бирлашмалари уюшмалар, жамғармалар ва ҳоказо).

Давлатнинг жамоат бирлашмаларидан фарқлари куйидагилардан иборат.

*Биринчидан*, давлат ўз ҳудудида истиқомат қилаётган барча аҳолини қамраб олади. Жамоат бирлашмалари эса аҳолининг муайян бир қисмини ўзига бирлаштиради.

*Иккинчидан*, давлат жамоат бирлашмаларида давлат аппарати, муайян ваколатларга эга давлат хизматчилари ва давлат мажбурлови мавжудлиги билан ҳам фарқ қилади.

*Учинчидан*, давлат жамиятнинг расмий вакили сифатида ҳаракат қилади. Давлат — бутун жамият эмас, у жамият номидан иш кўради холос.

*Тўртинчидан*, давлат жамоат бирлашмаларидан суверенитетнинг мавжудлиги билан фарқ қилади. Давлат суверенитети унинг бутун ҳудудига тарқалади.

## 6-§. Давлат тўғрисидаги назариялар

Давлатнинг моҳиятини илмий ўрганиш учун фақат синфий ёндашув кифоя эмас. Бу ўринда давлат тўғрисидаги турли назариялардан, яъни «элитар», «технократик давлат», «плюралистик демократия», «умумий фаровонлик давлати» кибиларнинг хулоса ва қоидаларидан фойдаланиш зарур.

Давлатнинг пайдо бўлиши, давлат ҳокимиятининг моҳияти, мақсади, вазифалари, давлат ривожланишининг йўллари тўғрисида ҳар хил назариялар мавжуд. Бу давлатнинг мураккаб ижтимоий ҳодиса эканлиги, унинг ўтмишда ва ҳозирги кундаги турли-туман шакллари, айни

пайтда давлатнинг сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш, ундаги фаолиятининг ҳар хил синф ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларига дахлдорлиги билан боғлиқ. Бу объектив омил.

Агар муаммога илмий нуқтаи назардан ёндашилса, у турли муаллифларнинг ҳар хил мафкуравий ва сиёсий-фалсафий нуқтаи-назарлари билан ҳам боғлиқлигини кўриш мумкин.

Давлат ҳақидаги назарияларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

*Биринчидан*, давлатнинг моҳияти ҳақидаги назариялар;

*Иккинчидан*, давлатнинг мақсад ва вазифалари тўғрисидаги назариялар;

*Учинчидан*, давлат фаолиятининг восита ва усуллари тўғрисидаги назариялар;

*Тўртинчидан*, давлатнинг ривожланиш йўллари ва истиқболлари тўғрисидаги назариялар.

Турли ҳуқуқшунос-олимлар давлат билан боғлиқ муаммолар тўғрисида мулоҳаза юритиб, қайд этилган масалаларнинг барчасига у ёки бу йўсинда муурожаат этадилар. Турли гуруҳларга оид назариялар умумийликка эга бўлган ҳар хил назарияларни вужудга келтиради.

Давлатнинг моҳияти ҳақидаги назарияларга қўйидагиларни киритиш мумкин.

**1. Элитар назария.** Мазкур назария XX аср бошида вужудга келган (В. Порето, Т. Моски) ва XX асрнинг ўрталарида ривож топган (Х. Лассуэл, Д. Сартори, Т. Дай ва бошқалар). Бу назариянинг асосий ғоясига кўра, халқ оммаси давлатни идора қилишга қодир эмас, бинобарин, мазкур бошқарувни жамият тепасида турган элита амалга ошириши зарур. Элита келиб чиқиши, маълумоти, тажрибаси, қобилиятига кўра таърифла-



нади. Айни пайтда ушбу табақага тааллуқли бўлмаганлар халқ оммаси ҳисобига тўлдирилиши, яъни омма орасидаги энг қобилиятилар ушбу табақага қўшилиши мумкин.

Мазкур назариянинг ҳозирги кундаги тарафдорлари бир неча элиталар мавжудлиги, улар орасида ҳокимият учун кураш бораётганлиги, лекин халқ ўз сайлов ҳуқуқидан фойдаланиб, элиталарнинг фаолиятини назорат қилиши мумкинлигини эътироф этадилар.

Чиндан ҳам ҳокимиятни жорий этиш ўта чекланган кишилар доираси — депутатлар, давлат маҳкамаси ходимлари ва ҳоказолар томонидан амалга оширилади. Аслида мазкур кишиларнинг халқ, турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатларини ифода этиши муҳимдир. Шу мақсадда халқ танлаган ва вакил қилган кишиларнинг иши устидан фаол назоратни таъминлаш, уларнинг элиталигини тушуниш зарур. Шубҳасиз, ушбу назариянинг салбий жиҳатлари ҳам бор. Масалан, аҳолининг ҳокимиятдан узоқлаштирилиши, ҳокимиятнинг синфий табиатини инкор этиш кабилар.

**2. Плюралистик демократия назарияси.** Мазкур назария ҳам XX асрда пайдо бўлган. Унинг вакиллари Г. Ласки, М. Дюверже, Р. Дариндорф, Р. Даль каби олимлардир. Ушбу назария социал-демократлар, шунингдек, либераллар қарашларининг ҳам инъикосидир. Мазкур назарияга кўра ҳозирги жамиятда синфлар, моҳиятан йўқолиб кетди, ҳокимият эса ўз синфий табиатидан халос бўлди, жамият турли белгилар — ёш, касб-кор, турар жой, манфаатлар доираси ва бошқаларга кўра вужудга келадиган кишиларнинг ижтимоий бирлашмалари (стратлар) йиғиндисидан

иборат, шундай қилиб, қариялар ва ёшлар, спортчилар ва қаҳвахўрлар кабиларнинг ижтимоий бирлашмалари мавжуд.

Ушбу назарияга кўра, ҳар бир одам кўпгина жамоат бирлашмаларига аъзо бўлади, улар асосида давлат идораларига «тазйиқ» ўтказадиган ва натижада давлат сиёсатини йўналтирадиган сиёсий ва ижтимоий уюшмалар ташкил этилади. Демак, ҳар бир одам, бирлашма давлат ҳокимияти «зарраси»га эга бўлади, давлатни бошқаришда фаол иштирок этади. Натижада давлат умумий иродани, бутун жамият манфаатларини ифодалайдиган омилга айланади. Ушбу назариянинг ижобий жиҳати унинг чинакам демократик тавсифга эгалигидан, барча фуқароларнинг давлатни бошқаришда қатнашувини асослашдан иборат.

**3. «Умумий фаровонлик давлати» назарияси.** Мазкур назария иккинчи жаҳон урушидан сўнг найдо бўлган ва у илгари мавжуд бўлган, давлатнинг ижтимоий ҳаётга аралашмаслиги таълимотига қарама-қаршидир. Бунда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари истисно этилади («давлат тунги қорувулдир» назарияси). Унинг моҳияти 30-йилларда Д. Кейнс томонидан ифода этилган. Мазкур назария Д. Мюрдал, Г. Пигу, К. Боулдинг, В. Мундларнинг тадқиқотларида ривожлантирилган. Бу назариянинг бош ғояси — давлатнинг синфлар ҳисидан мақомидир. Шу боис, у аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ифода этиши, барчанинг фаровонлигини таъминлаши лозим. Мазкур назариянинг вужудга келиш сабаблари ривожланган мамлакатлардаги аҳоли ҳаёт даражасининг юқори даражада таъминланганлиги, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда йирик

давлат дастурларининг амалга оширилганлигидир. Бу назария ҳар бир инсоннинг қадр-қимматига эътибор беради, унинг манфаатларини давлат фаолиятининг асоси деб ҳисоблайди.

Мазкур назариянинг ижобий жиҳати, фикримизча, умуминсоний қадриятлар ва инсон ҳуқуқларининг устуворлиги унга асос қилиб олинганлигидир.

**4. «Технократик давлат» назарияси.** Мазкур назария XX асрнинг 20-йилларида вужудга келиб, 60-70 йилларда анча кенг тарқалди. Ушбу назария тарафдорлари орасида Т. Веблен, Д. Барнхейм, Г. Саймон, Д. Белл каби олимлар бор. Бу назария элитар назария талқинига жуда ўхшаб кетади. Лекин у ҳозирги воқеликни ҳам инобатга олади.

Мазкур назарияга кўра, жамиятни мутахассис бошқарувчилар, менеджерлар бошқаришлари лозим (аксарият ҳолларда улар чиндан ҳам бошқарадилар). Айни пайтда шулар жамиятнинг ҳақиқий эҳтиёжини, унинг оқилона ривожланиш йўллари, бунинг учун зарур воситаларни аниқлашга қодир. Бу жамиятнинг илмий асосланган прогрессив ривожини таъминлайдиган бошқарув имконини яратади. Мазкур таълимотнинг ғояларидан бошқа назарияларда ҳам фаол фойдаланилмоқда, чунки улар фақат давлатнинг моҳиятига эмас, балки унинг бошқа жиҳатларига ҳам тааллуқлидир.

**«Технократик давлат» назарияси** пайдо бўлиши аксарият мамлакатларнинг техник воситалар, жумладан, компьютерларни, радиоэлектроникани ўзлаштириш ва улардан фойдаланишдаги муваффақиятларга эришганлиги билан боғлиқдир. Ушбу назарияга кўра, техниканинг бундан кейинги ривожланиши давлат бошқарувининг ак-

сарият муаммоларини янгитдан ҳал этиш имконини беради. Масалан, радиотелевизион техникадан фойдаланиб фуқаролардан социологик сўров, ҳатто, референдум ўтказиш мумкин. Шундай қилиб, компьютерлар айрим кишиларнинг иродасидан мустасно ҳолда ечимларга келишнинг имконини беради. Ушбу ечимлар адолатли ва оқилона бўлади.

5. Давлатнинг бундан кейинги ривожини башорат қилувчи назариялар орасида «**Конвергенция назарияси**» ажралиб туради. У XX асрнинг 50-60 йилларида пайдо бўлган (Д. Гэлбрейт, Р. Арон, П. Сорокин асарлари). Ушбу назариянинг моҳияти — инсониятнинг ҳозирги даврдаги ривожланиш босқичидаги икки тизим, яъни Фарб — АҚШ, Англия ва бошқа давлатларнинг социалистик лагер мамлакатлари билан ўзаро таъсирида вужудга келганлигидир. Натижада ҳар бир гуруҳ бир-биридан яхши томонларни қабул қилиб, давлатларнинг моҳиятига, уюшишига, фаолият шакллари ва ҳоказоларга кўра яқинлашуви юз беради. Бу шунга олиб келадики, муайян вақтдан сўнг улар орасидаги тафовут деярли йўқолади ва бир хилдаги «постиндустриал давлатлар» — «умумий фаровонлик» давлатлари пайдо бўлади.

Мазкур назария муаллифларининг башоратларини тўғри деб баҳолаш мумкин, зеро унинг аксарият ноялари ҳозирги ҳаётда ўзининг тасдиғини топди.

6. **Давлатнинг тарихий-материалистик назарияси.** Бу назария давлат мавжудлиги ва ривожининг кўпгина жиҳатларини таҳлил этади. Ушбу назария заминида тарихий материализм ва синфий тоғлар ётади. Давлат иқтисодий ҳукмрон синфнинг ҳокимият қуроли сифатида талқин этилади.

Давлатнинг хусусиятлари, энг аввало, жамиятнинг муайян босқичдаги иқтисодий ривожланиши билан белгиланади. Мақсад — социалистик, сўнгра коммунистик жамиятни қуриш, давлатнинг пировард тақдири эса унинг коммунистик жамият қуриши билан барҳам топишидир.

**7. Ҳуқуқий давлат назарияси.** Ушбу назарияга мувофиқ ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳуқуқнинг ҳукмрон бўлиши, давлат фаолиятининг восита ва усуллари оидинлаштиради. Мазкур назария муаллифлари, давлат фаолияти ҳуқуқий мақсадларда, ҳуқуқ асосларида ва ҳуқуқий воситалар ёрдамида амалга оширилиши тўғрисида ҳақли равишда фикр юритадилар. Мазкур назария ҳозирги кунда кенг тарқалган. У энг долзарб ва тараққийпарвардир. Жамиятни демократлаштириш, давлат идоралари ишида ўзбошимчалик ва қонунсизликни бартараф этишга йўналганлиги унинг ижобий жиҳатидир.

Давлат тўғрисидаги назариялар турли-туман. Улар тўғрисида гапирганда, давлатнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрнини аниқлашга қаратилган назариялар ҳақида ҳам мулоҳаза юритиш лозим. Шу ерда жамиятнинг сиёсий тизими тушунчасига эътибор қаратиш жоиз.

### **7-§. Давлатнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни**

Жамиятнинг сиёсий тизими тўғрисидаги асосий ғоялар давлат ва ҳуқуқ назариясида XX асрнинг 60-70 йилларида баён этилган эди. Шунга қарамай, сўнги пайтларда сиёсий тизим назарияси ва уни амалга татбиқ этишда муайян ютуқларга эришилди.

Бироқ, ҳуқуқий адабиётларда жамиятнинг сиёсий тизими тушунчаси тўғрисида ягона фикр йўқ.

Масалан, баъзи муаллифлар (В. Е. Чиркин, Ю. А. Тихомиров, М. Н. Марченко) «сиёсий тизим» тушунчасини жамиятнинг сиёсий ташкилотига тенг тушунча, деб ҳисоблайдилар. Бошқалар (масалан, Н. Н. Разумович) эса уни жамият сиёсий ташкилотининг таркибий қисми сифатида талқин этади. Баъзилар эса сиёсий тизимни сиёсий соҳа билан айнанлаштирадилар. Айрим муаллифлар сиёсий тизимни сиёсий устқурма тушунчасига яқин деб ҳисоблайдилар.

Юқорида баён этилганларни умумлаштириб, жамиятнинг сиёсий тизимига шундай таъриф бериш мумкин: *жамиятнинг сиёсий тизими — шахсларнинг сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш жараёнидаги ташкилий мустақиллиги ва сиёсий фаолигини ривожлантирадиган давлат, жамоат ташкилотлари ва бошқа уюшмаларнинг йиғиндисидир.*

Мазкур таъриф ёрдамида жамият ва давлат сиёсий тизимининг алоқаларини аниқлаш, давлатнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни ва мавқеини белгилайдиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий омилларни белгилаб олиш мумкин.

Давлатнинг ички тузилиши ва фаолиятининг турли жиҳатларини тадқиқ этиш масалаларига бағишланган ҳуқуқий адабиётлар анчагина. Давлат турли йўналишлар бўйича, яъни таркибий ва функционал жиҳатдан, статика ва динамикаси нуқтаи-назаридан, шакл, мазмун, моҳият сингари фалсафий категорияларнинг амал қилиши жиҳатидан ҳам батафсил ўрганилмоқда. Бироқ давлатнинг жамият сиёсий тизимидаги таркибий элемент сифатида амал қилиши билан боғлиқ масалалар аксарият ҳолларда эътибордан четда қолмоқда. Зеро, у давлат механизмини сиёсий муносабатлар воситасида таърифлаш, ҳамда дав-

латнинг жамият сиёсий тизимидаги мақомини аниқроқ белгилаш имконини беради.

Жамиятнинг сиёсий тизимида давлатнинг алоҳида ўрин эгаллашига эътибор қаратиш лозим. Унинг мавқеи ва ўрнини ҳукмрон сиёсий партия ёки мазкур тизимнинг бошқа элементларининг ўрни ва мақоми билан айнан деб тушунмаслик керак.

Ҳуқуқий адабиётларда давлатни сиёсий тизимнинг асоси сифатида қабул қилишлар ҳам учрайди. Биз М. Н. Марченконинг давлат сиёсий тизимнинг асоси ёки бош таркибий элементи мақомига эга бўлмайди ва бўлолмайди, деган фикрига қўшиламиз. Чунки ушбу мақомга сиёсий тизимнинг чинакам иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий асослари эга бўлиши мумкин.

Давлатнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни қуйидаги жиҳатлар билан белгиланади:

*биринчидан*, давлат асосий ишлаб чиқариш қуролларининг мулк эгаси, у жамиятнинг барча аъзолари, шунингдек, айрим фуқаролар манфатлари йўлида ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилайди:

*иккинчидан*, давлат барча фуқароларнинг уюшмаси сифатида фаолият кўрсатади;

*учинчидан*, давлат бошқариш ва мажбурловнинг махсус аппаратига эга;

*тўртинчидан*, давлат турли-туман ишонтириш ва мажбурлов усулларидан фойдаланиш имконини берадиган кенг тармоқли юридик воситалар тизимига эга;

*бешинчидан*, давлат мустақилдир;

*олтинчидан*, бутун мамлакат миқёсида давлат тўла ҳокимиятга эга ягона ташкилотдир.

Нодавлат ташкилотлар бундай хусусият ва ва-  
зифаларга эга эмас.

## **8-боб. ДАВЛАТ ТИПОЛОГИЯСИ**

- 1-§. Давлат типологияси тушунчаси.*
- 2-§. Давлат типологиясига синфий ёндашув.*
- 3-§. Давлат типологиясига маърифий ёндашув.*
- 4-§. Давлатнинг тарихий типлари тушунчаси.*
- 5-§. Давлат типологиясига Фарбча ва Шарқона ёндашув.*
- 6-§. Шарқ давлатларининг хусусиятлари.*
- 7-§. Утиш даври давлатлари.*
- 8-§. Ҳозирги замон давлатларининг турлари.*

### **1-§. Давлат типологияси тушунчаси**

Давлат — турли-туман хусусият ва белгиларга эга бўлган мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий ҳодисадир. Бу эса давлатларни турлича тасниф-  
лашга имкон беради. Масалан, давлатларни ҳудуд-  
ларининг катта-кичиклигига қараб улуғ, катта,  
ўрта, кичик давлатларга бўлиш мумкин.

Давлатга тарихий ёндашув асосида давлатларни  
қадимий, ўрта аср ва ҳозирги замон давлатларига  
ажратса бўлади. Тарихий ва маданий ривожланиш-  
га кўра эса давлатлар деҳқончилик билан шугуллан-  
увчи ва саноат билан шугулланувчи давлатларга  
(ёки индустриал ривожланишгача, индустриал ва  
постиндустриал давлатлар) бўлинади.

Маърифийлик (цивилизация) тавсифига кўра  
давлатлар — Шарқ, Фарб ва аралаш (ўрта ҳолат-  
ли), иқтисодий ривожланиш даражасига кўра эса  
паст даражада ривожланган, ўрта даражада  
ривожланган ва «қашшоқ» давлатларга бўлинади.

Ушбу таснифларнинг аксарияти давлатдан кўра  
кўпроқ жамиятни тавсифлайди. Бунинг ажаблан-  
гани жойи йўқ. Мазкур таснифларнинг бирор-



таси ҳам давлатни бошқа ҳодисалардан ажратиб турган бош омил — сиёсий ҳокимиятни амалга оширишни инобатга олмайди. Шу боис, ҳокимият муносабатларига кўра таснифлаш муҳим. Бунда ҳокимиятнинг моҳияти, унинг синфий ва ижтимоий аҳамияти тавсифланади. Давлатлар шунга кўра турларга ажратилади.

**Давлат типологияси** — давлатнинг моҳиятан ўзига хос хусусиятларини ажратишда ёки бирор типга мансублигини белгилашда фойдаланадиган таълимот, билимлар тизимидир.

Демак, **давлат типологияси** — давлатларни муайян мезон асосида турларга ажратиш, таснифлашдир. Ҳуқуқшунослик фанида давлат типологиясига икки хил ёндашувни синфий ва маърифий — ажратиб кўрсатиш мумкин.

## 2-§. Давлат типологиясига синфий ёндашув

**Биринчи ёндашув** — синфий ёндашув бўлиб, унда давлат типологиясининг асосий мезони ижтимоий-иқтисодий формациялар ҳисобланади. Давлат ишлаб чиқариш муносабатлари типига кўра, иқтисодий базис устидаги элемент сифатида — қулдорлик, феодал, буржуа ва социалистик давлат типларига бўлинади. Бу типология давлатларнинг синфий типологияси деб аталади.

**Бу типологияда, биринчидан**, давлатлар муайян ижтимоий-иқтисодий омиллар асосида типларга ажратилади; **иккинчидан**, давлатлар ўз тараққиётида маълум босқичларни ўтишини уларнинг табиий-тарихий характери кўрсатади.

**Синфий типологиянинг камчиликлари қуйидагилардан иборат:** **биринчидан**, барча давлатларни бу типология доирасига киритиш мумкин эмас;

*иккинчидан*, бу типологияда миллий, маданий, диний ва бошқа бир қатор омилларга старлича эътибор берилмайди.

### 3-§. Давлат типологиясига маърифий ёндашув

**Иккинчи ёндашув** — цивилизация<sup>1</sup> мезонига асосланган давлат типологиясидир. Бу ёндашувда маънавий белгилар, яъни маданий, миллий, диний, психологик ва бошқалар типологиянинг асосий мезони ҳисобланади. Бу типологияни давлатларнинг маърифий (цивилизациявий) типологияси деб аташ мумкин.

Бу ёндашувнинг кўзга кўринган вакили А. Тойнбидир. Унинг фикрича, цивилизация — жамиятнинг миллий, диний, жўғрофий ва бошқа белгиларининг яхлитлиги билан ажралиб турадиган муайян ҳолатидир. Шу белгиларга кўра, давлатларни Шарқ ва Ғарб цивилизацияси асосида — Ғарб ва Шарқ давлатларига, қадимий ва ўрта асрлар цивилизациясига кўра — қадимий ва ўрта асрлар давлатларига бўлиш мумкин.

**Маърифий типологиянинг ижобий томонлари қуйидагилардан иборат:** *биринчидан*, маълум шароитлардаги маданий омиллар типологиянинг асосий мезони қилиб олинади; *иккинчидан*, маънавий мезонларнинг кўплиги, муайян цивилизациянинг ўзига хос хусусиятлари типологияни аниқ амалга оширишга имкон беради.

**Шу билан бирга, давлатларнинг маърифий типологияси ҳам бир қатор камчиликларга эга. Улар қуйидагилардан иборат:** *биринчидан*, ижтимоий-иқти-

<sup>1</sup> Цивилизация (лотинча «civilis» — фуқаровий, ижтимоий) жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларини янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириш бориш усуллари мажмуи.

содий омиллар етарлича ҳисобга олинмайди; *иккинчидан*, бу типология давлат типологиясига қараганда, кўпроқ жамият типологиясидир.

Цивилизациявий типология синфий ёндашувдан анча кенг. Маърифий типологияда давлат цивилизация маҳсули сифатида намоён бўлади.

#### **4-§. Давлатнинг тарихий типлари тушунчаси**

Типология давлат типи деган илмий тушунчани ажратиб кўрсатишга олиб келади. Давлатнинг типи қуйидаги хусусиятлардан иборат:

*биринчидан*, давлатнинг типи, иқтисод, ишлаб чиқариш усули, ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг табиатига боғлиқ бўлган ҳокимиятнинг синфий тааллуқлигидан келиб чиқади. Давлатдаги ҳокимият одатда, қўлида ишлаб чиқариш воситалари мавжуд бўлган иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон синфга хизмат қилади;

*иккинчидан*, синфий манфаатларнинг акс этишига асосланган бир моҳиятли ҳокимиятга эга давлатлар гуруҳи бирлаштирилади. Бу давлатларни қулдорлик, феодал, буржуа ва социалистик давлатларга бўлишга олиб келади;

*учинчидан*, давлатнинг типи бирор давлатнинг уюшганлиги, мақсадга интилиши, амал қилиш ва ривожланишидаги умумий, жузъий жиҳатларни белгилашга имкон беради;

*тўртинчидан*, бир типдаги давлатлардан кейин бошқа типдаги давлатлар, яъни қулдорлик давлатидан сўнг феодал давлат, феодал давлатдан сўнг буржуа давлати келиши қонуниятлари аниқланган. Албатта, охири алмашув (буржуа давлати билан социалистик давлат алмашуви)да олдинги типларнинг ўзаро алмашув қонуниятлари тарихан тасдиқланди.

Давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти ҳамда мазмуни-ни чуқур тушуниб етиш учун умумийликдан хусусийликка, давлат ва ҳуқуқ умумий тушунчасидан қадимий давр давлати ва ҳуқуқи тушунчасига, ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқи тушунчасидан янги ва ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи тушунчасига томон бориш ва кўриб чиқиш лозим. Шунда муаммони янада аниқлаштириш муайян давлат ва ҳуқуқни ўрганиб бўлиб, давлат ва ҳуқуқ тарихи ва назариясини ўрганишга ўтишга имкон беради.

Кишилиқ жамияти тарихи уч катта тарихий даврдаги давлат ва ҳуқуқнинг уч турини, яъни қадимий, ўрта аср ва янги замон давлати ва ҳуқуқи тизимини берган. Жамият, давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг қонуниятлари ана шундай. Тарихнинг тараққиёт йўли шундан иборат.

Кишилиқ жамияти ўзининг қўйи босқичидан юқори босқичига, қадимий жамиятдан ўрта асрларга, ундан янги ва ҳозирги замон жамияти томонга ривожланади, бунинг тескараси бўлмайди.

Ўз тараққиётида баъзи босқичларни четлаб ўтиш, баъзи тараққиёт босқичини бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ бошдан кечириш мумкин, лекин бунда тараққиётнинг бош йўли барча халқлар учун умумий бўлиб қолаверади, улар кишилиқ цивилизациясининг умумий қонуниятлари асосида ривожланади. Шуниси характерлики, жамият тараққий этган сари халқларнинг бир-бирлари билан муносабати, бир-бирига таъсири ҳам тобора ошиб боради. Буни шунда кўриш мумкинки, ибтидоий-жамоа тузумидан давлатли жамиятга ўтиш баъзи халқларда эраמידан бир неча минг йил олдин, бошқа халқларда эса кўп асрлардан кейин бошланган. Дунё миқёсида ўрта асрларга ўтиш бун-

дан кўра озроқ вақтни олди. Урта асрлардан янги замонга ўтиш бундан ҳам тезроқ бўлди.

Ҳуқуқшунослик фанида, айниқса совет давридаги ҳуқуқшуносликда, асосан тўрт типдаги — қулдорлик, феодал, капиталистик, социалистик давлатлар фарқланади. Фикримизча, илк икки типлар фақат Европада мавжуд бўлган, қолган ҳудудларда — Осиёда, Африкада, Америкада эса давлатлар бошқача типга мансуб бўлганлар. Уларни Фарбдаги давлатлардан фарқли равишда, давлатнинг шарқона типига мансуб дейиш мумкин. Улар бир-биридан ҳам моҳият, ҳам функциялари, ҳам жамият ҳаётидаги роли, вазифаси, шакли, фаолият методлари, мақсадлари жиҳатидан фарқ қилади.

## **5-§. Давлат типологиясига Фарбча ва Шарқона ёндашув**

Синфий ёндашувнинг тор доиралари кўп жиҳатларда намоён бўлади. Чунки барча давлатлар ҳам давлатнинг синфийлик ёндашувига асосланган типологияга сиғавермайди. Шу муносабат билан Шарқ давлатларининг типологияси муаммосини кўрсатиш лозим. Афсуски, ҳуқуқшунос олимлар ўртасида мазкур масала етарлича ўрганилмаган. Қулдорлик ёки феодал давлат типларини «Шарқ давлати тури» га тааллуқли қилиб кўрсатиш кенг тарқалган.

Ҳолбуки, Шарқ давлатлари ўзининг цивилизациявий мазмунига кўра Фарб давлатларидан тубдан фарқ қилади. Масалан, Фарб давлатларида сиёсий ҳокимият иқтисодий ҳукмрон синф кўлида бўлиб, давлат ҳокимияти бевосита иқтисод, асосий ишлаб чиқариш воситаларига мулк эгаллиги табиатига боғлиқ. Шарқ давлатларида эса устувор-

лик айни давлат ҳокимиятининг ўзидадир. Чунки, иқтисодий соҳалардаги ҳокимлик, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш имкони сиёсий ҳукмронликка боғлиқ бўлади. Шарқ мамлакатларида хусусий мулк мавжуд бўлмаган, айни пайтда давлат мулки раҳбар доиралар қўлида бўлган.

Шу боис, Шарқ давлатларини Европа давлатлари типларига мансуб деб топиш ва уларни «капиталистик давлатларгача» бўлган бир типга бирлаштириш (феодал ва қулдорлик давлатларига) тўғри эмас. Бунинг устига, Шарқ давлатлари Европа давлатларидан фарқ қилиш билан бирга, ўз моҳият хусусиятларига ҳам эга эдилар. Жумладан, Хитойда қулдорлик амалда мавжуд бўлмаган, Миср ва Оссурияда эса давлат анча муҳим мавқега эга бўлган. Бу минтақада давлат ҳокимияти тизимида руҳонийлар мавқеи ҳам турлича бўлган, ҳуқуқий тизимлар ҳам бир-биридан жиддий фарқ қилган. Фикримизча, давлат типологиясига Фарбча ва Шарқча ёндашув мавжудлиги тўғрисида гапириш тўғрироқ бўлса керак.

Давлат ҳокимияти аксарият ижтимоий гуруҳ деб баҳоланмайдиган кичик гуруҳ (давлат ҳокимияти тепасидагилар, партия-давлат элитаси ва ҳоказо)лар қўлида бўлади. Албатта, бундай гуруҳ бирор синф ёки ижтимоий гуруҳнинг манфаатларини ҳам ифода этиши мумкин. Аксарият ҳолларда шундай бўлади ҳам, у ҳолда ҳокимиятнинг синфий мазмуни, бинобарин, давлат типи кўзга ташланади. Бироқ кўпинча бундай гуруҳ фақат ўз манфаатларинигина ифода этади. Шунинг учун давлат ҳокимияти ҳамиша ҳам фақат синфий табиатга эга бўлавермайди.

Кўп ҳолларда бундай гуруҳ, ижтимоий таянчга эга бўлиш мақсадида динга мурожаат қилади

(Шарқ давлатларидагидек), собиқ СССРда Сталин даврида бўлганидек жисмоний ва мафкуравий тазйиқни амалга оширади.

## 6-§. Шарқ давлатларининг хусусиятлари

Турли даврдаги давлатларни тавсифлашга киришишдан олдин «Шарқ типи» даги давлатларнинг хусусиятларига қисқача тўхтаб ўтиш лозим. Мазкур давлат типининг тарихда илк тип бўлганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Илк давлатлар бундан 5 минг йиллар муқаддам сугориладиган деҳқончилик минтақалари (Миср, Ҳинд ва Хитой)да пайдо бўлган. Уларнинг пайдо бўлишига сабаб, сугориш тизимлари қурилиши натижасида меҳнат унумдорлигининг тез суръатлар билан ошиб бориши бўлган. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бундай табиати жамоанинг сақланиб қолишига олиб келган. Оиланинг бир ўзи сув иншоотлари тизимини қуриш ва ундан фойдаланишнинг уддасидан чиқолмаган. Шу боис Шарқ мамлакатларида ерга хусусий мулкчилик пайдо бўлмаган, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилувчи синфлар ҳам вужудга келмаган.

Давлатнинг келиб чиқиш жараёнида пирамида каби қурилган жамият пайдо бўлган: энг юқорида ягона ҳокимият эгаси — подшоҳ, фиръавн, шоҳ, хон; ўртада унинг энг яқин сафдошлари, маслаҳатчилари — вазирлар; қуйида пастроқ рутбада амалдорлар жойлашган. Пирамиданинг асосини эса қишлоқ хўжалик жамоалари ташкил этган. Ушбу жамоалар ижтимоий маҳсулотнинг анчагина қисмини солиқ тарзида давлат маҳкамасига тўлайдиган эксплуатация объекти бўлган.

Албатта, Шарқ мамлакатларида умуман хусусий мулк мавжуд бўлмаган, деб айтиш мумкин эмас. Хусусий мулк шоҳларнинг қасрлари, қуллари, қимматбаҳо мулклари тарзида, савдогарлар ва ҳунармандларнинг бир қисмида эса капитал ва моддий бойликлар тарзида мавжуд бўлган. Бироқ хусусий мулк Шарқ жамиятида ижтимоий ишлаб чиқаришда муҳим мавқега эга бўлмаган. Ижтимоий бойликнинг асосий ҳиссаси давлат ва сарой мулкидаги эркин жамоа аъзолари ёки қуллар томонидан барпо этилган. Қуллар фақат давлат ва сарой мулкидагина мавжуд бўлган. Шундай қилиб, ягона давлат мулки мавжуд бўлган, давлат подшоҳ шахсида «барча нарса»га эгалик қилган. Жумладан, у барча аҳолининг ҳатто, ўзига энг яқин бўлганларнинг ҳаёти ва мулкига ҳам хўжайинлик қилган.

Шарқ жамияти туб ўзгаришларга учрамайдиган барқарор табиатга эга бўлган. Жумладан, қадимги Мисрда давлат эрамиздан аввалги IV—III минг йилликларда пайдо бўлиб, 30 асрдан кўпроқ вақт давомида фаолият кўрсатган. 50 асрча муддат давомида Хитой давлати амал қилган ва у қарийб XIX аср охирларигача ўзгармай келган.

Фарб давлатлари Шарқ давлатларидан анча кейин пайдо бўлган, бироқ улар тез ривожланиб кетган. Айнан Европада ижтимоий-иқтисодий формациялар (ва давлат типлари)нинг тезроқ алмашуви юз берган.

## 7-§. Ўтиш даври давлатлари

Мустамлакачилик асоратидан озод бўлган мамлакатлардаги давлат табиатини таҳлил этиш катта қизиқиш уйғотади. Уларда аксарият шундай вази-



ят вужудга келадик, унда бирорта ҳам синф ҳокимиятни олиш ва уни ўз қўлида сақлаб туриш учун етарлича кучга, уюшқоқликка эга бўлмайди. Бундай мамлакатларда аксарият турли ижтимоий кучларнинг блоки вужудга келади, улар умуммиллий манфаатлар асосида бирлашадилар. Бироқ бундай бирлашмалар аксарият вақтинчалик бўладилар ва умуммиллий манфаатларни ечиш асосида уларда синфий ёки умумижтимоий манфаатларнинг кучайиши вужудга келади. Шу боис, давлатнинг бундай типини ўтиш даври давлати деб аташ мумкин.

Бироқ бундай вазият унча кўп учрамайди. Аксарият ҳокимият синфий кучлар блоки қўлида эмас, балки кичик партиявий, ҳарбий ёки бошқа турдаги элита қўлида бўлиб, у умумижтимоий вазифаларни амалга оширади, энг аввало, ўз манфаатларини кўзлаб иш юритади.

Бундан ташқари, анъанавий синфий ёндашув бир ижтимоий-иқтисодий формациядаги давлатлар орасида моҳиятан фарқлар мавжудлигини тушунтирмайди. Чунончи, ҳозирги Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) давлати билан апартеид давридаги ЖАР давлати ўртасида фарқ мавжуд. Ёхуд собиқ совет давлати сталинизм ва «қайта қуриш» давридаги турли моҳиятга эга давлат эди. Ушбу муаммолар давлат моҳиятининг яна бир жиҳатидан келиб чиққан ҳолда тушунтирилиши мумкин. Шунга қарамай, давлатнинг умумижтимоий моҳияти (синфий моҳият сингари) ҳокимият муносабатларида кўринади. Бу ерда давлат ҳокимиятининг аҳолининг катта қисмига тааллуқлилиги хусусида эмас, балки жамиятнинг қўлида давлат ҳокимияти бўлган қисми тўғрисида гап бормоқда.

## 8-§. Ҳозирги замон давлатларининг турлари

Ҳозирги кунда ҳуқуқшунослик фанида давлатлар тоталитар, авторитар, либерал ва демократик давлатларга бўлиб ўрганилмоқда. Бундай таснифлаш тобора кенг қўлланилмоқда. Унинг ўзига хос жиҳатлари бор.

**Тоталитар давлатда** «давлат — ҳамма нарса, инсон эса — ҳеч нарса» деган ғоя ҳукмронлик қилади. Барча ҳокимият ҳукмрон элита кўлида бўлиб, бошқалар давлатни бошқаришдан четлатилади.

**Авторитар давлатда** ҳам ҳақиқий ҳокимият элита кўлида бўлади, шахснинг манфаатлари давлат манфаатларига қурбон қилинади. Сиёсий соҳада ижозат этилганидан ташқари, барча нарса тақиқланади.

**Либерал давлатда** жамият ҳаётининг барча соҳаларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари расман тенглиги амал қилади, фуқароларнинг давлат ишларида расман қатнашувларига йўл қўйилади. Тақиқланмаган нарсадан бошқаси ижозат этилиши мумкинлиги принципига амал қилгандай бўлади, бироқ давлат тузуми ва ижтимоий тузумни ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

**Демократик давлат** фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашиши ҳуқуқларини таъминлайди, шундай иштирокка ёрдам беради. Шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг доираси кенг бўлиб, уларни амалга ошириш ҳам таъминланади. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонунда бевосита тақиқланмаган ҳаракатларни амалга оширишга йўл қўйилади.

Албатта, давлатларнинг биз кўриб чиққан типологияси камчиликлардан холи эмас. Лекин, таъ-

кидлаш жоизки, мазкур типология синфий ёндашувга асосланган типологияни муҳим жиҳатлар билан тўлдиради, кишилиқ тараққиётининг тарихий босқичларидаги давлатлар типининг умум-этироф этган бир қатор хусусиятларини ажратиб кўрсатишга имкон беради.

## **9-боб. ТУРЛИ ТАРИХИЙ ДАВРЛАРДАГИ ДАВЛАТЛАР**

*1-§. Қадимги давр давлатлари.*

*2-§. Урта аср давлатлари.*

*3-§. Янги давр давлатлари.*

*4-§. Ривожланаётган давлатлар.*

### **1-§. Қадимги давр давлатлари**

Кишилиқ жамиятининг қадимий даври учун энг характерли давлат ва ҳуқуқ қулдорлик давлати ва ҳуқуқи бўлган.

Европада илк давлатлар эрамизгача IX — VII асрларда, яъни Мисрдагидан XX асрча кейинроқ пайдо бўлган. Бу даврга келиб, Шимолий Урта Ер денгизи шароитларида қишлоқ хўжалиқ жамоаси тугаб, ерга оилавий, яъни хусусий мулкчилик пайдо бўлган. Шундай қилиб, жамиятнинг синфларга бўлиниши юз берган. Айни пайтда ушбу синфлар ҳокимият тизимидаги турли мавқеи билан эмас (Шарқда бўлганидек), балки ишлаб чиқариш воситаларига турлича муносабатлари билан фарқланган. Бир синфнинг ўзи ер ва меҳнат қуролига, шунингдек, ишлаб чиқарувчи қулга ҳам эгалик қила бошлаган. Ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилган синф ҳокимиятни ўз қўлига олган.

Айни пайтда қулларнинг аҳволи турли мамлакатларда бир хил бўлмаган. Чунончи, Афинада

қонун қулни калтаклаш ва ўлдиришни тақиқлаган. Римда эса мазкур ҳолатга йўл қўйилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, қул мутлақо ҳақ-ҳуқуқсиз мавжудот, у фақат «гапирадиган қурол» деган тасаввурлар бирмунча бўрттириб айтилган. Қуллар кўпинча бошқаларни маълум маънода улар билан ҳисоблашишга даъват этган. Бундан ташқари, қадимий давлатлар тараққиётининг турли босқичларида қулларнинг аҳволи яхшиланади. Қулларнинг, ҳатто, табиблик ва муаллимлик касбини адо этганлиги тарихдан маълум. Бунинг устига, уларнинг аксарияти хунармандчилик, савдо билан шуғулланиб бойиб ҳам борган. Шунга қарамай, қулчилик бўлган.

Барча қадимий давр давлатларида ҳокимиятга ҳукмрон синфлар тула-тўқис эгаллик қилган, қуллар эса жамиятда арзимаган лавозимларни эгаллашган, яъни ҳокимиятнинг умумижтимоий моҳиятидан кўра синфий моҳияти кўпроқ намоён бўлган.

Қадимий давр давлатлари умумижтимоий вазифаларни ҳам амалга оширган. Шу боис қулларнинг қаршилиги юз бериб, улар давлаг ҳокимиятига қарши йирик қўзғолонларгача ўсиб борган (Сицилия ва Кичик Осиёда эрамизгача II асрдаги қўзғолонлар, эрамизгача I асрдаги Спартак қўзғолони).

Яна бир хусусиятга эътиборни жалб қилмоқчимиз. Европадаги аксарият қулдорлик давлатлари шаҳар-республика тарзида пайдо бўлган ва яшаган. Шу йўл билан ишлаб чиқариш воситалари мулкдорларининг умумсинфий иродасини белгилаш енгил бўлган. Хусусий мулк, Шарқдаги ягона давлат мулкига қурилган давлатлардан фарқли равишда, муайян ислохотларнинг ўтказилиши зарурлигини келтириб чиқарган. Аммо ки-

шилар оммасининг мулкка нисбатан тенглигига асосланган манфаатларини мутаносиблаштириш эҳтиёжи анча мураккаб ва ишлаб чиқилган ҳуқуқий тизимларнинг вужудга келишига ёрдам берган, ҳуқуқнинг асосий манбаи давлат томонидан чиқариладиган қонунлар бўлган.

Қадимий Шарқ мамлакатларида қулдорлик тузуми анча ҳаракатчан бўлиб, унда бундан кейинги ривожланиш учун ҳам шарт-шароитлар мавжуд эди. Шу боис, унинг заминида кейинчалик Ўрта аср жамияти ва унга мос келадиган давлатлар ҳам пайдо бўлди.

## 2-§. Ўрта аср давлатлари

Ўрта асрлар учун энг характерли давлат ва ҳуқуқ — феодал давлати ва ҳуқуқи эди. Мазкур типдаги давлат Европада эрамининг VI — IX асрларида пайдо бўлган. Шунини таъкидлаш жоизки, қатор мамлакатларда феодал муносабатларнинг қолдиқларини ҳозирги кунда ҳам кўриш мумкин.

Ўрта асрлар даври жамиятининг иқтисодий асосини катта мулк эгаларининг ерга хусусий мулкчилиги ташкил этган. Деҳқонлар ер эгасининг майдонида жойлашган кичик якка хўжаликка эга бўлиб, улар ердан фойдаланганликлари учун ер эгасига ҳосилнинг бир қисмини берар ва текинга унга ишлаб берардилар. Ўрта аср жамиятининг ривожланиши давомида деҳқонларнинг ер эгаларига қарамлиги давлат мажбурлов тадбирлари билан тўлдирилган, яъни деҳқонлар ерга «биркитилиб» қўйилган ўз хўжалиklarини ташлаб кетолмаганлар. Ижтимоий тенгсизлик қонун билан мустаҳкамланган. Деҳқонлар давлатни бошқаришда иштирок этмаганлар. Давлат ҳокимияти ер эгала-

рига хизмат қилган. Шу билан бирга, давлат умум-ижтимоий вазифаларни ҳам амалга оширган.

Ўрта асрлар даври давлати ҳам ўзгариб турган ва турли ривожланиш босқичларини босиб ўтган. Бошда улар марказлашган давлатлар, монархиялар тарзида пайдо бўлиб, кейинчалик монарх феодал зодагонларга ерни тақсимлаб бериши билан бирга, зодагонларнинг ер майдонлари анча кўпайиб борган. Шу тариқа давлатнинг герцоглик, графлик, князлик бўлиниши юз бериб, улар собиқ давлат таркибига расман кириб, амалда (баъзан юридик жиҳатдан) ҳам тўла мустақилликка эга бўлган.

Бироқ бундай тарқоқлик давлатни кучсизлан-тирган ва бошқа давлатлар босиб олиши учун шароит яратган. Кейинчалик, аксарият ўлкаларнинг бирлашуви вужудга келган, табақа-вакиллик ва мутлақ монархиялар пайдо бўлган. Бироқ ўрта аср жамиятининг барча босқичларида давлатнинг моҳияти ўзгариб борган.

Бир қарашда ўрта аср жамияти муайян даражада Шарқ жамиятини эслатади. Бундай эҳтимоллар асоссиз эмас. Чиндан ҳам ерга эгалик ҳуқуқи ҳокимият, мулк хусусиятларини ўзлаштириб, маълум маънода давлатникидек бўлади. Шу билан бирга, бир қатор фарқлар мавжуд. Ўрта асрлар жамиятининг Шарқ жамиятидан фарқлари қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, ҳокимият манбаи мулк эканлиги;  
*иккинчидан*, ер фақат мансабдор шахслар орасида эмас, балки қариндош-уруғлар ўртасида мерос қолдирилиши;

*учинчидан*, қишлоқ хўжалик жамоалари умуман қолмаганлиги ёки улар Шарқдагидек мавқега эга эмаслиги;

*туртинчидан*, Шарк давлагларидагидек қудратли ва кўп сонли амалдорлар маҳкамаси мавжуд эмаслиги.

Шунга қарамай, ерга эгалик қилишнинг табиати ўрта аср давлатининг монархиялар шаклида пайдо бўлишига олиб келган. Аксинча, кўплаб савдогарлар мавжуд бўлган ва мулк хусусий ҳисобланган аксарият мустақил шаҳарларда бошқарувнинг республика шакли пайдо бўлган. Генуя, Данциг, Новгород, Псков каби шаҳар-республикалар бунга мисол бўла олади.

### 3-§. Янги давр давлатлари

Европа ва Шимолий Америкада илк буржуа (капиталистик) давлатлар бундан 200 — 300 йиллар аввал вужудга келган, хусусан, улар улуг француз инқилобидан сўнг кенг тарқалган.

Янги давр давлати ва ҳуқуқининг пайдо бўлиши ҳамма ерда ҳам бир хил юз бермаган. Уларни ўрганиш янги давр давлати ва ҳуқуқининг пайдо бўлишидаги умумий томонларни ва ўзига хос жиҳатларни аниқлаш имконини беради. Француз инқилоби анча изчил амалга оширилган. Шу сабабли, Франциядаги сиёсий гоёлар ҳар сафар жуда ҳам кескин шаклда намоён бўлган. 1789 — 1794 йиллар инқилоби Франциядаги абсолютизмни тугатибгина қолмай, балки бошқа мамлакатлардаги абсолютизм тизимини ҳам ларзага келтирган.

Англиядаги XVII аср инқилоби конституциявий монархия давлатини вужудга келтирган. Германияда инқилоб жуда кеч бўлди. Германия барча Европа мамлакатлари ичида энг охиригиси

булиб, абсолют монархияга қарши ва янги сиёсий ҳокимият учун кураш бошлаган.

Россияда капиталистик муносабатларнинг ривожланиши 1861 йилда крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилингандан кейин бошланган. Крепостнойлик ҳуқуқи инқилобий йўл билан эмас, балки юқоридан қилинган ислоҳот йўли билан бекор қилинган эди.

Янги даврда эркинлик, тенглик ва қардошлик каби шиорлар билан сиёсий ҳокимият қўлга киритилган. АҚШнинг «Мустақиллик декларациясида», Франциянинг «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида» ва шу каби тарихий ҳуқуқий ҳужжатларда барча инсонларнинг тенг бўлиб туғилиши ва тенг ҳуқуқларга эга бўлиши, бинобарин, шундай бўлиб қолишлари биринчи марта эълон қилинган.

Янги давр жамияти ўз ривожидан бир неча босқичларни босиб ўтган. Натижада давлатлар ҳам ўзгариб борганлар.

**Биринчи босқич** (бозор муносабатларига ўтиш, капиталнинг илк жамғарилиши ва эркин рақобат даври)да буржуазия синфи унча кўп сонли бўлмай, у ёки бу даражада тенг ҳажмдаги мулкка эга бўлган. Бу уларнинг умумий манфаатларини белгилаган. Ушбу манфаатлар ифодаловчиси ва ҳимоячиси давлат бўлган. Бундай давлатда ишчиларнинг бирлашмаларини тузиш таъқиқланган, ишчиларнинг давлатни бошқаришда қатнашувлари чекланган, цензлар (мулкӣ, маълумот ва ўтроқликка оид) ўрнатилган. Шу билан бирга давлат умумижтимоий вазифаларни ҳам бажарган.

Янги давр жамияти ривожининг **иккинчи босқичи** XIX асрнинг охири ва XX аср бошларига тўғри келиб, Европадаги кўпгина давлатларда бозор муносабатлари муайян ривожланган дара-



жага эришган. Бу босқичнинг асосий хусусияти — аксарият кичик корхоналарнинг рақобатга дош бериш учун трестлар, синдикатлар, корпорациялар ва ҳоказоларга бирлашувидир. Саноат, савдо ва молия капиталларининг бирлашуви содир бўлган, бинобарин, турли ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг монополиялашуви кузатилган. Баъзи ҳолларда антидемократик тузумлар ҳам пайдо бўлган. Масалан, Германияда ва Италиядаги фашист тузумлари, Лотин Америкаси ва Жанубий Африкадаги ҳарбий-полиция тузумлари бунга мисол бўла олади. Бунинг устига бундай тузумларнинг аксарияти давлат ёки партия-давлат маҳкамаси ҳокимияти тепасида турганларнинг манфаатларини ҳимоя қилган.

Кўпгина давлатларда цензлар бекор қилинган, умумий сайлов ҳуқуқи жорий этилган. Давлат функциялари, энг аввало, ҳукмрон синфнинг манфаатлари йўлида амалга оширилган, бироқ демократик шаклларнинг ўсиши мулкдор ҳокимлар нуфузини кўтариш учун умумижтимоий вазифаларга эътибор қаратишга мажбур этган.

XX асрнинг 30-йилларида Европа давлатлари ўзининг янги, ҳозирги тараққиёт даврига кирган. Мазкур давр бу давлатлардаги туб ўзгаришлар билан тавсифланади. Ўзгаришларнинг сабаблари аср бошларидаги инқилобий ҳаракатнинг ўсиши билан боғлиқ. Бу даврда давлатнинг ўзгаришига илмий-техникавий тараққиёт ютуқлари ҳам таъсир этган.

Ҳозирги Фарб жамиятидаги акциялаштириш жараёнида давлатнинг иштироки кучайиб бораётганлиги туфайли хусусий мулк ҳиссаси аста-секин қисқариб бормоқда, бу жамият иқтисодий негизининг ўзгараётганлигидан далолат беради.

Янги давр ўзига хос бўлган кўпгина давлат шакллари юзага келтирган. Шундай давлат шаклларида бири *конституциявий монархия*дир. Конституциявий монархияда ҳам монарх, ҳам парламент, яъни ҳокимиятнинг икки манбаи бор. Монарх ҳукумат таркибини ўзгартириш, фармонлар чиқариш, парламентни муддатидан илгари тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.

Монархиянинг яна бир тури *бонапартистик монархия*. У ҳукумат бошлиғи (император)нинг ганҳо ҳукмронлигини ҳаддан ташқари кучайтириб юбориш, парламентнинг ролини йўққа чиқариш, полиция назоратини кучайтириш ва ҳоказолар билан фарқ қилади. Одатда қонунга кўра юзаки равишда, аслида эса халқ иродасига қарши қўлга киритилган ҳокимият бонапартизм дейилади. Бу хоҳлаган шаклда юз бериши мумкин. Бонапартистик давлатнинг асосчиси Наполеон Бонапарт бўлиб, бу хил ҳукмронлик қилиш шаклини француз инқилобидан кейин кўп ўтмасдананоқ барпо этган. У ўзини умрининг охиригача консул, кейин император деб эълон қилган. Бундай ҳукмронлик шакли кейин яна бир марта XIX асрнинг ўрталарида, Луи Бонапарт даврида пайдо бўлган. Уша вақтда республика монархия билан алмаштирилган эди.

Монархиянинг *парламентар* ва *дуалистик* деб аталган турлари ҳам бор. Уларнинг бир-биридан фарқи монархия билан парламентнинг муносабатларига боғлиқ. Агар монарх бутун ижроия ҳокимиятини (унинг ўзи ҳам давлат бошлиғи, ҳам ҳукумат бошлиғи), министрлар, губернаторлар ва бошқа мансабдор шахсларни тайинлаш ҳуқуқини, вето ҳуқуқини ва чекланмаган парламентни тарқатиш ҳуқуқини ўз қўлига олган бўлса — бу *дуа-*

*листик монархия* бўлади. Бундай монархия ўтмишда Пруссияда, Кайзер Германиясида, Австрияда, Италияда, Руминияда, Японияда (иккинчи жаҳон уруши тамом бўлгунга қадар) мавжуд бўлган. Монархнинг қонун чиқарувчилик ҳокимияти чекланган, холос. Қонунлар парламент томонидан қабул қилиниб, монарх томонидан тасдиқланади.

*Парламентар монархияда* монарх томонидан белгиланган министрлар парламентнинг вотум ишончига ҳам эга бўлишлари керак, қирол парламентни конституциявий қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина тарқатиб юбориши мумкин (масалан, Англия, Бельгия, Норвегия, Швеция, Данияда). Монарх ҳокимияти қонун чиқариш соҳасида ҳам, давлатни бошқариш соҳасида ҳам чекланган. Парламентар монархия ҳам, дуалистик монархия ҳам ўз моҳиятига кўра конституциявий монархиялардир.

Янги даврдаги давлатнинг энг тарқалган шакли демократик республикадир.

*Демократик республика* парламентар ва президентлик республикаларига бўлинади.

*Парламентар республикада* парламентнинг роли катта. Парламент Президентни — давлат бошлиғини сайлайди. Ҳукумат парламентнинг кўпчилик аъзолари номидан тузилади ва парламент олдида жавоб беради. Агар парламент ҳукуматга ишончсизлик вотуми билдирса, ҳукумат истеъфога чиқади ёки давлат бошлиғи парламентни тарқатиб, янги сайловлар тайинлайди. 1946 — 1958 йилларда, янги Конституция қабул қилингунга қадар Франция Республикаси парламентар республика бўлган. Ҳозирги Италия ҳам худди шундай парламентар республикадир.

**Президентлик республикасида** Президент — давлат бошлиғи парламент йўли билан эмас, балки бевосита халқ томонидан ёки махсус тартиб йўли билан сайланади, ўз олдида масъул бўлган министрларни тайинлайди, ҳукумат парламентга ҳисоб бермайди. Президентлик республикасига яққол мисол — Америка Қўшма Штатларидир. Ўзбекистон Республикаси ҳам президентлик республикасидир.

Давлат тузилиши шаклига кўра янги давр давлатлари **унитар** ва **федератив** республикаларга бўлинади. Федерация қисмлари федерациядан чиқиш ҳуқуқига эга эмас. Масалан, АҚШда 50 та штат — ҳудудий бўлақлар мавжуд. Аргентина, Бразилия, Мексика, Канада, Австралия каби давлатлар ҳам федерация ҳисобланади. Швейцария, (шунингдек, 1776 йилдан 1787 йилга қадар АҚШ ҳам) конфедерация бўлган. Ўзбекистон ўз давлат тузилишига кўра унитар давлатдир.

**Сиёсий режим** нуқтаи назаридан олганда янги давр давлатлари **демократик**, **фашистик** ва **авторитар** давлатларга бўлинади.

Демократик режим демократия институтлари, яъни Конституция, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига йўл қўяди. Сиёсий режим нуқтаи назаридан республикагина эмас, монархия ҳам демократик давлат деб ҳисобланиши мумкин.

Фашистик режимлар Италия, Испания, Германия, Португалия, Жанубий Африка Республикасида ўрнатилган эди. Фашистик режим иккинчи жаҳон уруши натижасида ўзини батамом бағном қилди ва тарих саҳифасидан кетди. Фашизм шароитида демократик муассасалар (парламент, сиёсий партиялар) номигагина сақланиб қолиниши мумкин, лекин улар реал кучга эга бўлмайди. Бутун ҳокимият бир ҳовуч реакци-

он кучлар қўлида бўлади. Фашист ҳукмдорларининг асосий методи террор, зўравонлик, таъқиб қилишлар, ўзига ёқмаганларни аёвсизлик билан йўқ қилишдан иборат бўлади.

Авторитар сиёсий режимда якка ҳокимият режими ўрнатилади. У социал ва сиёсий демагогия билан ажралиб туради. Бундай авторитар давлатга Наполеон Бонапарт давлати мисол бўла олади. Президентларнинг танҳо ҳокимиятини кучайтиришга мойиллик ҳозирги замон давлатларида ҳам сезилмоқда.

Турли хил сиёсий режимлар ичида прогрессив хусусиятга эга бўлгани — демократик республикадир. Унда ҳуқуқ ва қонунчилик алоҳида аҳамият касб этади, ҳуқуқий давлатни шакллантириш томон муайян қадамлар ташланади. Давлатнинг вазифалари сезиларли даражада ўзгаради. У режалаштириш, давлат буюртмаларини жойлаштириш, кредитлаш йўли билан иқтисодга фаол аралашади. Иқтисодиётнинг баъзи тармоқларини миллийлаштириш амалга ошади. Давлат хусусий тадбиркор учун фойдали бўлмаган, лекин аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган товарлар ишлаб чиқариш ва бошқа хизматларни ўз зиммасига олади.

Ҳозирги замон Ғарб давлати мумтоз буржуа давлатидан тубдан фарқ қилади ва уни тушуниш учун фақат синфий ёндашувнинг ўзигина кифоя эмас. Шу боис, давлат таҳлилига цивилизациявий ёндашувни ҳам ишлатиш лозим. Ушбу ёндашувлар давлатнинг фақат синфий эмас, айти пайтда ҳозирги кунда ҳам анча катта аҳамият касб этадиган ижтимоий моҳиятини ҳам инобатга олишни тақозо этади.

#### 4-§. Социалистик давлат

Социалистик давлат тўғрисидаги ғоялар синфий назария тарафдорлари тадқиқотларида пайдо бўлган. Улар ўз асарларида социалистик давлатни бошқа типдаги давлатларга қарши қўйиб, асосий тафовут ҳокимиятнинг эксплуатация қилувчи озчилик қўлида бўлиши ва ундан эксплуатация қилинувчи кўпчилик қаршилигини бостириш учун фойдаланишда деб уқтирганлар. Уларнинг фикрича, социалистик давлат «социалистик инқилоб» натижасида пайдо бўлади, яъни сиёсий ҳокимият зўравонлик орқали эгаллаб олинади. Бу жараён эски давлат машинасини синдириш ва пролетар диктатурасини ўрнатиш зарурлиги билан боғланади. Айти пайтда социалистик инқилоб ғалабасидан сўнг ҳокимият ишчилар синфи қўлида бўлиши режалаштирилади. Ишчилар синфи эса бутун халқ манфаатлари йўлида эксплуататор синфлар қаршилигини бостиради ва бутун халқни янги ҳаёт қуриш учун ўзига эргаштиришга интилади.

Давлат тўғрисида синфий назариянинг қуруқ хомхаёл эканлигини собиқ Совет Иттифоқидек социалистик давлатнинг 70 йилгина яшаганлиги яққол фош қилди.

Октябрь тўнтаришидан сўнг Россияда барча ишлаб чиқариш воситалари ва ер майдонларини миллийлаштириш мамлакатнинг ҳақиқий хўжайинлардан ажратишига олиб келди, иш ҳақи тақсимотидаги тенглик меҳнат унумдорлигига салбий таъсир этди; меҳнат қилиш мажбурий мақомга айланди; ҳокимият сўздагина халқ қўлида бўлиб, амалда эса у илгаридан келишиб олган бир гуруҳ партократлар қўлида эди, улар эса ҳоки-

миятни аёвсиз террор — «пролетар диктатураси» ёрдамида сақлай олардилар.

Маълумки, ҳокимиятни эгаллаш, уни қўлда сақлаб туришга нисбатан қийинроқ. Собиқ Иттифоқдаги давлат ҳокимиятининг тарихи — жиноятларнинг қонли занжиридан иборат. 30 — 50-йилларда асосий ишлаб чиқариш воситалари тўла давлатлаштирилган эди, давлат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига аралашар, ижтимоий манфаат шахсий манфаатдан устун турар эди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари назар-писанд қилинмасди. Оқибатда ягона давлат мулкига асосланган жамият ва давлат пайдо бўлди. Ишлаб чиқариш воситаларининг ҳақиқий эгаси партия, давлат маҳкамаси, аниқроғи, унинг чексиз ҳокимиятга эга бўлган юқори қисми эди. Худди шундай ёки шунга ўхшаш жараёнлар «социализм» курган бошқа мамлакатларда ҳам содир бўлди. Шундай қилиб, социалистик давлат ғояси амалда ўзини оқламади.

## 5-§. Ривожланаётган давлатлар

Турли тарихий даврлардаги давлатлар тараққиёти прогрессив жараён бўлиб, қуйидан юқorigа, оддийдан мураккабга қараб боради. Бироқ, муайян тарихий даврдаги айрим давлатларни қандайдир бошқа эски давлат билан эмас, балки яхлит олинган давлат билан таққослаш лозим.

Ҳар бир янги давлат сиёсий тизимда, давлат аппаратида эришилган тажрибаларидан фойдаланади, уни янги шароитга, янги даврга мослаштиради, такомиллаштиради. Бу ҳол бир давлат органини бошқаси билан алмаштиришни ман этмайди.

Ўзгараётган муайян ўтиш даврининг давлат ташкилотлари пайдо бўлиши мумкин. Улар фақат эски давлатнинг эмас, айти вақтда янги давлатнинг ҳамма хусусиятларини ҳам эгалламаган бўлади. Осиё ва Африкада мавжуд бўлган миллий демократия давлатлари бундай давлатларга мисол бўла олади.

Жамият ва давлат тараққиёти тўппа-тўғри йўлдан эмас, балки нотекис, айланма (спирал-симон) йўл билан боради. Шунинг учун давлат алмашинишнинг мураккаб жараёнини умумлаштираётганда вазиятни, шу жараён мазмунини, ривожланиш истиқболини, мамлакатдаги табақаланиш аҳволини эътиборга олмоқ зарур.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг миллий-озодлик инқилоблари туфайли Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва бошқа кўпчилик мамлакатларда 150 га яқин ёш мустақил давлатлар пайдо бўлди.

Мустамлакачилик қарамлигидан халос бўлган мамлакатларнинг баъзилари мустақил миллий давлатчилик йўлида бир қанча босқичларни ўтдилар. Жумладан, бу босқичда аввал ўзини-ўзи бошқарадиган мустамлака мақоми олинади. Бундай мақом олинганда метрополия билан алоқалар бутунлай узилмайди, метрополия жамоат тартибини сақлаш, мудофаа ва ташқи алоқалар функциясини бажаради. Кейин шу босқич орқали давлат суверенитетига эришилади.

Баъзи мамлакатларда мустақилликка кўп йиллик қуролли кураш натижасида (чунончи, Кения, Малайзия) ёки мустамлакачиларнинг қўшинларига қарши уруш натижасида (масалан, Жазоир, Яман) эришилади. Баъзи мамлакатларда курашнинг тинч шакли қуролли кураш формаси билан қўшилиб кетди (масалан, Ҳиндис-



тон, Гана), баъзиларида эса курашнинг тинч шаклидан фойдаланилади. Ҳиндистонда Маҳатма Ганди курашнинг тинч йўли тарафдори бўлиб чиққан. У мустамлакачиларга қарши тинч йўл билан норозилик билдиришга даъват этган.

Мамлакатлар мустақилликка ҳар хил йўллар билан эришганликлари туфайли, уларнинг Конституциялари шу давлатларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Мустақилликка тинч йўл билан эришилган, мамлакатда метрополиянинг таъсири катта бўлади. Мустақилликка шиддатли кураш натижасида эришилган ҳолларда, кураш давлатнинг қарор топган шакллариغا қарши ҳам қаратилади. Суверен давлатларнинг конституциялари ё метрополиялар намунасидан нусха олган ёки метрополиялар томонидан тузилган ёинки мустақиллик учун кураш давомида мустақил пайдо бўлган.

Ривожланаётган давлатлар республика ва монархия шаклларига эга. Республикалар парламентар ва президентлик республикалари шаклларида бўлиши мумкин. Президентлик ва парламентар республикалар хусусиятларини ўзида бирлаштирган республикалар ҳам бор. Давлат тузилиш шаклига кўра унитар ва федератив давлатлар мавжуд.

Сиёсий режим нуқтаи назаридан қараганда шахсий ҳокимият режими (авторитар режим), ҳарбий диктатура ўрнатилган мамлакатлар ҳам бор. Ривожланаётган мамлакатларда президентлик — вакиллик республикаси кўпроқ учрайди. Президент етакчи роль ўйнайди ва айни вақтда парламентларнинг роли ҳам катта. Сиёсий режим миллий демократик хусусиятга эга.

## **10-боб. ДАВЛАТ ШАКЛЛАРИ: ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ШАКЛИ**

- 1-§. «Давлат шакллари» тушунчаси.
- 2-§. Давлат бошқарув шакли тушунчаси.
- 3-§. Монархия — давлат бошқарувининг шакли.
- 4-§. Монархиянинг турлари.
- 5-§. Республика — давлат бошқарувининг шакли.
- 6-§. Республикаларнинг турлари.
- 7-§. Давлат бошқаруви шакли: асосий хулосалар.

### **1-§. «Давлат шакллари» тушунчаси**

«Давлат шакллари» тушунчаси давлат ва ҳуқуқ назариясининг энг муҳим масалаларидан биридир. «Давлат шакллари» тушунчаси «давлат моҳияти» тушунчаси билан бевосита боғлиқ. Давлат шакли мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлган давлат моҳиятини билишда муҳим аҳамиятга эга.

Давлат шакли унинг мазмун-моҳияти билан ажралмас. Ҳар қандай давлат шакли ўзининг мазмуни билан «жуфт» фалсафий категориялардек боғланиб кетган. Мазмун давлат ҳокимиятининг, субъектининг тааллуқлилигини белгилаш имконини беради ва уни ким амалга оширади, деган саволга жавоб қилади. Шаклни тушуниш эса давлат ҳокимияти қандай уюштирилганлиги, қайси идоралар орқали намоён бўлиши, ушбу идораларнинг ташкил этилиш тартиби қандай бўлиши, улардаги ваколатларнинг муҳлати, давлат ҳокимиятини амалга ошириш усулларини тушунишга ёрдам беради.

Давлат жамиятнинг махсус таркибий ҳудудий ташкилоти сифатида қандай муайян шаклларда намоён бўлади? Давлат ҳар хил шаклларга эга бўлиши мумкин. Ҳуқуқий адабиётларда давлат

шакли тушунчасига турлича таъриф берилади. Чунончи, баъзилар, давлат шакли тушунчасига давлат тузуми деган тушунчани билдирадиган бошқарув шакли, давлат тузилиши шакли ва сиёсий режим киради, деб ҳисоблайдилар.

Баъзи ҳуқуқшунослар давлат шакли деганда давлат бошқаруви ва давлат тузилиши шаклида ўз ифодасини топадиган давлат органлари структураси ва ташкилотини тушунади. Бунда давлат шакли тушунчасига сиёсий режимни қўшмайдилар.

Демак, давлат шакли тушунчасига турлича ёндашилади. Айрим ҳуқуқшунос-олимлар давлат шаклини тор маънода талқин этадилар. Уларнинг фикрича, мазкур тушунча фақат бошқарув шаклидир. Бошқалар эса унга кенг маъно, яъни бошқарув ва давлат тузилиши шакллари киритадилар.

Баъзи муаллифлар давлатнинг ички ва ташқи шакллари ажратадилар. Давлатнинг ички шакли деганда демократияни, ташқи шакли деганда эса сиёсий ҳокимиятнинг муайян уюштирилиши тушунилади. Д. А. Керимовнинг фикрича, демократия сиёсий идора усулининг тури бўлганлиги боис уни давлатнинг ички шакли деб тушуниш мумкин, бошқарув шакллари ва давлат тузилиши эса давлатнинг ташқи шаклини ташкил этади.

Бошқа гуруҳ давлатшунос-олимлар давлатни функционал динамик ва статик уюшган тизим сифатида таҳлил этишни таклиф қиладилар. Давлатнинг шакли динамик маънода — сиёсий (давлат) идора усули, статик маънода эса — бошқариш шакли ва давлат тузилиши тарзида талқин қилинади.

Яна бир гуруҳ ҳуқуқшунослар давлат шаклига қуйидагича таъриф берадилар: давлат шакли — давлат органларининг пайдо бўлиш тартиби, уларнинг структураси, хусусан, давлатнинг олий органлари структураси, улар ўртасидаги ўзаро муносабат, хусусан давлатнинг марказий органлари билан таркибий қисми органлари ва маҳаллий органлари ўртасидаги ўзаро муносабат, шунингдек, уларнинг жамиятга раҳбарлик қилиш шакли.

Бу таъриф узун бўлса ҳам, унда давлат шакли тушунчасининг мазмунини очиб беришга ҳаракат қилинган. Қисқача сўз билан айтганда, давлат шакли — давлат ҳокимиятининг тузилиш шаклидир.

Давлат шаклига, шунингдек, мамлакатнинг тараққиёт даражаси, унинг маданияти мамлакатда таркиб топган тарихий анъаналар, урф-одатлар ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, Англияда давлат шакллари ўрта асрларда таркиб топган бўлиб, улар ҳозирги кунга қадар ҳурмат қилинмоқда.

Табиийки, гап давлат ҳокимиятининг тузилиш шакллари ҳақида борар экан, бунда ҳам бошқарув шакли, ҳам давлат тузилиши шакли, ҳам сиёсий режим тушунилади. Сиёсий режимни давлат шаклининг асосий, ички томони дейиш мумкин.

Давлатнинг сиёсий режими билан унинг шакли бошқа-бошқа нарса. Юридик адабиётларда сиёсий режим деганда асосан ҳокимиятнинг амалга ошириш усуллари ва методларининг йигиндиси тушунилади. Масалан, демократик режим, фашистик режим ва ҳоказо.

Баён этилган мулоҳазалар ҳуқуқий адабиётларда давлат шакли ҳақида ягона тушунчанинг иш-

лаб чиқилмаганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, давлат шакли тушунчасининг анъанавий ҳисобланган таърифи мавжуд бўлиб, у аксарият муаллифлар томонидан қабул қилинган.

Бу таъриф қуйидагича: «Давлат шакли» деганда давлатдаги сиёсий ҳокимиятни уюштиришнинг уч асосий элементлари тушунилади. Булар:

*биринчидан*, бошқариш шакли; *иккинчидан*, давлат тузилиши; *учинчидан*, сиёсий режим (давлат) идора усули яхлитлигидир.

Шундай қилиб, давлат шакли мазмуни уч элементдан (бошқарув шакли, давлат тузилиши шакли, сиёсий режим: яъни давлат идора усули) ташкил топади.

*Бошқарув шакли* — давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларининг ташкил этилиши ва уюштирилишининг муайян тартибидир.

*Давлатнинг тузилиши шакли* — давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши, марказий, минтақавий ва маҳаллий ҳокимиятлар ўзаро муносабатларининг муайян тартибидир.

*Сиёсий режим* (давлат идора усули) — сиёсий (давлат) ҳокимиятини амалга оширишнинг усул ва методларидир.

Давлат шаклини бундай тушуниш бирдан пайдо бўлмаган. Узоқ вақт мобайнида давлат шакли икки элемент, яъни бошқариш шакли ва давлат тузилиши шаклидан иборат деб тушунилган. Кейинчалик давлат шакли тушунчасига сиёсий режим ҳам қўшилди. Баъзи ҳуқуқшунос-олимлар «давлат шакли» ва «сиёсий режим» тушунчаларини бир нарса деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги кунда давлат ҳокимиятининг уюштирилиши уч элемент — бошқарув, давлат тузилиши ва сиёсий

режимнинг муштараклигидан иборат деган нуқтаи назар кенг тарқалган.

## **2-§. «Давлат бошқарув» шакли тушунчаси**

Давлатни тушунишда бошқарув шакли алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, бошқарув шакли давлат йўли билан уюшган жамиятда давлат ҳокимиятини ким амалга оширишини белгилайди.

Давлат бошқарув шакли инсониятни қадимдан қизиқтириб келган муаммо. Афлотундан сўнг Арасту ҳам қадимги дунёдаги давлат ҳокимиятини уюштириш ва амалга оширишнинг турли шаклларини ўрганиб, давлатнинг таснифини ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Бунда у давлатни ким бошқаради ва қандай бошқарилишига, яъни бошқариш шаклларига эътиборни қаратган. Форобий, Гоббс, Монтескьё, Локк, Руссо, Аҳмад Дониш кабиларнинг асарларида давлат бошқарув шакли тўғрисидаги билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш, уларнинг вужудга келиши ва ривожланиши масалалари кўтарилган.

**Бошқарув шакли — муайян давлатда ҳокимиятни уюштириш усуллари**нинг мажмуидир.

Ушбу таърифни янада аниқлаштирак, у олий давлат ҳокимиятини ташкил этиш, айти пайтда давлатнинг олий ва марказий идоралари, мазкур идоралар таркиби, ваколатлари, пайдо бўлиш тартиби, шунингдек, уларда халқнинг иштирок этиш даражаси, мазкур идоралар ваколатларининг муддатини назарда тутати.

Инсониятга давлат бошқарувининг азалдан маълум бўлган **монархия ва республика бошқаруви шакллари** мавжуд.

Қадимги юнон файласуфи Арастунинг фикрича, олий ҳокимият якка шахс томонидан амалга оширилганда *монархия*, чекланган шахслар гуруҳи томонидан амалга оширилганда *республика*, барча халқ томонидан амалга ошганда эса *демократия* бўлади.

Ушбу таъриф ҳозирги кунгача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Чунки давлат бошқарув шакллари: монархия — олий ҳокимиятнинг бир киши томонидан ёки республика — олий ҳокимият сайланадиган вакиллик идорасига тааллуқлигига кўра бўлиниши сақланиб қолган.

### 3-§. Монархия — давлат бошқарувининг шакли

«**Монархия**» атамаси юнончадан олинган бўлиб («монос» — бир «архе» — ҳокимият), «яккаҳокимиятчилик», «яккаҳукмронлик» деган маънони англатади. Давлат шакли сифатида монархия бир қатор белгиларга эга.

Улар қуйидагилардан иборат:

- 1) монарх давлатни шахсийлаштиради;
- 2) монарх ташқи ва ички сиёсатда давлат бошлигидир;
- 3) монарх халқ вакили, миллат отаси, яъни фуқароларнинг бошларини қовуштириб, давлатга бирлаштирадиган шахс сифатида фаолият юритади. Франция қиролларидан бири Людовик XIV нинг «Давлат — бу Мен» дегани бежиз эмас. Лекин бу ҳол ҳақиқий юридик аҳволни эмас, балки давлат ҳокимиятини ўта шахсийлаштиришни ифода этади.

Монарх давлатни яккаҳокимлик билан бошқаради. Албатта, бу унинг давлатдаги барча ишларни бир ўзи уддалай олади дегани эмас. Давлат ишларини бошқариш билан давлатнинг турли

идораларида хизмат қилаётган кўп сонли давлат хизматчилари, яъни вазирлар, маслаҳатчилар, мансабдор шахслар шуғулланадилар. Монарх муҳим, принципиал давлат ишлари билан, қарорлар қабул қилиш билан машғул бўлади. У давлат ҳокимиятининг тўла эгасидир. Монарх ҳокимияти олий мақомга эга бўлиб, мустақил. У давлатда олий ҳокимият тимсолидир. Одатда монарх ҳокимияти муқаддас саналиб, диний рутбага эга бўлади.

Монарх турли-туман халқаро, сиёсий ва миллий кучлар таъсирида бўлмай қолмайди. Аммо, шундай ҳам бўладики, монархнинг қарорлари гасодифий ва субъектив омилларга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Бу тушунарли. Зеро, монарх ҳам одам ва унга ҳам одамларга хос хусусиятлар бегона эмас.

Монарх ҳокимияти, одатда мерос бўлиб, бир монархдан иккинчисига ўтади. Халқ ҳокимиятининг бир шахсдан иккинчисига ўтишига ҳеч қандай муносабат билдирмайди. Монарх муддатсиз ва умрбод давлат ҳокимиятига эга бўлади. Бу, табиийки, монархнинг фақат табиий ўлимигина унинг ҳукмронлигига чек қўйиши мумкинлигини билдирмайди. Тарихдан монархларнинг тахтдан туширилганлиги, ўлдирилганлиги, бошқалар билан алмаштирилганлигига оид кўплаб мисоллар топиш мумкин.

Монарх масъулиятдан фориғдир, яъни у ўз бошқаруви натижалари учун муайян юридик ва сиёсий жавобгарликка тортилмайди. Баъзан, тарихда халқнинг монархни жавобгарликка торганлиги тўғрисидаги мисоллар ҳам учрайди.

Монархиянинг гуллаб яшнаган пайти — янги давр арафаси бўлиб, бу пайтда бошқарувнинг республика шаклидан фарқи аниқ намоён бўла-



ди. **Монархиянинг мутлақ (чекланмаган) ва чекланган турлари бор.**

#### **4-§. Монархиянинг турлари**

Мутлақ (чекланмаган) монархиянинг асосий хусусияти — монархнинг мутлақ ҳокимиятини чеклайдиган бирор давлат идорасининг йўқлигидир.

Мутлақ монархиянинг қуйидаги белгиларини кўрсатиш мумкин:

*биринчи*, ҳокимиятдан муддатсиз, яъни умрбод фойдаланиш;

*иккинчи*, тахтни мерос ёки қариндошлик бўйича эгаллаш;

*учинчи*, ташқи муносабатлардаги вакилликни ваколат (мандат) билан эмас, балки ўз ҳаққи-ҳуқуқига кўра амалга ошириш;

*тўртинчи*, давлат бошлиғи жавобгарлигининг йўқлиги (фақат худо олдида масъулиятнинг мавжудлиги).

Бундай шароитларда табақа — вакиллик муассасалари зарур бўлмаганлиги боис тугатилади ёки улар тўла таназзулга юз тутади.

Чекланган монархиянинг асосий хусусияти — монархнинг ҳокимияти муайян равишда чекланганлигидадир. Чекланган монархия турли тарихий даврларда турлича мақомга эга бўлган. Қизиги шундаки, Арасту монархияларнинг руҳий заминидан келиб чиқиб, уни «тўғри» ва «нотўғри» монархия бошқарув шакли (тирания ва деспотия) га бўлади. Унинг фикрича, башарти монарх барчанинг манфаатларига хизмат қилиш ўрнига ўзининг гаразли, шахсий манфаатларини кўзлаб иш тутса, у бошқаришда ўзбошимчаликка йўл қўяди.

*Чекланган монархиянинг табақа вакиллик ва конституциявий монархия турлари мавжуд. Конституциявий монархия эса ўз навбатида дуалистик ва парламентар монархия турларига бўлинади.*

**Конституциявий монархия** буржуа жамиятининг шаклланиши даврида пайдо бўлиб, у монарх ҳокимияти вакиллик идораси билан чекланган бошқарув шаклига тўғри келади. Бу ҳолат одатда парламент тасдиқлайдиган Конституция билан мустаҳкамланади. Монархнинг Конституцияни ўзгартиришга ҳаққи йўқ. Шу билан дуалистик монархиянинг иккиёқлама жиҳати тушунарли бўлади. Амалдаги ва юридик ҳокимият монарх тузадиган ҳукумат ва қонун чиқарувчи идора ҳисобланган парламент ўртасида бўлинади. Мамлакатни бошқаришни монарх амалга оширади, унинг олдида вазирлар ҳисоб берадилар. Ҳукуматни тузиш парламентнинг партиявий таркибига боғлиқ эмас.

Бунга ўтмишдаги Пруссия, Австрия, Италия, Руминия каби давлатлар мисол бўлади. Бугунги кунда бошқарувнинг бундай шакли деярли учрамайди.

**Парламентар монархияда** (ҳозирги Англия, Белгия, Норвегия, Швеция мамлакатлари) қирол (қиролича) шоҳлик қилади, лекин у ҳокимиятни бошқармайди. Ҳукумат парламент томонидан сайловларда кўп овоз олган муайян партиялар вакилларидан тузилади. Энг кўп миқдорда депутатлик мандатига эга партия бошлиғи ҳукумат бошлиғи бўлади. Қонунларни парламент қабул қилади ва улар монарх томонидан расман имзоланади. Шундай қилиб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд соҳаларида монарх ҳокимияти рамзий тусга эга. Бироқ, бу монарх соф рамзий шахс ҳисобланган эмас.

Совет даврида монархия ўз умрини ўтаб бўлган деб талқин этиларди. Бошқача қилиб айтганда, мазкур бошқарув шаклининг бир неча юз йиллар давомида баъзи мамлакатлар учун жозибали эканлиги ҳақида лом-мим дейилмасди. Чунончи, 1975 йилнинг ноябрида Испания халқи референдумда (плесбисцитда) монархия ўрнатишни маъқуллаб овоз берди.

СССР парчаланиб кетгандан сўнг айрим республикаларда, хусусан, Россия ва Украинада монархияни тиклаш имкониятлари тўғрисида мунозаралар бўлди. Буни тушуниш қийин эмас. Оғир кунларда, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги бошбошдоқлик шароитларида аксарият кишилар монарх ҳокимиятига — «халқлар отаси», «миллат бирлигининг рамзи»га ва ҳоказоларга умид боғлайдилар. Бироқ айти пайтда монархия, рус файласуфи И. А. Ильиннинг фикрича, бошқаришнинг «органик» шакли бўлиб, у диний асосларга таянади ва шу боис махсус ижтимоий-руҳий муҳитни тақозо этади, уни декрет билан киритиш, боз устига тасодифий шахсни монарх деб эълон қилиш мумкин эмас.

## 5-§. Республика — давлат бошқарувининг шакли

Бошқарувнинг **республика** (лотинча *respublika* — жамоат иши) шаклида давлат ҳокимиятини аҳоли муайян муддатга сайлаб қўядиган идоралар амалга оширади. Республика ҳам монархиядек, муайян тарихга эга. Тарихан республика бошқарув шаклининг бир неча турлари маълум.

Афина давлатида (эрамизгача V—IV асрлар) **демократик республика** мавжуд бўлган. Унда афиналик эркин фуқароларнинг қулга айланишига

йўл қўйилмасди. Бу республикада ижтимоий рақобат, қулга эгалик қилишнинг махсус тавсифи, жамоа қулчилиги мавжуд эди, шунингдек, давлат бошқарувининг самарали тизими фаолият кўрсатарди.

Спарта (эрамизгача V—IV асрлар) ва Рим давлатлари (эрамизгача V—II асрлар) **аристократик республикалар** бўлган. Улар давлат сифатида аксарият аҳолининг аристократик қисми манфаатларини ифодалаган.

Ўзбекистон — суверен демократик республика.

## 6-§. Республиканинг турлари

Янги даврда парламентар республика ва президентлик республикаси турлари пайдо бўлди.

**Парламентар республиканинг**, ўзига хос хусусияти ҳокимият погоналарида келишмовчиликларнинг мавжуд бўлмаслигидир. Зеро, ижроия ҳокимияти бошлиғи (Бош вазир) ва унинг маҳкамаси парламент, аниқроғи, парламентдаги кўпчилик томонидан тайинланади ва назорат қилинади. Ҳукумат ўз вазифаларини қонун чиқарувчиларнинг аксарияти қўллаб-қувватласагина бажариши мумкин, бундай ишончдан маҳрум бўлганда, у истеъфога чиқади. Одатда парламентар республикаларда Президент унчалик катта мавқега эга бўлмайди. Ижроия ҳокимияти гўё қонун чиқарувчи ҳокимият ишини давом эттиради, шу билан ҳокимият тармоқлари орасида вужудга келиши мумкин бўлган келишмовчилик тугатилади.

Бироқ парламентар республика ҳам камчиликлардан холи эмас. Бундай нуқсонлардан бири — партиявий тизим ўта бўлинганлигидир. Ушбу ҳолатда парламент коалицияларнинг ҳам бўли-

нишига, бу эса ўз навбатида ҳукуматнинг барқарорлигига олиб келади. Муайян ҳолатларда ҳатто экстремистик партиялар ҳам (озчилик бўлса-да) кўпчилиكنи ташкил этган парламент бирлашмасининг бир қисмига айланиши, бу эса мамлакат учун ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлар ўртасидаги қарама-қаршиликлардан кам бўлмаган жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, парламентар республикада шафқатсиз бошқарув шакли (тирания) пайдо бўлиш имконияти истисно этилмайди. Яъни буни парламент барпо этиши мумкин. Бошқарувнинг парламентар шакли самарадорлиги ва барқарорлиги парламентда ўрин учун курашувчи сиёсий партияларга боғлиқ.

Давлат бошқарувининг **президентлик республикасида** сайланган давлат бошлиғи айна пайтда ҳукумат бошлиғи бўлади. У парламент розилиги билан ҳукуматни тузади ва уни тарқатиб юбориш ҳуқуқига ҳам эга.

Бошқарувнинг президентлик шакли умумхалқ йўли билан сайланган Президентнинг умуммиллий манфаатларининг ифодачиси, миллатнинг рамзи сифатида намоён бўлишидир. Мазкур шаклда бир шахс фавқулодда ҳолатларда масъулият ва раҳбарликни ўз зиммасига олиши мумкин. Ўзбекистон — Президентлик республикаси.

Бошқарувнинг президентлик шакли одатда парламент бошқарувидан кўра юқори даражадаги сиёсий барқарорликни таъминлайди, чунки ҳукумат (Президент) Конституцияда белгилаб қўйилган қатъий муайян муддатга сайланади.

Бошқарувнинг президентлик шаклида ҳам муайян заиф жиҳатлар мавжуд. Бошқарувнинг пар-

ламентар шаклидан фарқли, ҳокимиятнинг ижро этувчи ва қонун чиқарувчи тармоқлари орасида виддият ёки мухолифат бўлиши, шунингдек, конституциявий танглик вазияти бўлиши, бундай ҳолат, масалан, Президент ва парламент аъзоларининг кўпчилиги ҳар хил партиялар ва сиёсий оқимларга мансуб бўлганда юз бериши мумкин.

**Социалистик республика** бошқарувнинг махсус шакли бўлиб, у социалистик инқилоб натижасида бир қатор мамлакатларда вужудга келди ва марксизм-ленинизм назариётчиларининг фикрича, ишчилар синфи бошчилигида халқнинг тўлатўкис ҳукмронлигини таъминлайдиган чинакам демократик республика бўлиши лозим эди.

Социалистик республиканинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, ҳокимиятнинг олий ва маҳаллий идоралари демократик централизм принципи асосида вакиллик тизимига қоришиб кетади;

*иккинчидан*, давлат ҳокимияти асосини ташкил этадиган вакиллик идоралари етакчи мавқега эга бўлади;

*учинчидан*, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий жараёнларига яққа раҳбарлик қилинади. Бу моддий ва маънавий тақсимланишни назорат қилиш ва мутаносиблаштириш имконини беради;

*тўртинчидан*, жамият ва давлат ҳаётида ишчилар синфи ва унинг партияси раҳбарлик қилади;

*бешинчидан*, ҳокимиятларнинг ваколатлари бўлиниши зарурлиги инкор этилади.

Социалистик республика шаклининг уч турини кўрсатиш мумкин. Булар Париж Коммунаси,

советлар ва халқ-демократик шакллари бўлиб, улар негизда пролетар диктатураси принципи ётади.

Баъзан бошқарувнинг аралаш шакллари, парламент-президентлик шакллари мавжуд бўлиб, улар келтирилган тасниф доирасига сигмайдилар. Улар парламент ва президент ҳокимиятларининг (масалан, Франциядагидек) ўзига хос уйғунлашуви кўринишида бўлади.

Ҳар қандай бошқарув шаклини бир томонлама баҳоламаслик лозим. Республика монархияга нисбатан идора қилишнинг илғор шаклидир дейиш ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Айни пайтда шундай вазиятлар ҳам бўладики, монархия у ёки бу жамиятни барқарорлаштириши мумкин. Ўз навбатида, бошқарувнинг республика шакли монархия шажараларининг ўрнатилиши учун дубоча бўлиши ҳам мумкин. Масалан, республика шаклидаги давлатларда тоталитар тизим мавжудлиги шароитларида бошқарувнинг монархия шакли аломатлари, давлат бошлигининг алмаштирилмаслиги рўй беради.

## 7-§. Давлат бошқаруви шакли: асосий хулосалар

*Бошқарув шакли монархия ёки республика шаклида бўлиши мумкин.*

**Монархия** бошқарувнинг шундай шаклики, унда давлат бошида якка шахс, яъни император, подшо, шоҳ, монарх туради. **Республика** эса давлат бошлиқлари ва олий органларнинг сайлаб қўйилишини ҳамда қонун чиқарувчи органларнинг коллегиял ишлашини назарда тутаяди. Монархия ҳам, республика ҳам қадимий давлатларда мавжуд бўлиб, чунончи, бошқарувнинг мо-

нархия шакли Рим давлатида, қадимги Шарқ мамлакатларида, Мисрда, Вавилонда бор эди.

Бошқарувнинг республика шакли қадимий Юнонистонга, Рим давлатига ҳам маълум бўлган.

Ўрта асрларда монархия энг кўп тарқалган бошқарув шакли бўлиб, кўпгина Европа мамлакатларида монарх ҳокимияти қирол, император қўлида. Россияда князь, подшо қўлида бўлган. Уша даврда республикалар ҳам бор эди (Венеция, Новгород ва Псков). Янги даврда бошқарувнинг республика шакли кўпроқ тарқалган. Ҳозирги замон давлатлари учун бошқарувнинг монархия шакли ҳам маълум (масалан, Англия-га).

Республика ва монархия ҳар хил бўлиши мумкин. Республика аристократик бўлса, унда ҳокимият органларига бўладиган сайловларда фақат бойлар, аслзодалар қатнашадилар. Республика демократик бўлиши мумкин. У ҳолда ҳокимият органларини сайлашда аҳолининг кенг қатламлари қатнашади.

Монархия бошланғич, табақа вакиллик, чекланмаган, конституция билан чекланган ва шунингари шаклларда бўлиши мумкин. Монархнинг теварак-атрофида кимлар турганлиги ва улар қандай мавқега эга эканлигига қараб монарх ҳокимияти чекланган ёки чекланмаган бўлади.

## **11-боб. ДАВЛАТ ШАКЛЛАРИ: ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ ШАКЛЛАРИ**

1-§. «Давлат тузилиши шакли» тўғрисида ва унинг турлари.

2-§. Давлат тузилишининг унитар шакли.

3-§. Давлат тузилишининг федератив шакли

4-§. Давлат тузилишининг конфедерация шакли.

5-§. Давлат тузилиши шакли: асосий хулосалар.



## 1-§. «Давлат тузилиши шакли» тушунчаси ва унинг турлари

Ҳар қандай давлат муайян чекланган ҳудудда жойлашади. Ҳудудини кўриқдан учун чегаралар ўрнагади. Шу ҳудудда унинг фуқаролари истиқомат қиладилар. Давлат ўз функцияларини бажариш учун турли-туман фаолиятни амалга оширади. Бироқ давлат ўз фаолиятини бир марказдан туриб амалга ошириши аҳоли кўп ва ҳудуд катта бўлганда жуда қийин.

Фуқаролар сонининг ортиб бориши ва ер майдонининг кенгайиши натижасида давлат ўз ҳудудини муайян ҳудудий қисмларга бўлади. Улар округлар, вилоятлар, ўлкалар, штатлар, кантонлар, губерналар, уездлар ва ҳоказолар деб номланиши мумкин. Шу ҳудудларда маҳаллий-ҳудудий ҳокимият идоралари ташкил этилади. Натижада давлат ҳокимияти ва бошқарувининг марказий ва маҳаллий идоралари ўртасида ваколатларни тақсимлаш эҳтиёжи туғилади. Бу давлат тузилиши зарурлигини келтириб чиқарадиган *биринчи сабабдир*.

*Иккинчи сабаб* у ёки бу давлат аҳолисининг кўп миллатлилигидир. Ҳар бир халқ, миллат ўз анъаналарига, давлатчилик тарихий тажрибасига, маданий, тил ва бошқа маънавий эҳтиёжларга эга. Шу каби омилларни ҳам давлат тузилишида назарда тутиш лозим бўлади.

*Учинчи сабаб* субъектив ва ҳатто, тасодифий омилларга боғлиқ. Бундай омиллар мустамлакачилик таъсири, сиёсий манфаатлар ва кўпгина бошқа ҳолатлардан иборат бўлиши мумкин.

Давлатнинг ҳудудий тузилиши ҳам бошқарув шаклига ўхшаш тарихан қадим замонларга бо-

риб тақалади. Қадимги яккаҳокимлик салтанатлари провинцияларга, шаҳарларга, сатрапларга, вабт этилган ҳудудларга бўлинган. Мазкур ҳудудий минтақалар унинг ҳокимият ва бошқарув идораларига эга бўлган. Албатта, давлат унинг оқидийгина ҳудудий минтақалари йиғиндиси эмас, лекин бундай таркибсиз давлат ўз вазифаларини амалда қилмайди.

*Давлат тузилиши шакли нима?* Давлатшунос олимлар томонидан мазкур тушунчага турли таърифлар берилган. Бу таърифлар бир-биридан мундариқатдан катта фарқ қилмайди.

Давлат тузилиши давлат шаклининг муҳим бир туридир. Давлат тузилиши шу давлат олдида турган вазифалар ва мақсадлар билан белгиланади. Давлат тузилишига уч нарса таъсир этади:

1) муайян даврда жамият ва давлат олдида турган иқтисодий вазифалар ва сиёсий мақсадлар;

2) давлатдаги миллатларнинг сони ва ўзаро муносабатлари;

3) давлат ҳудудининг катта ёки кичиклиги.

**Давлат тузилиши** — давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши, унинг бўлаклари, марказий органлари, бу органларнинг жойлардаги маҳаллий органлар билан ўзаро алоқаларининг хусусиятларидан иборат.

**Миллий давлат тузилиши** — давлатнинг тузилиши, унинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши, давлат билан унинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, давлат ва унинг таркибий қисмларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ваколатларидан иборат.

Давлат тузилиши ёки миллий-давлат тузилиши ҳозирги даврда қуйидаги саволларга жавоб бериши керак:

1. Давлатнинг олдида турган иқтисодий вазифалар нималардан иборат?

2. Бу давлат бир миллатли давлатми, бу давлатдаги миллатларнинг ҳуқуқий ҳолати қандай?

3. Бу давлатда яшаётган ҳар бир миллат ва элат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига ва улар ўзларининг миллий суверенитетига эгами?

4. давлат тузилиши бўйича маъмурий-ҳудудларга бўлинадими?

5. давлатнинг ягона қонун чиқарувчи органлари борми?

6. Давлатда ягона фуқаролик жорий қилинганми?

7. давлат иттифоқ давлатими, унинг таркибига кирувчи давлатларнинг ҳуқуқий мақоми қандай?

Давлат тузилиши *оддий (унитар)* ва *мураккаб (федератив, конфедератив)* бўлиши мумкин. Давлат тузилиши шакли бевосита ошкора ҳокимият билангина эмас, балки давлатнинг яна бир муҳим хусусияти бўлмиш аҳолининг ҳудудий уюшиши билан ҳам боғлиқдир.

Шундай қилиб, *давлат тузилиши шакли деганда, давлат ҳокимиятининг маъмурий-ҳудудий уюшуви, давлат ва уни ташкил этган ҳудудларнинг, айрим қисмларнинг, марказий ва маҳаллий идоралар орасидаги муносабатларнинг табиати тушунилади.*

## **2-§. Давлат тузилишининг унитар шакли**

Унитар (французча «unitaire» — «ягона» дегани) давлат — оддий ва яхлит давлатдир. Унитар давлатларнинг аксарияти муайян маъмурий-ҳудудий бўлиниш (туманлар, вилоятлар, кантонлар ва ҳоказолар) га эга. Бироқ ушбу ҳудудий қисмлар давлат мустақиллиги аломатларига эга эмас. Бундай давлатда олий давлат идоралари ва қонунчиликнинг ягона тизими мавжуд бўлади.

Барча унитар давлатларга хос бўлган марказлаштириш турли шакллар ва даражаларда намоён бўлиши мумкин. Баъзи мамлакатларда умуман маҳаллий идоралар мавжуд бўлмай, маъмурий-ҳудудий ўлкалар марказий ҳокимият тайинладиган вакиллар томонидан бошқарилади. Бошқа давлатларда эса маҳаллий идоралар тузилади. Бироқ улар марказий ҳокимият олдида (бевосита ёки биливосита) ҳисобот берадилар.

Марказий ҳокимият маҳаллий идоралар устидан назоратнинг қай турини амалга оширишига қараб унитар давлатлар *марказлашган* ва *марказлашмаган* турларга бўлинади.

Баъзи унитар давлатларда бир ёки бир неча маъмурий-ҳудудий қисмларга, ўлкаларга имтиёзли ҳуқуқий мақом берилади. Бундай унитар давлат маъмурий автономияга эга бўлади. Қайд этилган давлат тузилиши шакли ҳудудий ўлкаларнинг махсус манфаатларига эътибор бериш зарур бўлган ҳолатларда қўл келади. Мазкур автоном ўлкаларда ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи аҳолининг бошқа қисмига қараганда бирмунча кенг бўлади. Лекин уларнинг мустақиллиги марказий ҳокимият белгилаган доирадагина сақлаб қолинади.

Ҳозирги замонда аксарият кўпчилик давлатлар ўз тузилиши бўйича унитар давлатлардир. Масалан, Италия, Франция, Англия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон.

Унитар давлатлар ҳудудида бошқа мустақил давлатлар бўлмайди. Унитар давлатлар ичидаги маъмурий-ҳудудий бўлинмалар фақат маҳаллий масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга, марказий ягона давлат ҳокимиятининг кучи давлатнинг бутун ҳудудига ўз таъсирини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, **унитар давлат** — маъмурий-ҳудудий қисмлар (вилоятлар, туманлар, районлар, графиклар, губерналар ва шу кабилар) га бўлиниб, ягона тизимдаги ҳокимият ва бошқарув органларига, Конституцияга, фуқароликка, муайян ҳудудга, давлат чегарасига ва ўз қонунчилигига эга бўлган давлатдир.

### 3-§. Давлат тузилишининг федератив шакли

Кишилик жамиятининг ривожланиши, илмий-техник тараққиёт, янги иқтисодий муаммолар ва бошқа омилларнинг пайдо бўлиши натижасида яқинлашув (интеграция) жараёнлари бошланади. Булар эса мураккаб давлатлар ва уларнинг турлари бўлмиш федерациялар, конфедерациялар ҳамдўстликлар кабиларнинг барпо этилишига олиб келади.

**Федератив давлат** (лотинча «feodus» — «иттифоқ» дегани) — мураккаб давлат бўлиб, унинг субъектлари давлат мустақиллигига эга бўлади. Федерацияларнинг икки тури иттифоқ ва автономия (мухторият) мавжуд.

Иттифоқ федерациясининг ҳудуди ундаги субъектлар ҳудудлари мажмуидан иборат. Ҳар бир федерация субъектларининг фуқаролари айна пайтда бутун мамлакатнинг ҳам фуқаролари ҳисобланадилар. Бундай давлат ягона федерал қуроли кучлар, молия, солиқ ва пул тизимларига эга бўлади. Федерал идоралар ягона ташқи сиёсатни амалга оширадилар. Федерация субъектлари ҳам ўзларининг қўшинларига эга бўлиши мумкин.

Федерал давлатда давлат ҳокимиятининг умумфедерал (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд) идоралари мавжуд бўлиб, уларнинг қарорлари фе-

дерация субъектлари учун унинг ваколати доирасида мажбурийдир. Олий федерал идоралар қаторида федерация аъзоларининг, субъектларининг ҳам олий давлат идоралари мавжуд бўлади. Федерацияда давлат аппарати икки даражада бўлади: *биринчиси*, федерал (иттифоқ) давлат органлари: *иккинчиси*, штат, кантон, ўлка каби давлат органлари.

Давлатнинг федератив моҳияти олий даражада икки палаталик иттифоқ палатасини тузишда ифодаланади. Ушбу палаталарнинг бири (юқори палата) федерация субъектлари манфаатларини акс эттиради. Уни тузишда аҳоли сонидан қатъи назар тенг вакиллик принциpidан фойдаланилади. Иккинчи (қуйи) палата эса давлатнинг барча аҳолиси манфаатларини ифодалаш мақсадида тузилади.

Федерациянинг ўзига хос белгиларидан бири икки фуқаролик бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг бир вақтнинг ўзида ҳам федератив давлат фуқароси, ҳам федерация субъекти бўлган фуқароси эканлигини билдиради.

Федератив давлатда федерация субъектларининг ўз ҳуқуқий тизимларини тузишлари, ўз Конституцияларига эга бўлишларидан қатъи назар, ягона федератив ҳуқуқий тизим амал қилади. Бироқ федерация субъектларининг Конституция ва қонунлари федерал Конституция ва қонунларга нўла мувофиқ келиши, уларга зид бўлмаслиги лозим.

Федерация субъекти Конституцияда кўрсатилган ўз суд идоралари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига эга бўлиши керак. Олий суд федерация субъектлари судларининг қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқмайди ёки мах-

сус кўрсатилган ҳолатлардагина қараб чиқиши мумкин.

Федерацияда солиқларнинг икки поғонали тизимидан фойдаланилади. Булар — федерал солиқлар ва федерация субъектлари солиқларидир. Тўпланган солиқлар умум федерал хазинага тушади ва сўнгра улар (бюджет орқали) федерация субъектларига жўнатилади. Айни пайтда федерация субъектларининг даромадлари етишмаслиги, натижада улар субсидия ва дотацияларга эҳтиёж сезиш ҳолатлари учраб туради.

Федерация субъектлари ўртасидаги муносабатлар жуда мураккаб. Уларда хўжалик муносабатларининг кооперацияси мавжуд бўлиб, федерациянинг бир субъектидан иккинчисига молиявий маблағларнинг оқиб ўтиши юз бериб туради. Шу боис федерация субъектларининг бири ушбу иттифоқдан чиқишни ихтиёр этса, федерациянинг бошқа аъзоларига бу нарса маъқул бўлмайди, бунинг учун барча федерация субъектларининг қўллаб-қувватлаши зарур бўлади. Миллатларнинг ўз гақдирларини ўзлари белгилаш принципи давлатнинг яхлитлигига путур етказмаслиги лозим.

Ҳар қандай федерациянинг бош масаласи иттифоқ ва федерация субъектлари ўртасидаги ваколатларни белгилашдир. Бу давлат тузилмалари мавқеи ва улар орасидаги муносабатга дахлдор: Одатда бу федерация Конституцияси ёки федератив шартнома билан мустақкамлаб қўйилади.

Федератив ва федерация субъектлари ваколатлари масаласи уч принцип асосида ҳал қилинади:

*биринчиси*, федерациянинг фавқулодда ваколати принципи, яъни фақат федерациянинг ўзи қарорлар қабул қила олади, норматив хужжат-

лар чиқара олади. Бошқа масалалар федерация субъектлари ваколатларига киради;

*иккинчиси*, биргаликда ваколатга эгалик принципи, яъни федерация ва унинг субъектларининг умумий ваколатлари;

*учинчиси*, ваколатларнинг уч соҳаси принципи федерал, федерация субъектлари ваколатларини белгилаш, шунингдек, федерация субъектлари ва федерациянинг биргаликдаги ваколатига тааллуқли деб топилган ваколатларни белгилашни тақозо қилади.

Баъзи федератив давлатлар амалиётида (масалан, Россияда) ваколатларни тақсимлашнинг вакиллик усули пайдо бўлди. Бу федерация субъектининг марказга қатъий тобелиги тўғрисидаги масалани бартараф этади ва ваколатларни тақсимлашнинг ихтиёрийлик принциpidан гувоҳлик беради. Бу ҳолат «уюшган аъзо» тушунчасини келтириб чиқаради, яъни анъанавий федерация субъектлари кўпроқ мустақилликка эга, ваколатларни ихтиёрий вакилликдан фойдаланиб амалга оширадилар, марказий тақсимотдан холи бўладилар.

Федерациянинг мураккаб масалаларидан бири миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш, яъни миллатларнинг федерация таркибидан чиқиши масаласидир. Турли федерациялар Конституцияларини таҳлил этиш ушбу Конституцияларнинг бирортасида ҳам мазкур принцип мустаҳкамланмаганлигини кўрсатди. Бундан фақат собиқ СССР Конституцияси мустасно. Унда мазкур принцип фақат эълон этилган эди, холос. Ушбу муаммони ҳал қилиш механизми тўғрисида унда ҳеч нима дейилмаган эди.

Ҳозирги кунда АҚШ, Россия, Бразилия, Ҳиндистон федератив давлатлардир. Одатда, фе-



дерация шартнома асосида (1922 йилда собиқ СССР тузилган эди) ёки Конституция қабул қилиш йўли билан (1787 йилда АҚШ тузилган эди) пайдо бўлади.

#### **4-§. Давлат тузилишининг конфедерация шакли**

**Конфедерация** давлатларнинг муайян иттифоқи бўлиб, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий мақсадлар учун шартнома ёки битим асосида тузилади. Конфедерация одатда муваққат бўлади. Кейинчалик конфедерациялар ё федерацияларга бирлашадилар (АҚШ, Швейцария) ёки тарқаб кетадилар (Австро-Венгрия).

Конфедерацияни ташкил этган мустақил давлатлар халқаро ҳуқуқ субъектлари бўлиб қоладилар, шунингдек, ўз фуқароликлари, ҳокимият идоралари, бошқарув, одил судлов тизимларига эга бўладилар.

Конфедерация аъзоси бўлмиш давлатлар ҳокимиятни мустақил амалга оширадилар, ўз Конституцияларига эга бўладилар. Шу боис конфедерация даражасида қабул қилинган ҳужжатлар мазкур давлатга кирадиган давлатларнинг олий идоралари томонидан маъқулланиши лозим. Конфедерация аъзолари даромаднинг мустақил манбаига эга бўлиб, унинг бир қисмини конфедерация бюджетига ажратишлари мумкин. Конфедерация кўшинлари конфедерация аъзолари бўлган давлатларнинг ҳарбий қисмларидан тузилади, улар ушбу давлатларнинг қарорига кўра конфедерация кўмондонлиги ихтиёрига юбориладилар.

Давлат тузилишининг конфедерация шакли унга кирувчи давлатларнинг хоҳишига кўра тузилади. Конфедерация аъзолари давлат мустақил-

лигини сақлаб қолиб, маълум бир вазифаларни бажариш мақсадида бирлашадилар.

Конфедерациянинг органлари унга кирувчи давлатларнинг фаол иштироки асосида тузилади, уларнинг қабул қилган ҳужжатлари конфедерацияга кирувчи давлатлар орқали амалга оширилади. Лекин, конфедерацияга кирувчи давлатлар бундай ҳужжатларни тан олмаслиги ва бажармаслиги мумкин.

Конфедерациянинг моддий асослари унга кирувчи давлатларнинг маблағларидан ташкил топади. Конфедерациянинг умумий ҳудуди, ягона фуқаролиги ва Конституцияси бўлмайди. Шунинг учун ҳам конфедерация мустақил давлат ҳисобланмайди, у маълум маънода вақтинчалик иттифоқдир. Конфедерация асосий мақсадига эришганидан сўнг тарқалиб кетиши ёки тузилган иттифоқни мустақамлаб федерацияга ўтиши, ёхуд қўшилиб унитар давлат бўлиб кетиши мумкин.

Масалан, тарихда АҚШ 1776—1787 (11 йил) йиллари, Швейцария — 1815—1848 (33 йил), Германия 1815—1856 (51 йил) конфедератив шаклдаги давлат бўлган.

Миллий давлат тузилиши маълум принциплар асосида амалга оширилади. Бу принциплар қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, миллатларнинг суверенлиги ва тенг ҳуқуқлилиги;

*иккинчидан*, миллат ва элатларнинг эркин, озод ривожланиши;

*учинчидан*, байналмилаллик, миллатларнинг ҳамкорлиги, дўстлигини таъминлаш.

Бу принциплар ҳар бир миллий давлат тузилишига асос бўлиши керак, чунки федератив

давлатми ёки яқка миллатли унитар шаклдаги давлатми, уларнинг ҳудудида турли миллатлар яшайди. Давлат тузилишида, давлат органларининг шаклланишида, унинг фаолиятида юқоридаги принциплар асос бўлиши зарур.

Ҳар қандай давлат тузилиши шаклининг асосий шартларидан бири марказий ҳокимият ваколатларнинг тақсимооти масаласидир.

### **5-§. Давлат тузилиши шакли: асосий хулосалар**

Давлат ўз ички тузилишига, унинг айрим қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатларига, марказий ва маҳаллий ҳокимият ўртасида бўлган муносабатларига, давлат ҳудуди айрим қисмларининг ҳуқуқий мавқеига кўра оддий (унитар) ва мураккаб (федератив, конфедератив) бўлиши мумкин.

Унитар давлат айрим давлатлардан иборат эмас, у яхлит бўлиб, маъмурий-ҳудудий қисмларга (вилоятлар, губерналар графликлар ва шу сингариларга) бўлинади, холос.

Федератив давлатлар ўзларининг қонун чиқарувчи органларига, ўз ҳукуматларига ва суд органларига эга бўлган бир неча давлатлардан таркиб топади. Масалан, АҚШда штатлар, ГФРда — ўлка федерациянинг таркибий қисми ҳисобланади.

Давлатнинг бир қадар заиф иттифоқи конфедерациядир. У муайян мақсадлар — муҳофаза учун, умумий хўжалик муаммоларини ҳал қилиш ва ҳоказолар учун тузилади.

Шундай қилиб, давлатнинг бошқарув, идора шакллари жуда кўп ва хилма-хил.

## 12-боб. ДАВЛАТ ШАКЛЛАРИ: СИЁСИЙ РЕЖИМ

- 1-§. Сиёсий режим тушунчаси.
- 2-§. Сиёсий режимнинг турлари.
- 3-§. Авторитар сиёсий режим.
- 4-§. Либерал демократик сиёсий режим.
- 5-§. Демократик сиёсий режим.

### 1-§. «Сиёсий режим» тушунчаси

Сиёсий режим тушунчаси юридик адабиётларда XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлди ва ҳуқуқшунос олимлар ўртасида илмий мунозараларга сабаб бўлди. Аксарият олимлар сиёсий режимни давлат шаклининг синоними сифатида талқин этадилар. Айримлари эса сиёсий режим давлат шакли таркибига умуман кирмайди, чунки давлатнинг амал қилишини сиёсий эмас, балки давлат идора усули деб ҳисоблайдилар.

Мазкур илмий мунозаралар сиёсий режимни тор ва кенг маънода тушунишга олиб келди. Бу ҳозирги замонда жамиятдаги икки (давлат ва ижтимоий-сиёсий соҳа) да кечаётган сиёсий жараёнларни тушунишга мос келади. Шунингдек, бу сиёсий тизимнинг ҳозирги замон талқинларига ҳам мувофиқдир.

Сиёсий тизимнинг барча таркибий қисмлари: сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ҳаракатлар (шунингдек, «тизимдан ташқари» бўлган — диний ташкилотлар) давлат, унинг моҳияти, вазифалари, фаолият шакли ва усуллари таъсири остидадирлар.

«Сиёсий режим» тушунчасини кенг маънода талқин қилганда, жамиятнинг умуман сиёсий

ҳаёти ва сиёсий тизими ҳодисалари сиёсий режимга тааллуқлилигини билдиради.

Сиёсий режимни тор маънода тушуниш эса уни фақат давлат ҳаёти ва давлат билан чеклаб қўяди. Сиёсий режимни бу маънода тушуниш давлат шаклининг бошқа икки элементи — бошқариш шакли ва давлат тузилиши билан узвий боғлиқдир.

Тор маънодаги сиёсий режим — давлатга рақбарлик қилиш усул ва йўлларининг мажмуи бўлса, кенг маънодаги сиёсий режим — шахснинг демократик ҳуқуқлари ва сиёсий эркинликларининг кафолатланганлиги, конституциявий ва ҳуқуқий шаклларининг сиёсий воқеликка мослиги, давлат ва жамият ҳаёти ҳуқуқий негизларидир.

Сиёсий режим қуйидаги саволларга жавоб беришга имкон беради:

1) давлат ҳокимиятининг аҳоли билан муносабати қайси, қандай восита ва йўллар ёрдамида амалга оширилади?

2) сиёсий соҳада турли кучларнинг ўзаро муносабатлари қандай намоён бўлади?

3) турли жамоат бирлашмаларининг сиёсий мақоми қай даражада?

4) давлат идоралари аҳолини бошқариш учун амалда қандай мавқега эга?

## **2-§. Сиёсий режимнинг турлари**

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида сиёсий режим бир неча турларга бўлинади. Сиёсий режимнинг турлари кўп асрлик давлатчилик тажрибаси тарихидан келиб чиққан.

Барча сиёсий режимларни икки йирик — (демократик ва нодемократик) турга бўлиш мумкин.

Нодемократик сиёсий режим эса ўз навбатида уч (тоталитар, фашистик, автократик) турга бўлинади.

**Автократик** сиёсий режим жамоавий автократияни ва ягона шахсий автократияни тақозо этади. *Жамоавий автократия* ўз навбатида аристократия ва олигархия деб аталадиган сиёсий режим шаклларига бўлинади.

**Ягона шахсий автократик** идора усули деспотия, тирания ва якка шахснинг сиёсий режими шаклларида иборат.

**Деспотия** (юнонча «despoteia» — чекланмаган ҳокимият) режими ҳокимият фақат бир киши томонидан бошқариладиган мутлақ монархияга хосдир. Деспотиялар қадим замонларда пайдо бўлиб, бошқарувда ўта ўзбошимчалик, раиятдаги тўла ҳуқуқсизлик, бошқарувда ҳуқуқий ва ахлоқий қадриятларнинг йўқлиги билан ажралиб туради. Деспотия шароитида мустақиллик, норозилик мумкин бўлмай, бундай ҳодисалар дарҳол бостирилган. Бундай ҳолатларда ишлатиладиган чора-тадбирлар ўта аёвсиз бўлиб, жазо даҳшатли бўлган. Бунинг сабаби халқни кўрқувда сақлаш бўлган. Деспотия кўрқув асосига қурилган.

Буюк француз мутафаккири Ш. Л. Монтескьё деспотияга таъриф бериб, барча кишилар ҳар дақиқа ҳукмдорнинг «абдий кўтариб турилган қўлини» ҳис қилиб туришлари лозимлигини ёзган: «Башарти ҳукмдор бирор лаҳза кўрқув соладиган қўлини гуширса ва у зудлик билан давлатда биринчи лавозимлардаги шахсларни йўқ қилиб юбора олмаса, барча нарса тамом бўлади, зеро, кўрқув бундай бошқарув тарзининг илк ибтидоси бўлса, халқда ҳам ҳимоячи қолмайди».

Деспотия идора усули сифатида фақат Ўрта Ер денгизи, Яқин Шарқ, Осиё, Африка, Жа-

нубий Америка мамлакатларида, яъни осийча тараққиёт йўли қарор топган давлатлардагина тарқалмаган. Ушбу идора усули ва умуман инсоният ривожининг илк босқичларига хосдир. Мазкур идора усули давлатлар тараққиётида тарихий ўзига хосликка, улардаги бошлиқларнинг шахсий фазилатларига боғлиқ равишда пайдо бўлган.

**Тирания** режими ҳам яқка шахс бошқарувига асосланган. Бунинг деспотиядан фарқи шундаки, тираннинг ҳокимияти одатда зўравонлик натижасида, баъзан қонуний ҳокимиятнинг ўрнини эгаллаш натижасида ўрнатилади. Унда ҳам ҳуқуқий ва ахлоқий қадриятлар ҳисобга олинмайди, у ўзбошимчалик, террор ва геноцид асосида қарор топади. Тираннинг ҳокимияти аёвсиз бўлади. Тирания ҳам кўрқувга асосланган. Тиран қаршилик кўрсатганларни бостиришга ҳаракат қилади. Бошқа мамлакат худуди ва аҳолисини забт этиш нафақат жисмоний ва ахлоқий зўравонликни, шунингдек, босиб олинган халқнинг анъаналари ва урф-одатларини ҳам таҳқирлашга олиб келади. Тирания идора усуллари қадимги юнон полисларида, баъзи ўрта асрдаги шаҳар-давлатларда мавжуд бўлган.

Тирания ҳам деспотия сингари ўзбошимчаликка асосланган. Башарти деспотияда ўзбошимчалик юқори мансабдорларга офат келтирса, тиранияда эса бундай ҳалокат ҳар бир кишининг бошига тушади. Қонунлар жуда оз бўлиб, зеро, тирания ҳокимияти қонунлар қабул қилишга ҳаракат қилмайди.

**Тоталитар режим** XX асрнинг ҳосиласидир. Бундай идора усулига фашистик давлатлар ва «шахсга сифиниш» давридаги социалистик дав-

латлар мисол бўлади. Тоталитар идора усули авторитар идора усулининг учига чиққан шаклидир. Тоталитар давлат барча нарсани қамраб олган, жамиятнинг жамики соҳаларни назорат қиладиган ва тартибга соладиган ҳокимиятдир. Тоталитар идора усули даврида фақат бир ягона расмий мафкура мавжуд бўлади. У сиёсий ҳукмрон партия, ҳукмрон элита томонидан барпо этилади.

Тоталитар режим фақат бир ҳукмрон партиянинг мавжудлигига йўл қўяди ва мазкур партия жамиятнинг етакчи кучи деб эълон қилинади, унинг қоидалари муқаддас ақидалардек қабул қилинади. Ҳукмрон партия давлат бошқаруви жиловини ушлаб туради. Партия ва давлат органларининг ўзаро қўшилиб кетиши содир бўлади. Давлат бошқарувида тоталитар идора усули ўта марказлашган бўлади. Барча фуқаролар юқоридан келадиган буйруқларни оғишмай амалга оширишлари лозим бўлади. Ҳар қандай ташаббус жазоланади.

Тоталитар тизим бошлиги, энг доно ва адолатли шахс, буюк доҳий деб эълон қилинади. Уни танқид қилиш мумкин бўлмайди ва у қарийб ҳудого тенглаштирилади. Ижроия идораларининг аҳамияти кучайиб боради. Тоталитар идора усули аҳолига нисбатан кенг ва доимий террор уюштириб боради. Бу ҳокимиятни мустақкамлаш ва бошқаришнинг бош шарти ҳисобланади. Тоталитаризм шароитида ҳаётнинг барча соҳалари усидан қаттиқ давлат назорати ўрнатилади. Иқтисодий соҳада барча мулк шакллариининг давлатлашуви содир бўлади. Шахс сиёсий ҳаётда деярли иштирок этмай қўяди. Одамларнинг шахсий ҳаёти ҳам назорат остига олинади. Ақидапараст-



лик мафкуравий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳаёт тарзига айланади.

Милитаризация — тоталитар идора усулининг узига хос хусусиятларидан биридир. Тоталитаризмнинг кўринишларидан бири ягона шахс идора усулидир. Унинг тоталитар идора усули билан жуда кўп умумий жиҳатлари бор. Лекин унда «шахсга сифиниш», доҳийга сифиниш кучайиб боради.

**Фашистик режим** идора усули тоталитаризмнинг авж олган шаклларида бўлиб, у миллий мафкура, бир миллатнинг бошқа миллат устидан устунлигини таъкидлаш, ўта агрессивлик билан тавсифланади. Фашизм миллий, ирқчилик сафсатасига асосланади ва бу давлат сиёсати, мафкураси даражасига кўтарилади. Фашистик давлатнинг мақсади миллий муштаракликни муҳофаза этиш, геополитик, ижтимоий вазифаларни ҳал этиш, миллатнинг софлигини ҳимоялашдир деб эълон қилинади.

Фашистик мафкуранинг бош шиори одамларнинг қонун, ҳокимият, суд олдида тенгсизлигидир. Улар ҳуқуқ ва масъулиятларининг қайси миллат, ирққа мансублигига боғлиқлигини рўкач қиладилар. Бир миллат юқори миллат деб эълон қилиниб, у барча неъматларга муносиб деб топилди. Бошқалари эса, башарти улар мавжуд бўлсалар, фақат мукамалликдан йироқдирлар, дейилади. Фашистик идора усули — инсон қадр-қимматини таҳқирловчи агрессив идора усулидир, у барча халқларни, жумладан, ўз халқини ҳам қайғу-аламларга дучор қилади.

Ҳозирги кунда ҳам фашистик идора усули энди инсониятга бошқа хавф тугдирмайди, деб ўйлаш хато. Маълумки, мазкур идора усули муайян тарихий шароитларда (жамиятда ижтимоий танг-

ликлар, омманинг қашшоқлашуви шароитларида) пайдо бўлади. Бундай ҳолатлар заминда миллий ғоялар, популистик (оммага хуш ёқадиган) шнорлар бўлган ҳаракатлар вужудга келади.

### 3-§. Авторитар сиёсий режим

**Авторитар сиёсий режим** ҳуқуқ ва ахлоқий қадриятларга асосланган бўлиши мумкин. Лекин уни халқ бошқарувда қатнашиб турган давлат деб атаб бўлмайди. Вакиллик идораларининг мавжудлиги ишнинг моҳиятини ўзгартирмайди. Улар давлат ҳаётида чинакам мавқега эга бўлмайди. Парламент доҳий ёки шахслар гуруҳи, ҳукмрон элита таклиф этган ҳар қандай қарорларни тасдиқлайверади. Раҳбарликни амалга ошираётган элита, олий мансабдор шахслар учун имтиёзлар мавжуд.

Ҳарбий ёки давлат тўнғариши ёрдамида ҳокимият қўлга олинса, бундай авторитар идора усули тўда ёки хунта деб аталади. Ҳукмрон тўда ичида бошлиқ ажралиб туради. У аксарият масалаларни ечилиш учун ўз «командасига»га мурожаат қилиб, уларнинг маслаҳатларини тингласа-да, лекин унинг таъсири чегарасиздир.

Авторитаризм даврида мухолифатга йўл қўйилмайди. Бундай идора усули шароитида шахс ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдалана олмайди. У ўзининг ҳокимият билан бўладиган муносабатларида хавфсизлик кафолатидан маҳрумдир. Биро, ҳокимият унга нисбатан мажбурлов чораларини ҳам қўлланиши мумкин. Давлат манфаатларининг шахсий манфаатлар устидан тўла устуворлиги эълон қилинади.

Авторитар ҳокимият халқ ишончи — улуг қудрат эканлигини яхши биледи, шу боис у омма-

да дохий ва унинг сафдошларига нисбатан фидойиликни сингдиради. Ҳозирги кунда авторитар идора усуллари турли мамлакатларда кўплаб учраб туради.

#### 4-§. Либерал демократик сиёсий режим

Ҳозирги замон демократик идора усулларининг энг ривожланган шакли — **либерал-демократик сиёсий режим**дир. Унинг аҳамияти ва жозибадор кучи шу қадар каттаки, кўплаб олимлар уни ҳокимиятни амалга ошириш идора усули эмас, балки жамият ривожланишининг муайян босқичида цивилизация мавжудлигининг шарти, жамият сиёсий тизими тараққиётининг пировард мақсади сифатида баҳолайдилар.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида ҳокимиятни бошқаришнинг энг демократик ва инсонпарварлик принципларига асосланган сиёсий режим ҳам либерал идора усули деб аталади.

Мазкур принциплар, энг аввало, шахс ва давлатнинг иқтисодий муносабатларини белгилайди. Мазкур идора усулида инсон мулк, ҳуқуқ ва эркинликларга эга, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақилдир. Шахс ва давлат муносабатларида устуворлик шахсга тегишли бўлади. Либерал идора усули бозор муносабатларини, бозор иқтисодиётини ташкил этишни тақозо этади, бозор эса тенг ҳуқуқли, эркин, мустақил рақобатчилар мавжудлигини тақозо қилади.

Либерал жамиятда сўз, фикр, мулк шакллари эркинлиги эълон қилинади, шахсий ташаббусни амалга оширишга имконият яратилади.

Бундай жамиятда давлат ҳокимияти идоралари сайловлар воситасида шаклланади. Давлат бош-

қарувини амалга ошириш ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципига асосланеди.

*Сиёсий идора усули либерал-демократик бўлган жамиятқи фуқаролик жамияти деб атаса бўлади.*

Бироқ уни идеаллаштириш мумкин эмас. Мазкур идора усулида аҳолининг даромадлари, уларнинг ҳаёт даражалари, фуқароларнинг бошланғич имкониятлари бир-биридан ўта фарқ қилади, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишда ҳам муаммолар мавжуд ва ҳоказе. Шунга қарамай, ҳозирги кунда аксарият мамлакатлар либерализмни энг мақбул идора усули сифатида қабул қилмоқдалар.

## 5-§. Демократик сиёсий режим

*Демократия* (юнонча *demokratia* «*demos* — халқ, *kratos* — ҳокимият» — «халқ ҳокимияти») сиёсий режими барча кишиларнинг тенглиги ва эркини тан олишга, халқнинг давлатни бошқаришда иштирок этишига асосланган. Демократик давлат ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини эълон қилади, айни пайтда уларни иқтисодий заминлар билан таъминлайди, шунингдек, мазкур ҳуқуқ ва эркинликлар конституциявий жиҳатдан кафолатланади.

Демократик давлатда ҳокимиятнинг манбаи халқдир. Жамият ва давлат ишларини бошқаришда халқнинг иштирок этиши чинакамига оммавий ҳус олади. Референдумлар, плевбисцитлар, халқ вазнаббуслари, муҳокамалари, намойишлари, йиғилишлари ижтимоий ҳаётнинг ажралмас ҳусуниятларига айланиб қолади. Жамоат бирлашмалари қарорлар, тавсиялар ишлаб чиқишда катнашиб, ижро этувчи идоралар устидан назоратни амалга оширадидлар.

Марказий ва маҳаллий идоралар ўртасидаги ваколатларни белгилаш тизими янги даражага кўтарилади. Марказий давлат идораси фақат экология, жаҳон ҳамжамиятидаги меҳнат тақсимоти, тўқнашувларнинг олдини олиш ва жамиятнинг мавжудлигига дахлдор бошқа муаммоларни ечишни ўз зиммасига олади.

Албатта, демократик идора усули ҳам ўз муаммоларига эга. Булар — жамиятнинг табақаларга бўлиниши, кўпчилик ҳокимиятидир. Баъзи тарихий шароитларда жамиятни муддатидан илгарироқ демократиялаштириш ҳокимиятнинг кучсизлашувига, жамоат тартибининг бузилишига, ҳатто анархияга ҳам олиб келиши, экстремист кучларнинг қайта туғилиши учун ҳам шароит яратиши мумкин. Лекин, барибир, демократиянинг ижтимоий қиймати ниҳоятда юқори.

Демократик идора усули аксарият ижтимоий кураш ўз чўққисига чиққан ва ҳукмдор элита, давлат ҳокимиятини уюштириш ва бошқаришда халққа ён босишга мажбур бўлган ҳолатларда пайдо бўлиши мумкин. Демократик идора усули ҳозирги кунда давлат тузилишида инсоният эришган энг яхши шакл бўлиб, у бугунги цивилизация воқелигига, янгиланишига ва интилишларига мутаносибдир.

Ўзбекистонда демократик сиёсий режимнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда.

### **13-боб. ДАВЛАТНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ**

*1-§. «Давлатнинг функцияси» тушунчаси ва хусусиятлари.*

*2-§. Давлатнинг вазифалари ва функциялари.*

*3-§. Давлат функцияларининг таснифи.*

*4-§. Давлатнинг иқтисодий вазифалари ва функциялари.*

*5-§. Давлатнинг ижтимоий вазифалари ва функциялари.*

6-§. Давлатнинг ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш функцияси.

7-§. Давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш (экологик) функцияси.

8-§. Давлатнинг ташқи функциялари.

9-§. Давлатнинг мудофаа функцияси.

## **1-§. «Давлатнинг функцияси» тушунчаси ва хусусиятлари**

Давлатнинг моҳияти унинг фаолиятида, давлат функцияларида яққол намоён бўлади. Давлат функциялари — давлат фаолиятининг намоён бўлиши, давлатнинг вазифаси ва ролидир. Ҳуқуқшунос олимларнинг давлат функциясига қарашларида жиддий фарқ йўқ, асосан сўзлар, иборалар ҳақида баҳс боради, холос. Уларнинг ҳаммаси ҳам давлат функцияларини унинг фаолият йўналиши билан боғлайдилар. Шунинг учун ҳуқуқий адабиётларда давлат функциялари, унинг моҳияти, мақсад ва вазифаларини ўрганишга катта эътибор берилади.

Давлат функциялари жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий таркибидан, ижтимоий гуруҳлар, жамоалар, халқ манфаатларидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларнинг ҳал қилувчи таъсири остида шаклланади.

Давлат функциялари — фаолият йўналиши, бироқ ҳеч қачон фаолиятнинг айнан ўзи эмас. Давлат функцияларини амалга оширишга оид фаолият муайян-тарихий шароитлар билан белгиланади.

Умуман, давлат функциясини, муайян давлатнинг функциясини, давлатнинг айрим органлари функциясини ва уларнинг ваколатларини билиш керак. Чунки бу тушунчаларнинг ҳар бирида ўзига хос фарқ бор. Чунончи, айрим бир давлат функциясининг ўзига хос шундай маъноси

бўладикки унинг ривожланиш шароити, хусусиятлари ўша давлатдан бошқа давлатларда бўлмайди. Айрим давлат органининг функцияси умуман давлатнинг табиати ва функциясидан келиб чиқади, айна вақтда ўз хусусиятига эга бўлади. Агар функция фаолият йўналишини билдирса, компетенция қонуний ҳуқуқ ваколат билан боғлиқ бўлади.

Давлатнинг фаолият кўлами жуда кенг. Шу боис давлат фаолиятининг бош йўналишларини ажратиш муҳим. Мазкур йўналишларда давлатнинг моҳияти акс этади, амалга ошади ҳамда ривожланади. Бироқ давлат функцияларида фақат унинг моҳияти акс этади, деса хато бўлади. Чунки давлатнинг ўзига хос хусусиятлари, сиёсий ҳокимиятни амалга ошириши ва жамиятни бошқариш хусусиятларига боғлиқ бўлган вазифаларини, мақсадларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

*Давлат функцияларининг асосий хусусиятлари қуйидагилар билан белгиланади:*

— функциялар давлатнинг моҳияти ва ижтимоий мақоми билан бевосита боғлиқ;

— улар ўзгарувчан табиатга эга, давлатнинг шаклланиши, мустақкамланиши ва ривожланишига йўналтирилган.

Ҳар бир тарихий даврда давлатнинг ўзига хос муайян функциялари бўлади. Ҳокимият тепасига бошқа сиёсий кучларнинг келиши билан давлатнинг функциялари ўзгаради. Жамиятда устувор манфаатлар алмашганда ҳам давлат функцияларининг ўзгариши содир бўлади. Масалан, уруш даврида давлатнинг мудофаа функцияси биринчи ўринга чиқади ёки бозор муносабатларига ўтишда давлатнинг иқтисодий функцияси ало-

ҳида аҳамият касб этади. Функцияларнинг мазмуни давлат ривожланишининг муайян босқичларда ўзгариши мумкин. Давлат функцияларининг ўзгариши айниқса, туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, инқилоблар даврида яққол кўзга ташланади.

Давлатнинг фаолиятида умуминсоний ва синфий манфаатлар муштараклиги намоён бўлади. Бир томондан, ҳар қандай давлатда муайян жамият табиатидан келиб чиқадиган умумижтимоий функциялар бўлади. Давлат бутун жамият манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Демак, ҳар қандай умумижтимоий фаолиятни амалга оширади, бутун жамият, унинг барча аҳолиси ва ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг вакили сифатида иш юритади. Иккинчи томондан эса, давлат муайян синфнинг, ижтимоий гуруҳнинг сиёсий ташкилотидан иборат бўлиб, давлатнинг бош функцияси шу синф, ижтимоий гуруҳ манфаатларини муҳофаза қилишдан иборат бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда давлат функцияларига қуйидагича таъриф бериш мумкин. *Давлат функциялари — давлатнинг муайян умуминсоний ва синфий моҳияти ҳамда ижтимоий мақомидан келиб чиқадиган мақсадларга эришиш учун, унинг олдидан турган вазифаларни амалга оширишга оид фаолиятининг асосий йўналишларидир.*

## **2-§. Давлатнинг вазифалари ва функциялари**

*Давлатнинг вазифалари ва функциялари тушунчаларининг ўзаро муносабати қандай?* Авваламбор, давлатнинг вазифалари ва функциялари унинг мақсадидан келиб чиқади. Давлат ўз мақсадини ифода этишда унинг ижтимоий мавқеи намоён



бўлади. Мақсадга эришиш учун эса муайян вазифаларни ҳал этиш зарур. Бу эса тегишли функцияларни амалга оширишни тақозо этади.

«Давлат функцияси» ва «давлат вазифаси» тушунчаси ўзаро боғлиқ. Давлат вазифаларига муносаббатлик давлат функциялари тушунчасининг муҳим аломатидир. Бунинг сабаби — давлат ва жамият олдида муайян вазифалар пайдо бўлиши билан тегишли функцияларни амалга ошириш зарурати туғилади.

Шундай қилиб, *давлатнинг вазифалари, биринчидан*, муайян мақсадларга эришишни, *иккинчидан*, фаолият муайян турининг зарурлигини тақозо этади. Давлат функциялари унинг вазифаларига боғлиқ. Давлатнинг вазифалари давлат функциялари мавжудлиги учун шароит яратади, уларнинг мазмунини белгилайди, уларни амалга оширишнинг шакл ва усулларига таъсир этади.

Давлатнинг ҳар бир тараққиёт босқичига муайян функциялар тўғри келади. Масалан, ҳозирги замон давлатларининг барчасида иқтисодий функциялар мавжуд. Аммо уларнинг мазмуни, шакллари, амалга ошириш усуллари турлича бўлиши мумкин. Ҳар бир ижтимоий тараққиёт босқичига ўзига хос функциялар тўғри келади. Шу боис давлат янги босқичдаги ривожланишга ўтар экан, ўз вазифаларини тўла ёки қисман ўзгартириши мумкин. Янги давлат функциялари пайдо бўлиб боради, аммо эскилари ҳам изсиз йўқолмайди, улар фақат кўринишларини ўзгартиради, янги мазмун билан бойийди. Бу ҳолни ҳар қандай давлатнинг тараққиётида кузатиш мумкин.

Ҳар қандай давлат уни қўллаб-қувватлайдиган ва фаолиятида қатнашадиган фуқароларининг фаоллиги ва онглилиги билан кучлидир. Давлат ўз

фаолиятида турли-туман синфий, гуруҳий, миллий ва бошқа ҳар хил ижтимоий манфаатларни инобатга олса, умуминсоний қадриятларга таяниб иш тутса, ана шундай кучлилик мақомига эришади. Фақат шундагина уни демократик давлат деб аташ мумкин.

Давлатнинг функциясидан унинг айрим тузилмавий бўлинмалари (масалан, молия фаолияти, юстиция соҳасидаги фаолияти ва ҳоказолар) томонидан амалга ошириладиган давлат фаолияти турларини фарқ қилмоқ зарур.

Давлат функциясини, шунингдек, давлат олдидан турган вазифаларни амалга оширишнинг шакл ва методларидан ҳам фарқ қилиш керак. Давлатнинг функциялари ҳуқуқ манбаларида (қонун, одил судлов, бошқарув орқали) ва ташкилий шаклларда (ташкилий тадбирлар тизими орқали) амалга оширилиши мумкин.

Давлатнинг функциясини амалга ошириш *шакллари ишонтириш, мажбур қилиш, рағбатлантириш, жазолаш* кабилардан иборат бўлиши мумкин.

### 3-§. Давлат функцияларининг таснифи

Ҳуқуқий адабиётларда давлат функцияларини таснифлашнинг турли асослари (мезонлари) учрайди. *Давлат функцияларини:*

*биринчидан*, фаолият доирасига кўра;  
*иккинчидан*, ҳаракатининг давомийлигига кўра;  
*учинчидан*, ижтимоий аҳамиятига кўра;  
*тўртинчидан*, амалга ошишининг ҳуқуқий шаклларига кўра таснифлаш мумкин.

Давлат функциялари фаолият доирасига кўра *ички* ва *ташқи* функцияларга бўлинади. Давлат-

нинг ташқи функцияси ва бошқа давлатлар билан муносабати унинг ички мазмунидан, ички функцияларининг хусусиятидан келиб чиқади.

Давлат давлатлар қуршовида яшайди. Унинг бошқа давлатларга муносабати ташқи функциясида намоён бўлади. Давлатлараро муносабатларда давлатнинг миллий манфаатлари ифодаланади. Шунинг учун ташқи функция ички функция билан чамбарчас боғланган. Давлатнинг табиати, моҳияти қандай бўлса, унинг бошқа давлатларга бўлган муносабати ҳам шундай. Давлатлар — бир-бирлари билан турли алоқаларда бўлади. Лекин бу ҳали давлатнинг ташқи функциясини билдирмайди.

Давлат функцияларининг ички ва ташқи функцияларга бўлиниши умумий тусга эга. Ўз навбатида давлатнинг ички функциялари ҳам ҳар хил бўлиши мумкин.

Давлат функцияларининг таъсир этиш объекти — иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий соҳа, жамиятнинг маънавий ҳаёти ва жамоат тартиби сингари каби жабҳалардир. Шунга кўра давлат функциялари иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкураравий ва муҳофаза каби турларда намоён бўлиши мумкин.

Ҳаракатининг муддатига, давомийлигига кўра давлат функцияларини *доимий ва муваққат функцияларга* бўлиш мумкин. Доимий функцияларга давлатга доимо хос бўлган хусусиятлар масалан, давлатнинг иқтисодий функцияси киради. Давлатнинг муваққат функцияларига маълум вақт мобайнида муайян мақсадга эришишга йўналтирилган вазифалар киради. Масалан, фавқулодда ҳолат эълон қилинган даврдаги вазифаларни амалга оширишга қаратилган фаолият муваққат тусга эгадир.

Ижтимоий аҳамиятига кўра давлат функциялари *умумий* ва *асосий бўлмаган* турларга бўлинади. Улар орасида узвий боғланиш мавжуд.

#### **4-§. Давлатнинг иқтисодий вазифалари ва функциялари**

Ҳар бир давлат иқтисодиёт соҳасида муайян вазифаларни бажаради. Улар асосан қуйидагилардан иборат: *биринчидан*, барқарор ва ривожланиётган иқтисодиётни яратиш; *иккинчидан*, иқтисодиётнинг барча соҳаларини ўзаро мутаносибликда ривожлантириш; *учинчидан*, меҳнат захираларини оқилона жойлаштириш, меҳнатнинг янги технологиялар, халқнинг тарихий анъаналари ва малакаларига мос келадиган соҳаларини яратиш; *тўртинчидан*, самарали ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.

Шу иқтисодий вазифаларга мос равишда давлат қуйидаги иқтисодий функцияларни амалга оширади: *биринчидан*, иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш функцияси; *иккинчидан*, иқтисодиётнинг энг устувор тармоқларини рағбатлантириш функцияси; *учинчидан*, тадбиркорликни ривожлантириш функцияси; *тўртинчидан*, аҳолини иш билан таъминлаш функцияси.

#### **5-§. Давлатнинг ижтимоий вазифалари ва функциялари**

Ҳар бир давлат ижтимоий соҳада бир қатор вазифаларга эга. Уларга қуйидагилар киради:

*биринчидан*, ижтимоий адолат принципларини амалга ошириш, аҳолининг энг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш;

*иккинчидан*, сифатли тиббий хизматни таъминлаш, оналик ва болаликнинг муҳофазасига оид самарали тадбирларни амалга ошириш;

*учинчидан*, ҳамма учун умумий таълим олиш ва эркин касб танлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

*тўртинчидан*, ижоднинг барча турлари ривожини учун шароитлар яратиш, ақлий мулкни ҳимоя қилиш.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш давлатнинг қуйидаги ижтимоий функцияларини тақозо этади:

*биринчидан*, ижтимоий ёрдамга муҳтож жамият аъзоларига ёрдам бериш функцияси;

*иккинчидан*, таълим, соғлиқни сақлаш, маориф, маданий муассасалар тизимини яратиш функцияси;

*учинчидан*, фуқароларнинг ўз меҳнат ва ақлий имкониятларини амалга оширишлари, қилган меҳнатларига муносиб ҳақ олишлари учун тенг ижтимоий кафолатлар ва имкониятларни таъминлаш функцияси;

*тўртинчидан*, молиявий назорат функцияси.

*бешинчидан*, фуқароларнинг миллати, дини, сиёсий эътиқодидан қагъи назар жамиятда тинч-тотувликни таъминлаш функцияси;

*олтинчидан*, маданий мерос ва барча бойликларни сақлаш функцияси.

Давлатнинг ижтимоий функциялари жамиятда ижтимоий адолат ва ёрдам, таълим ва маънавият, барқарорлик, тинчлик ва тотувликка эришишга қаратилган фаолиятининг асосий йўналишларидир.

## **6-§. Давлатнинг ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш функцияси**

Давлат фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — қонунларга оғишмай риоя қилишни таъминлашдир. Қонунларга риоя этиш ҳамма учун мажбурий бўлган, уни бузишга эса асло йўл қўйиб бўлмайдиган ҳуқуқ тартиботни ва аҳолининг ҳуқуқий маданияти, онги даражасини юксалтириш давлатнинг ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш функциясининг мазмунини ташкил этади.

Давлат бу функцияни амалга ошириш учун қуйидаги йўналишларда фаолият кўрсатади:

*биринчидан*, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш;

*иккинчидан*, қонунлар ижросини таъминлаш ва улар устидан қатъий назорат ўрнатиш;

*учинчидан*, фуқароларни конституциявий ҳуқуқлар ва эркинликлар билан таъминлайдиган қонунчиликни яратиш;

*тўртинчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимини шакллантириш;

*бешинчидан*, қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш.

Ҳар қандай давлатнинг энг асосий талаби — қонунларни амалга оширишга, қонунчиликни таъминлашга сафарбар этилган кишиларнинг қонунларни аниқ ва оғишмай ижро этишидир.

## **7-§. Давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш (экологик) функцияси**

Инсониятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун табиат бойликларидан ёвузларча фойдаланиш оқибатида экологик номутаносиб-

лик пайдо бўлди. Хавфли экологик ҳолат юзага келди. Бу билан минг йиллар давомида табиат, инсон ва ишлаб чиқариш ўртасида қарор топган мувозанат бузилди.

Масалан, Ўзбекистонда Оролнинг қуриб бораётганлиги, қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун экологик зарарли моддаларни ишлайтиш, зарарли ишлаб чиқаришларни жойлаштириш, ердан оқилона фойдаланиш қонунларини бузиш табиий экологик вазиятни издан чиқарди.

Шу муносабат билан давлатнинг экологик функцияси алоҳида аҳамият касб этади. Давлатнинг табиатни муҳофаза қилишга оид функциялари қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга, атроф муҳитга зарар етказишга ва экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;

*иккинчидан*, жаҳон ҳамжамияти давлатлари иштирокида экологик шароитларни соғломлаштириш, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги экологик оқибатларни бартараф этиш;

*учинчидан*, экологик қонунчилик тизимини яратиш ва тегишли давлат органларини тузиш.

## **8-§. Давлатнинг ташқи функциялари**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари ишлаб чиқилди. Улар, энг аввало, Ўзбекистоннинг ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилик, ўзаро фойда, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмасликдир.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг конституциявий асослари мамлакат Конституциясининг 17-моддасида, 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат

мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топган.

Истиқлол ҳар бир суверен давлатга ўз миллий манфаатларига мос келадиган мустақил ички ва ташқи сиёсатни ўтказиш имконини беради. Мустақилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси олдида ҳам умумжаҳон жараёнларига ва халқаро ҳамжамиятга қўшилиш йўллари танилаш масаласи вужудга келди.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама ва фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шarti ва ғоят муҳим воситасидир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз ташқи сиёсатини мустақил юргизиш учун реал имкониятлар пайдо бўлди. Эндиликда бу сиёсат ташқаридан белгиланмасдан, чинакамига Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига, шарт-шароитлари ва имкониятларига жавоб берадиган тарзда шакллантирилмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътиборини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ташқи сиёсат йўналишлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юритиш давлат фаолиятининг амалда қўлланилмаган йўналишларидан биридир. Чунки собиқ Совет Иттифоқи таркибида Ўзбекистон бундай ташқи сиёсат юргизиш, халқаро майдонга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятидан маҳрум эди. Эндиликда эса мустақил Ўзбекистон-



нинг ҳар тарафлама асосланган ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш республика раҳбарияти, хусусан Президентнинг, ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий муносабатларга ваколатли давлат органларининг бевосита вазифасига айланди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий фаолият йўналишлари қўйидагилардан иборат.

*Биринчидан*, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий мақсади — миллат ва давлат манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий манфаатлари халқаро алоқаларни ривожлантираётган, унинг тузилмалари фаолиятини белгилаб бераётган кучдир.

*Иккинчидан*, Ўзбекистон одамлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умуминсоний қадриятларни устун қўйиб, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун кურашади. Ўзбекистон ядросиз минтақа бўлиб қолади. Унинг тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кириш нияти йўқ. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, ҳужум қилмаслик ҳақидаги, низоли масалаларни ҳал этишда куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларни тан олади ва уларга оғишмай риоя қилади.

*Учинчидан*, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида қурилади.

*Тўртинчидан*, мафқуравий қарашларидан қатъи назар, ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик принципини рўёбга чиқаришга ва барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга интилади.

*Бешинчидан*, ўзининг миллий ҳуқуқий тизими-ни вужудга келтираётган мустақил Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички миллий қонунлардан устунлигини тан олади.

*Олтинчидан*, Ўзбекистон тўла ишонч принцип-лари асосида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томон-лама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожланти-риш учун, халқаро ташкилотлар доирасида ҳам-корликни чуқурлаштириш учун ҳаракат қилади.

*Еттинчидан*, иқтисодий омиллар Ўзбекистон-нинг ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутди. Рес-публиканинг катта экспорт имкониятлари Ўзбе-кистоннинг жаҳон иқтисодиётига чиқишини таъ-минлашнинг, жаҳондаги мавқеининг мустаҳкам-ланиши ва миллий валютаси тан олиншининг муҳим омили ҳисобланади.

*Саккизинчидан*, Ўзбекистон ўзининг дунё мам-лакатлари билан муносабатларини, бу мамлакат-ларнинг мафкураси қандай бўлишидан қатъи на-зар, фақат халқаро ҳуқуқнинг барча тан олган қоида ва мезонлари асосида қуриб келмоқда. Дав-латлараро муносабатлар соҳасида ягона ғоя амал қилиши лозим. Бу ғоянинг маъноси шуки, бир-галикда тинч ҳаёт кечирish, ҳамкорликка инти-лиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига ара-лашмаслик, турли нуқтаи назар ва фикрларга бардошли бўлиш принципларини ўзида акс эт-тирган қонунлар устун бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда юқорида кўрсатиб ўтилган принципларга қатъий риоя қилмоқда, уларни бойитиб ва кенгайтириб бормоқда, таш-қи сиёсий ҳамда иқтисодий фаолиятининг асо-сий йўналишларини изчиллик билан ҳаётга тат-биқ этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақил ташқи сиёсий фаолиятининг ҳуқуқий асослари Конституцияда мустаҳкамланган. Махсус «Ташқи сиёсат» бобида эса республиканинг бу соҳадаги асосий принциплари, фаолият йўналиши, мазмуни, мақсади ва вазифалари баён этилган. Улар қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, давлатларнинг суверен тенглиги. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик қоидалари заминида олиб боради. Бизнинг шиоримиз — «тенглар орасида тенг бўлиш»;

*иккинчидан*, куч ишлатмаслик ёхуд куч билан таҳдид қилмаслик. Ўзбекистон ҳужум қилмаслик, низоли муаммоларни ҳал этишда куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларини тан олади ва уларга оғишмай риоя қилади;

*учинчидан*, Ўзбекистон Республикаси ўзга давлатларнинг ҳудудлари яхлитлиги, чегараларининг дахлсизлигини тан олади;

*тўртинчидан*, Ўзбекистон бошқа давлатлар билан муносабатларда чиқиши мумкин бўлган низоларни тинч, сиёсий воситалар йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилади. Ўзбекистон фуқаролар ва давлатлар орасидаги ўзаро муносабатларда умуминсоний қадриятларни устун қўйиб, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун курашади;

*бешинчидан*, Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига оғишмай риоя қилади.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг барча мамлакатлар эътироф этган қоида-

лари ва нормаларига амал қилиш заминига қурилган. Ўзбекистон ташқи сиёсатида, мафкуравий қарашларидан қатъи назар, барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга интилоқда. Ўзбекистон Конституцияси халқаро ҳуқуқ қоидалари ва принципларининг устуңлигини тан олади. Ўзбекистон бошқа давлатлар билан тўла ишонч негизда ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи сиёсий ҳамда иқтисодий муносабатларни ўрнатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўз халқининг фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстлик уюшмаларига ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан чиқиши мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонни жаҳоннинг деярли барча мамлакатлари тан олди. Юздан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Бу давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий, техникавий ва маданий соҳаларда алоқалар ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилнинг 2 мартида халқаро ҳуқуқнинг тўла ваколатли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзоликка қабул қилинди, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига, Парламентлараро иттифоққа аъзо бўлди. Республикамиз ҳозирда 20 дан ортиқ халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмаларнинг аъзосидир.

Ўзбекистон Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг яқунловчи ҳужжати ва Париж хартиясига имзо чекиб, Хельсинки шартномаси мажбуриятларига қўшилди. Мазкур шартномаларга қўшилиш Ўзбекистон тараққиётида янги мазмунга эга бўлган муҳим босқични бош-

лаб берди. Бу эса халқаро, сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда тенг ҳуқуқлилиқ асосида фаол ҳамкорлиқ қилиш имкониятларини вужудга келтирди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти ва давлатлараро хавфсизлиқ тизимида ўз ўрнини эгалламоқда. Халқаро ташкилотлар республика иқтисодиёти-ни қайта қуришга кўмаклашадиган энг самарали ҳамкордирлар. Улар кредит олиш, хорижий сар-мояларни тўғридан-тўғри жалб этиш, республи-канинг жаҳон бозорида олга силжишида беқиёс ёрдам кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, Ўзбе-кистоннинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироқи миллий хавфсизлигимизнинг, минта-қада тинчлиқ ва барқарорликни сақлашнинг га-ровидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси хал-қаро ташкилотлар ва бутун халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида ўз ташқи сиёсати-ни ривожлантириб бормоқда. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда иқти-содиётга чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратишга катта аҳамият бермоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий функция-ларига қуйидагилар киради:

*биринчидан*, ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш;

*иккинчидан*, иқтисодиётга бевосита капитал ки-ритишни кенг жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа зарур шарт-шароитларни такомиллаштириш;

*учинчидан*, жаҳон даражасидаги технология ет-казиб бераётган, ҳозирги замон халқ хўжалиги таркибини яратишга ёрдамлашаётган чет эл ин-

весторларига нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини ўтказиш;

*туртинчидан*, Марказий Осиё мустақил республикалари билан дўстлик, қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш, улар билан яқин ижтимоий-иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва янада ривожлантириш, илмий ва маданий айирбошлашни кенгайтириш;

*бешинчидан*, Оролбўйи экологик ҳалокати оқибатларини бартараф этиш, Орол денгизини қутқаришга оид биргаликдаги тадбирларни амалга ошириш;

*олтинчидан*, мусулмон давлатлари билан ўзаро ва кўптомонлама асосдаги муносабатларни янада чуқурлаштириш;

*еттинчидан*, Жанубий-Шарқий Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйиш;

*саккизинчидан*, иқтисодий ривожланган мамлакатлар — АҚШ, Германия, Франция, Италия, Испания ва ҳоказолар билан мустаҳкам ўзаро фойдали иқтисодий муносабатларни ўрнатиш.

## **9-§. Давлатнинг мудофаа функцияси**

Мамлакатни мудофаа қилиш функцияси давлат фаолиятининг муҳим йўналишини ташкил этади. Бу функция давлатчилик ривожининг барча босқичларида муҳим бўлиб келган. Зеро, мамлакат эрки ва мустақиллигини ташқи босқинчилардан ҳимоялаш зарурати ҳамма вақт мавжуд бўлган.

Мамлакатни мудофаа қилиш функцияси иқтисодий, сиёсий, дипломатик ва ҳарбий воситалар билан амалга оширилади.

Аксарият давлатлар ўзининг мудофаа доктринасига эга. Бунинг аҳамияти бошқа давлат ёки давлатлар гуруҳи томонидан содир этилиши мумкин бўладиган тажовузни бартараф этиш учун етарли куч ва воситалар яратишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 125-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади», деб ёзиб қўйилган.

Давлат мудофаа фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

*биринчиси*, мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлаш. Мамлакат мудофаа қудратини таъминлаш, энг аввало, мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш;

*иккинчиси*, куролли кучларни доимий такомиллаштириб, уларнинг жанговар қудрати ва жанговар тайёргарлигини ошириб бориш;

*учинчиси*, давлат чегараларини муҳофаза қилиш;

*тўртинчиси*, куролли кучларнинг ҳарбий таълими;

*бешинчиси*, фуқаро мудофаасини ташкил этиш.

Давлатнинг мудофаа функцияси мустақил мавжуд бўлмаслигини, унинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилиш, экологик функциялари билан узвийлигини таъкидлаш зарур.

## **14-боб. ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИ**

1-§. «Давлат механизми» тушунчаси ва унинг хусусиятлари.

2-§. Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши принципи.

3-§. Давлат аппарати.

4-§. Давлат идораси.

5-§. Давлат аппарати ва давлат механизми.

## 1-§. Давлат механизми тушунчаси ва унинг хусусиятлари

Ҳар қандай давлатда жамият ва давлат олдига қўйилган вазифаларни бажариш, кўзланган мақсадларга эришиш учун турли давлат идоралари фаолият кўрсатади.

**Давлат механизми** — *давлат ҳокимиятини амалга оширишга, жамиятга давлат раҳбарлигини таъминлашга ёрдам берадиган давлат идоралари тизимидир.*

Давлат ҳокимияти механизми маълум элементлардан ташкил топади. Улар давлат ҳокимияти механизмининг яхлитлигини ва ягоналигини таъминлаши лозим. Шу билан бирга бу элементларни давлат ҳокимияти механизми доирасида кўрмоқ ва уларга баҳо бермоқ лозим.

Совет даврида давлат умумий вазифаларни таъминлаш механизми эмас, балки фақат уюшган зўравонликни амалга оширувчи аппарат каби таърифланарди. Бугун давлатни таҳлил этишда фақат синфий ёндашувнинг тўғри эмаслиги аён бўлиб қолди.

Ҳозирги кунда давлатшунос олимлар давлат, энг аввало, фуқаролар ва улар уюшмаларининг турли эҳтиёж ва манфаатларини мутаносиблаштириш механизми деб ҳисоблайдилар. Бундай фикрнинг тўғрилиги давлат ҳокимияти механизмининг ўзига хос умумий белгиларини таҳлил этганда яққол кўзга ташланади.

*Давлат механизмининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:*

*биринчидан*, давлат механизми бошқарув (қонун ижодкорлиги, қонунларни ижро этиш, уларга риоя қилишни муҳофаза этиш, одил судловни



амалга ошириш) билан махсус шуғулланадиган давлат хизматчиларидан иборат. Давлат ҳокимиятининг мавжудлиги мансабдор шахслар, армия, маъмурият, судьяларда, яъни давлат хизматчиларида ўз ифодасини топади;

*иккинчидан*, давлат механизми идоралар ва муассасаларнинг муайян тизимидир, улар ўзларининг бевосита ҳокимиятга дахлдор функцияларини амалга ошира бориб, ўзаро узвий боғлиқликда бўлади;

*учинчидан*, давлат механизми элементларининг фаолияти ташкилий ва молиявий воситалар, маълум ҳолатларда эса, мажбурлов таъсири билан таъминланади;

*тўртинчидан*, давлат механизми ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлаши ва муҳофаза этиши лозим.

*Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат ҳокимияти механизмига нисбатан бирламчидир*. Шунинг учун демократик ҳуқуқий давлат фақат амалдаги қонунчиликни эмас, айти пайтда ижтимоий адолатни (инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши кераклигини) тан олади.

Кишилиқ жамияти ривожланишининг турли босқичларида давлат механизми ўз хусусиятлари ва ўзига хос таркибига эга бўлган. Бунинг бир қатор иқтисодий, ижтимоий, этнографик, жўғрофий, ҳудудий, тарихий сабаблари бор. Қадимги Шарқ, антик Европа мамлакатларида давлат механизми анча мукамал тизимга эга эди. Давлат механизми давлат бошлиғи (монарх ёки коллегиял орган), марказий идоралар, маҳаллий идоралар, мансабдор шахслар, армия, суд, полиция ва ҳоказолардан иборат бўлган. Масалан, Рим

республикаси давлат ҳокимияти механизми таркибига сенат, халқ мажлислари, магистратлар кирган. Бошқарувнинг муайян вазифаларига кўра магистратлар консуллар, преторлар, цензорлар, квесторлар ва ҳоказоларга бўлинган.

Ўрта асрлар давлати механизми ҳам ўз ривожланишидаги асосий босқичларга қараб илк феодал, табақа-вакиллик ва мутлақ монархияга бўлинган. Ўрта асрлар давлатининг марказлашуви билан бирга, унинг механизми мураккаблашиб, турли вазирликлар, марказий тармоқлар, махсус суд муассасалари ва бошқалар пайдо бўлган.

## **2-§. Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши принципи**

Давлат механизмини қуриш муайян объектив принциплар асосида амалга ошади. Бу эса жамиятни давлат томонидан идора этишнинг самарадорлигини таъминлайди.

Энг асосий принциплардан бири, шубҳасиз, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши принциpidир. Зеро, давлат ҳокимияти тузилмалари ҳокимиятнинг бўлиниши негизида шаклланади.

Мазкур принцип узоқ тарихга эга. 1748 йилдаёқ француз маърифатпарвари, ҳуқуқшуноси Ш. Л. Монтескье уни шундай таърифлаган эди: «Объектнинг сиёсий эркинлиги ҳар бир шахснинг ўз хавфсизлиги тўғрисидаги тушунчасидан пайдо бўлади. Ушбу эркинликка эга бўлиш учун ҳукумат одамларнинг бир-биридан қўрқмаслигига ёрдам берадиган тарзда уюшган бўлиши талаб этилади.

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи кучлар айна бир одамнинг қўлида ёки айна бир магистура

идорасида жамланган бўлса, эркинлик мавжуд бўлмайди. Зеро шу монарх ёки сенатнинг ўзи қонунлар қабул қилиши ва улардан тиранларча фойдаланиши мумкин.

Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро қилувчи ҳокимиятдан ажратилмаганда ҳам эркинлик бўлмайди. Башарти у қонун чиқарувчи ҳокимият билан қўшилиб кетганда, субъектнинг ҳаёти ва эркинлиги ўзбошимча назорат остида қолиши, у ижро қилувчи ҳокимият билан бирлашган бўлса, судьялар эзувчининг ўта аёвсизлигини таъминловчи ҳукмлар чиқаришлари мумкин».

Мазкур таърифга кўра, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши давлат идораларининг бўлинишидан кўра кўпроқ аҳамият касб этади.

Ҳокимият ваколатлари бўлинишининг бош маъноси — ижтимоий-сиёсий кучлар орасида ҳокимият ваколатларининг тақсимланишидир. Бундан мақсад — ҳокимиятни суиистеъмол қилишга имкон бермаслик, ҳокимиятларнинг бир-бирларини муайян мувозанатда ушлаб ва чеклаб туришларидир.

АҚШ Конституциясининг «оталаридан», асосий ижодкорларидан бири Джеймс Мэдисон шундай деган эди: «Давлат ҳокимияти идоралари бир-бири устидан конституциявий назорат қилиш даражасигача боғланмаса ва уйғунлашмаса, эркин ҳукуматнинг моҳияти бўлган, энг кўп талаб қилинадиган бўлинишнинг даражаси амалда ҳеч қачон тегишли даражада ташкил этилмайди».

Шундай қилиб, ҳокимиятларнинг бўлиниши уларнинг ваколатларини чеклаб, ўзаро назорат, мувозанатда сақлаб туради, келиб чиқиши мумкин бўлган суиистеъмолларнинг олдини олади.

Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши принципи дунёдаги аксарият давлатларнинг Конституцияларида мустақкамланган, масалан Ўзбекистон Конституциясининг 11-моддасида.

### 3-§. Давлат аппарати

*Давлат аппарати* — давлат механизмининг бир қисми бўлиб, давлат ҳокимиятини амалга ошириш учун муайян ваколатларга эга давлат идораларининг мажмуасидир.

Давлат механизми давлат аппаратидан ташқари давлат муассасалари ва давлат корхоналарини ҳам ўз ичига олади. Давлат аппаратининг таркиби қуйидаги уч асосий ҳокимият идораларидан ташкил топади:

*биринчидан*, қонун чиқарувчи ҳокимият идоралари;

*иккинчидан*, ижро этувчи идоралар;

*учинчидан*, суд ҳокимияти идоралари.

Давлат аппаратининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1) у тегишли ходимларнинг мажбурий ижросига оид ҳуқуқий ҳужжатларни чиқара олади;

2) ушбу ҳужжатларни бажаришни таъминлаш учун ишонтириш, мажбур этиш, тарбиялаш, рағбатлантириш тадбирларини қўллай олади;

3) уларни жорий этиш устидан назоратни амалга оширади.

### 4-§. Давлат идораси

*Давлат идораси* — давлат аппаратининг таркибий бўғини, нисбатан мустақил қисмидир. Унинг қуйидаги белгилари мавжуд;

*биринчидан*, давлат номидан муайян соҳада унинг вазифа ва функцияларини амалга оширади;

*иккинчидан*, муайян ҳокимият ваколатига эга бўлиб, бу уни давлат муассасалари ва корхоналаридан фарқ қилдиради;

*учинчидан*, муайян ваколатга, яъни муайян вазифалар, функциялар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасига эга;

*тўртинчидан*, хизмат турлари ва миқдорига кўра муайян таркибга (тузилишга) эга;

*бешинчидан*, ҳудудий фаолият миқёсига эга;

*олтинчидан*, қонун белгиланган тартибда ташкил этилади;

*еттинчидан*, шахсий таркибнинг ҳуқуқий алоқаларини белгилайди.

Давлат идоралари хилма-хилдир. Уларни турли мезонларга асосланиб бир қанча турларга бўлиб чиқиш мумкин. Давлат идораси қуйидагиларга бўлинади:

1) пайдо бўлишнинг манбаига кўра — бирламчи ва иккиламчи идоралар;

2) ҳудудий фаолиятнинг доирасига кўра — республика, вилоят, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари;

3) ваколатларнинг табиатига кўра — умумий ваколат идоралари ва махсус ваколат идоралари;

4) ҳокимиятни амалга ошириш тартибига кўра — коллегиял ва яқка тартибдаги идоралар.

Фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллариغا кўра давлат идоралари қонун чиқарувчи, ижро этувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи ва фармойиш берувчи идораларга бўлинади.

Давлат идоралари фаолиятининг табиати сиёсий ва маъмурий хусусиятларга эга. Баъзи давлатларда (масалан, собиқ Иттифоқда) бутун давлат аппарати олий даражада сиёсийлашганлиги билан ажралиб турарди. Зеро, у юқоридагиларнинг иродасини амалга оширувчи эди.

Демократик давлатда сиёсат билан фақат давлат аппаратининг жамият сиёсатини бутунлай ёки бирор соҳаси бўйича шакллантирадиган ва амалга оширадиган бўғинлари шуғулланади. Парламент бошқарувчи ёхуд президентлик бошқаруви шулар жумласидандир. Уларнинг фаолияти давлат ҳуқуқий томонидан назарда тутилади.

Демократик давлат аппаратида сиёсий конъюктура билан боғлиқ бўлмаган давлат идоралари ҳам қатнашади. Давлат аппаратининг сиёсатлашмаган қисми (маъмурият) жамиятнинг кундалик бошқарув ишлари билан шуғулланиши ва жамиятнинг кундалик ҳаётининг фаолияти манфаатлари йўлида ҳокимият ваколатларини амалга ошириши лозим. Мазкур идоралар фаолияти (ташқил этилиши, таркиби, вазифа, мақсадлари ва ҳоказолар) конституциявий асосда олиб борилади. Уларнинг фаолиятини мутаносиблаштириш маъмурий ҳуқуқ нормалари билан амалга оширилади. Бу эса давлатнинг ўз вазифаларини амалга ошириш қатъий ва барқарорлигини, жамиятда қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни, ҳуқуқий давлат принципларига эргаштиришни таъминлайди. Масалан, ички ишлар органлари сиёсатга аралашмасликлари керак. Улар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, давлат ҳимоясидаги ҳар қандай жисмоний шахснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишлари лозим.

## **5-§. Давлат аппарати ва давлат механизми**

*Давлат аппарати бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган, муайян тузилмага бирлашган, давлат ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг йиғиндиси.*

Юридик адабиётларда «давлат аппарати» ва «давлат механизми» деган тушунчалар кенг учрайди. Бу тушунчалар асосан бир хил мазмунга эга. Лекин «давлат механизми» кенгроқ тушунча бўлиб, унга давлат органларидан ташқари, давлат аппарати ишини ташкил қиладиган, унга ёрдам берувчи бўлимлар, муассасалар ҳам киради. Уларга таяниб ва уларнинг ёрдами билан давлат аппарати ўз фаолиятини, давлат функцияларини амалга оширади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигини давлат органи, деб олсак, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари, олий ўқув юртлари, тиббиёт молия-иқтисод бошқармалари ва вазирликнинг фаолиятини ташкил қилишга ёрдам берадиган шунга ўхшаш ташкилотлар унинг муассасалари, бўлимлари ҳисобланади.

Давлат аппарати қуйидаги белгилари билан бошқа ташкилотлардан ажралиб туради:

*биринчидан*, давлат аппарати бошқарув билан шуғулланувчи алоҳида фуқаролар гуруҳидир;

*иккинчидан*, давлат аппарати давлат функцияларини бажаришга ваколатли бўлган ва ўзаро бўйсунуш ёки келишиш асосида боғланган давлат органлари ва муассасалари тизимидир;

*учинчидан*, давлат аппарати халқ иродасини амалга ошириш, ўз вазифасини бажариши учун зарур воситалар ва мажбурлаш куролларига эга бўлган органдир.

Давлат аппарати давлатнинг моҳияти билан узвий боғлиқ. Давлат.аппаратининг шаклланишига, унинг фаолиятига шу жамият тарихий тараққиётининг хусусияти, иқтисодий тузуми, ижтимоий муҳити ва миллий анъаналар таъсир кўрсатади. Ҳар бир жамиятда давлат аппарати давлат-

нинг вазифаларини бажариш учун ташкил этилади ва шу давлат ҳокимиятини амалга оширади.

## **15-боб. ДЕМОКРАТИЯ, ДАВЛАТ ВА ШАХС**

*1-§. «Демократия» тушунчаси.*

*2-§. Давлат ва вакиллик демократияси.*

*3-§. Давлат ва бевосита демократия.*

*4-§. Шахс.*

*5-§. Фуқаро.*

*6-§. Шахснинг ҳуқуқлари ва бурчлари.*

*7-§. Шахс ва давлатнинг ўзаро муносабатлари.*

*8-§. Шахснинг ҳуқуқий мақоми.*

*9-§. Фуқаролик — давлатнинг муҳим белгиси.*

### **1-§. «Демократия» тушунчаси**

Демократия — халқ ҳокимиятчилиги. Демократия давлат тузумининг асосий принципларидан биридир. Халқ ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи. Давлат халқ иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат сиёсатини халқнинг хоҳиш-иродаси белгилаб беради.

Демократия — ҳокимиятнинг фақат халққа тегишли эканлиги, давлат халқ иродасини ифодалаши ва унинг манфаатларига хизмат қилиши лозимлиги, давлатнинг олиб бораётган сиёсати фақат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилганлигидир.

Демократия ҳокимият фақат Конституция ва қонунларда кўзда тутилган тартибда ва улар асосида тузилган идоралар орқалигина амалга оширилишини билдиради. Давлат идоралари фақат қонунда кўрсатилган ваколатлари доирасидагина фаолият кўрсатади.



Давлат ҳокимиятининг ваколатларини Конституцияда назарда тутилмаган тартибда ўзгартириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш ҳамда ҳокимият органларига параллел равишда янги тузилмаларни ташкил этиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан ҳуқуқий жавобгарликка тортишга асос бўлади. Шунинг учун ҳам халқнинг ўзи томонидан, унинг манфаатини кўзлаб тузилган органлар фаолият кўрсатиши мумкин. Ҳокимият фақат халқники. Халқ ўз тақдирининг эгасидир. У бутун моддий бойликларнинг ва маънавий қадриятларнинг яратувчиси ва эгаси. Халқ давлат ишларини бевосита ёки ўз вакиллари орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида биринчи бор «Ўзбекистон халқи» тушунчасига таъриф берилган. Конституциянинг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», — дейилган. Конституция Ўзбекистон халқини ташкил этувчи барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари ва миллий анъаналари ҳурмат қилинишини кафолатлайди.

Ўзбекистон халқи номидан давлатнинг фақат икки органи иш олиб бориш ҳуқуқига эга: Олий Мажлис ва Ўзбекистон Президенти. Чунки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳам, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳам халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Халқ худди шу йўл билан Олий Мажлисга ва Президентга ўз ваколатини беради. Конституцияда кўрсатилган мазкур икки давлат органидан бошқа ҳеч бир гуруҳ (сиёсий партия, жамоат бирлашмаси ёки

алоҳида шахс) Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

## 2-§. Давлат ва вакиллик демократияси

Демократия турли шаклларда амалга оширилади. Демократияни амалга оширишнинг асосий шаклларида бири — **вакиллик демократияси**. Бунда халқ ўз ҳокимиятини вакиллик органларига сайланган депутатлар орқали амалга оширади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Республика Президенти ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларини, ўзини ўзи бошқариш органларини халқнинг ўзи сайлайди ва улар, ўз навбатида, халқ номидан фаолият кўрсатадилар.

Халқ томонидан сайлаб қўйиладиган давлат органлари бевосита халқ олдида жавобгар ва унинг иродасини ифодалайдилар. Шунинг учун ҳам сайлаб қўйиладиган давлат органлари томонидан қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши ҳамма учун мажбурийдир.

## 3-§. Давлат ва бевосита демократия

Демократияни амалга оширишнинг яна бир шакли бевосита ёки **тўғридан-тўғри демократия** ҳисобланади. Демократиянинг бу шакли — халқнинг давлат органларини тузишда, яъни сайловларда ва уни бошқаришда тўғридан-тўғри қатнашишини билдиради. Демократиянинг бу шаклда амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мус-таҳкамлаб қўйилган. *Бевосита демократия* қуйидаги бир неча кўринишларда намоён бўлади.

*Биринчидан*, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим эти-

лади ва халқнинг фикри асосида қарорлар қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасига биноан, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари умумхалқ муҳокамасига тақдим этилади. Республикада энг муҳим қонунларнинг лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига ҳавола этиш анъанага айланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси лойиҳаси икки марта республика ва вилоят рўзномаларида эълон қилиниб, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди ва халқнинг таклифлари, истақлари аниқланди. Конституция лойиҳасининг муҳокамаси барча меҳнат жамоалари, корхоналар, ўқув юртлари, илмий институтлар, идоралар ва вазирликлар, туманлар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилишлари, матбуот, телевидение ва радио, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотларда бўлиб ўтди. Конституция комиссияси умумхалқ муҳокамаси натижаларини умумлаштириб, Конституция лойиҳасига ўзгартириш, қўшимча ва аниқликлар киритди. Бундай тажрибалар фақат Конституция қабул қилишда эмас, балки барча муҳим қонунларни қабул қилишда, Республика Олий Мажлисининг қонун ижодкорлик фаолиятида кенг қўлланилади.

Бевосита демократия намоён бўлишининг *иккинчи* кўриниши халқнинг референдум орқали ўз иродасини ифода этишидир. Референдум давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича, жумладан, қонунларни ва бошқа қарорларни қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Ўзбекистон Республикасида бир неча бор референдум ўтказилган. Масалан, 1991 йилнинг

30 декабрида ўтказилган референдумда Ўзбекистон халқи давлат мустақиллиги эълон қилинганлигини яқдидлик билан қўллаб-қувватлади.

Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Референдумни ўтказиш, унга қўйиладиган масалалар, референдум ўтказиш тартиби, унинг қарорини эълон қилиш ва кучга кiritиш масалалари 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонунда мустақамланган.

*Учинчидан*, депутатларнинг ўз сайловчилари олдида ҳисобот беришлари ва учрашувлари — бевосита демократиянинг яна бир шаклидир. Бунда халқ ўз депутатларининг қандай ишлаётганликларидан хабардор бўлади ҳамда депутатларга ўз талаб ва истакларини билдиради.

Бевосита демократияни амалга оширишнинг *тўртинчи* кўриниши — халқнинг муайян бирлашмалари (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа нодавлат ташкилотлар) орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда қатнашишидир. Масалан, сиёсий партияларнинг парламент сайловларида ўз номзодларини кўрсатиши ва сайлаши, парламент ишида партия фракцияларининг иштирок этиб, қонун чиқаришда ўз сиёсатларини ўтказишга ҳаракат қилишлари шулар жумласидандир.

#### **4-§. Шахс**

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани давлат ва шахсининг муносабатларини ўрганadi. Давлат ҳуқуқ нормалари чиқариш орқали мамлакатда истиқо-

мат қилувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб беради. Чунки давлатда мавжуд бўлган ва ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар шахсларнинг ҳаракатидан таркиб топади. Бунда давлат ва ҳуқуқ назарияси, инсонни, унинг манфаатлари ва талабларини муайян гуруҳ, синф вакили, жамият ва давлат аъзоси сифатида ўрганади. Инсон — табиий куч ва ижтимоий мавжудот, лекин у меҳнат қилиш, ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлганлиги билан бошқа мавжудотлардан ажралиб туради. Инсоннинг кучи шундаки, у ижтимоий куч, жамонинг, фуқаролик жамиятининг ажралмас бўлагидир. Жамиятда инсоннинг онги шаклланади, тафаккури ривожланади, тили бойийди, тажрибаси ортади, моддий ва маънавий бойликлар яратади. Жамият туфайли инсон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этади, ўзининг жамият ҳаётидаги ўрнини англайди. Фан ва техниканинг ҳамма ютуқлари — инсоннинг ақлий салоҳияти ва ижоди натижасидир. Инсон жамиятда бошқалардан ажралган ҳолда эмас, балки одамлар билан доимо алоқада бўлади, унинг фаолияти турли хил омиллар билан ифодаланади.

Инсон ҳақида ёзиладиган медицина адабиётларида шахс ибораси ишлатилмайди. Унда «одам» ва «индивид» иборалари синонимлар сифатида ишлатилади. «Шахс» ибораси биологик, табиий зот маъносида эмас, балки ижтимоий борлик субъекти маъносида ишлатилади. Ижтимоий муносабатлар тизимида муайян ўринга эга инсон ҳуқуқий адабиётларда **шахс** деб юритилади. Шахснинг давлат билан муносабати масаласи муҳим бўлиб, шахснинг ҳуқуқий мақоми тушунчасида ўз аксини топади.

Шахсни ҳар томонлама равнақ топтириш — дас-турий вазифа. Инсон ва жамият, шахс ва жамоа ўзаро алоқадор. Шахс жамоанинг бир бўлаги. Шахс-нинг ҳам, жамоанинг ҳам ўз манфаатлари бор. Шахсий манфаатлар билан жамоа манфаатлари-нинг нисбати алоҳида муҳим назарий масаладир.

## 5-§. Фуқаро

Шахс сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан *фуқаро* деб аталади. Фуқаро — муайян давлатда яшовчи, му-айян ҳуқуқий мақомга, ҳуқуқ, эркинлик, маж-буриятларга эга, давлат ва ҳуқуққа муайян муно-сабатда бўлувчи кишидир. Фуқаро муайян давлат фуқаролигига эга бўлган шахсдир.

Сиёсий жиҳатдан озод, эркин инсон, яъни фу-қаро, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар эгаси бўлмиш инсон идеали биринчи марта француз инқилоби даврида (1789 йил), «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси»да эълон қилинди. Бу Декларацияда Жан Жак Руссо ва бошқа Европа маърифатпарварларининг инсоннинг табиий ҳуқуқлари тўғрисидаги ғоялари, яъни «Инсонлар ҳуқуқий жиҳатдан эркин ва тенг бўлиб туғилди-лар ва шундайлигича қоладилар» деган ғоялари ўз аксини топган.

Фуқаро тушунчаси қадимий даврда ва ўрта аср-ларда кенг ишлатилмаган. Ишлатилган тақдирда ҳам бошқача маънода қўлланилган. Ўрта асрлар-да давлат ва сиёсий ҳокимият бир-бири билан чирмашиб кетганлиги сабабли, инсон тушунча-сидан фарқ қилувчи фуқаро тушунчаси бўлма-ган.

Янги даврда сиёсий ҳокимият фуқаролик жа-миятидан ажралиб чиқди ва унинг оқибатида

сиёсий инсон, яъни фуқаро табиий инсондан ажратилди. Сиёсий соҳада инсон фуқаро бўлиб қолди. Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари бири-биридан ажратиладиган бўлди.

Фуқаро тушунчаси шахснинг давлат билан фаол муносабатларини акс эттиради. Ҳар бир шахс бир вақтнинг ўзида турли мақомда намоён бўлиши мумкин. Шахсга оддий биологик маънодаги жамият аъзоси, давлат фуқароси ва аъзоси, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг қатнашчиси сифатида ёндашиш мумкин.

Фуқаро тушунчаси «инсон» сўзининг чинакам ижтимоий маъносини акс эттиради. Фуқаро жамият кишиси сифатида ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг фаол қатнашчиси, ҳуқуқ ва эркинликлар эгаси, тегишли бурч ва мажбуриятларни бажарувчидир.

Фуқаро ибораси инсоннинг муайян давлатга тааллуқлилиги маъносида ишлатилади. Шунинг учун у ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, давлат томонидан белгиланган бурчларни бажаради, ҳуқуқий муносабатлар субъекти ва маълум ҳуқуқий мақом эгаси бўлади.

## **6-§. Шахснинг ҳуқуқлари ва бурчлари**

Шахснинг ҳуқуқий аҳволи тушунчасига шахс эркинлиги киради. Шахс эркинлиги деганда инсонга ривожланиш ва камолотга эришиш имконини берадиган, муайян ижтимоий имкониятлар йиғиндиси бўлган ҳолат тушунилади.

Инсон ҳар доим жамиятда эркин бўлишга интилади. Инсон фикр қилиш қобилиятига эга. Бу инсонга хос хусусият. У ўз ҳаётини куриш ва қайти куриш учун муайян жамиятда яшаши, ўз йўлини

онгли равишда танлаб олиши, ташқи шароитга таъсир кўрсатишга интилиши мумкин.

Хурликка ва мустақилликка, бахт ва озодликка онгли равишда интилиш инсоний хусусиятдир. Агар инсон шундай имкониятларга эга бўладиган жамият қурилган бўлса, шахс эркин бўлади. Шахс эркинлиги таркиб топган иқтисодий-ижтимоий муносабатларга асосланади ва давлат-ҳуқуқ институтларида ўз ифодасини топади.

Инсон жамиятда, бир томондан, ишлаб чиқариш жараёнининг яратувчиси, иккинчи томондан жамоат бойлигини тақсимлаш иштирокчиси. Инсон жамоа, жамият доирасида ўз камолоти учун кенг имкониятларга эга бўлади. Фақат демократик жамиятдагина барча фуқаролар жамоат ва давлат ишларини бошқариш имконига эга бўладилар. Шахс эркинлиги қонун ва давлат томонидан кафолатланади.

Шахс эркинлиги деганда, кўнгилга келган ҳамма нарсани қилиш мумкин деган анархистик анъанани тушуниш керак эмас. Шахс эркинлиги жамият манфаатлари билан уйғунлашган бўлади, у жамиятнинг зиёнини кўзламайди. Масалан, инсон сўз, матбуот, йиғилишлар ва шу сингари бошқа эркинликларга эга. Бу эркинликлар шахс ва жамиятнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши лозим.

Шахс ва жамият эркинлиги даражаси унинг ҳуқуқий мавқеи давлат қонуни билан мустаҳкамланган ҳуқуқ ва бурчларининг мавжудлиги билан белгиланади. Шахснинг муайян ҳуқуқ ва бурчлари давлат томонидан белгиланади. Шахснинг субъектив ҳуқуқи объектив ҳуқуқдан, давлатнинг мавжуд ҳуқуқий тизимидан келиб чиқади.



Демократик давлатда инсон ҳуқуқ, эркинлик-лари ва бурчларининг ҳажмига унинг мулкӣ мавқеи, ижтимоӣ келиб чиқиши, миллий ва диний мансублиги, жинси ва сиёсий эътиқоди ҳам таъсир этмайди.

Демократик давлатда фуқароларнинг ҳуқуқӣ тенглиги ҳаммани бир хилда тенглаштириш деган гап эмас. Чунки одамларнинг қобилиятлари ва имкониятлари ҳар хил бўлади. Фуқаронинг ҳуқуқӣ мақомидан ҳуқуқӣ муносабатлар қатнашчиси сифатидаги ҳуқуқӣ мавқеини ажратиш лозим.

Ҳуқуқ ва бурч тушунчалари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади. Чунки бир кишининг ҳуқуқи бошқа кишининг бурчига тўғри келади ва унинг акси бўлиши мумкин. Шахс фақат ҳуқуққа эга бўлиб, бошқалар эса фақат бурчга эга бўлиши мумкин эмас.

Шахс ҳуқуқининг мазмуни (субъектив маънодаги ҳуқуқ) ҳозирдаги эмас, балки бўлиши мумкин бўлган ҳаракатдир. Акс ҳолда ҳуқуқ бурч бўлиб қолган бўлар эди. Ҳуқуққа эга бўлиш — уни албатта, доим узлуксиз амалга ошириш деган гап эмас. Бурч тўғрисида ҳам худди шуни айтиш мумкин. Шахснинг бурчи давлат томонидан маълум бир вазиятда ва вақтда тан олинадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир.

Шахснинг ҳуқуқлари — давлат томонидан рухсат этилган нарсалар. Шахснинг бурчлари — у бажариши зарур деб топилган нарсалар. Шунинг учун шахсга ҳуқуқӣ нормалар йўли билан берилган ҳуқуқ унинг индивидуал иродаси эмас, балки давлат иродасидир. Бироқ давлат иродаси шахс иродасини ҳам ўз ичига олади.

Ўз ҳуқуқини танлашда (масалан, ўқишга ёки ишга кириш, машина сотиб олиш ёки уй-жойини

сотиш) шахс мустақилдир. Ҳуқуқни амалга ошириш жараёнида шахс ҳуқуқ нормалари белгиламаган доирада эркин ҳаракат қила олади. Ҳуқуқ ва бурчларнинг шахс эркинлигини ривожлантиришдаги қиммати бу ҳуқуқ ва бурчларни таъминлашнинг кафолатланганлиги билан белгиланади.

Қадимги жамиятда ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлган қулдорларгина шахс ҳисобланган. Қул «гапирувчи қурол», олиб сотиш, ёки гаровга қўйиш мумкин бўлган буюм ҳисобланган. Платон қулларни ҳайвонлар жинси деб атаган.

Ўрта асрларда крепостной деҳқонни ярим одам деб ҳисоблаганлар. Масалан, Россия дворянлари крепостнойларни разил табақа, ўзларини эса олийжаноб табақа деб билганлар ва ўзларини қулларга қарши қўйишган.

## **7-§. Шахс ва давлатнинг ўзаро муносабатлари**

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг асосий муаммоларидан бири шахс ва давлат муносабатлари масаласидир. Бу муносабатлар ҳуқуқ ёрдамида йўлга қўйилади. Бу ерда давлатнинг жамиятда шахс ҳолати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб беришдаги роли тўғрисида гап бормоқда.

Инсон — ижтимоий мавжудот. У муайян ижтимоий муҳитда яшайди, оила ва меҳнат жамоасининг аъзоси, маълум ижтимоий гуруҳ, миллатнинг вакилидир. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши шахс ҳолатининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Эркинлик шахснинг табиий хусусиятидир. Жамият қанчалик демократик ва ривожланган бўлса, шахснинг эркинлиги шунчалик кенг бўлади.

Демократик жамиятда шахс эркинлигини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратилди ва жамоа ҳамда шахс манфаатлари ўртасида муайян мувозанат шаклланади. Бунда жамият ривожланишининг объектив талаби жамоа манфаати, жумладан, ҳар бир шахснинг манфаати сифатида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида кўрсатилганидек, «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар».

Шахс жамият ва давлат билан муайян муносабатда бўлади. Айрим адабиётларда шахс билан фуқаро бир хил тушунчалар сифатида қаралади. Бу нотўғри фикр. Шахс деганда, маълум давлат ҳудудида яшайдиган барча кишилар, яъни фуқаролар, доимий ёки вақтинчалик яшовчи ажнабий фуқаролар ёки фуқаролиги йўқ кишилар англанади. Фуқаро деганда, ушбу давлатга тегишли, у билан барқарор, доимий ҳуқуқий-сиёсий алоқада бўлган, маълум ҳуқуқ ва бурчларга эга шахслар тушунилади. Демак, шахс тушунчаси фуқаро тушунчасига нисбатан кенг. Шахс жамиятга нисбатан шу жамиятнинг аъзоси сифатида, давлатга эса унинг фуқароси ёки ажнабий давлатнинг фуқароси сифатида муносабатда бўлади. Шахснинг жамиятдаги ва давлатдаги мақоми шу жамиятда у билан жамият ёки у билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳолатидан келиб чиқади.

Ўзбекистонда шахс билан жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосида барча мулк шаклларининг тенглиги ётади. Давлат уларни бир хилда ҳимоя қилади. Бу эса кишиларга ҳақиқий эркинлик, ўз кучини эркин синаб кўриш, ўз

имкониятлари ва қобилиятидан фойдаланиш учун зарур шароитлар яратади.

Шахснинг эркинлиги дегани, алоҳида шахснинг хоҳлаган нарсасини қилавериши, қонун ва қоидаларни писанд қилмаслиги, ўзбошимчилиги эмас. Ҳар бир шахс муайян давлатда яшар экан, унинг Конституцияси ва қонунларига риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилишга мажбурдир.

## **8-§. Шахснинг ҳуқуқий мақоми**

*Жамият ва давлатнинг шахслар билан бўладиган, ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ўзаро муносабатлари шахснинг ҳуқуқий мақоми деб аталади.* Шахснинг ҳуқуқий мақоми унинг жамиятдаги ҳуқуқ, эркинликлари ва бурчларини белгилайдиган бутун ижтимоий нормалар (масалан, урф-одат, одоб, анъаналар, жамоат бирлашмалари нормалари ва ҳуқуқий нормалар) билан белгиланади.

Ўзбекистонда шахс билан давлат ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар Конституция, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий нормалар билан белгиланади. Бундай муносабатлар инсон ҳаётининг асосий томонларини ўз ичига олади ва ҳуқуқнинг барча тармоқлари томонидан тартибга солинади. Шунинг учун ҳам шахснинг ҳуқуқий мақоми битта ҳуқуқ тармоғи эмас, балки бутун ҳуқуқий тизим билан ўрганилади. Жамият ва давлатнинг шахс билан муносабатлари, авваламбор Конституция нормаларида ўз аксини топади.

*Шахснинг ҳуқуқий мақоми — инсоннинг ҳуқуқ нормалари билан белгиланган ҳолати, унинг жами-*

*ятдаги ва давлатдаги ўрnidир.* Бу нормалар давлатда яшовчи шахснинг жамият ва давлат билан муносабатини, уларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди.

Ҳар қандай давлатда шахс марказий ўринни эгаллайди. Шахсда фуқаролик, ҳуқуқ субъекти, ҳуқуқий муносабатлар субъекти, ҳуқуқ ва бурчлар, эркинлик ва масъулият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий лаёқат, ҳуқуқий мақом субъекти фазилатлари намоён бўлади. Ҳуқуқий нормалар шахсга қаратилгандир. Қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботнинг аҳволи, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти даражаси шахс мавқеи билан белгиланади. Шахс суд ҳимояси ва давлатнинг бошқа ҳуқуқий муҳофазасининг объекти ҳисобланади. Барча давлат ва ҳуқуқ институтларининг пировард мақсади шахсни ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Сиёсий ва ҳуқуқий тизимнинг қиммати маълум даражада унда шахсга қандай ўрин эгаллаши, унинг қонуний манфаатлари, ҳаёти, ор-номуси, кадр-қиммати, хавфсизлиги, қандай муҳофаза қилиниши, у қандай ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги ва бу ҳуқуқларнинг кафолатлари нималардан иборат эканлиги билан белгиланади. Сиёсий ва ҳуқуқий тизим шахснинг ўз имкониятларини намоён қилиши, ўзининг ижтимоий ва ахлоқий имкониятларини, ақлий салоҳиятини рўёбга чиқаришга қодир эканлиги ва амалда бунга имкон бериши билан белгиланади.

Шахс давлат билан асосан ҳуқуқ, қонунлар, бошқа норматив ҳужжатлар орқали ўзаро алоқада бўлади. Улар шахснинг юридик аҳволини, ҳуқуқ ва эркинликларини, бурч ва масъулиятини белгилаб беради. Шахс давлат ва ҳуқуқ учун эмас, балки давлат ва ҳуқуқ шахс учун яратилади.

Ҳозирги вақтда, бир томондан шахснинг ҳаёти ва фаолиятини ҳуқуқий нормаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчи томондан, ҳуқуқ ўзига қаратилган аниқ субъектларнинг хулқ-атворидан ташқарида ҳеч қандай маънога эга бўлмайди.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси учун шахс категорияси муҳим аҳамиятга эга. Чунки у мана шу фаннинг моҳиятини ташкил этади. «Шахс» муаммоси азалийдир. Инсон ўлчови ва инсоний мезон барча ҳуқуқшунослик фанлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида шахс муаммоси ўзига хос ва янги маъно касб этади. ХХI аср бўсағасида ҳуқуқшуносликнинг «абадий» муаммолардан бўлган «давлат ва шахс» масаласини давр нуқтаи назаридан янги талқин этмоқ зарур.

Давлат билан шахснинг хилма-хил алоқалари ҳуқуқий мақом тушунчаси орқали таърифланади. Бу тушунчада шахс ҳуқуқий жиҳатдан мавжудлигининг барча асосий томонлари, унинг манфаатлари, эҳтиёжлари, давлат билан ўзаро муносабатлари, меҳнат ва ижтимоий фаолияти, ижтимоий талаблари ва уларнинг қондирилиши акс эттирилади.

*Шахснинг ҳуқуқий мақоми — шахснинг муайян жамиятда юридик жиҳатдан мустаҳкамланган аҳволидир.* Ҳуқуқий мақом асосида инсоннинг ижтимоий муносабатлар тизимида тутган ҳақиқий ижтимоий мақоми ётади. Давлат бу аҳволни ҳуқуқ нормалари билан фақат мустаҳкамлайди, уни қонун даражасига кўтаради. Давлат пайдо бўлмасдан олдинги ибтидоий жамиятда ҳам муайян ижтимоий мақом мавжуд бўлган, лекин у ҳуқуқий аҳамият касб этмаган.

Шахснинг ҳақиқий ҳолатини юридик жиҳатдан расмийлаштириш турли йўллар ва усуллар билан, ўзига хос воситалар ёрдамида амалга оширилади. Инсон жамиятда ҳуқуқнинг субъекти деб эътироф этилади ва алоҳида сифатга, яъни ҳуқуқий салоҳиятга эга бўлади. Шундан кейин инсон тегишли ҳуқуқий муносабатларга киришмоғи мумкин бўлади.

Кишилиқ жамияти тарихининг турли босқичларида барча кишилар ҳам ҳуқуқ субъектлари деб эътироф этилмаган (масалан, қуллар) ёки фақат қисман эътироф этилган (крепостной деҳқонлар). Ҳозирги замоннинг тараққий этган давлатларида барча фуқаролар ҳуқуқнинг тўлақонли субъектлари ҳисобланадилар. Бу ҳол инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро андазалардан келиб чиқади. Ҳуқуқий мақом давлат ҳокимияти ихтиёридаги барча ҳуқуқий воситалар ёрдамида яратилади. У ҳуқуқий тизимнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

Фикримизча, айрим муаллифларнинг фуқаронинг ҳуқуқий мақоми билан ҳуқуқий мавқеи тушунчаларини бир-биридан фарқлаш ҳақидаги таклифлари асоссиздир. Бунга бирон бир назарий ёки амалий зарурат йўқ. Бу тушунчалар ўзаро яқин бўлиб, уларни фарқлашга уриниш сунъийдир. Мақом — кимнингдир ёки ниманингдир мавқеи, ҳолатидир. Этимологик жиҳатдан ва моҳият эътибори билан улар бир-бирига мос келади. Шахснинг ҳуқуқий мақоми (мавқеи)нинг ўзагини унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари ва қонуний манфаатлари ташкил этади.

*Биринчидан*, шахс ҳуқуқий мақомининг қонуний асослари яратилмоқда. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро қонунчилик тизими шаклланган. Бу

тизимга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган 70 дан ортиқ халқаро шартномалар, жумладан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 й), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й.). Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й.) ва турли минтақавий халқаро ҳужжатлар киради. Ҳар бир давлат инсон ҳуқуқларига оид ўз қонунларини ушбу халқаро ҳужжатларда ўрнатилган андазаларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилиши керак.

*Иккинчидан*, шахс ва давлат муносабатларининг янги концепцияси яратилмоқда. Бунда шахснинг олий ижтимоий, ахлоқий ва ҳуқуқий қадрият сифатидаги устувор манфаатларига эътибор берилляпти. Мазкур муносабатлар ўрнига фуқаролик жамиятининг принципларига, яъни эркин шериклик ва ҳамкорликка асосланади.

*Учинчидан*, ҳуқуқий мақом, кўпгина бошқа юридик тартиб-қоидалар сингари, мафкуравий ва синфий ақидапарастликдан, шахснинг тоталитар онги ва тафаккуридан тозаланмоқда. Бу мақом мавжуд воқеликни бўямасдан рўйрост акс эттира бошлади.

*Тўртинчидан*, ҳуқуқий мақом ва унинг таркибий элементларининг роли ўртасидаги нисбат ўзгармоқда. Инсон ҳуқуқлари, шахснинг қадрқиммати, инсонпарварлик, эркинлик, демократизм, адолат сингари устувор жиҳатлар биринчи ўринга чиқмоқда.

*Бешинчидан*, коммунистик мафкура таъсиридан холи бўлиш, партиявий-сиёсий якка ҳокимликка барҳам берилиши туфайли шахс ҳуқуқий мақомини тадқиқ қилишнинг янги методологияси қарор топиб, ривожланиб бормоқда.



Шахс ҳуқуқий мақоми муаммосининг амалий аҳамияти шундан иборатки, у бевосита инсон манфаатларига дахлдор бўлиб, айниқса, туб бурилиш ва ислоҳотлар даврида, долзарб аҳамият касб этади. Чунки ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳуқуқий асосда, яъни қонун, фармон, қарорлар асосида бўлмоқда. Ушбу ислоҳотларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлароқ таъминлашдир.

Ўтиш даврида шахснинг иқтисодий аҳволигина эмас, балки *ҳуқуқий мақоми* ҳам ўзгармоқда. Ислоҳотлар қонунлар асосида амалга оширилади. Биринчидан, танлаб олинган истиқлол ва тараққиёт йўлининг муваффақияти ислоҳотларнинг *қандай* амалга оширилишига *боғлиқ*. Иккинчидан, туб демократик ўзгаришлар жараёни субъектларининг ҳуқуқий мақоми қатъийлиги, мазкур субъектларнинг фаоллиги ёки пассивлиги билан ҳам белгиланади.

Ҳуқуқий мақом — кўп қиррали тушунча. У шахс билан жамиятнинг, фуқаро билан давлатнинг, шахс билан жамоанинг ўзаро муносабатларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам инсон ўз мавқеини, ўз ҳуқуқлари ва бурчларини, у ёки бу тузилмада тутган ўрнини тўғри тасаввур қилиши жуда муҳим.

Шундай ҳам бўладики, муайян тузилмалар ва уларнинг раҳбарлари ҳеч қандай ҳуқуқий мақомсиз ҳаракат қиладилар, чунки улар қонунларда кўзда тутилмаган бўлади. Мансабдор шахсларга қонунларда кўзда тутилмаган ваколатлар, вазифаларни ўзбошимчалик билан кенгайтириш ҳуқуқининг бериб қўйилиши йўл қўйиб бўлмай-

диган ҳол. Бундан ташқари, мақом юридик жиҳатдан ноаниқ бўлиши мумкин. Бу эса қонунчиликнинг, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади.

## 9-§. Фуқаролик — давлатнинг муҳим белгиси

Давлат билан фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар муҳим аҳамиятга молик. Инсоннинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини амалга оширишнинг ҳуқуқий шакли ёки асоси фуқаролик ҳисобланади.

Фуқаролик шахснинг муайян давлатга мансублигидир. Давлат фуқаросига нисбатан Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчларни таъминлайди. Ҳар бир давлат ўз фуқароларининг ҳуқуқларини мамлакат доирасида ҳам, чет элларда ҳам муҳофаза қилади. Демак, *фуқаролик шахснинг муайян давлат билан барқарор, доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасидир*. Бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади.

Давлат фуқаросига шу давлат ҳудудида яшаб турувчи ҳамма шахслар ҳам кирадими? Йўқ. Чунки маълум давлат ҳудудида шу давлат фуқаролигидан ташқари чет эл фуқаролари, фуқаролиги йўқ шахслар ҳам яшайди. Давлат чиқарган қонунлар шу давлат ҳудудида яшаб турган барча шахсларга тааллуқлидир.

Фуқаролик — ҳуқуқий ҳолат. Фуқаролик муносабатлари бир томонлама, алоҳида давлат ёки шахснинг хоҳиши билан бекор қилинмайди. Фақат давлатгина шахснинг хоҳиши билан ва унинг таклифига биноан, бундай ҳуқуқий алоқаларни узиши мумкин. Шахснинг фуқаролик ҳолати дав-

лат томонидан алоҳида юридик ҳужжат (паспорт, гувоҳнома) билан белгилаб қўйилади.

Фуқаролик давлатнинг муҳим ва ажралмас белгисидир. У шахснинг давлатга мансублигини, унга дахлдорлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Фуқаролик — шахс билан давлатнинг ўзаро ҳуқуқлари, бурчлари ва жавобгарликларини ифодалайди. Бундай алоқалар инсон ва фуқаролар кадр-қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳурматлашга асосланади. Фуқаро билан давлатнинг ўзаро мажбуриятга эгаллиги принципи Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Бу сиёсий тизим демократлиги ва халқчиллигининг муҳим кўрсаткичидир. Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

«Шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилар экан, бу билан у Конституциямиз ва қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбурдир. Табиийки, Ўзбекистон давлати ҳам фуқароларнинг манфаатлари ва эркинликларини республика ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади»<sup>1</sup>.

Конституция Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатади. Ягона (якка) фуқаролик қўйидагиларни билдиради:

*биринчидан*, давлатнинг ягоналиги, мустаҳкамлиги ва яхлитлигини;

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. — Т., 1993. — 9 -бет.

*иккинчидан*, барча фуқаролар, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролари бир хил сиёсий-ҳуқуқий мақомга эгалиги, қонун олдида тенг ва ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонли субъекти эканлигини;

*учинчидан*, мамлакатнинг бутун ҳудудида Ўзбекистон фуқаролари манфаатларининг давлат томонидан ҳуқуқий муҳофаза қилинишини.

Фуқароларга берилган имтиёз ва афзалликлар қонун ҳужжатлари билан белгиланиб, улар ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. Лекин баъзи давлатларда фуқаролик қачон ва қандай асосларда қабул қилинганлигига қараб, уларнинг ҳуқуқлари ва имтиёзлари ҳар хил белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ҳар қандай вазиятда ҳам қонун ва суд олдида тенгдирлар. Одил судлов давлатнинг алоҳида фаолияти сифатида, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ўта муҳим юридик кафолати ҳисобланади. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмаслиги шарт.

## **16-боб. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ**

- 1-§. *«Фуқаролик жамияти» тушунчаси.*
- 2-§. *Фуқаролик жамиятининг белгилари.*
- 3-§. *Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихида фуқаролик жамияти ва давлатнинг муносабатлари масаласи.*
- 4-§. *Фуқаролик жамияти ва сиёсий жамият.*
- 5-§. *Фуқаролик жамияти ва демократия.*
- 6-§. *Жамият, давлат ва фуқаролик.*
- 7-§. *Фуқаролик жамиятининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий негизлари.*

8-§. Жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамияти.

9-§. Фуқаролик жамиятида оиланинг ўрни .

10-§. Оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти.

11-§. «Хуқуқий давлат» тушунчаси ва унинг белгилари.

## 1-§. Фуқаролик жамияти тушунчаси

Жамият — жуда мураккаб ижтимоий тузилма. Жамият кишиларнинг ўзаро муносабатлари маҳсулидир. Ушбу муносабатлар инсонларнинг энг муҳим ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариши, айирбошлаши ва истеъмол қилиши жараёнида юзага келади. Одам ижтимоий мавжудот. Унинг ҳаётини жамиятдан ташқарида, бошқа одамлар билан кўп томонлама муносабатларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Кишилик жамияти жуда қадим даврлардаёқ пайдо бўлган. Лекин фуқаролик жамияти кишилик жамиятининг маълум бир даврига хос.

Фуқаролар мустақил шахс, жамиятнинг мустақил аъзоси сифатида муайян ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлганда, ўз хатти-ҳаракати учун масъулиятни ҳис қила олгандагина фуқаролик жамияти тўғрисида гап бориши мумкин. Ғарб цивилизациясининг фуқаролик жамият сари ривожланиши маълум ижтимоий ўзгаришлар, инқилоблар орқали амалга оширилди. Бу жараён иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришга ҳам олиб келди.

Фуқаролик жамиятида кишилар бир-бирлари ва давлат билан мустақил равишда муносабатда бўладилар. Бундай жамиятда ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётни таъминлаш, уни ривожлантириш, авлоддан авлодга етказиш давлат билан жамоат бирлашмаларининг, шахс билан жамоанинг муносабатлари маълум даражада муста-

қиллиги орқали амалга оширилади. Фуқаролик жамиятидаги ижтимоий муносабатларда шахс ўзининг шахсий хусусиятларини йўқотмасдан иштирок этади, ҳар бир шахс ўзлигини намоён қилиб, фаолиятининг шакл ва турларини эркин танлайди.

Фуқаролик жамиятида хусусий мулкчилик ғоят катта аҳамиятга эга. Чунки шахс мулкдор сифатида давлат ҳокимиятига нисбатан ўзини мустақил сезади, қонунда кўрсатилган асосларда ўз манфаатларини ҳисобга олиб, хоҳлаган иши билан шуғулланиши, истаган касбни танлаши, ўзи танлаган жойда яшаши мумкин.

Фуқаролик жамиятида давлат инсонни зарур шахсий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳуқуқлар ва эркинликлар билан таъминлайди. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятининг аъзолари «инсон» деб, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари эса «инсон ҳуқуқлари» деб аталади.

Фуқаролик жамияти инсон ҳуқуқларини, давлат эса фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлайди. Бу икки ҳолда ҳам гап шахс ҳуқуқи тўғрисида боради: *биринчисида*, унинг алоҳида инсон сифатида яшаш ҳуқуқи, эркинлиги, бахтли ҳаёт кечириш ҳуқуқи кабилар ҳақида, *иккинчисида* эса, унинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида боради.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга катта аҳамият берилади. Унинг асосий мақсади инсоннинг ҳаётини сақлаш, ҳаётини орзуларини, мақсадларини, шу жамиятдаги ташкилотлар ижтимоий институтлар, гуруҳлар, оила ва бошқа бирдашмалар орқали амалга оширишдир. Бу ташкилотлар, институтлар ва гуруҳлар алоҳида шахсга унинг ҳокимият манбаи эканлигини, лаёқати ва ҳаракати, обрўси юксак қадрият эканлигини ту-

шунгиришга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилотлар ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар.

## 2-§. Фуқаролик жамиятининг белгилари

Фуқаролик жамияти бир қатор ўзига хос белгиларга эга. Улар қуйидагилардан иборат:

1) инсоннинг муқаддаслиги, эркинлиги, қонун олдида тенглиги, ижтимоий адолатнинг тўлиқ қарор топиб бориши;

2) кўппартиявийлик, сиёсий ҳаёт, сиёсий институтларнинг, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги;

3) жамоат бирлашмаларининг аҳамияти ва фаоллиги ошиб бориши;

4) ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи баландлиги;

5) жамиятни бошқаришда оммавий ахборот воситалари ролининг катталиги;

6) маънавий ҳаётнинг умуминсоний қадриятлар асосида амалга оширилиши.

*Фуқаролик жамияти — тенг ҳуқуқли инсонларнинг жамияти, якка шахслар ёки жамоалар манфаатларини амалга оширишга кўмаклашадиган жамоат институтларининг тизимидир.*

Фуқаролик жамияти жамоат бирлашмаларининг йиғиндисигина эмас, балки улар фаолиятининг натижасида пайдо бўладиган муносабатлар тизими ҳамдир. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини миллий ва диний анъаналарсиз, урф-одатларсиз, одоб-ахлоқ нормаларисиз ва миллий қадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу жамият иқтисодий, касбий, маданий, диний ва бош-

қа манфаатларни шакллантиришга, уларни амалга оширишга қаратилган ижтимоий алоқалар тизимини ҳам қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсонни энг катта бойлик сифатида алоҳида кўрсатгани ҳолда фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона ҳал этилишини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиради. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги, уларнинг инсон манфаатларини ҳимоя қилишга ва ижтимоий муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилларидир. Фуқаролик жамиятида қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўзини ўзи камол топтиришига ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бу барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт эканлигини ҳам билдиради.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш учун конституциявий асослар мавжуд. Фуқаролик жамиятида инсонларнинг ҳуқуқларини тўла амалга ошириш учун имкониятлар яратиш, сиёсий партиялар, жамғармалар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг жамиятни бошқаришда фаол иштирок этишига эришиш, оммавий ахборот воситаларининг, оиланинг жамиятдаги ролини ошириш, умуминсоний қадриятлар ва демократик принципларни ўрнатиш, улардан унумли фойдаланиш зарур.

Фуқаролик жамиятида давлат ва ҳукуматнинг алоҳида ўз функциялари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг эса алоҳида ўз функциялари бўлади. Улар бир-бирларини тўлдириб, ривожланган



демократик жамиятнинг яшовчанлигини кўрсатади. Фуқаролик жамияти инсонлардаги ўз ўзини англаш ва масъулият ҳиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради. Бу жамият шаклланган мамлакатлар фуқаролари сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий маданияти даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг тамал тошлари қўйилди, бундай жамиятни барпо этишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Қисқа давр ичида ижроия, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари бир-биридан ажратилди. Конституциянинг 58-моддасига асосан, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслиги эътироф этилди. Халқнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқлари юзасидан бир неча қонунлар қабул қилинди. Ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда фаолият кўрсатаётган нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари тизими шаклланди. Давлат мулкани хусусийлаштириш кенг тус олмақда. Бошқарувда давлатнинг ўрни камайиб нодавлат бирлашмаларининг иштироки ортиб бормоқда. Ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлари, мафкура ва конституциявий асослари амалий ҳаётда ўз аксини топиб бормоқда.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш омилларидан бири демократик мамлакатларга хос бўлган кўппартиявийлик тизимини қарор топтиришдир. Фақат кўппартиявийликка асосланган ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимигина фуқаролик жамияти қуриш учун шарт-шароитлар яратади.

Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири — кўппартиялилик билан бир қаторда ўз аъзоларининг ихтиёрийлиги ва юксак сиёсий маданиятига таянган гуруҳларнинг мавжудлиги, уларнинг жамият ва давлатнинг барча институтлари билан ўзаро тенг ҳуқуқлилик асосида фаол муносабатда бўлишидир.

Фуқаролик жамияти — *биринчидан*, жамият ҳаёти фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошлангич нодавлат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирликдир; *иккинчидан*, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир; *учинчидан*, эркин шахслар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазйиқлари, аралашилари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамиятидир. Унда шахслар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгиси унинг уч асосий — *иқтисодий*, *ижтимоий* ҳамда *маънавий* заминга асосланганлигидир. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий заминлари қуйидагилардан иборат.

- 1) тижорат ташкилотлари;
- 2) кооператив ширкатлар;
- 3) ижара жамоалари;
- 4) акциядорлик жамиятлари;
- 5) уюшмалар ва жамгармалар;
- 6) корпорацияларнинг мавжудлиги.

Фуқаролик жамиятининг ижтимоий заминлари қуйидагиларни ўз ичига олади;

- 1) оила;
- 2) сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва оммавий ҳаракатлар;
- 3) ўзини ўзи бошқариш органлари;
- 4) нодавлат оммавий ахборот воситалари;
- 5) жамоатчилик фикрини аниқлаш, шакллантириш ва ифода этишнинг маданийлашган тартиблари;

6) ижтимоий ихтилофларни куч ишлатмасдан, тазйиқсиз, қонунлар доирасида ҳал қилиш амалиётининг мавжудлиги.

Қуйидагилар фуқаролик жамиятининг маънавий заминлари ҳисобланади:

- 1) сўз, виждон ва фикр эркинлиги;
- 2) ўз фикрини очиқ билдира олишнинг реал имкониятлари;
- 3) ижодий, илмий ва бошқа уюшмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатлардан таъминланганлиги<sup>1</sup>.

### **3-§. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихида фуқаролик жамияти ва давлатнинг муносабатлари масаласи**

«Фуқаролик жамияти» тушунчасининг илдизлари Арасту ва Цицерон сингари қадимий мутафаккирларнинг изланишларига бориб тақалади. Улар «фуқаролик жамияти» тушунчасини «сиёсий жамият»нинг муқобили сифатида ҳам ишлатишган. Зеро, қадим юнон ўлкасида оила, этикод, маърифат, маданият, санъат, умуман, ҳаётнинг барча соҳалари сиёсатлаштирилган эди. Бу-

<sup>1</sup> Қаранг Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти. — Т., 1988. — 12, 14-бетлар.

нинг устига, алоҳида олинган шахс ўзини жамиятдан айрим ҳолда ҳис қила олмасди.

Бундай нуқтаи назар жуда узоқ вақт яшаб келган. Ҳатто, XVII аср француз монархияси тизимида ҳам, жамият фақат давлат тимсолидагина намоен бўлган. Аммо шу даврда Гораций ва Жюрье каби мутафаккирларнинг асарларида бу қоидадан чекиниш ҳолатлари учраган. Шу билан бирга шахс эркинлиги ғоясини кенг тарғиб қилган Ж. Локк, Ж. Ж. Руссо, И. Кант каби мутафаккирлар ҳам «фуқаролик жамияти» деганда аввало «давлат» ни тушунишга мойил бўлганлар. Аммо бора-бора фуқаролик жамияти билан давлат институтлари ўртасидаги фарқ яққол намоён бўла бошлаган. Т. Гоббс, Ш. Л. Монтескьёларнинг индивидуализм концепцияси кун тартибига жамият фуқароси бўлган шахс эркинлиги масаласини қўйган.

Сўнгра Ф. фон Гумбольдт, Т. Спенс, Х. Хожскин, Ж. Э. Сизэйес, Т. Пейнлар («Инсон ҳуқуқлари» памфлетининг муаллифи) «инқилобий» тарзда фуқаролик жамиятини давлатга қарши қўйиш, иккаласини антагонистик кучлар сифатида талқин этиш ғояларини ёқлаб чиққанлар. Улар фуқаролик жамияти қанчалик камолга етса, у шунчалик даражада давлатга эҳтиёжманд бўлмайди, давлат жамиятнинг ишига қанчалик кам аралашса, шунчалик соз, деган қоида илгари сурганлар. Улар бошқарувнинг энг юқори кўриниши, тенг ҳуқуқли ва эркин шахсларнинг розилиги ила тузилади, деб ҳисоблаганлар.

Европада фуқаролик жамияти тўғрисидаги илк ғоялар XVII аср ўрталарида Т. Гоббснинг «Табиий ва сиёсий қонунлар унсурлари», «Фуқаро ҳақида», шунингдек, давлат ва ҳокимият ҳақидаги

бошқа асарларида («Левиафан») ўз ифодасини топган. Шу даврдан бошлаб фуқаролик жамияти долзарб ижтимоий-сиёсий тушунча сифатида такомиллашиб борган.

Жамият билан давлат ўртасидаги фуқаролик муносабатлари ва сиёсий муносабатларни уйғунлаштириш мақсади кун тартибига ҳуқуқий давлат қуриш муаммоларини қўйди. Ҳуқуқий давлатни барпо этмай туриб, фуқаролик жамиятини тасаввур қилиб ҳам бўлмайди.

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги янги қарашларнинг дастлабки муаммоларидан бири — уни табиий асослашдан ижтимоий-сиёсий асослаб беришга ўтиш бўлди. Бу даврда инсоннинг келиб чиқиши тўғрисида икки хил (табиий ва ижтимоий келиб чиқиш) қарашлар пайдо бўлган эди. Унга биноан, жамият, давлат ва унинг сиёсати табиийлик касб этиши лозим эди. Жамиятнинг ана шундай табиий бошланишини цивилизацияга эришганлик деб баҳолаш расм бўлди. Натижада *civilitas* (цивитас) — шаҳар, тушунчасидан *civilitas* (цивилитас) — бошқарув, фуқаролик, давлат, сиёсат, фуқаролик жамияти (қадимги Римдагидек) тушунчасига ўтиш бошланган.<sup>1</sup>

Гегель фуқаролик жамияти ва давлат муносабатларига катта эътибор берган. Фуқаролик жамияти, — деб таъриф беради. Гегель, — фаолияти қонун билан бошқариладиган шахслар, синфлар, гуруҳлар ва бошқа институтларнинг мажмуаси бўлиб, бу мажмуа тўғридан-тўғри сиёсий давлат бошқарувига боғлиқ эмас. «Фуқаролик жамияти»нинг табиати шундайки, унда ҳар бир

---

<sup>1</sup> Қаранг: Қирғизбаев М. Фуқаролик жамияти, 1998, 6—16-бетлар.

алоҳида инсоннинг ҳуқуқи давлатнинг шахсий ҳуқуқига айланишга улгурган бўлиб, унда давлат «ўзининг зиммасига менинг ҳуқуқларимни худди ўзининг ҳуқуқларидек ҳимоя қилиш ва қарор топтириш мажбуриятини олади».

Гегель биринчилардан бўлиб «давлат» ва «фуқаролик жамияти» ўртасида фарқлар ва ўзаро боғлиқликлар мавжудлигини таъкидлаб, фуқаролик жамиятини инсон ўз меҳнатининг роҳатини топадиган жой, деб қараган. Шунингдек, Гегель давлат инсонга бундай жамият қуриш имкониятини очиб беради, деган фикрни илгари сурган.

#### **4-§. Фуқаролик жамияти ва сиёсий жамият**

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб «фуқаролик жамияти» тушунчаси кенг тарқалди. Бугунги кунда ҳам бу тушунча кўплаб мунозараларга мавзу бўлмоқда. Баъзилар бу тушунчани «фуқаролик жамияти» ва «сиёсий жамият» ўртасидаги фарқни кўрсатиш учун қўлласалар, бошқалар кенг маънода «фуқаролик жамияти»ни давлатга қарама-қарши ҳодиса сифатида талқин қиладилар.

Ҳозирги даврда «сиёсий жамият» ва «фуқаролик жамияти» тушунчалари этимологик жиҳатдан синоним бўлган тушунчалардек кўринади.

Фуқаролик жамияти жамиятнинг энг юқори шакли ҳисобланиб, у ўз ичига турли «уюшмалар»нинг таркибий қисмларини (оила, корпорация кабилар) қамраб олади. Улар ўз моҳиятига кўра, жамиятдаги адолатлилик принципига асосланган ҳамжамият бўлишини ифода этади. Бу жамиятда ҳар бир киши ўзи учун олий фаровонлик топиши мумкин.

Фуқаролик жамияти шундай жамиятки, унда аҳолининг бирон-бир гуруҳи бошқа бир гуруҳни ўзига бўйсундира олмайди, шунингдек, эркаклар билан аёлларни бир-бири билан боғлаб турувчи кўплаб ижтимоий, фуқаровий, диний, иқтисодий, маданий алоқа ва муносабатлар янада ривожланади. Бу гоё 90 йилларда авж олган демократиялаштириш жараёни натижасида алоҳида мазмун касб эта бошлади ва у тоталитар давлатларга қарама-қарши бўлган ижтимоий андаза сифатида талқин қилина бошланди.

Фуқаролик жамияти шахс учун кенг имкониятлар яратиб, унда ҳар бир шахс бошқалар билан бирлашиши ёки бошқалар билан ҳамкорликда фаолият кўрсата олиши мумкин. Фуқаролик жамияти шу тарзда инсон улуғворлигини юксакликка кўтаради.

## **5-§. Фуқаролик жамияти ва демократия**

Фуқаролик жамияти билан демократия ўзаро алоқадор. Фақат демократик давлатгина демократик фуқаролик жамиятини тузишга қодир. Умуман шундай фаолият учун зарур бўлган имкониятларни тенг ва текис тақсимлаш демократик давлат томонидан амалга оширилиши зарур.

Фуқаролик жамияти демократиялаштиришнинг муҳим шартидир. Демократиялаштиришнинг ҳал қилувчи омиллари «фуқаровийлик маданияти», ўзаро ишонч ва бирдамликнинг мавжудлиги ёки йўқлиги ҳисобланади. Бу омиллар жамиятни мустаҳкамлайди. Қайси ерда тўлақонли ижтимоий ҳаёт бўлса, ўша ерда улар қўллаб-қувватланади. Шунингдек, демократик ислоҳотлар бой фуқаровийлик анъаналари сақланиб қолган ҳудудларда кўпроқ муваффақият қозонади.

## 6-§. Жамият, давлат ва фуқаролик жамияти

Давлат ва жамият айнан бир хил тушунчалар эмас. Бинобарин, кишилик жамиятнинг маълум босқичида давлат жамиятдан ажралиб чиққан. Ифодали айтганда, жамият давлатнинг онаси, давлат эса унинг фарзанди, яъни ижтимоий тараққиёт маҳсулидир. Шунинг учун жамият қандай бўлса, давлат ҳам шундай бўлади. Жамият ўзининг ривожланишида бир босқичдан иккинчи босқичга ўтар экан, давлат ҳам ўзгариб боради. Жамият ва давлат муносабатлари қонуниятларини аниқлаш ҳозирги замон давлатчилигининг муаммоларини тушуниш, сиёсий ва ўзига хос давлатчилик шакллари истиқболларини илғаб олиш имконини беради.

Жамият — айрим кишиларнинг (индивидларнинг) оддий йиғиндиси эмас. Жамият — мураккаб ижтимоий воқелик бўлиб, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг маҳсули, ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва истеъмол қилишни ташкил этишдан иборат. Жамият инсонларнинг оила, гуруҳ, табақа, синфий муносабатлар, алоқасининг ҳаракатдаги мураккаб тизимидир.

Жамиятга ижтимоий қонуниятлар нуқтаи назаридан ёндашув, яъни ижтимоий муносабатлар мажмуи сифатида қараш, *биринчидан*, унга муайян тарихий ёндашиш (турли ижтимоий босқичларни кўрсатиш ва уларни бир-биридан фарқлаш); *иккинчидан*, ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига (иқтисодий, сиёсий, маънавий) хос хусусиятларни аниқлаш; *учинчидан*, ижтимоий муносабат субъектлари (шахс, оила, миллат, давлат ва бошқалар)ни белгилаб олиш имконини беради.



«Жамият» ва «фуқаролик жамияти» тушунчалари айнан бир хил маънони англатмайди. «Фуқаролик жамияти» тушунчасининг маъноси «жамият» тушунчаси маъносидан торроқ бўлиб, фуқаролик жамияти анча кейин пайдо бўлган. Француз утописти Сен-Симон ўз вақтида «жамиятнинг иккита душмани бор, булар анархия ва деспотизмдир», — деб таъкидлаганди. Фуқаролик жамияти (уни Гегель анча мукаммал таърифлаган) ижтимоий муносабатларнинг шундай етуклик ҳолатидирки, унда бу иккала қарама-қаршилик (анархия ва деспотизм) асосан инкор этилади. Фуқаролик жамиятининг Гегелга хос таҳлили қуйидаги икки асосий принципга асосланган: индивидлар фақат ўз хусусий манфаатларига риоя қиладилар ва улар ўртасида бири иккинчисига тобе бўлган ўзаро ижтимоий алоқа юзага келади. Бошқача айтганда, Гегель фуқаролик жамияти деганда ижтимоий муносабатларнинг иқтисодий тузилмасини тушунганди.

Гегелнинг ҳақлигини «фуқаролик жамияти» сўз бирикмасининг этимологиясидан ҳам англаш мумкин. Масалан, «фуқаролик жамияти (burgerliche Gesellschaft) немис тилида иккита маънога эга — burger» сўзи ҳам фуқаро, ҳам буржуа деган маъноларни англатади. Фуқаролик жамияти хусусий мулкчилик ижтимоий тузилмаси сифатида юзага келар экан, энг аввало, рақобатни ва маъмурий ҳокимият томонидан бошқарилмайдиган жараёнларни бартараф этиб, ўзига йўл очиши лозим бўлган бозор муносабатлари тизимини ифодалайди. Шунинг учун фуқаролик жамияти инсон фаолиятида ижодий асосларни намоён қилиш мумкин бўлган, шахс эркинлиги тўғрисидаги орзулар ҳақиқий воқеликка айланган даврдагина қарор топиши мумкин.

Жамият давлатдан ташқарида, давлат таъсиридан холи равишда юзага келган. Бунинг устига, у кўп жиҳатдан давлатга қарши турган, ўзининг ташкил топиши учун зарур бўлган маконни давлатдан тортиб олган ҳамда ўз ҳаётига аралашув чегараларини белгилашга ҳаракат қилган.

Бироқ классик кўринишда (масалан, тоталитаризмда, яъни яккаҳокимликка асосланган жамиятда ҳар бир нарса давлат томонидан бошқарилади) давлат ҳамма нарсага ва ҳамма жойга ўз таъсирини ўтказди. Шунинг учун ҳам бундай шароитларда фуқаролик жамиятининг қарор топиши давлат томонидан белгилаб берилди, бу эса мазкур жараённинг кечишига салбий таъсир ўтказди.

## **7-§. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий негизлари**

Фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизини хусусий мулк ташкил этади. Агар тоталитар режимда хусусий мулк сақланган бўлса, фуқаролик жамияти ортиқча қийинчиликларсиз ўзини ўнглаб олиши мумкин. Ҳокимият ва мулкчилик бирлигига асосланган «социалистик» тоталитаризмдан фуқаролик жамиятига ўтиш мураккаб жараён. Бу ҳолда хусусий мулк кенг кўламда амалга ошириладиган хусусийлаштириш натижасидагина юзага келиши мумкин. Бу эса давлат ҳокимиятининг чуқур ислоҳот қилинишини тақозо этади. Чунки хусусийлаштириш натижасида мулкнинг маълум қисми давлат тасарруфидан чиқарилади, бу эса давлат мамлакатдаги мол-мулкнинг ягона соҳиби бўлмай қолади, деганидир. Натижада давлат янги мулкдорлик би-

лан ҳисоблашишга, таъсир этишнинг куч ишла-тиш методларидан воз кечиб, бошқа усулларига ўтишга мажбур бўлади. Ҳокимият барча ҳолатларда ва ҳар доим ҳам (айниқса, дастлабки даврларда) бунни амалга ошира олмайди. Шунинг учун ижтимоий жараёнларни назорат қилиш осонлик билан бой бериб қўйилиши мумкин.

Фуқаролик жамияти хусусий мулк асосида юзага келган ва ривожлана бошлаган. Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси (Буюк француз революцияси манифести) хусусий мулкни муқаддас ва дахлсиз деб эълон қилган. Хусусий мулк давлат ҳокимиятига муносабат нуқтаи-назаридан маълум даражада мустақил бўлган фуқаролик жамиятининг шаклланишига олиб келган.

Ҳуқуқий давлат ўз моҳиятига кўра, фуқаролик жамиятининг сиёсий ифодасидир. Бир-биридан ажралмас ҳамда бир-бирига сингиб кетадиган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат жамият яхлитлиги тимсоли бўла олади. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам уларни бир-бирига қарши қўйиш, қолаверса, улардан қайси бири асосий деган саволни қўйиш ўринли эмас.

Бу ўринда «сиёсий», «сиёсат» сўзларининг пайдо бўлиш ҳамда ишлатилиш тарихига назар ташлаш лозим. Мазкур атама антик даврда ҳам қўлланган. Бу атама антик муаллифларнинг асарларида кўплаб учрайди. Жумладан, Аристотель «Поли-тия» деган асарлар тўпламини яратган. Буюк қомусий мутафаккир Ал-Фаробий ўз асарларида «поли-тия» антик атамасини ишлатган. Ал-Фаробий «полития» атамасини давлатнинг сиёсий шакли, ҳокимият характери, одамлар турмуш тарзи ифодаси сифатида қўллаган. У давлатнинг хилма-хил шаклларида умумий хусусиятлар мужассамлиги-

ни таъкидлаган. Унинг эътирофича, кишилар йил фаслларига қандай турлича муносабатда бўлсалар, политиянинг муайян турларига ҳам шундай хилма-хил муносабатда бўладилар, «чунки политиялар ва турмуш тарзлари деярли чексиз бўлган ихтиёрий ва табиий нарсалардан тузилгандир».

Агар фақат давлатчиликнинг ривожини асос қилиб олинса, фуқаролик жамиятининг сиёсий таърифи, тўлиқ бўлмайди. Демократия амалий бўлиши учун фуқаролик жамиятининг плюралиزمини зарур бўлади. Уни кўппартиявийлик, жамоат бирлашмалари, тадбиркорлик уюшмалари, мустақил жамоаларнинг кенг тармоғи, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг турли идоралари кабилар таъминлайди. Фуқаролик жамияти сиёсий тизмининг муҳим элементи оммавий ахборот воситаларидир. Чунки икки томонлама алоқа улар воситасида ўрнатилди.

Маънавий умуминсоний қадриятлар фуқаролик жамиятининг муҳим заминини ташкил қилади. Фуқаролик жамиятидаги эркинлик, қонун олдида тенглик, ижтимоий адолат — барча кишилар учун ишни тенг бошлаш имкониятларини беради, ҳар кимга ўз ижодий имкониятларини намоён қилиш учун шарт-шароит яратади.

Хуқуқ фуқаролик жамияти шароитларида ўз даврининг инсонпарварлик талабини, унинг маънавий мақсадларини ҳам ифодалайди. И. Кантнинг фикрича, фуқаролик хуқуқий ҳолати, *биринчидан*, жамият аъзосининг инсон сифатидаги эркинлиги; *иккинчидан*, муайян фуқаронинг бошқа фуқаролар билан тенглиги; *учинчидан*, жамият аъзосининг фуқаро сифатидаги мустақиллиги принципларига асосланади.

Табиийки, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатда, кўп жараёнлар эркин (давлат аралашу-висиз) кечишини бундай жамиятда низо умуман бўлмайди деб тушунмаслик керак.

## **8-§. Жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамияти**

Фуқаролик жамиятининг асоси жамоат ташкилотларидир. Шу билан бирга, фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири — нодавлат тизимдаги барча жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир. Бу қоида, биринчидан, шу жамиятдаги демократиянинг юқори даражасини намоён қилса, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва фаоллиги юксаклигини билдиради. Ҳар бир фуқаро ўз манфаатлари ва эҳтиёжларига мос мақсадларга эришишига ишонч ҳосил қилганидан сўнггина, бирор ташкилотга ихтиёрий равишда аъзо бўлади.

Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари жамият сиёсий тизимида фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликларини, сиёсат, иқтисод, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда катта роль ўйнайдилар. Моҳиятан жамоат бирлашмалари оммани жамиятни бошқаришга жалб қилишга ёрдам беради. «Бизнинг жамиятимизда турли партиялар ва ҳаракатларнинг пайдо бўлаётгани ижобий ҳол. Қарашларнинг ранг-баранглиги тўғри йўлни танлаб олишга ёрдам беради. Қайси ғоя инсоний бўлса, одамларга фойдаси тегса, ўша ғоя жамиятга керак. Келажакда партиялар ва жамоат ҳаракатла-

рининг роли ва мавқеи янада ошади. Қайси партиянинг дастури халққа манзур бўлса, ўша партия ҳокимият тепасига келади. Агар дастурида берган вазифаларини бажара олмаса, ўрнини бошқа партия вакилларига бўшатиб беришга мажбур бўлади. Бундай ижобий рақобатлардан халқ фақат ютиши мумкин»<sup>1</sup>.

*Жамоат бирлашмалари — умумий манфаатдорлик негизида бирлашган фуқароларнинг эркин иштаклари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилмалардир.*

Жамоат бирлашмаларига: сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар, фахрийлар ва ногиронларнинг ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия, спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, жамғармалар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари киради.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йилда қабул қилинган «Ўзбекистонда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунда ва 1999 йилда қабул қилинган «Нодавлат нотариат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунда жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари тушунчаси, уларнинг мақсади, турлари кўрсатилган. Бу қонунларга асосан, тижорат мақсадларини кўзлайдиган ёки бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг фойда ундириб олишига кўмаклашадиган кооперативлар — жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланмайди.

Жамоат бирлашмалари ўз таркиби, мақсад ва вазифалари, фаолият шакллари ва иш услублари

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон — миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т., 1993. — 16-бет.

билан бир-биридан фарқ қиладилар. Лекин уларнинг ҳаммасига хос бўлган белгилар ҳам мавжуд. Бу жамоат бирлашмалари ўз низомларида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ, жамиятни бошқаришда, ҳар хил вазифаларни ҳал этишда фаол қатнашадилар. Жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолият қоидалари бир хил. Улар ўз аъзоларининг ихтиёрийлиги, тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик, инсонпарварлик ғояларига содиқлик, ошкоралик асосида тузиладилар ва фаолият кўрсатадилар.

*Ихтиёрийлик принципи* шуни билдирадики, ҳар бир шахс ўз хоҳиш-иродаси ҳамда қизиқишларини ўз ихтиёрига кўра амалга оширади. Жамоат бирлашмалари ёки сиёсий партияларга кириш ёхуд кирмасликни фуқароларнинг ўзлари ҳал этадилар, мажбурий аъзоликка йўл қўйилмайди.

*Тенг ҳуқуқлилиқ принципи* барча жамоат бирлашмалари тенг ҳуқуқ асосида фаолият кўрсатишини англатади. Бирор-бир жамоат бирлашмаси ўз сони жиҳатидан оз бўлган жамоат бирлашмасидан устун бўлишига ёки уларнинг ҳуқуқларини камситишига йўл қўйилмайди.

*Ўзини ўзи бошқариш принципи* шуни билдирадики, жамоат бирлашмаларида раҳбарлик бевосита ўша жамоат бирлашмаси аъзолари орасидан сайланган фуқаролар томонидан амалга оширилади. Давлат, қонунда кўзда тутилгандан ташқари ҳолларда, жамоат бирлашмаларининг фаолиятига аралашмайди. Жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшишига йўл қўйилмайди.

*Қонунийлик принципи* барча жамоат бирлашмаларининг ўз низомларида ва бошқа ҳужжатларида кўзда тутилган вазифаларини бажаришда Ўзбе-

кистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида иш кўришини билдиради.

*Ошкоралик принципи* жамоат бирлашмаларининг фаолияти ҳеч қандай чеклашларсиз, очиқдан-очиқ олиб борилишини англатади. Жамоат бирлашмалари ўзларининг фаолияти тўғрисида ўз аъзоларига ва ваколатли давлат идораларига ҳисобот бериб турадилар. Бундан ташқари, улар ҳеч қандай чеклашларсиз ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича тегишли давлат идоралари, мансабдор шахслардан маълумот олиш ҳуқуқини ҳам ошкоралик принципи асосида амалга оширадилар.

*Инсонпарварлик принципига* кўра, ҳар бир жамоат бирлашмаси ўз фаолиятида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча муҳим қоидалари асосида, инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлигининг, дахлсизлигини тан олган ҳолда иш олиб бориши зарур.

Жамоат бирлашмалари маълум бир мақсадни бажариш учун ташкил этилади. Улар қуйидаги мақсадларда тузилади:

*биринчидан*, фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш;

*иккинчидан*, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирокини ривожлантириш;

*учинчидан*, касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш;

*тўртинчидан*, илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш;

*бешинчидан*, аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш;

*олтинчидан*, маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш;



*еттинчидан*, табиатни, тарих ва маданият ёд-горликларини муҳофаза қилиш;

*саккизинчидан*, ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси, халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустақкамлаш ва қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш.

Давлат жамиятнинг ахлоқий негизларини, умуминсоний қадриятларини бузишга қаратилган, конституциявий тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки мамлакат ҳудудий бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, синфий, ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўймайди.

Ундан ташқари ҳарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуролли тузилмалар, шунингдек, диний характерга эга партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа бўлимларини ташкил этиш давлат томонидан тақиқланади.

Жамоат бирлашмалари ва уларнинг идоралари томонидан қонуний ва демократик йўл билан шакллантирилган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда ҳокимият ваколатларига эга бўлганларга нисбатан ғайридемократик тарзда куч ишлатиш, тазйиқ ўтказиш тақиқланади. Қонуний равишда амал қилиб турган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда мансабдор шахсларга демократик усулда ҳал этиш баҳонаси билан тазйиқ ўтказишга бўлган ҳар қандай уринишга қонун билан барҳам берилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида бу тўғрида алоҳида ёзилган: «Кон-

ституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади». Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 159-моддасида эса Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилишга қаратилган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жамоат бирлашмалари ўз фаолият доираларига кўра учга бўлинади:

- халқаро жамоат бирлашмалари;
- республика жамоат бирлашмалари;
- маҳаллий жамоат бирлашмалари.

Халқаро жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикасида ва бир ёки ундан кўпроқ хорижий давлат ҳудудида фаолият кўрсатадиган жамоат бирлашмаларидир. Башарти чет элда тузилган халқаро жамоат бирлашмаси таркибига республика жамоат бирлашмаси коллектив аъзо сифатида кирса, республика жамоат бирлашмасининг низоми ҳам жамоат бирлашмалари тўғрисида қонунга мувофиқ рўйхатга олинади. Жамоат бирлашмалари ўз низомларига мувофиқ халқаро жамоат бирлашмалари билан бевосита алоқалар ўрнатишлари мумкин.

Республика жамоат бирлашмаларига ўз низомида белгиланган фаолиятни бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган жамо-

ат бирлашмалари, сиёсий партия ёки касаба уюш-  
малари киради. Қорақалпоғистон Республикасида  
ҳам жамоат бирлашмалари тузилиши мумкин.

Маҳаллий жамоат бирлашмаларига вилоят, ту-  
ман, шаҳар, посёлка ва қишлоқ жамоат бирлаш-  
малари киради. Зарур бўлган ҳолларда вилоятлар-  
аро ва туманлараро жамоат ташкилотлари тузи-  
лиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жамоат  
бирлашмалари бозор иқтисодиётига ўтиш, ҳуқу-  
қий давлат, демократик ва фуқаролик жамияти-  
ни барпо қилишда давлат ва унинг органлари  
билан ҳамкорлик қилиши, ўзини ўзи бошқариш  
воситасида турли хил ижтимоий гуруҳлар ман-  
фаатларини ифода этиши ва уларни қондириши,  
халқ орасида демократик гоя ва қоидаларни тар-  
ғиб қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролик жамиятини барпо қилиш даврида  
жамоат бирлашмаларининг фаолияти асосан қуйи-  
даги мақсадларни амалга оширишга қаратилган:

1) жамоат ташкилотлари фаолиятининг Кон-  
ституция ва мавжуд қонунлар доирасида бўли-  
шини таъминлаш;

2) жамоат ташкилотларининг сиёсий ва иж-  
тимоий барқарорликни сақлаш, жамиятни ҳар то-  
монлама ислоҳ қилиш ғояларини ҳаётга татбиқ  
қилишда фаол иштирок этиши;

3) ўз фаолиятининг устувор йўналишларини  
бозор муносабатларига ўтиш, жамиятдаги боқи-  
мандалик, лоқайдлик, ижтимоий пассивлик,  
мутелик руҳиятини барҳам топтириш, миллий  
гурур ва ифтихор, ватанпарварлик, янги комил  
инсонни шакллантириш, ишбилармонлик ва тад-  
биркорлик фазилатлари ва хислатларини шакл-  
лантиришга сафарбар қилиш;

4) жамоат бирлашмалари аъзоларининг ўз низомидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг манфаатларини қондиришга имкониятлар яратиш;

5) жамоат ташкилотларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари қарорларини тайёрлашда кенг иштирок этиш.

## **9-§. Фуқаролик жамиятида оиланинг ўрни**

Оилавий муносабатлар, она ва бола муҳофазаси, уларнинг эҳтиёжларини қондириш ҳар қандай давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Конституциясининг 63-моддасида: «Оила жамиятининг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» — деб қайд этилган. Бу модда жамиятимизда оиланинг тутган ўрнини, унинг мавқеини оширишга қаратилган бўлиб, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлик асосида амалга оширилишини мустаҳкамлайди. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Оила фуқаролик жамиятининг негизи. «Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамлар қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи

ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир»<sup>1</sup>.

Шу ўринда 1998 йилнинг республикамизда «Оила йили» деб белгиланганлиги ва оилани мустаҳкамлаш борасида улкан ишларнинг амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Қачонки, ҳар бир оила ўз эҳтиёжларини тўлиқ қондирса, жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар кутилган натижаларни беради. Ҳар бир оилада тотувлик бўлсагина, маҳаллалар ва фуқаролик жамияти янада гуллаб яшнайти.

Ўзбекистон Конституциясининг 64-моддаси ота-оналарга ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш мажбуриятини юклайди. Оиладаги муҳит, ота-онанинг ўзаро муносабатлари, оиладаги фаровонлик, кўни-кўшнларнинг ўзаро муносабатлари ўша оилада, вояга етаётган ёшларнинг тарбиясига бевосита таъсир этади. Агар оила мустаҳкам пойдевор асосида қурилиб, унда шарқона маънавий қадриятлар қарор топган бўлса, албатта бу оила жамият учун комил инсонларни тарбиялаб, вояга етказишда етакчи ўринда туради.

Фарзандни дунёга келтириб, унга керакли билимларни бериш, вояга етган фарзандларни уйли-жойли қилишдек масъулиятли вазифа ҳар бир ўзбек оиласи учун минг йиллардан бери давом этиб келаётган анъаналардан. Ҳар бир ота-она ўз фарзандларини умуминсоний қадриятлар ва анъаналар асосида тарбиялаши лозим.

Ўзбекистонда кўплаб болалар уйлари, мактаб-интернатлар фаолият кўрсатади, уларда ота-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.— Т., 1992.—22—23-бетлар.

онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болалар тарбияланадилар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, уларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради. Бундай ижтимоий ҳимоя давлат томонидангина эмас, балки кўпгина жамоат бирлашмалари, хайрия жамғармалари, корхона, ташкилот, ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида амалга оширилаяпти.

Яхши тарбияланган инсон ўз ота-онаси ҳақида ғамхўрлик қилиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддаси ҳар бир вояга етган лаёқатли фарзанднинг ўз ота-онаси ҳақида ғамхўрлик қилиши мажбурийлигини мустақкамлаб қўйган.

Фарзандлар ўз ота-оналари меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганларида, айниқса, бетоб бўлиб қолганларида, уларга ёрдам беришлари, нимага муҳтож бўлсалар, муҳайё қилиб туришлари лозим. Вояга етган фарзандларнинг ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари нафақа мажбурияти вужудга келган ёки келмаганлигидан қатъи назар пайдо бўлади. Болаларнинг муҳтож ва меҳнатга лаёқатсиз ота-оналар тўғрисида ғамхўрлик қилмасликлари ота-оналарни ўз фарзандларидан нафақа ундириш учун судга даъво аризаси билан мурожаат этишга мажбур этади. Ота-оналарига нисбатан ўз фарзандлик бурчларини эсларидан чиқариб қўйган фарзандлар тўғрисида суд хусусий ажрим чиқариб, уларнинг маънавий қиёфасини муҳокама қилиш учун яшаш ёки ишлаш жойларига юбориши мумкин.

## **10-§. Фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари**

Оммавий ахборот воситалари деганда газета-лар, журналлар, телекўрсатув ва радиоэшиттириш дастурлари, ҳужжатли кино, оммавий ахборот тарқатишнинг бошқа даврий нашрлари тушунилади. Матбуот, телевидение ва радио, бошқа оммавий ахборот воситаларининг таҳририятлари муайян оммавий ахборот воситасининг вакили ҳисобланадилар. Таҳририят ўз низоми асосида иш олиб борадиган юридик шахсдир. У иқтисодий мустақиллик асосида ҳужалик фаолиятини юритади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасига мувофиқ, оммавий ахборот воситалари эркин ва қонунга мувофиқ ишлайди. 1997 йилда «Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган. Унга асосан, ҳар бир фуқарога сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқи кафолатланган. Оммавий ахборот воситалари ахборотни излаш, танлаш, қабул қилиш ва оммавийлаштиришда қонун доирасида иш олиб борадилар. Конституцияга мувофиқ, улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди.

## **11-§. «Ҳуқуқий давлат» тушунчаси ва унинг белгилари**

**Ҳуқуқий давлат** — ҳуқуқнинг ҳукмронлиги ва қонуннинг устуворлиги, ҳокимият ваколатлари-

нинг бўлиниши, суднинг мустақиллиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланадиган, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар иши самарали бўлган ҳақиқий халқ ҳокимияти, юқори даражадаги сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эришган демократик давлатдир.

**Ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги бир қатор асосий белгилари мавжуд.**

**1. Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги.** Давлат ҳудудида бўлган барча кишилар: ушбу давлат фуқаролари, хорижликлар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, юридик шахслар, мансабдор шахслар, давлат ҳокимияти идораларининг барчаси ҳуқуққа бўйсунадилар.

**2. Конституция ва қонунларнинг устунлиги.** Конституция ва қонунлар ҳуқуқий нормалар тизимида олий юридик кучга эга. Турли хил давлат идоралари чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунларга зид бўлмаслиги керак.

**3. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш.** Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан тегишли бўлиб, улар инсондан ажралмасдир. Гап, оғриқ аввало, инсоннинг яшаш, эркинликка, дахлсизликка, хавфсизликка эга бўлиш ҳуқуқлари тўғрисида бормоқда.

**4. Давлат ва фуқаронинг ўзаро масъулияти.** Давлат қонунларда шахс эркинлигининг меъёрини белгилаб қўяр экан, ўзини ҳам худди шу чегараларда қарор қабул қилишда чеклаб қўяди.

**5. Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши.** Давлат ҳокимияти бир кўлда тўпланиб қолмаслиги учун, ҳокимиятнинг учта тармоғини — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ажратиб қўйиш керак. Ушбу ҳокимият тармоқлари-



нинг ҳар бири ўз ваколати доирасида амал қилади.

**6. Суднинг мустақиллиги.** Суд, давлат ҳокимиятининг бошқа икки тармоғи каби мустақилдир. Бошқача айтганда, суд фаолиятига ҳеч кимнинг аралашшига йўл қўйилмайди.

**7. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг самарали ишлаши.** Агар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари поймол этилса ёки бунга таҳдид мавжуд бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар инсонга ёрдам беришлари керак, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишлари керак.

**8. Ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражаси.** Ҳуқуқий маданиятнинг энг муҳим кўрсаткичи жамиятдаги ҳуқуқий онг даражасидир. Ҳуқуқий онг — ҳуқуққа муносабат, қонун талабларини бажариш зарурлигини англаш даражасини ифодалайдиган ҳуқуқий қарашлар йиғиндиси. Ҳуқуқий маданият амалдаги қонунларни билишда, ҳуқуқни ҳурмат қилишда, ҳуқуқий қоидаларга риоя этишда намоён бўлади.

**9. Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви.** Сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар кафолатланиши, халқ давлат бошқарувида доимо иштирок этиши, ривожланган фуқаролик жамияти шаклланиши ва маълум бир муҳолифатнинг бўлиши зарур.

## ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

# ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИ НАЗАРИЯСИ

---

### 17-боб. ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИ НАЗАРИЯСИНING ПРЕДМЕТИ ВА АҲАМИЯТИ

- 1-§. *Ўзбек миллий давлатчилиги назариясининг предмети.*
- 2-§. *Давлат мустақиллиги ва ўзбек миллий давлатчилигининг барпо этилиши.*
- 3-§. *Ўзбек миллий давлатчилиги назариясининг тарихий-маънавий манбалари.*
- 4-§. *Ўзбек миллий давлатчилиги тараққиётининг асосий принциплари.*
- 5-§. *Қонунийлик — ўзбек миллий давлатчилигининг пойдевори.*
- 6-§. *Ўзбек миллий давлатчилиги назариясининг аҳамияти.*

### 1-§. Ўзбек миллий давлатчилиги назариясининг предмети

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг икки жиҳатини кўрсатиш мумкин. Бир томондан, дунёдаги барча давлатлар ва ҳуқуққа хос бўлган томонларни ўрганувчи умумий давлат ва ҳуқуқ назарияси, иккинчи томондан алоҳида бир давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, ривожланиши амалий фаолиятини ўрганувчи махсус давлат ва ҳуқуқ назарияси. Худди шунингдек, ҳар бир мамлакатда мавжуд бўлган давлат ҳам алоҳида, яъни давлат назарияси шаклида ўрганилмоқда. Бундай методология давлат-ҳуқуқ ҳодисалари жараёнларининг моҳиятини янада тўлароқ очишга, уларни янада чуқурроқ ўрганишга қаратилган бўлиб,

у ҳозирги замон ҳуқуқшунослик фанларининг талабларига зид келмайди.

Ўзбек миллий давлатчилиги назарияси давлат ва ҳуқуқ назарияси фани доирасида ўрганилади. Ўзбекистон Республикаси давлати унинг ўрганиш объектини ташкил этади.

1991 йил 31 августда «Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди»<sup>1</sup> ва мустақил, демократик, ҳуқуқий, инсонпарварлик қоидаларига асосланган, «миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлат...»<sup>2</sup> эканлигини эълон қилди. «...Ўзбекларнинг миллий давлатчилиги бўлган бирдан-бир ҳудуд...»<sup>3</sup> мана шу заминда уларнинг ўзига хос ва тараққиётига мос бўлган миллий давлатчилик назарияси яратиш заруриятини келтириб чиқаради.

Бу эса Ўзбекистон Республикасида:

*биринчидан*, давлатларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва тарихий алмашилиш жараёнларини:

*иккинчидан*, давлатларнинг моҳияти ва мазмуни ўзгариб боришини:

*учинчидан*, давлатларнинг ички ва ташқи функциялари ва уларнинг амал қилиш механизмларини:

*тўртинчидан*, давлатларнинг асосий белгиларини:

*бешинчидан*, давлатни бошқариш усулларини:

*олтинчидан*, давлатни бошқаришда ҳокимият органларининг роли ва вазифалари янгича мазмунда касб этишини ўрганади.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т., 1993. — 35-бет.

<sup>2</sup> Уша жойда. 43-бет.

<sup>3</sup> Уша жойда. 44-бет.

Ўзбек миллий давлатчилиги назарияси бу объектларнинг барчасини ўзига хос бўлган қонунлар, категориялар ва тушунчаларда акс эттирган ҳолда мустақил ўрганишни ўзининг бош мақсади деб билади.

Мазкур объектлар ва мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ўзбек миллий давлатчилиги назариясига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

*Ўзбек миллий давлатчилиги назарияси* — Ўзбекистон давлатининг вужудга келиши ва ривожланиши, амалий фаолияти ва турли хил давлат ҳодиса ва жараёнлари тўғрисида амалиётда тасдиқланган билимлар мажмуини, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этишнинг умумий қонуниятлари тўғрисидаги билимлар тизимидир.

Ўзбек миллий давлатчилиги назариясига берилган ушбу таъриф айни вақтда шу назариянинг предметини ҳам ташкил этади. Дарвоқе, ҳар қандай назариянинг мавзуй унинг мазмуни орқали очилади. Унинг мазмуни эса, шу назария ўрганадиган масалалардан ташкил топди.

*Ўзбек миллий давлатчилиги назариясининг мазмунини қуйидагилар ташкил қилади:*

*биринчидан*, Ўзбекистон давлатининг шаклланиши, амалий фаолияти ва унинг жамият сиёсий тизимида тутган ўрни ва роли;

*иккинчидан*, Ўзбекистонда давлат бошқарувини амалга ошириш ва халқ ҳокимиятини шакллантириш, ҳокимиятнинг давлатни бошқариш йўллариини такомиллаштириш, унинг халқ олдидаги масъулиятини ошириш;

*учинчидан*, Ўзбекистон давлатининг функциялари бўлмиш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш. ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш,

солиқ солиш, ижтимоий ҳимоялаш, табиатни муҳофаза қилиш, маданий-маърифий ишларни ташкиллаштириш, мудофаа, ўзга давлатлар билан кўп томонлама алоқалар ўрнатиш ва халқаро ҳамкорликнинг қонун-қоидалари;

*тўртинчидан*, Ўзбекистон давлатининг қонун ижодкорлиги, қонунни амалда қўллаш, уни муҳофаза қилиш ҳамда ташкилий-регламент, ташкилий-хўжалик, ташкилий-мафкуравий, маданий-маърифий вазифаларни амалга ошириш:

*бешинчидан*, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий давлат тузилиши, сиёсий тартиби, тадрижий йўл билан демократик тартиб томон бориш;

*олтинчидан*, Ўзбекистон Республикаси давлат тузилмаларининг таркиби, давлат органлари, уларни таснифлаш ҳамда давлат аппаратини ташкил этиш ва фаолиятини уюштириш принциплари;

*еттинчидан*, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ўзаро алоқадорлиги;

*саккизинчидан*, Ўзбекистонда жаҳон андазаларига мос келувчи демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш асосида фуқаролик жамиятини шакллантириш принципларини ишлаб чиқиш.

## **2-§. Давлат мустақиллиги ва ўзбек миллий давлатчилигининг барпо этилиши**

1991 йил 20 июнда «Мустақиллик декларацияси», 1991 йил 31 августда «Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги» конституциявий қонун Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан қабул қилинди. 1 сентябрь Ўзбекистон Республи-

касининг Мустақиллик куни деб эълон қилинди. Халқимизнинг асрий орзуси амалга ошди.

1992 йилнинг 8 декабрида республика Олий Кенгаши мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди. Конституцияда республикада Олий қонун чиқарувчи ҳокимият — Олий Мажлис, давлат ва ҳукумат бошлиғи — Президент, олий ижро ва фармон берувчи ҳокимият — Президент бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамаси, жойларда давлат ҳокимияти ва бошқарувини амалга оширувчилар — вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, суд ҳокимиятини амалга оширувчилар — республика Конституциявий суди, Олий суд, Олий хўжалик суди, вилоят, шаҳар, туманларнинг судлари ва вилоят хўжалик судлари эканлиги ўз аксини топган.

Конституция Республика Бош прокурори раҳбарлигида вилоят, шаҳар туман прокурорларига қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифасини юклади.

Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берди, уларни амалга ошириш кафолатларини, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақомини, давлат билан шахс ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий принципларини, оила ва унинг давлат билан алоқасини бошқа муҳим сиёсий-ҳуқуқий муносабатларни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаган.

Истиқлол шарофати билан маъмурий-буйруқ-бозликка асосланган тоталитар тузумдан, унинг давлат бошқарув усулларида батомом воз кечилди. Ўзбекистонда жаҳон тажрибасига жавоб берадиган, миллий-тарихий хусусиятларимиз ва дунёқарашимизга мос давлатчилик ва ҳуқуқий тизим қарор топмоқда. Ўзбекистонда демократик

ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асослари вужудга келтирилмоқда. Аввалги яккаҳокимлик давлат тизимининг иллатлари қатъиян тугатилмоқда. Кўппартиявийлик, гоёлар ва фикрларнинг хилма-хиллиги реал воқеликка айланмоқда. Президентликка (1991 йил, декабр) ва Олий Мажлисга ҳамда маҳаллий Кенгашларга (1994 йил, декабрь) эркин ва муқобиллик асосида умумхалқ сайловлари ўтказилди. Ҳокимият ваколатлари давлат идоралари ўртасида аниқ ажратиб қўйилган. Давлат бошқарувининг Президентлик бошқарув шакли — мустақил ўзбек давлатчилиги тизимининг ўзагидир.

Вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳудудида миллий онгимиз ва анъаналаримизга мос ҳокимлик институти барпо этилди. Айни замонда, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга, яъни маҳаллага катта эрк ва ҳуқуқлар берилди. Суд ҳокимияти идоралари қонун устунлигини, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглилигини таъминлаш борасида иш олиб бормоқдалар.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигини мустаҳкамлайдиган ташкилий тузилмалар шакллантирилди. Мудофаа ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси тузилди. Давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш, Қимматбаҳо металлар, Фан ва техника давлат қўмиталари, Олий Аттестация Комиссияси биринчи марта ташкил этилди. Марказий иқтисодий идораларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари тубдан ўзгартирилди, кўпгина тармоқ вазирликлари ва идоралари тугатилди. Мустақил миллий авиакомпания, ахборот агентлиги, кинокомпания ва бошқа умумдавлат хиз-

матлари тузилди. Банк тизими қайта ташкил этилди. Республиканинг Марказий банки бошқарув органларидан мустақил бўлиб қолди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва тижорат банклари тармоғи вужудга келтирилди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. Уни дунёдаги 160 дан ортиқ давлат тан олди. 120 дан ортиқ давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди ва улар орасида дипломатия ваколатхоналари айирбошланмоқда.

Тарихда илк бор 1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон давлати халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Ўзбекистон Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг Якунловчи ҳужжатини ва Янги Европа учун Париж хартиясини имзолаб, Хельсинки жараёнига қўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлди.

Ўзбекистон 20 га яқин етакчи халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмаларнинг аъзоси. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро меҳнат ташкилоти кабилар шулар жумласидандир.

Ўзбек давлатининг рамзлари — байроғи, герби, мадҳияси, миллий пули Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, гурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштирган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи 1991 йил 18 ноябрда, Давлат герби 1992 йил 28 ноябрда, Давлат мадҳияси 1992 йил 10 декабрда тасдиқланди. 1994 йил 1 июлда Ўзбекистоннинг миллий пули «сўм» муомалага киритилди. Мил-



лий валюта — миллий гурур, давлат мустақиллигининг рамзи ҳамда давлат белгисидир.

Истиқлол йиллари ўзбек миллий давлатчилиги тизимини барпо этиш йиллари бўлиб, бу узоқ давом этадиган жараён дир. Ўзбекистон мустақил давлатчилик ва ҳуқуқий йўлини танлаб олди. Чиндан ҳам *мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир*<sup>1</sup>. Уни демократик ҳуқуқий давлат сифатида барпо этиш собитқадамлилик билан давом этмоқда.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг қарор топиши давлатчилик назарияси ва амалиёти соҳасида:

*биринчидан*, тарихий илдиэлари мозийнинг узоқ минг йилликларига бориб тақалувчи ўзбек миллий давлатчилигини қайта тиклади:

*иккинчидан*, 70 йилдан ортиқ вақт ичида якка ҳукмрон бўлиб келган марксча-ленинча давлат назариясини инкор қилиб, унинг моддий-иқтисодий, маънавий асосларига барҳам берди;

*учинчидан*, ўзининг келгусидаги мақсад ва вазифаларини аниқлаб, ривожланиш қонуниятларини кўрсатиб берадиган янгича ўзбек миллий давлатчилиги назариясининг вужудга келиши ва ривожланиши учун шарт-шароит яратди.

Чунки, давлатчиликни қарор топтиришдаги «Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ўз давлатчилигини қўлга киритиш, миллий ва ижтимоий озодликка эришиш ҳеч қаерда енгил ва осонликча бўлмаган. Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этишда ўз андазасини ишлаб чиқишга интилади. Ижтимоий-иқтисодий ва сиё-

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисоди, сиёсат, мафкура. Т-1.: — Т., 1993. — 47-бет.

сий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, жумладан диний эътиқоди, руҳияти ва хулқ-атвор нормалари шуни тақозо этади»<sup>1</sup>. Бу масалаларга жавоб топиш, шубҳасиз, ўзбек миллий давлатчилиги назариясининг бош вазифаси ҳисобланади.

### **3-§. Ўзбек миллий давлатчилик назариясининг тарихий-маънавий манбалари**

Мустақил Ўзбекистон демократик давлатининг бунёд бўлиши билан унинг фаол инъикоси сифатида вужудга келган, кундан-кунга илмий жиҳатдан сайқал топиб бораётган *ўзбек миллий давлатчилиги назариясининг тарихий-маънавий пойдеворини қуйидагилар ташкил этади:*

1) давлатчилик соҳасида буюк аجدодларимиз қолдирган миллий-маънавий мерос;

2) жаҳон халқларининг давлатчиликни амалга ошириш, ҳуқуқни ривожлантириш борасида тўплаган илғор тажрибалари.

Халқимизнинг маънавий пойдевори бўлмиш бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Тарихимиз неча минг йилларга бориб тақалади.

Халқимизнинг таянчи — аجدодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи катта бир хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим. Аجدодлар васиятига содиқ ва муносиб бўлмоғимиз керак<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. Т-1.: Ўзбекистон, 1996. бет 40.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсий, мафкура. — Т., 1996. — 203-бет.

Шунинг учун ҳам бақувват пойдевор асосида бунёд этилаётган миллий демократик давлатимизнинг назариясини яратиш ва шакллантириш, энг аввало, унинг маънавий манбаларини чуқур ўзлаштиришни тақозо этади.

**Ўзбек миллий давлатчилиги назариясининг тарихий-маънавий манбалари — буюк аждодларимизнинг давлатларни қуриш, бошқариш ҳамда уларнинг келгусидаги истиқболларини белгилаб бериш ҳақида қолдирган фикр, мулоҳаза, ғоя ва таълимотларини мужассамлаштириб, бугунги кунда мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қиладиган миллий маънавий меросларининг мажмуасидир.**

Ўзбек миллий давлатчилиги назариясининг маънавий манбаларини қуйидагиларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1) акс этирилишига кўра — оғзаки ёки ёзма равишда баён қилинган миллий-маънавий мерос;

2) тарихий макон ва замонда жойлашган ўрнига кўра қадимги дунё, ўрта аср, янги даврда яратилиб, бизгача етиб келган илмий-маънавий мерос.

Давлатчиликни ўрганиш борасида қадимги дунё давридан ҳозирги кунгача етиб келган дастлабки ёзма манбалардан бири зардуштийликнинг муқаддас китоби — «Авесто» ҳисобланади.<sup>1</sup>

«Авесто» осмон, сув, ер ҳақида тасаввурлар бериш билан бир қаторда қадимги даврларда яшаган Ўрта Осиё халқларининг келиб чиқиши, жўф-

---

<sup>1</sup> «Авесто» — ўрта форс тилидан олинган бўлиб «ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар» деган маънони англатади.

рофий жойлашуви, уларнинг урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилади. Бу диний таълимотнинг асосчиси Заратуштра ҳисобланади. «Тарихчи олимларнинг фикрига кўра Заратуштра тарихий шахс бўлиб, у тахминан эрамиздан олдинги 630—553 ёки 618—541 йилларда яшаган. Бу исм қадимги эрон сўзидан ўзбек тилига таржима қилинса «Зара» — олтин, «уштра» — туя, яъни «Олтинтуяли», «Олтин туя эгаси», «Туялар етаклаган одам» деган маънони англатади»<sup>1</sup>. Унинг фикрича, табиат ва жамиятдаги ҳодисаларнинг ҳаммаси (давлат ва ҳуқуқ ҳам) бир-бирига қарама-қарши бўлган икки яратувчи кучнинг курашидан келиб чиқади.

Бу яратувчиларнинг бири Ахура Мазда бўлиб, у ёруғлик, ободончилик, саломатлик, тинчлик, давлат, мамлакатларни, ундаги ахлоқ ва ҳуқуқ тартиботларни яратган худодир. Иккинчиси Ахриман бўлиб, у Ахура Мазда ва унинг яратган нарсаларига қарши курашувчидир. «Авесто» катта тарихий, ижтимоий, бадий, маънавий аҳамиятга эга.

#### **4-§. Ўзбек миллий давлатчилиги тараққиётининг асосий принциплари**

Ўзбекистонда миллий суверен демократик ҳуқуқий давлат куриш ва ислоҳотлар ўтказиш беш принципга асосланган. Бу принциплар Президентимиз нутқларида, рисолаларида илмий ва амалий жиҳатдан атрофлича асослаб берилган.

Биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсатнинг таъсири остида бўлмаслиги, бирон-

<sup>1</sup> Саъдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. — Г., 1996. — 18—19-бетлар.

бир мафкурага бўйсундирилмаслиги керак. Бу эса иқтисод ҳамиша сиёсатдан устун турмоғи керак деганидир. Иқтисодни мафкура таъсиридан чиқармоқ лозим. Етмиш йил мобайнида иқтисодиёт ғоят сиёсийлаштириб юборилган эди. Сохта социалистик иқтисодий назарияга хос ақидапарастлик «догматизм» узоқ йиллар давомида ҳозирги замон илмий тафаккурининг чўққиси деб кўрсатиб келинди.

*Иккинчидан*, иқтисодни бошқаришда, айниқса, бозор иқтисодига ўтилаётганда давлат бошқарувнинг жиловини кўлдан чиқармаслиги керак. Фақат давлат ёки қонуний асосда сайланган ҳокимиятгина асосий ислоҳотчи бўлиши лозим. Бундан ташқари, давлат сансалорлик, тўрачилик ва бюрократизмдан таркиб топган психологияга барҳам бериши, бозор иқтисодиёти инфраструктурасини жорий этишни рағбатлантириши керак. Шунингдек, у ижтимоий ларзаларга йўл қўймайдиган оқилона ва изчил сиёсат юритиши лозим. Фақат шундагина халқ ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш, ислоҳот йўлидан илгарилаб бориш ва жамиятнинг барча фаолият соҳасини янгилаш мумкин.

Мустақил тараққиёт йўлига кирган кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси давлат ҳамиша туб ўзгаришларда пешқадам бўлиб келганлигидан далолат беради. Давлат бир томондан, мамлакатни ва унинг аҳолисини ҳимоя қилган, иккинчи томондан, одамларни, ташкилий тузилмаларни ислоҳотларга тайёрлаган. Давлат уларни янгича яшашга рағбатлантирган.

Эски тизим таянчлари емирилаётган ва янгиси эндигина қурила бошлаган ёш суверен давлат тарихидаги мураккаб бир даврда тартибсизлик ва буз-

гунчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Бундай тартиб-сизлик ва бузгунчилик ҳокимият заиф ва уқувсиз бўлган жойда пайдо бўлади. Тоталитар тузумдан чинакам суверенитетга ўтиш даврида давлат асосий ислоҳотчи бўлиб чиқади. Эски жамият нураб, бошқарув жиловини қўлдан чиқармаслиги керак.

Қонуний равишда сайланган кучли ҳокимият — Ўзбекистон давлат ҳокимияти Ўрта Осиё минтақасидаги барқарорликнинг кафолатидир. Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи ишонадиган кучли давлат ҳокимиятигина осойишталикни сақлай олади.

Тинчликни, барқарорликни фуқаролар ва миллатлар тотувлигини сақлаш давлат тузуми ва иқтисодий замонавийлаштириш вазифаларини ҳал қилишнинг энг муҳим шартидир. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун кучли давлат керак.

Учинчидан, Конституция ва қонунларга қатъий риоя қилиш — ҳуқуқий давлат тузишнинг зарур шартидир. Чет мамлакатларнинг ва халқаро ташкилотларнинг мутахассислари Конституция-мизни, қабул қилинган қонунларимизни энг илғор, прогрессив қонунлар сирасига дадил киритиш мумкин, деб тасдиқладилар.

Ҳар бир ёш давлатда чинакам демократик Конституция ва қонунларга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Биринчи навбатда, барча фуқароларнинг (шахси ва лавозимидан қатъи назар) қонунларга оғишмай сўзсиз риоя этишини таъминлаш зарур.

Конституция, қонун ҳамма нарсадан устун турмоғи ва ҳамма учун мажбурий бўлмоғи лозим. Афсуски, бизда Конституцияга, қонунга нисбатан энг оддий ҳурмат ҳисси тарбияланмаган эди. Бу ҳуқуқий маданиятнинг йўқлигидан эди. Аҳолига

хуқуқий маданиятни, Конституция ва қонунга ҳурмат билан қарашни сингдириб бориш лозим. Бусиз демократик хуқуқий давлат қуриш, инсон хуқуқлари ва озодлигини ҳимоя қилишнинг иложи йўқ. Ҳақиқий демократик давлатда ҳар бир шахс, у хоҳ Президент ёки оддий фуқаро бўлсин, хоҳ ишчи ёки ишбилармон бўлсин, Конституция ва қонунга амал қилади. Турмушнинг барча соҳаларида Конституция ва қонуннинг устунлик қилишига эришиш лозим.

Конституциявий қонунчиликни ва ҳуқуқ тартиботни қарор топтиришнинг бошқа жиҳатлари ҳам мавжуд. Шуларнинг бири республикада ўтказилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотлар учун барқарор хуқуқий замин яратишдир. Фақат шундагина иқтисодий ўзгаришлар сезиларли натижалар бериши мумкин. Республикада мулкий муносабатларни тартибга солувчи, корхоналар фаолияти-нормаларини белгилаб берувчи бир қатор қонунлар қабул қилинган, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, акциялаштириш соҳасида ўтказилаётган тадбирларга хуқуқий замин яратилган.

Республикада изчил бозор иқтисодиётига ўтила борган сари тегишли хуқуқий институтлар ҳам шаклланмоқда, бозор муносабатларини маданий тарзда жорий этишга имкон берадиган, сохта бозор иқтисодининг илдиз отиб кетишига қарши қаратилган қонунлар мажмуи яратилмоқда. Фақат халқаро нормаларга мос келадиган қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишгина эмас, балки уларга сўзсиз риоя этиш ҳам бизнинг вазифамиздир.

*Тўртинчидан.* кучли ижтимоий сиёсат юритмоқ керак. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бирга, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга

қаратилган таъсирчан тадбирлар амалга ошириб борилмоқда. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг зарур вазифа бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Демократик ва иқтисодий ислохотлар йўлида эришилган ижодий силжишлар республика аҳолисининг энг муҳтож қатламларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсат юритилганлигидан далолат беради.

Республикада демографик юкнинг энг оғири оила зиммасига тушмоқда. Бутун аҳолининг ярмига яқини ўн олти ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлардир. Уларни жисмонан бақувват, ўқимишли баркамол кишилар бўлиб етишмоқлари учун ҳимоялаш, боқиш, тарбиялаш керак. Асосий вазифаларимиздан бири — аҳолининг соғлом бўлишини таъминлашдир. Дунёда биринчи бўлиб Ўзбекистонда «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Шубҳасиз, аҳоли жисмоний, маънавий, моддий жиҳатдан соғлом бўлмаса, ривожланган мамлакатлар қаторига кириш мушкул. Шу ўринда Президентимиз томонидан асрлар чегараси бўлмиш 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинганлигида рамзий маъно бор.

Аҳолининг давлат ҳимоясига муҳтож бўлган қатлами ҳам мавжуд. Булар етим-есирлар, қариялар, ногиронлар, кўп болали оналардир. Шунинг учун ҳам давлатнинг бош вазифаси ҳеч кимнинг бошига очлик ва муҳтожлик тушишига йўл қўймасликдир. Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олсагина инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат бўла олади.

*Бешинчидан*, бозор иқтисодига ўтиш шошма-шошарликсиз, босқичма-босқич амалга оширилмоғи лозим. «Ўзбек модели» бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга асосланган. Танлаб олин-



ган йўлнинг асосий мазмуни ва мақсади — сохта революцион сакрашларсиз, фожиали оқибатлар ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан, маданий равишда нормал тараққиётга ўтишдир.

Бозорга босқичма-босқич ўтишда, қўйилган мақсад сари қадам-бақадам илгарилаб бориш лозим. Ун йиллар мобайнида, кўпинча зўравонлик билан кишилар миясига сингдириб келинган тушунчаларни бир лаҳзада ўзгартириб бўлмайди. Ташкилий, иқтисодий, молия-кредит тизимини ўзгартириш, тегишли ҳуқуқий базани, бозор инфраструктурасини вужудга келтириш, кадрлар тайёрлаш лозим. Буларнинг барчаси учун вақт керак бўлади. Жамиятни янгилаш ва қайта тузиш зарурлигига одамларни ишонтирмай туриб, ҳаракатлантирувчи кучларни, асосий йўналишларни, далил-исботларни ўзгартирмай туриб, ислоҳотлар сари кескин ва аниқ қадам ташлаб ҳам, янги жамият қуриб ҳам бўлмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш қуруқ мақсад эмас, балки биринчи навбатда халқ учун муносиб ва фаровон ҳаётни таъминлаш воситасидир. Бу ерда Шарқ турмуш тарзини, психологиясини, фалсафасини, буюк ислом таълимотини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Бозор психологияга асосланган жараёндир. Бунини ҳисобга олиш лозим. Шунинг учун бизнинг асосий вазифамиз ҳеч қандай ижтимоий ларзаларсиз, халқни очлик-қашшоқликка дучор қилмасдан, одамларга зиён-заҳмат етказмасдан ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўтишдир. Шу маънода Ўзбекистон ўз йўлини танлаб олган ва шу йўлдан бормоқда.

Ҳозирги тараққиёт босқичида қуйидаги иккита асосий вазифа устувор ҳисобланади:

1) иқтисодий базаси ижтимоий йўналтирилган янги давлатнинг, янги тузумнинг моделини яратиш;

2) бозорга ўтишни ташкилий жиҳатдан таъминлаш, янги кадрлар корпусини шакллантириш. Ислоҳотга алоқадор кишилар, аввало, маъсул ходимлар унинг моҳиятини тушуниб етган, республика ва халқ эҳтиёжлари тўғрисида ўйлайдиган, ислоҳот ким учун ва нима учун ўтказилишини тушунган ҳақиқий ватанпарвар бўлишлари зарур. Шундагина, ислоҳотлар юришиб кетади. Улар мақсад ва вазифаларимизни аниқ тасаввур этишлари, ўйлаб қўйилган режаларни амалга оширишга лаёқатли бўлишлари керак.

Биз мутлақо янги ижтимоий-сиёсий тузум ва давлат моделини яратмоқдамиз. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Давлатимизнинг ҳамма нарчаси — табиий бойликлари, серҳосил ерлари, буюк дарёлари бор. Бу муқаддас ерда меҳнатсевар, истеъдодли халқ яшайди. Бизга тиниб-тинчимас, серғайрат, ишчан, халққа садоқат билан хизмат қиладиган, бу моделга ҳаёт бағишлайдиган билимдон, ташаббускор кишилар керак.

## **5-§. Қонунийлик — ўзбек миллий давлатчилигининг пойдевори**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этилишини эълон қилди. Буни қонуннинг устувор ва мустаҳкам нуфузга эга бўлишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қонуннинг устуворлиги шундаки, у ҳуқуқий давлатда тўла амал қилинади. Ҳуқуқий кафолатсиз, биз барпо қилишга интилаётган шахсий ва иқтисодий эркинлик жамиятини тузиб бўлмайди.

Мамлакатимизда кўрилаётган амалий чоралар тўфайли давлат томонидан қонунийликни таъминлаш воситаси тобора ишончли бўлиб бормоқда. Соҳибқирон Амир Темури ўз «Тузуқлари»да тегишли тартиб ва қонунга амал этиш менинг тақдирим ва ютуқларимнинг асоси ҳамда таянчи бўлиб хизмат қилди, деб ёзган эди. Қонунларнинг сўзсиз амал қилишига ишончсизлик жойлардаги ижроия ҳокимиятлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига маънавий салбий таъсир қилиб, уларни ҳуқуқий ночор ҳолатга солиб кўяди.

Фаразгўйлик, хизмат вазифасини суистеъмол қилиш, давлат тузумига ва жамиятга душманлик кўзи билан қараш, ҳуқуқий саводсизлик, безорилик, ахлоқсизлик қонун бузилишининг манбаларидир. Давлатда ҳуқуқнинг аҳамиятини инкор этиш ижтимоий онгга салбий таъсир кўрса тади. Фуқароларнинг онгли равишда қонун талабларига амал қилишлари ҳамма интилиши зарур бўлган фазилат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон беқийс маданий ва маънавий ўсишни ўз тараққиётининг асоси деб билмоқда. Шу ҳолдагина инсоннинг ўзи ихтиёрий равишда халқ, давлат, жамият, оиласи олдидаги маъсулиятни тушуниб етади. Шариатда ҳам қонунга итоат ахлоқий меъёр ҳисобланган. Бировнинг мулкига хиёнат қилган шахс инсонлик ҳуқуқидан маҳрум этилган.

IX—X асрларда яшаган буюк олим ал-Фаробий инсон ва фуқаро ҳуқуқларини, давлат ва жамият асосларини ҳуқуқий кафолатлаш қонунийликнинг мақсади деб таъкидлаган эди. Албатта, амалда қонунларни кундалик турмушга жорий этиш ғоят мураккаб. Истибод даврида турмуш бошқа қоидалар асосига қурилар эди. Ана шу «мерос»дан қуту-

лиш осон бўлмаяпти. Давлат гузилмалари ва мансабдор шахслардан бошлаб ҳамманинг қонунга амал этиши фуқароларни қонунга итоат руҳида тарбиялайди. Амир Темур таъкидлаб ўтганидек, оддий кишиларга нисбатан қилинган адолатсизлик қонунга ва давлат нуфузига катта зиён етказди. Қонунийлик инсон қандай ҳуқуқларга эгаллигини, давлатнинг уни бу ҳуқуқларни ҳаётга татбиқ этиши учун нима қилиши кераклигини кўрсатиб беради. Қонунда фуқароларнинг аниқ мажбуриятларини белгилаб қўйишдан хавфсираш демократияга хос эмас. Давлат фуқаролардан ўз бурчларини адо этишларини талаб қилишга ҳақли. Фуқаролар ҳам давлатдан муайян шарт-шароитларни талаб этишлари мумкин. Ана шу *масъулият ҳисси* қонунийликнинг кафолатидир. Конституция-мизда давлат ва шахс ҳуқуқларининг адолатли мутаносиблиги ўрнатилган. Қонунийлик ҳамиша ҳуқуққа асосланган барқарорликдир. Қонунийлик ишонч туғдиради. Шу сабабли аждодларимиз энг ёмон қонун ҳам қонунсизликдан яхши деб ҳисоблаганлар. Қонунсизлик эса чегара билмайди, у инсон турмуши, мулки, маънавияти учун хавфлидир. Баъзан мухолифлардан қонун эскириб қолган, унга рисоя этишнинг нима кераги бор, деган гапларни эшитиб қоласан. Аммо қонунни фақат қонун чиқарувчи олий орган қонунда белгиланган тартибдагина *ўзгартира олади*. Бунгача тегишли қонунга амал қилиш ҳам фарз, ҳам қарзидир. Ҳуқуқнинг *олий мантиғи* шундан иборат. Қонун кафолати ҳам шунда кўринади.

Қонунларни мутлақо ўзгартирмаслик мумкин эмас. Акс ҳолда улар гараққиёт талабларидан орқада қолади. Айни пайтда ҳуқуқнинг беқарорлиги давлат ва жамият барқарорлигига ўта салбий

таъсир кўрсатади. Бу, айниқса, иқтисодий соҳада кескин намоён бўлади. Шунинг учун мулкчиликнинг турли шакллари ва мустақиллиги жорий этилаётган ҳозирги пайтда қонунларнинг ҳаётга мос бўлишини таҳлил этиш олим ва амалиётчи ҳуқуқшуносларнинг *касбий вазифаларидир*.

Фикримизча, қонунларнинг адолатли эканлигини тушуниш фуқарони эркин қилади. Шу ҳолдагина фуқаро қонунга ихтиёрий амал этади. Шу сабабли қонун лойиҳаларини таҳлил этаётганда уларга узоқ йиллар давомида риоя этадиган кишилар кўзи билан қараш лозим.

Қонуннинг адолатлилиги унинг инсон ва жамият мустақиллиги эҳтиёжларига мослигидан келиб чиқади. Мустақил давлатимизда қонун маънавийлик, ҳўжалик юритиш, таълим олиш эркинлигининг ўзига хос ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда. Ҳар бир қонунда ҳали имкониятлар етарли бўлмаса-да, лекин зарур эркинлик кўламлари мавжуд. Шахс манфаатини жамият манфаатига қарши қўйиш бизнинг қадим маърифатчилигимиз ва маданиятимизга ётдир.

Шарқ маърифатчилигида шахс маънавий жиҳатдан халқ томонидан ҳимоя қилинганлиги сабаблигина ривожланиш, ўз ҳаёти ва қадр-қимматини сақлаб қолиш имкониятига эга бўлган. Шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий таъбирича, ўзи учун эмас, балки халққа хизмат қилиш шараф ва қувонч бўлган. Биз учун бу юксак ахлоқий ва ҳуқуқий ибратдир. Ҳозирги давр Европа — Америка ҳуқуқи бошқа шахснинг ҳуқуқи муглақ устуворлигига асосланади.

Қонунийлик ва эркинлик ўртасида ихтилоф юзага келмаслиги учун кишиларга давлат Ўзбекистон истиқлоли ва тараққиётининг ташкилот-

чиси эканлигини тушунтириш жуда муҳимдир. Ёш давлатимизда қонунийликка риоя этмасликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Халқ маънавияти, жамоатчилик фикри қонунийликнинг энг ҳалол посбонларидир. Жумладан, маҳаллалардаги оилавий-маиший можароларга доир виждон судларининг фаолияти тўғрисида фикр юритса бўлади. Улкан ҳаётий тажрибага эга бўлган нуфузли оқсоқоллар, қариндош-уруғларини, қўшниларини ҳеч бир аралашувсиз ўзлари яраштириб қўйишлари мумкин.

Давлатдаги қонунийлик жонли ва ривожланувчи тушунча. Қонунийлик сарчашма каби давлат буюклигини оби-ҳаёт билан таъминлаб туради. Халқимиз Ўзбекистоннинг буюк келажагини қонунийликнинг мустаҳкам пойдевори устига қура бошлади.

## **6-§. Ўзбек миллий давлатчилик назариясининг аҳамияти**

Ўзбек миллий давлатчилиги назарияси суверен демократик давлат — Ўзбекистон Республикасининг вужудга келиши билан пайдо бўлган. У умумий давлат ва ҳуқуқ назариясининг таркибий қисмларидан биридир.

Ҳуқуқшунослик фанлари — ҳаққонийлиги амалиётда тасдиқланган давлат ва ҳуқуқдаги ҳодиса, воқеа, жараёнларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, амалий фаолиятининг умумий ва махсус қонуниятлари тўғрисидаги ҳуқуқий билимлар тизимидан иборат.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси объектив оламдаги давлат ва ҳуқуқ акс эттирадиган нарса, воқеа, ҳодиса, жараёнларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, фаолият кўрсатиши умумий қонуниятларининг тизимини ўрганади.

Ўзбек миллий давлатчилиги назарияси эса реал воқелик — Ўзбекистон давлатининг вужудга келиши, ривожланиши ва унда юз бераётган бошқа турли хил давлатга оид ҳодисалар, воқеалар жараёнлар тўғрисида амалиётда тасдиқланган билимлар мажмуини, инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролар жамиятини барпо этишнинг умумий қонуниятларини ўрганувчи фан ҳисобланади.

Ўзбек миллий давлатчилиги назариясининг *методлари* — давлат ҳодисалари, воқеалари, жараёнлари тўғрисидаги билимларни эгаллашда қўлланиладиган назарий тадқиқот ва амалий ҳаракат қилиш усуллари ва йўлларининг йиғиндисидан иборат. Бу методлар уч турга (энг умумий методлар, умумий-илмий методлар, хусусий-илмий методлар) бўлинади. *Энг умумий методларга диалектика* ва *метафизика* методлари киради. *Умумий-илмий методларга* анализ ва синтез, системали ёндашув ва функционал ёндашув методлари киради. *Хусусий илмий методларга* конкрет-социологик, статистик, кибернетик, қиёсий таққослаш методлари киради.

Ўзбек миллий давлатчилиги назарияси фани бошқа ҳуқуқшунослик фанларидан ўзининг қуйидаги фан хусусиятлари билан ажралиб туради: ижтимоий; сиёсий-ҳуқуқий; назарий.

Ўзбек миллий давлатчилиги назарияси давлат ҳодисалари ва муассасаларини ўрганишда эвристик, методологик, сиёсий, амалий-тажриба, илмий башорат, дунёқараш, ғоявий-тарбиявий функцияларни бажаради.

Ўзбекистонда вужудга келган шарт-шароитлар асосида унда содир бўлган ҳар хил давлат ҳодисалари, воқеалари, жараёнларининг муҳим, зарурий, уму-

мий, нисбий, барқарор бўлган, уларнинг ривожланиш хусусиятига ва йўналишларини белгилайдиган, аниқ бир натижаларни келтириб чиқаришга мойиллик тугдирадиган муносабатларга ўзбек миллий давлатчилиги назариясининг қонунлари дейилади.

Ўзбек миллий давлатчилиги назарияси қонунлари туркумига қуйидагилар киради:

*биринчидан*, давлат ва ҳокимиятнинг ўзаро бирлиги, ҳокимиятнинг давлат моҳиятини белгиловчи эканлиги қонуни;

*иккинчидан*, давлат ва ҳуқуқнинг диалектик бирлиги, ҳуқуқнинг давлатдаги мувозанатни сақлаш қонуни;

*учинчидан*, давлат ва иқтисодиётнинг ўзаро алоқадорлиги, иқтисодиёт давлатнинг моддий асосини белгилаши қонуни;

*тўртинчидан*, давлат ва сиёсатнинг диалектик бирлиги, сиёсатнинг давлат фаолияти йўналишларини белгилашдаги фаоллиги қонуни;

*бешинчидан*, давлат ва маданиятнинг ўзаро алоқадорлиги, маданиятнинг давлат етуклиги даражаси мезонини белгилаш қонунлари. Бу қонунлар Ўзбекистон Республикасининг келгусидаги истиқболларини тўғри белгилаб берувчи назарий компас вазифасини ўтайдилар.

## **18-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ — МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ**

*1-§. Конституция ва ўзбек миллий давлатчилиги.*

*2-§. Ўзбекистон Республикаси — адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат.*

*3-§. Ўзбекистон давлати — асосий ислоҳотчи.*

*4-§. Ўзбекистон фуқаролиги — миллий давлатчилик белгиси.*

*5-§. Ўзбекистон давлати ва инсон ҳуқуқлари.*

*6-§. Ўзбек давлати ва ҳуқуқининг рамзлари.*



## 1-§. Конституция ва ўзбек миллий давлатчилиги

Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси ўзбек миллий давлатчилигининг ҳуқуқий кафолатларини ўзида мустаҳкамлаган. Конституция инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократия, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қуриш йўлларининг истиқболларини белгилаб берган.

Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътиборининг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шумайнода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттирган. Конституциямиз том майнода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясини АҚШ, Буюк Британия, Франция давлатлари, Бирлашган Миллатлар ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг олимлари юқори баҳоладилар. Чунки Асосий — қонунни яратишда ҳам бой миллий тарихий-ҳуқуқий меросимизга таянилган ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган қоидаларига ва илғор демократик давлатларнинг конституциявий тажрибасига асосланилган. Ўзбекистон Конституцияси жаҳон сиёсий харитасида янги суверен давлат — Ўзбекистон давлати дунёга келиб, фаол яшаётганини кўрсатувчи муҳим ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжатдир.

Ўзбекистон Конституцияси ўзбек миллий давлатчилигининг ҳуқуқий асоси сифатида бир қатор хусусиятларга эга.

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. —Т., 1993. —21-бет

*Биринчидан*, Конституция истиқлолга эришган янги мустақил давлатнинг асосий Қомусидир. Ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, мафкураси, гоёсига кўра янги ҳуқуқий ҳужжат. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, бир партиянинг ҳукмронлиги каби иллатлар йўқ, жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи ва муқаддаси — инсон деган гоё мустаҳкамланган. Шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечими берилган.

*Иккинчидан*, Конституцияда фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир. Конституциянинг 2-моддасида «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида маъсулдирлар», — дейилган.

*Учинчидан*, Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл насаби, ирқи, миллати, диний эътиқоди ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар тенг ҳуқуқларга эга. Конституция Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча шахслар, уларнинг миллати, элати, тили, урф-одатлари ва миллий анъаналаридан қатъи назар ҳурмат қилинишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди.

*Тўртинчидан*, фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдир. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким суднинг қарорисиз улардан маҳрум этилиши ёки чекланиши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

*Бешинчидан*, Асосий Қонунда ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси бўлмиш Конституция ва қонуннинг устуворлигини таъминлаш мустаҳкамланган. Бу бир томондан, барча жорий қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлишини, иккинчи томондан эса, қонун олдида ҳамманинг баробарлигини англади. Бирор-бир фуқаро давлат идораси, жамоат бирлашмаси, мансабдор шахс қонунга бўйсуниб мажбуриятдан холи бўлиши мумкин эмас.

*Олтинчидан*, Конституцияда ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётида мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглиги таъминланган ҳолда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган тадбирларга таяниш, хусусий мулкнинг ҳимоя қилиниши мустаҳкамланган. Чунки, мақсад ўз мулкига ўзи хўжайин бўлган тадбиркорлар ва шахслар учун иқтисодий фаолият эркинлиги бериш, ишбилармонлик ташаббусига ва эркин бозор муносабатларига кенг йўл очишдир.

*Еттинчидан*, Конституцияга мувофиқ, давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий шароитлар яратиб беради, кўппартиявийлик ва фикрлар турли-туманлигининг қонуний асосларини яратади.

*Саккизинчидан*, хурфикрлилик, виждон ва диний эътиқоднинг ҳуқуқий мезонлари берилган. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динига амал қилиш ёки бирон-бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ҳолда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

*Тўққизинчидан*, Конституцияда давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ва қолатларнинг тақсимланиши принципига асосланган ҳолда амалга оширилиши мустаҳкамланган. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — ўзбек давлатининг учта асосий таянчидир. Асосий қонунда шу учта ҳокимият идораларининг ўзаро уйғун фаолияти воситалари, шунингдек, мазкур идораларнинг бир-бирини тийиб ва мувозанатни сақлаб туриш тизимини вужудга келтирувчи қоидалар мустаҳкамланган.

*Унинчидан*, Ўзбекистоннинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Республикасига алоҳида боб бағишланган. Ўзбекистон Қорақалпоғистон Республикасининг суверенлигини тан олади ва уни муҳофаза қилади. Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам мажбурийдир. Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг Конституциясини 1993 йилда қабул қилган.

*Ўн биринчидан*, Ўзбекистоннинг ўз миллий манфаатларига мос келадиган фаол ташқи сиёсий фаолият юритиши, унинг халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ҳаракат қилиши Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолияти давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч сиёсий воситалар билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик принципларига, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва меъёрларига амал қилиш заминидан қурилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси ўзбек миллий давлатчилигининг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворидир.

## 2-§. Ўзбекистон Республикаси — адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида

Ўзбек миллий давлатчилиги назариясининг пиروвард мақсади — «қандай жамият ва қандай давлат қуряпмиз», деган саволга жавоб беришдир. Чунки, ўзининг мақсадини аниқ тасаввур қила олмайдиган назария назария бўла олмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, келажакда адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришни илмий тасаввур этиш ўзбек миллий давлатчилик назариясининг пиروвард мақсади бўлмоғи лозим.

Мустақил Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва давлат тизимининг чегарасини «изм» лар билан чеклаб қўювчи ғояларга боғлаб бўлмайди. Ўта мафкуравий ақидалардан холи бўлган эркин ҳуқуқий тафаккурни шакллантириш давр тақозосидир.

Миллий давлатчилик назариясининг асосий мақсади Ўзбекистонда демократияни қадам-ба-қадам ривожлантириш ҳамда ижтимоий принципга асосланган адолатли фуқаролик жамиятини яратиш ва ҳуқуқий давлат қуриш йўл-йўриқларини аниқ ифодалаб беришдир.

Мустақил Ўзбекистонни адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат сифатида ажратиб турувчи жиҳатлар қуйидагилардан иборат.

*Биринчидан*, меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила мана шундай жамият негизидир. Оила, турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, бунда ҳамма нарсага амалий ишларга қараб баҳо берилади. «Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш

мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмаг ва қатғиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас»<sup>1</sup>. Айни пайтда ҳуқуқий давлат — Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳам халқ эҳтиёжлари ва манфаатларини ифодалайди.

Конституциянинг устуворлиги давлатнинг ҳуқуқий узвий зарурий белгисидир. Умуман жамият ва унинг айрим соҳаларининг ривожланишига тааллуқли асосий масалаларни Конституциянинг ўзи ҳал этган. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси чинакамига мамлакатнинг Асосий Қонуни, гоёг етук ҳуқуқий ҳужжатдир. У ўзининг моддаларида демократик ва адолатли жамиятга хос хусусиятларни акс эттирган. Конституция фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик ҳужжати дир.

*Иккинчидан*, бизнинг оилаларимизга хос ўзаро тотувлик ва хайрихоҳликдан иборат доно ҳислатли давлат раҳбари ва жамоат арбоби ҳар бир фуқарони кўп нарсага ўргатиши мумкин. Умумий, қадрдон хонадоннинг тўкин дастурхони атрофида — ўзбеклар ёнида, халқимиз тақдирига шерик бўлган, биз билан қувончларда ҳам, синов пайтлариди ҳам бирга бўлганлар учун жой бор. Масалан, инсонпарварлик ва ватанпарварлик қоидасини олайлик. Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублиги ва эътиқодидан қатъи назар, республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарақиёт йўли. — Т., 1992, 22-б.

*Учинчидан*, халқимиз ижтимоий адолатли жамиятни ўзининг турмуш тажрибасига, фуқаролар кўпчилигининг миллий ва маданий асосларига мос келадиган демократияга таяниб қурмоқда. Халқ ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари, яъни давлат арбоблари ва сиёсатчилар орқали давлат ҳокимиятини амалга ошириш учун тўлиқ имкониятга эга.

Аҳоли барча қатламлари ва гуруҳларининг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини тушуниш ва амалга ошириш, халқ истеъдоди, ижодиёти ва куч-қувватининг улкан захиралари намоён бўлиши ва Ўзбекистон тараққиётининг қудратли воситаси бўлишига кўмаклашиш катта аҳамиятга эга.

Аввалдан сиёсий шартлар қўйилмасдан, бирлашишга кўмаклашадиган умуммиллий, умумфуқаровий мулоқот ғояси жамиятда тобора катта ишонч қозонмоқда.

Бизнинг демократия тўғрисида тушунчаларимиз Шарқ ва Ғарб мамлакатлари эришган энг яхши нарсаларни ўзида мужассамлаштиради. Лекин демократиянинг бу қоидалари, меъёрлари халқимизнинг ғоят бой тарихий ва маданий тажрибасига, унинг турмуш ҳақидаги тасаввурларига мос келиши керак. Халқимизни ҳаётни нимадан ва қандай бошлашга куну-тун ўргатиш зарур деб тасаввур этиш керак эмас.

*Тўртинчидан*, биз кўп асрлик мустақкам маънавий таянчларга эгамиз. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлигини эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, кўни-кўшниларнинг омон-эсонликларини биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир.

Халқимиз бозор муносабатларига ўтиш даврида меҳр-оқибат ва ўзаро ёрдам руҳини сақлаб қолиши жуда муҳимдир. Ватанпарвар бўлган тадбиркор кишиларга бундай ёндашув ҳеч зиён келтирмайди.

*Бешинчидан*, биз хориж демократиясидан, шахснинг виждон эркинлиги соҳасидаги тажрибасидан ўзимиз учун фойдали нарсаларни олишимиз мумкин. Тараққиётнинг дунёвий йўли тўғрисида кўп айтилган. Бу ерда тараққиётнинг кўпгина йўл-йўриқлари синаб кўрилган ва энг самарали натижалар берадигани топилди. Давлат томонидан диндорларнинг қонуний ҳуқуқлари таъминлаб берилган. Давлат ҳар бир мусулмон учун муқаддас бўлган Маккаи Мадинага ҳаж қилишда зарур ёрдам бермоқда.

*Олтинчидан*, миллий, инсоний ғурур-тадбиркорликнинг қудратли омили. Ўзбеклар ҳамма вақт ғурурли, мард бўлганлар. Бу ҳам ўз йўлимизнинг энг муҳим белгисидир. Боқимандалик, ўз оиласи учун фойда келтирадиган иш жойини излаб топишни истамаслик рағбатлантирилмайди. Бу фуқароларимизга муносиб эмас. «Казарма социализми» келтирган бу иллат уларнинг айби эмас, балки кулфатидир.

Халқимиз давлатдан тиланчилик қилувчи ноҳор ва беморлардан иборат эмас. Қонун ва давлат нуфузи билан мустаҳкамланган ишбилармонлик ҳалол пул топиш учун кенг имкониятлар очади. Маҳалланинг катта тарбиявий имкониятларидан фойдаланган ҳолда унинг косибчилик, ҳунармандчилик, шахсий хўжаликлар ташкил этишга таъсирини кучайтириш муҳим.

*Еттинчидан*, маданият халқимиз ва давлатимиз учун олий ҳислатдир. Усиз жамиятимиз ижтимоий адолатга яқинлаша олмайди, кўп нарса-



ни йўқотиши мумкин. Ўзбекистонликлар умум-башарий кўриниш бўлган маданиятни қўллаб-қувватлаш чоралари ҳақидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган, унда ақлий маданият — таълимни, меҳнат маданияти — юқори малакалилик ва ўз иши учун масъулиятни, ишбилармонлик маданияти — иқтисодий тадбиркорлик, ҳалоллик ва самаралорликни, турмуш маданияти — инсонийлик, халқ анъаналарига содиқлик, тарихга чуқур ҳурмат ва ахлоқан покликни, миллатлараро муносабатлар маданияти — барча фуқароларнинг, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар, бир-бирини ўзаро чуқур ҳурмат қилиши, бир-биридан ўрганиш ва бир-бирига ёрдам беришга тайёрлигини, ҳуқуқий маданият — етук қонунлар ва барча фуқаролар, партиялар, жамоат ва диний ташкилотларнинг қонунга сўзсиз ҳурмати кўзда тутмоғи лозим.

*Саккизинчидан*, фуқаролик жамияти учун сиёсий маданият жуда зарур. Лекин у бўш жойда эмас, балки маданиятнинг барча соҳалари пойдевори устида қад ростлай олади. Умумий манфаат йўлида маърифатли дунёдагидек унумли ишлаш, танқид асосли бўлиб, меҳнатга илмий ёндашувни қўллаб-қувватлаши керак.

Мухолифат сўзи катта маънога эгадир. У маърифатпарвар жамиятга ўзига хос йўлланма вазифасини ўтайди. Мухолиф бўлиш осон эмас. Қонуний ҳокимият конституциявий тузум ва тартибини ҳимоя қила олиши шарт.

*Тўққизинчидан*, халқимизнинг ҳозирги даврдаги тарихий ютуғи мустақил ўзбек давлатининг шаклланишидир. Ўз давлатидан гурурланиш ва ватанпарварлик ҳар қандай мамлакат фуқароларига тараққиётнинг олдинга марраларида бўлишга

кўмаклашади. Мамлакатимиз заминида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир фуқаро унинг яхлитлиги ва жипслигини асраб-авайлаши шарт.

*Ҳуқуқий давлат тушунчаси* — кишиларнинг ижтимоий муносабатларини ижтимоий-тарихий боғлиқ ҳолда ифода этиш, ташкил этиш, тартибга солиш ва эркинликни ҳимоя қилишнинг умумий ифодасидир.

*Ҳуқуқий давлат* — халқ суверенитети ғоясини ифода этувчи қоидалар, идоралар ва меъёрларнинг муайян тизимидир. Халқ суверенитети — давлат суверенитетининг асоси ва манбаидир. Ўзбек давлатининг суверенитети халқ суверенитети ифодасининг шаклидир. У мамлакат аҳолиси ва бутун ҳудудига тааллуқли бўлган ваколат ва ҳуқуқларнинг йиғиндиси бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг қонунлари ва оммавий-сиёсий тартибни белгилаб беради.

Давлат ҳокимияти суверенитетини мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқ устуворлигини қарор топтириш икки ўзаро чамбарчас боғлиқ жараён. Жамият янги андазасини ва ҳуқуқий давлат назариясини ишлаб чиқиш бир-бирига узвий боғлиқ. Бу маърифатпарвар дунё тараққиётида давлатимиз ўрнини белгилаш, жамият эришган, қабул қилиниши ва фойдаланиши керак бўлган умуминсоний қадриятларни тан олишни талаб этади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти бир қатор умумий хусусиятларга эга.

1. Жамиятни ривожлантиришнинг барча омиллари инсонга, унинг манфаатларига хизмат қилиши керак.

2. Бу ҳуқуқ ва ижтимоий адолат қоидалари негизига қурилган жамиятдир. Ҳуқуқ адолат идеал-

ларини ифода этади. Адолат инсоният тарихидаги энг инсоний ва илғор ғоялардан биридир. У кишиларнинг кўп асрлик орзуларини руёбга чиқаришга даъват этилган бизнинг жамият эҳтиёжларига тўла-тўқис мос тушади.

3. Бу ҳуқуқий давлатда мужассам топган юксак, демократик жамиятдир. Ҳуқуқий давлатни шакллантириш жамият томонидан демократик қоидаларни эгаллашни талаб этади. Бу қонуннинг устуворлиги, давлат органларининг қонунга бўйсунishi, шахс эркинлигини таъминлаш, давлат ва шахснинг бир-бири олдидаги ўзаро масъулияти, мустақил давлат ҳокимиятини ички бошқарув қоидалари асосида ташкил этиш ва юриштишдир.

### **3-§. Ўзбекистон давлати — асосий ислохотчи**

Мозийга назар ташласак, фақат давлат, қонуний сайланган ҳукуматгина ислохотчи бўлиши мумкин ва лозим, деган хулосага келамиз. Шуларгина устувор йўналишларни белгилаб, ижтимоий ларзаларга олиб келмайдиган оқил, пухта ўйланган ва изчил сиёсат олиб боришлари мумкин.

**Давлат нима?** Бу хусусда қадимий даврдан то ҳозирги кунгача бўлган ўнлаб таърифлар келтириш мумкин. Шу маънода *давлат* — халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши натижаси, туб ҳуқуқ ва манфаатларни ўзи ҳимоя қилиши учун ўз-ўзини бошқариши, ўз ҳокимиятини амалга ошириши деганидир. Давлат — халқ маънавияти ва маданиятини ифода этиш усули, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги етуклик кўрсаткичидир. Халқ жамоат уюшмалари, диний жамоа, фуқаролар

орқали ўзини жамият сифатида намоён этади. Шу сабабли, Ўзбекистон Конституцияси халқ, шахс, жамият, Давлат каби тушунчаларнинг умумийлигига, узвий бирлигига асосланган.

**Ислоҳот нима?** У аста-секин жорий этиладиган шунчаки ўзгаришлар ва янгиликлар эмас. Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотлар халқ учун, халқнинг фаол иштирокида ва қўллаб-қувватлаши натижасида амалга ошадиган янгиланиш ҳамда тараққиётдир. Давлат эса ислоҳ қилишнинг энг асосий воситасидир. Унга озгина путур етказилса ҳам, ислоҳот тартибсизликка айланади. Бунга мамлакатимизнинг ўзидан ҳам, унинг ташқарисидан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. «Демократия»нинг моҳияти, яъни халқ ҳокимияти тушунчасининг ўзиёқ, давлатнинг ислоҳотчилик вазифасига тўсқинлик қилишни, халал беришни инкор этди. Жуда жадал инқилобий ислоҳотга халқ тайёр бўлмаган пайтда давлатдан ислоҳотни ўта жадаллаштиришни талаб этиш ноўриндир.

**Нима учун Ўзбекистонда янгиланиш ва тараққиётга ўтиш босқичида давлат бош ислоҳотчи бўлиши керак?**

Халқимиз давлат ҳокимиятчилиги борасида мустақилликка эга бўлмаган, бу ҳокимият ўзининг маънавий ва миллий негизидан ўсиб чиқмаган, қадимги даврдан буён давлатни қандайдир «ўгай», фақат зўравонлик воситаси деб билишдек нотўғри тушунча сақланиб келган эди. Шўқрлар бўлсинки, Ўзбекистон Республикаси деб аталган мустақил давлат мавжудлигининг ўзи ҳозирги ўзбек миллатининг, Ватанизмининг бутун кўп миллатли халқининг буюк ютуғидир.

Давлатнинг ислохотчилик роли фақат ҳокими-  
ят, ҳал этиш ва назорат қилиш ҳуқуқи, ҳуқуқ  
тартибот кафолати, моддий захиралар унинг идо-  
ралари қўлида эканлигидангина келиб чиқмайди.  
Халқ учун буюк давлат, унинг яратувчанлик куч-  
райрати, одамларимиз қандай юксакликларни  
эгаллашга қодир эканлигини бутун дунёга намо-  
ён этиш саъй-ҳаракатлар манбаига айланади. Дав-  
лат халқ билан ўзаро алоқаларга оид анъанала-  
рида кўп асрлик тарихдаги энг фойдали андаза-  
ларни мужассамлаштиради. Шу билан бирга, дав-  
лат фуқаролар ўзини ўзи бошқаришларининг  
мураккаб принципи бўлиб, уларнинг эҳтиёж ва  
манфаатларини қондириш учун шарт-шароитлар  
яратишга даъват этилган. У республикадаги ҳамма  
гуруҳ ва қатламлар, барча миллатларнинг ман-  
фаатлари муштараклигини сақлаб, уни ягона  
умумманфаатга айлантиради.

Бизнинг давлатимиз айнан шу маънода катта  
оила ҳисобланади. У бирдамлик, умумий ҳамкор-  
лик принципитга асосланади.

**Ўзбекистон Республикасида давлатнинг исло-  
хотчилик куч-қудрати нималардан иборат?**

Куч-қудрат — давлатнинг имкониятлари. *Би-  
ришчидан*, ҳуқуқий имкониятлар. Зеро, ҳаёт, ҳар  
қандай мулк, ишбилармонлик кабилар ҳуқуқ ва  
қонунга асосланади. Давлатимизнинг ўз Консти-  
туцияси бор, у ишлаб турибди ва келажакка қара-  
тилган. Биз шу пойдевор устида ҳуқуқий давлат,  
жамият қурамизки, унда қонунга бўйсунуш —  
барқарорлик ва тараққиётнинг шarti бўлади.

*Иккинчидан*, Ўзбекистоннинг иқтисодий куч-  
қудрати унинг ички ва ташқи мустақиллиги учун  
етарлидир. Аммо у ўз-ўзидан эмас, балки фақат  
фуқаролар ташаббуси шарофати билан рўёбга

чиқади, давлат ташаббуси туфайли ҳаракатга келади.

*Учинчидан*, давлат бошқарувнинг бош принципи сифатида ҳаётнинг ҳамма соҳаларига таъсир ўтказиши ва шу боис уни босқичма-босқич, раван ўзгартириб бориши мумкин. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотнинг бозор муносабатлари ва давлатнинг ижтимоий ҳимоялаш сиёсати сари муайян мутаносибликни таъминлаши бунинг диний таъминидир.

*Тўртинчидан*, кўппартияли жамият кўппартияли давлат дегани эмас. Давлат тепасида турган ҳар қандай ақлли сиёсий куч ислоҳот мантиғига кўра, умумхалқ мақомини олмоғи керак. Давлатнинг демократиявийлиги, унинг ижтимоий-сиёсий кучларининг ролини, фуқароларнинг ҳурфикрлигини тан олиш демакдир.

*Бешинчидан*, давлатнинг маданий-тарихий кучқудрати — халқнинг маънавияти ҳамда бугунги ва эртанги тарихий хотираси демакдир. Ўзбекистонда давлат миллий маданиятни тикламоқда, истеъдодларни қўллаб-қувватламоқда, таълим ислоҳотини амалга оширмоқда, ўзбек тилининг буюк қадр-қимматини, обрўсини бутун чоралар билан оширмоқда, миллатлараро ҳамжиҳатликни, ўзаро ҳурматни мустаҳкамламоқда. Давлат халқ эътиқодини улуғлаётганлиги учун ҳам муслмонларнинг диний туйғуларини рўёбга чиқариш хусусида қайғурмоқда.

*Олтинчидан*, давлат халқ муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминламоқда. Бу ҳам бизнинг ҳозирги мураккаб геополитик вазиятга ўта муҳим воқеадир. Одамларнинг жиноятчи ва ҳуқуқбузарлардан шахсий хавфсизлиги давлат ҳимоясига муҳтождир. Орол денгизи ва кўпгина шаҳарларда

юзага келган экологик вазият давлатни аҳолини экологик жиҳатдан ҳимоя қилишга ундамоқда. Халқнинг хавфсизлиги халқшунослик билан, аҳоли сонининг ўсиши ва унинг моддий таъминоти билан чамбармас боғлиқдир.

*Еттинчидан*, давлатнинг ташқи сиёсий, иқтисодий куч-қудрати унинг барқарорлиги ва халқаро ҳамжамиятда тенг ҳуқуқлилиги манбаи бўлиб хизмат қилади. Ягонаю яхлит ва ўзаро узвий боғлиқ дунё Ўзбекистонни ўзаро ҳамкорликка ундамоқда. Бизнинг ички ва ташқи сиёсатимизнинг халқаро кўлами давлат орқали белгиланади.

Ушбу ва давлат куч-қудратини белгилайдиган бошқа омиллар Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун хизмат қилади. Агар амалий мушоҳада қиладиган бўлсак, бу — тўкин-сочинлик, хотиржамлик эртанги кунга ишонч демакдир. Ўзбекистон буюк келажагининг мазмуни ва моҳияти шу нарсада мужассамдир. Давлатнинг маҳобати — оддий инсоннинг бахти. Айнан шундай нуқтаи назар давлатнинг мутлақ ҳукмдорлигини инкор этади. Давлатнинг инсонпарварлиги инсонни улғулайди.

Давлатнинг яратувчилик куч-қудрати фуқароларнинг ташаббуслари орқали мустаҳкамланиб бориши туфайли давлатнинг шериги сифатида жамиятнинг ҳам ислоҳотчилик куч-қудрати ўсиб боради. Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг кенг кўламлилиги ислоҳотнинг ижтимоий принциплари кўлами ҳам кенг бўлишини талаб этади. Шу боис, демократик ҳуқуқий давлат керак.

Халқаро тажрибалардан бизга маълумки, фақат давлатнинг ўзи ислоҳотчи бўлишга уринган мамлакатлар йўқ эмас. Бироқ ислоҳот изи туша бошлаши билан давлатнинг ўзи жамиятнинг сиё-

сий жиҳатдан ташкил топишига кўмаклашади. Бу билан давлат фуқароларнинг сиёсий мададига эришади.

Ўзбекистонда давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган ислоҳотни амалга ошириши учун жамиятда қандай шарт-шароитлар зарур?

Бизнинг азалий маънавий қадриятимиз бўлган ижтимоий заковатни биринчи ўринга қўйиш зарур. Сиёсий муҳолифатчиликдан халқ ва давлат манфаатларини кўзлаб, оқилона фойдаланиш мамлакатни ҳаммамиз фахрланишимиз мумкин бўлган юксакликка олиб чиқиши мумкин.

Бизнингча, фуқароларнинг давлатга ишончи ислоҳот учун зарур шароитлардан биридир. Халқ ислоҳотнинг мураккаб ва машаққатли эканлигини тушунмоқда. Бу одамларнинг меҳнатида ўз ифодасини топган.

#### **4-§. Ўзбекистон фуқаролиги — миллий давлатчилик белгиси**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги давлат мустақиллигининг белгиси бўлиб, мазкур давлатга мансубликни билдиради. Фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари айнан Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон тарихида илк бор мустақил давлат фуқароларининг ҳуқуқий мақоми ўрнатилди. Халқнинг асрий қадриятлари тикланди. Бу ўринда «Фуқаролик нима?» — деган савол туғилиши табиий. Фуқаролик — давлат билан жисмоний шахс ўртасидаги барқарор ҳуқуқий алоқа бўлиб, бу ҳуқуқий алоқа уларнинг бир-бири олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқади. Юридик маънодаги фуқаролик шахснинг мазкур давлатга тааллуқлигини билдиради. Бирор дав-



латнинг фуқароси бўлиш, фуқаронинг қаерда бўлишидан қатъи назар, мазкур давлат томонидан ҳимоя қилинишини тасдиқлайди.

Шахснинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари унинг энг асосий ҳуқуқ ва эркинликларидандир. Мустақил республикамизда фуқароларнинг тенглиги эътироф этилганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Бугунги кунга келиб, фуқаролик мақомига оид барча масалалар энг аввало Конституциямизда, фуқаролик тўғрисидаги қонун ва унинг асосида ишлаб чиқилган бир қанча ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Шахсларнинг табиий ва узвий ҳуқуқларига тааллуқли Ўзбекистон фуқаролиги тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган қоидалар барча халқаро ҳужжатларга тўла мос келади. Чунончи, БМТ Ассамблеяси 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да ҳар бир инсон, ирқи, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ, табақавий ва бошқа фарқларидан қатъи назар, барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши керак деб эълон қилинган. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонун ҳам мамлакатимиз фуқароларининг қонун олдида, барча тафовутлардан қатъи назар, тенглигини кафолатлайди.

Қуйидаги шахслар Ўзбекистон фуқаролигига мансубдирлар:

*биринчидан*, келиб чиқишидан, ижтимоий ва мулкӣ ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғулотининг туридан қатъи назар, Ўзбекистон ҳудудида доимий яшаётган, бошқа фуқаролиги бўлмаган шахслар;

*иккинчидан*, давлат йўлланмаси билан республикамиз ҳудудидан четда ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган, ўқиётган шахслар;

*учинчидан*, республика ҳудудида туғилган, фуқаролик қабул қилинган ва Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари кўзда тутган асослар бўйича фуқароликка олинган шахслар.

Юқорида зикр этилган ҳолатларда фуқароликка мансублик шахсининг истаги бўлган тақдирдагина амалга оширилади. Ўзбекистон фуқаролигига мансублик шартлари, шунингдек, 1966 йилда қабул қилинган Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга мос келади.

Эндиликда ҳар бир ўзбекистонлик қалбида тўла гурур билан «Мен — Ўзбекистон фуқаросиман» деб баралла айта олади. Давлатимиз ўзининг ҳар бир фуқаросини, дунёнинг қайси бурчагида бўлишидан қатъи назар, ўз ҳимоясига олади, унинг инсоний ҳуқуқлари ҳамма ерда бирдек амалда бўлишининг ва бу ҳуқуқлар поймол этилишига йўл қўймасликнинг чора-тадбирларини кўради.

Бизда фуқароликка олиш асосан шу заминда туғилганлик билан белгиланади. Халқаро ҳуқуқда бу тушунча *замин принципи* деб юритилади. Бу принципга кўра, ота-онасининг қайси давлат фуқароси бўлишидан қатъи назар, муайян давлат ҳудудида туғилган бола шу давлат фуқароси деб танилади. Замин принципи Америка Қўшма Штатлари ва Лотин Америкасининг кўпчилик давлатлари қонунчилигида қўлланиб, одатда, соф ҳолда учрамайди. Бизнинг қонунларимизда ҳам ушбу принципга кенг ўрин берилган. Чунончи фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланиши ёки ота-онасининг қаерда яшаши номаълум бўлган, бироқ республикамиз-

да яшаётган гўдак ҳам Ўзбекистон фуқароси деб тан олиниши қонун билан белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон фуқаролигининг никоҳдан ўтишда ва уни бекор қилишда сақланиб қолиши ҳолатлари ҳам қонунчилигимизда холисона ҳал этилган. Унга кўра, Ўзбекистон фуқаросининг чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, никоҳнинг бекор қилиниши, эр ёки хотиннинг фуқаролиги ўзгаришига олиб келмайди. Эр ёки хотиндан бирининг фуқаролиги ўзгариши иккинчисининг фуқаролиги ўзгаришига олиб келмаслик ҳолати БМТнинг 1957 йилда қабул қилинган «Никоҳдаги хотиннинг фуқаролиги тўғрисидаги конвенция»да кўзда тутилган. Бу конвенцияга кўра никоҳдан ўтишда, никоҳнинг бекор бўлишида никоҳдаги эр фуқаролигининг ўзгариши хотиннинг фуқаролигига таъсир кўрсатмайди.

Ўзбекистон фуқаролиги бошқа давлат фуқаролигига мансубликни тан олмайди. Лекин тарихий адолатсизликни тиклаш мақсадида тарихий адолатсизликлар қурбони бўлган юртдошларимиз ва уларнинг авлодлари ўз илтимосларига кўра, республика фуқаролигига қабул қилинишлари мумкин. Бундай қонуннинг қабул қилинганлиги яқин тарихимизда ватандошларимизга нисбатан қўлланилган ижтимоий адолатсизликни бартараф этишга қаратилган.

Қонунчилигимиз фуқароликдан чиқиш ва фуқароликнинг йўқотилишини фуқароликнинг тўхтатилиш асослари деб топади. Ҳар бир давлатда фуқароликни йўқотиш амалиётда умумий асослари, яъни автоматик (экспатриация) равишда фуқароликдан чиқиш, фуқароликдан маҳрум қилиш ва халқаро шартномаларда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда рўй беради.

Республикамизда амалда бўлган фуқаролик мақоми шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мос ҳолда татбиқ этилишини таъминлайди.

## 5-§. Ўзбекистон давлати ва инсон ҳуқуқлари

Ҳар бир инсоннинг ҳаёти нодир ва бетакрордир. Киши бир марта яшайди ва унинг ҳаёти мутлақ қадриятдир. Дарҳақиқат инсон шахси — буюк маънавий ва сиёсий қадрият. Лекин бу қадрият миллат ва халқ эҳтиёжи билан уйғун бўлиши керак. Шундагина инсон фаол кучга айланади.

Шахс эрки бепоен эмас. Шунинг учун ҳам эрк меъёри ҳуқуқ билан белгиланади. Шахс эркининг савияси эса маънавият даражасига монанд бўлиб, у ҳар бир инсоннинг амалий қадр-қиммати ўлчови ҳамдир.

Миллий ҳуқуқий тизимимизнинг пировард мақсади — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдир. Ўзбек давлати қадимги Сўғдиёна ва кўҳна Хоразм, Хоразмшоҳлар давлати, Амир Темур ва темурийлар давлатининг тажрибасини, қадимий халқимизнинг бутун тарихий сабоқларини ҳамда ўз давлати ва ҳуқуқига эга бўлиш каби асрий орзусини мужассамлаштирди.

Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари, шахс эркинлиги ва демократияни ҳимоя қилиш борасида иш олиб бораётган барча кишиларни ва барча давлатларни жуда эъзозлайди. Мустақил Ўзбекистон дунё ҳам-жамиятига кирган экан, маданий, тараққий этган давлат бўлишга ҳаракаат қилади, инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қатъий кафолат беради.

Инсон ҳуқуқлари ва жамиятни демократиялаштириш, умуминсонийлик, миллий давлат ва ҳуқуқ

тушунчаларини ўзида мужассамлаштиради. Ўзбекистон камида уч минг йиллик тарихни ўз ичига олувчи цивилизациямизга мувофиқ, инсон ҳуқуқларининг ҳамма эътироф этган жаҳон стандартлари томон собитқадам юришини таъминлаш борасида тинмай иш олиб бормоқда.

Мустақил Ўзбекистон ўз тараққиётининг асоси бўлмиш инсон ҳуқуқларини қайтадан яратмоқда. Халқимизнинг маънавий имконияти, унинг бой табиий ва техникавий имкониятлари, мустаҳкамланиб бораётган халқаро алоқалари инсон ҳуқуқларига риоя қилиш учун барча шароитларни яратиб бермоқда.

Давлатимизда халқаро ҳуқуқ ва умуминсоний қадриятлар қонуний равишда устувор мақомга эга. Виждон эркинлиги, жамоат ташкилотлари, иқтисодий қонунлар мажмуи дунё тажрибаси асосида қабул қилинган бўлиб, халқимизни замонавий тадбиркорликка тайёрлашга қаратилган.

Инсон ҳуқуқлари ва демократия каби жаҳоншумул ҳодисаларга доир тушунчамизни аниқловчи принциплар — миллий давлат манфаатларига, халқимизнинг ўзига хослигига, унинг анъаналарига мувофиқлик, республика суверенитетини чуқур ҳурмат қилишдир. Жамиятимизда инсон ҳуқуқлари фақат қонунлар билан эмас, балки халқнинг ўзини англаши, унинг эзгулик соҳасидаги ахлоқий тажрибаси, меҳмондўстлиги билан ҳам мустаҳкамланади. Ўзбекистонда бутун Шарқ цивилизациясига хос бўлган оилани ҳамма чоралар билан қўллаб-қувватлаш энг муҳим инсоний қадриятлардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Инсон ҳуқуқларини тўлиқ қабул қилиш ва шахсни ҳурмат қилиш миллий маданиятимизни ва давлатимизни бойитади.

Инсоннинг интилишлари ҳуқуқ билан кафолатланган. Давлат ва жамиятнинг бурчи ҳуқуқ ва эркинликларни барча имкон ва воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш эса давлат ва жамият демократиялаштирилишининг дастлабки энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонийлиги ана шу билан белгиланади.

У ёки бу гоёлар ёхуд кучлар фойдаси йўлида одамлар қонининг тўкилишига, кишилар ўз фарзандларининг ҳаёти учун таҳлика остида яшашларига йўл қўйиб бўлмайди. Мамлакатимиз учун умуминсоний қадриятлар мустаҳкамлигини таъминлаш маънавий бурчимиздир.

Маълумки, халқимиз тарихнинг маълум даврларида босқинчилар зулми остида эзилиб келди. Биреқ ўзининг муқаддас анъаналарини асраб-авайлаб сақлади. Биз учун анъаналаримиз ва урф-одатларимизга риоя қилиб яшаш ҳуқуқининг ўзиёқ жуда катта неъматдир. Шу сабабли виждон эркинлиги инсон ҳуқуқининг маънавий мазмунини ташкил этади. Бу инсоннинг ҳар қандай мафкура ёки дунёқарашдан ихтиёрий воз кечишидир. Жамият маънавий ҳаётининг хилма-хиллиги бизнинг ички талабларимизга мувофиқ келади. Халқнинг ўз маънавий ўзаги — Ислом фалсафаси ва ахлоқи бор. Ҳар қандай миллийликдан юқори турувчи бу таълимотдан олинган барча ижобий томонлар бизда инсон ҳуқуқларини ривожлантириш учун фойдаланиб келинган ва бундан буён ҳам шундай бўлади.

Шахснинг ўз ижодий куч-ғайратини намоён қилишдан иборат тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг асосий таркибий қисмидир. Жамиятимизнинг иж-

тимойй йуналишдаги бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиши, халқнинг тадбиркорликка бўлган интилиши илгариги салбий муносабатлардан, қарамликдан воз кечишни тақозо этади. Биз бозорга кескин инқилобий йўл билан ўтишга қаршимиз. Биз ўз аччиқ тажрибамиздан биламизки, инқилоблар ҳар доим инсон ҳуқуқларини бузиш билан боғлиқ. Айниқса, бу ҳуқуқлар заифлик, камбағалчилик, муҳтожлик шароитларида кўпроқ бузилади.

Давлатимиз кўп миллатли. Шу сабабдан ҳар бир фуқаронинг миллий қадр-қимматга, ўз она тили ва маданиятига эга бўлиш ҳуқуқи мамлакатимиздаги фуқаролар тотувлигининг гаровидир.

Демократия инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг механизми ҳисобланади. Аждодларимиз жамоа демократиясига шунчалик чуқур асос солганларки, у ҳозирги кунга қадар умумхалқ тотувлигига пойдевор бўлмоқда.

Демократиянинг бирон-бир тайёр андазасини бизнинг республикамизга ёки бошқа демократия йўлидан бораётган ёш мамлакатга кўчириш ножоиз бўлибгинз қолмай, балки инсон ҳуқуқлари учун хавfli ҳамдир.

Ўзбекистон ягона демократик муҳит гоёси тарафдоридир. Бу муҳит ёш, ривожланиб бораётган давлатларнинг демократия томон мустақил ҳаракатини тезлаштиради. Бу тушунча бир хилда андазали ёндашувлардан воз кечишни, яхши ниятли халқаро ёрдамни ижтимоий ўзлаштиришни, ҳамма қитъа ва халқларнинг инсонпарварлик гоёларининг тўпланган энг яхши тажрибаларини мустақил ҳолда танлаб олишни тақозо этади. Буларнинг ҳаммаси тоталигаризмдан демократияга кескин ўтиш жараёнида табиий хавф-хатар оми-

лидан иборат салбий таъсирини анча-мунча юмшатишга имкон беради.

Ўзбекистон халқи ўз йўлини танлаб олди: бу халқ донишмандигига асосланган демократик жамият қуриш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний кафолатлашдир.

Конституциямизда умуминсоний қадриятлардан энг муҳимлари — инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги, фуқаролар, давлат ва жамият ўртасидаги оқилона ҳуқуқий демократик мутаносиблик алоҳида ажратиб кўрсатилган. Ўзбек халқининг кўп асрлик давлатчилик тажрибаси, маънавий ва ҳуқуқий анъаналари ижодий тарзда ҳисобга олинган. Халқаро нормаларнинг устуворлиги, хилма-хил мулкчилик шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган. Бу Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган. Иқтисодий фаолият, тадбиркорлик, меҳнат ва хусусий мулк эркинлиги давлат томонидан кафолатланган. Конституциянинг инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинлиги ва бурчларига бағишланган қисмини ўзбекларнинг «Ҳуқуқлар тўғрисида билл»и деб атаса ҳам бўлади.

## **6-§. Ўзбек давлати ва ҳуқуқининг рамзлари**

Миллий истиқлолга эришган Ўзбекистон ўзининг мустақил давлатчилик асосларини қуришга катта шижоат билан киришди. Давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳада олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ўз самараларини бермоқда. Улар миллий давлатчилик асосларини таркиб топтириш ва шакллантиришга йўналтирилгандир. 1991 йил 31 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асосла-



ри тўғрисидаги конституциявий қонуни ва кейинчалик Конституциямизда ўз ифодасини топган давлатчилигимиз белгилари тўғрисидаги қоидалар ҳаётга изчил татбиқ этилди. Ўзбекистон ўз давлат рамзларига эга бўлди. Маълумки, давлат белгилари деган тушунча ҳудуд, ижтимоий-сиёсий ҳокимият, солиқ тизилмасининг мавжудлиги каби тушунчалар билан бир қаторда давлат рамзларини ҳам ўз ичига олади.

*Давлат тимсоли ҳисобланган рамзлар — шартли белгилар бўлиб, улар миллий давлатнинг хусусияти, моҳияти каби ўзига хос белгиларни акс эттириши лозим. Айнан давлат рамзларида миллат ҳаёти, унинг анъана ва одатлари, орзу-умиди, тарихи, фалсафаси ва руҳияти акс этади.*

Давлат рамзлари фақат бир давлатга тааллуқли бўлган, чуқур маънога эга шартли белгилар, бадий ифода сифатида маълум бир кўринишларда акс этади. Бундай кўриниш оҳанглар, сўзлар, табиат тасвири, ранглар, астрологик жисмлар ва бошқа турли шаклларда бўлиб, халқнинг бугунги кунини, унинг интилиши, орзу-умидлари, истиқболи, ғурури ва фахрини ўзида мужассамлаштиради.

Мустақилликка эришишимиздан сал олдин, 1990 йилнинг 30 мартдаёқ республикамизда янги давлат рамзларини барпо қилиш ишлари бошлаб юборилган эди. Ўшанда Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида қарор қабул қилиниб, унда республикада энг яхши давлат мадҳиясининг матни учун кўрик танлов эълон қилинди. 1991 йилнинг 15 феввалида эса Олий Кенгаш республикамизнинг байроғи ва гербини ишлаб чиқиш юзасидан қарор қабул қилиб, унга кўра юртимизнинг энг зукко олиму, мусаввирла-

ри ва санъат арбоблари иш бошлаган эдилар. Ўнлаб эскизлар орасидан жонажон диёримизни энг тўлақонли акс эттирган асарлар ажратиб олинган эди. Умумхалқ муҳокамасига қўйилган давлат рамзларимиз халқимиз томонидан обдон ўрганиб чиқилди. Унинг натижаси ўлароқ бутун дунё узра гўзал юртимизнинг ифодаси бўлмиш давлатимиз рамзлари қабул қилинди.

Бугунги кунда давлатимиз рамзлари энг нуфузли халқаро ташкилотларда, дунёнинг турли қитъаларида ва давлатларида ўзини намоён қилмоқда, мадҳиямиз баралла янграмоқда. Бу эса ҳар бир Ўзбекистонликка фахр ва ифтихор туйғусини ҳис қилиш имкониятини беради.

Юқорида зикр этилган давлат рамзлари тушунчаси фақат мадҳия, байроқ, герб билангина чекланиб қолмайди. Давлатнинг пул бирлиги ва олий нишонлари ҳам ҳақли равишда мустақил давлатнинг рамзлари бўла олади. Пул бирлиги давлатнинг товар айирбошлашдаги ягона алмашув воситаси сифатида майдонга чиқади ва у айнан шу давлатга хос белги ва хусусият экани намоён бўлади. Пул бирлигида ҳам халқнинг маънавий қадриятлари, тарихий обидалари ва маданиятининг ўзига хос фазилатлари акс эттирилади. Масалан, бизнинг миллий пулимизда маданиятимизнинг нодир бўлаги ҳисобланмиш наққошлик санъатида қўлланиладиган бадиий безакларнинг турли кўринишларидан намуналар берилган. Республикамиз эндиликда ана шундай муҳим алмашув воситасига эга. Бу мустақил давлатчилигимизнинг муҳим белгиларидан биридир.

Миллий давлатчилигимизни шакллантириш йўлида яна бир қадам қўйилди. Ўзбекистоннинг олий нишони ва унвонлари яъни «Ўзбекистон

қахрамони» унвони, «Мустақиллик», «Дўстлик», «Соғлом авлод учун» орденлари, «Жасорат», «Шуҳрат» медаллари таъсис этилди. Байроқ, гербдаги мазмун нишонларимизда яна бир бор қайд этилиб, ўз номига муносиб мазмун билан бойитилган. Давлатимизнинг нишонлари халқимизнинг чинакам фарзандларига уларнинг ватан ва халқ олдидаги буюк хизматлари ва жасоратларига чуқур ҳурмат, эътибор тимсоли сифатида тақдим этилади.

Давлатимиз рамзлари ҳақида сўз кетганда, юртимизда нишонланадиган умумхалқ байрамларини эслатиб ўтиш жоиздир. 1 сентябрь — Ўзбекистоннинг мустақиллик куни, 8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси куни, 21 март Наврўз байрамидир. Бу байрамлар озод Ватанимизнинг улуғ саналари сифатида нишонланади ва дам олиш куни ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг яна бир ҳуқуқий рамзи, энг аввало, унинг Конституциясидир. Ҳуқуқий рамзлар асосан ҳуқуқий одатлар ва ҳуқуқий расм-русумлар билан боғлиқ маросимларда ўзининг яққол ифодасини топади.

Ўтмишда рим, юнон тузумида ва мусулмон дунёсида ҳуқуқий рамзлар жуда кенг қўлланилган. Улар маълум бир мазмундаги матнларни талаффуз қилиш билан ижро этилган. Бундай матнларни ижро этиш бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқарган. Масалан, шу ўринда қадимги юнон ҳуқуқи бўйича никоҳда «Сенинг юзинг менга ноҳуш» ёки мусулмон ҳуқуқида «таллоқ» сўзининг айтилишиёқ, никоҳнинг бекор бўлиши учун асос ҳисобланган.

Ўрта асрларда эса инглиз ҳуқуқида суд ҳайъатининг қасамёди ёхуд ҳозирги кунда АҚШда фу-

қароликка қабул қилишдаги фуқароларнинг қасамёди ва кўлаб бошқа мисолларни келтириш мумкин. Булар, шубҳасиз, ҳуқуқий маросим ва одатларнинг нечоғлик салоҳиятли эканлигидан далолат беради.

Собиқ совет тузуми даврида ҳуқуқий маросимлар деярли қўлланилмаган, Ўзбекистонда истиқлол шарофати билан биз ўз ҳуқуқий тизимимизни мукамаллаштирмоқдамиз ва дунё ҳуқуқий тажрибасида кўп қўлланиб келинаётган ҳуқуқий маросимларни қонунларимизда акс эттира бошладик.

Чунончи, Конституциямизнинг 92-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қасамёди матни келтирилган бўлиб, у Президент томонидан Олий Мажлис йиғилишида ижро этилади ва шу қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб, Президент ўз лавозимини бажаришга киришган ҳисобланади. Шу сингари, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди раиси ва суд аъзолари ҳам қасамёд қабул қилиб ўз вазифаларини бажаришга киришадилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексида гувоҳнинг қасамёди биринчи марта ҳуқуқий қоида тусини олди.

Ҳуқуқий маросимларни амалга ошириш ҳуқуққа бўлган ҳурматни, ҳуқуқнинг устувор мавқеини, жамиятда тартиб-интизом, қонун ва қоидаларга оғишмай риоя қилишга бўлган интилишни ифодалайди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АСОСИЙ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори 1991 й. 31 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991. №11. 245-модда.

2. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1991 й. 31 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991. №11. 246-модда.

3. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонунига Конституциявий мақом бериш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1991 й. 30 сентябрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991. №11. 268-модда.

4. «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1991 й. 18 ноябрда қабул қилинган. 1999 й. 15 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. №1. 27-модда; 1999. №5. 124-модда.

5. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1991 й. 18 ноябрда қабул қилинган. 1997 й. 26 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. №1. 34-модда; №3. 38-модда.

6. «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1991 й. 18 ноябрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. №1. 37-модда.

7. «Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1991 й. 19 ноябрда қабул қилинган. 1993 й. 7 майда, 1994 й. 23 сентябрда, 1995 й. 31 августда, 1997 й. 26 декабрда, 1998 й. 25 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. №1. 43-модда; 1993. №5. 236-модда; 1994. №11—12. 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. №9. 193-модда; 1998. №3. 1999. №1. 20-модда.

**8. «Депутатлик одоби комиссияси тўғрисида»** Низом ҳақида ва депутатлик одоби қоидалари ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори. 1991 й. 21 ноябрда тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. №1. 57-модда.

**9. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»** «Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1991 й. 18 ноябрда қабул қилинган. 1998 й. 1 майда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. №2. 78-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. №5-6. 102-модда.

**10. «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1991 й. 20 ноябрда қабул қилинган. 1998 й. 1 майда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. №2. 80-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. №5-6. 102-модда.

**11. «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 й. 2 июлда қабул қилинган. 1999 й. 15 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. №9. 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999. №5. 124-модда.

**12. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 й. 2 июлда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. №9. 338-модда.

**13. «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1992 й. 2 июлда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. №9. 344-модда.

**14. «Ҳарбий қасамёд тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори. 1992 й. 3 июлда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. №9. 348-модда.

**15. «Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 й.

3 июлда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. №9. 350-модда.

**16. «Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 й. 3 июлда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. №9. 368-модда.

**17. «Мудофаа тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 й. 2 июлда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. №10. 398-модда.

**18. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1992 й. 3 июлда қабул қилинган. 1993 й. 7 майда, 1994 й. 23 сентябрда, 1996 й. 27 декабрда, 1998 й. 29 августда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. №10. 401-модда; 1993. №6. 266-модда; 1994. №11-12. 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №2. 56-модда; 1998. №9. 181-модда.

**19. «Муқобил хизмат тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 й. 3 июлда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. № 11: 434-модда.

**20. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1992 й. 8 декабрда қабул қилинган. 1993 й. 28 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. №1. 4-модда; 1994. №1. 5-модда.

**21. «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кунини умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида».** «Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 й. 8 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. №1. 6-модда.

**22. «Ҳокимиятнинг конституциявий идораларини қўриқлаш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1992 й. 9 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. №1. 9-модда.

**23. «Прокуратура тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 й. 9 декабрда қабул қилинган. 1993 й. 7 майда, 1996 й. 30 августда, 1996 й. 27 декабрда, 1997 й. 30 августда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси.

1993. №1. 29-модда; №6. 266-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №9. 144-модда; 1997. №2. 56 модда. 1997. №9. 241-модда.

**24. «Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси идоралари ходимларининг даражали махсус унвонлари тўғрисида» Низомини ва «Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси идоралари ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисида» Низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори.** 1992 й. 9 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси № 1993. №1. 31-модда.

**25. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни.** 1992 й. 9 декабрда қабул қилинган. 1995 й. 6 майда, 1997 й. 25 апрелда, 1998 й. 25 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. №1. 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. №6. 118-модда; 1997. №4-5. 126-модда; 1998. № 1. 20-модда.

**26. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни.** 1992 й. 10 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. №1. 52-модда.

**27. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни.** 1993 й. 6 майда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. №5. 202-модда.

**28. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни.** 1993 й. 6 майда қабул қилинган. 1998 й. 1 майда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. №5. 223-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. №5-6. 102-модда.

**29. «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни.** 1993 й. 7 майда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. №5. 232-модда.

**30. «Ахборотлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни.** 1993 й. 7 майда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. №6. 252-модда.

**31. «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида».** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 й.



7 майда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. №6. 255-модда.

**32. «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 й. 7 майда қабул қилинган. 1996 й. 30 августда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. №6. 257-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №9. 141-модда.

**33. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 й. 2 сентябрда қабул қилинган. 1997 й. 30 августда, 1998 й. 25 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. №9. 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №9. 241-модда; 1999. №1. 20-модда.

**34. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 й. 2 сентябрда қабул қилинган. 1997 й. 25 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Янги таҳрирда 1999 й. 14 апрелда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. №9. 322-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №4-5. 126-модда; 1999. №5. 110-модда.

**35. «Давлат статистикаси тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 й. 2 сентябрда қабул қилинган. 1998 й. 1 майда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. №9, 327-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. №5-6, 102-модда.

**36. «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 й. 2 сентябрда қабул қилинган. 1995 й. 6 майда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. № 9331-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. №6. 119-модда.

**37. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 й. 3 сентябрда қабул қилинган. 1995 й. 22 декабрда, 1997 й. 25 апрелда, 1998 й. 29 августда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг

ахборотномаси. 1993 й. №9. 388-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995 й. №12. 269-модда; 1997 й. №4-5, 126 модда; 1998 й. №9, 181-модда.

**38. «Судлар тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1993 й. 2 сентябрда қабул қилинган. 1995 й. 31 август, 1996 й. 27 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 й. №10. 367-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. №9. 193-модда; 1997. №2. 56-модда.

**39. «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида, судьяларнинг малака даражалари тўғрисида, суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида, ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»** Низомни тасдиқлаш ҳақидаги» Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори. 1993 й. 2 сентябрда қабул қилинган. 1996 й. 27 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. №10. 370-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №2. 56-модда.

**40. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 й. 28 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. №1. 5-модда.

**41. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1993 й. 28 декабрда қабул қилинган. 1997 й. 26 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. №1. 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. №3. 38-модда.

**42. «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 й. 29 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. №1. 26-модда.

**43. «Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 й. 29 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. №1. 27-модда.

**44. «Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвонини белгилаш ва олий нишон — «Олтин Юлдуз» медалини таъсис этиш тўғриси-

да» Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1994 й. 5 майда қабул қилинган. 1996 й. 30 августда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. №5. 113-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №9. 141-модда.

**45. «Мустақиллик орденини таъсис этиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1994 й. 5 майда қабул қилинган. 1997 й. 25 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. №5. 115-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №4-5. 126-модда.

**46. «Дўстлик» орденини таъсис этиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1994 й. 5 майда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. №5. 117-модда.

**47. «Жасорат» медалини таъсис этиш тўғрисида».** «Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1994 й. 5 майда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. №5. 119-модда.

**48. «Шуҳрат» медалини таъсис этиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1994 й. 5 майда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994 й. №5. 121-модда.

**49. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1994 й. 5 майда қабул қилинган. 1997 й. 26 декабрь, 1998 й. 25 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. №5. 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. №3. 38-модда; 1999. №1. 20-модда.

**50. «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1994 й. 5 майда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. №5. 127-модда.

**51. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1994 й. 6 майда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. №5. 140-модда.

**52. «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий

қонуни. 1994 й. 22 сентябрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. №10. 250-модда.

**53. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.** 1994 й. 22 сентябрда қабул қилинган. 1996 й. 30 августда, 1996 й. 27 декабрда, 1997 й. 30 августда, 1998 й. 1 майда, 1998 й. 29 августда, 1998 й. 25 декабрда, 1999 й. 15 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1995. №1. 3-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №9. 144-модда; 1997. №2. 56-модда; 1997. №9. 241-модда; 1998. №5-6. 102-модда; 1998. №9. 181-модда. 1999. №1. 20-модда; 1999. №5. 124-модда.

**54. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси.** 1994 й. 22 сентябрда қабул қилинган. 1995 й. 22 декабрда, 1996 й. 27 декабрда, 1997 й. 30 августда, 1998 й. 1 майда, 1998 й. 29 августда, 1998 й. 25 декабрда, 1999 й. 15 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1995. №2. 5-м. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. №12. 269-модда; 1997. №2. 56-модда; 1997. №9. 241-модда; 1998. №5-6. 102-модда; 1998. №9. 181-модда; 1999. №1. 20-модда; 1999. №5. 124-модда.

**55. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.** 1994 й. 22 сентябрда қабул қилинган. 1995 й. 31 августда, 1995 й. 22 декабрда, 1996 й. 26 апрелда, 1996 й. 30 августда, 1996 й. 27 декабрда, 1997 й. 25 апрелда, 1997 й. 30 августда, 1997 й. 26 декабрда, 1998 й. 1 майда, 1998 й. 29 августда, 1998 й. 25 декабрда, 1999 й. 15 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1995 й. №3. 6-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. №9. 193-модда; 1995. №12. 269-модда; 1996. №5-6. 69-модда; 1996. №9. 144-модда; 1997 й. №2. 56-модда; 1997. №4-5. 126-модда; 1997. №9. 241-модда; 1998. №3. 38-модда; 1998. №5-6. 102-модда; 1998. №9. 181-модда; 1999. №1. 20-модда; 1999. №5. 124-модда.

**56. «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1995 й. 6 майда қабул қилинган. 1998 й. 28 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кен-

гашининг ахборотномаси. 1995. №6. 114-модда; 1999. №1. 20-модда.

**57. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонуни. 1995 й. 30 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1995. №9. 178-модда.

**58. «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори 1995 й. 30 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1995. №9. 180-модда.

**59. «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузadиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1995 й. 30 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1995. №9. 183-модда.

**60. «Меҳнат шухрати» орденини таъсис этиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1995 й. 30 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1995. №9. 190-модда.

**61. «Шон-шараф» орденини таъсис этиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1995 й. 30 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1995. №9. 191-модда.

**62. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.** Биринчи қисм. 1995 й. 21 декабрда қабул қилинган. 1997 й. 1 мартдан бошлаб кучга кирган. 1996 й. 27 декабрда, 1997 й. 30 августда, 1998 й. 1 майда, 1998 й. 25 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №2 илова, 1997. №2. 56-модда; 1997. №9. 241-модда; 1998, №5-6. 102-модда; 1999. №1. 20-модда.

**63. «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1995 й. 21 декабрда қабул қилинган. 1998 й. 29 августда, 1999 й. 15 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. №12. 252-модда; 1998. №9. 181-модда; 1999. №5. 124 модда.

**64. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.** 1995 й.

21 декабрда қабул қилинган. 1996 й. 1 апрелдан бошлаб кучга кирган. 1998 й. 1-май, 1998 й. 29 август, 1998 й. 25 декабрда, 1999 й. 15 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №1 илова, 1998. №5-6. 102-модда. 1998. №9. 181-модда; 1999. №1. 20-модда 1999. №5. 124-модда.

**65. «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1989 й. 21 октябрда қабул қилинган. 1995 й. 21 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон ССР Олий Советининг ведомости. 1989. №26028. 453-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995 №12. 257-модда.

**66. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1995 й. 22 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. №12. 262-модда.

**67. «Давлат мукофотлари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1995 й. 22 декабрда қабул қилинган. 1996 й. 26 апрелда, 1996 й. 29 августда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. №12. 266-модда; 1996. №5-6. 63-модда; 1996. №9. 120-модда.

**68. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 й. 26 апрелда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №5-6. 59-модда.

**69. «Амир Темуր» орденини таъсис этиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 й. 26 апрелда қабул қилинган. 1997 й. 25 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №5-6. 63-модда; 1997. №4-5. 126-модда.

**70. «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1996 й. 26 апрелда қабул қилинган. 1996 й. 27 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №5-6. 64-модда; 1997. №2. 64-модда.

**71. «Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни.

1996 й. 26 апрелда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №5-6. 67-модда.

**72. «Буюк хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни 1996 й. 29 августда қабул қилинган. 1997 й. 25 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №9. 119-модда; 1997. №4-5. 126-модда.

**73. «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1996 й. 29 августда қабул қилинган. 1998 й. 25 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №9. 124-модда; 1999. №1. 20-модда.

**74. «Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1996 й. 29 августда қабул қилинган. 1999 й. 15 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №9. 128-модда; 1999. №5. 124-модда.

**75. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 й. 30 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №9. 135-модда.

**76. «Ноширлик фаолияти тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 й. 30 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №9. 137-модда.

**77. «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тuzилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 й. 30 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №9. 139-модда.

**78. «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисида»** Низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори. 1996 й. 30 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №9. 145-модда.

**79. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.**

Иккинчи қисм. 1996 й. 29 августда қабул қилинган. 1997 й. 1 мартдан бошлаб кучга кирган. 1996 й. 27 декабрда, 1997 й. 30 августда, 1998 й. 1 майда, 1998 й. 25 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №11-12.; 1997. №2. 56-модда; 1997. №9. 241-модда; 1998. №5-6. 102-модда; 1999. №1. 20-модда.

**80. «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 й. 26 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №2. 35-модда.

**81. «Сиёсий партиялар тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 й. 26 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №2. 36-модда.

**82. «Нотариат тўғрисида»** «Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 й. 26 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №2. 42-модда.

**83. «Адвокатура тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1996 й. 27 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 й. №2. 48-модда.

**84. «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1996 й. 27 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №2. 50-модда.

**85. «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 й. 27 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №2. 52-модда.

**86. «Ўқитувчи ва мураббийлар кушини белгилаш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 й. 27 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №2. 65-модда.

**87. «Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1997 й. 24 апрелда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №4-5. 102-модда.

**88. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида».** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1997 й. 24 апрелда



қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №4-5. 108-модда.

**89. «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1997 й. 24 апрелда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №4-5. 110-модда.

**90. Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси.** 1997 й. 24 апрелда қабул қилинган. 1997 й. 30 августда ва 26 декабрда, 1998 й. 1 майда, 1998 й. 29 август ва 25 декабрда, 1999 й. 15 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №4-5 илова.; 1997. №9. 241-модда; 1998.; 5-6. 102-модда; 1998. №9. 181-модда; 1999. №1. 20-модда; 1999. №5. 124-модда.

**91. «Таълим тўғрисида»** «Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1997 й. 29 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №9. 225-модда.

**92. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори. 1997 й. 29 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №9. 227-модда.

**93. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси** 1997 й. 30 августда қабул қилинган. 1998 й. 1 январдан бошлаб кучга кирган. 1998 й. 1 майда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №9. 234-модда; 1998. №5-6. 102-модда.

**94. «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1997 й. 30 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №9. 237-модда.

**95. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1997 й. 29 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. № 11-12. 295-модда.

**96. «Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1997 й. 29 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. № 11-12. 296-модда.

**97. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1997 й. 26 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. №1. 10-модда.

**98. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси.** 1997 й. 26 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. №2. 36-модда.

**99. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.** 1998 й. 30 апрелда қабул қилинган. 1998 й. 1 июлда кучга кирган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. №5-6. 82-модда.

**100. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.** 1998 й. 30 апрелда қабул қилинган. 1998 й. 1 сентябрда кучга кирган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. №5-6-га илова.

**101. «Чет эл инвестициялари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонунининг. 1998 й. 30 апрелда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998 й. №5-6. 91-модда.

**102. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1998 й. 30 апрелда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. №5-6. 93-модда.

**103. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1998 й. 30 апрелда қабул қилинган. 1998 й. 25 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. №5-6. 95-модда; 199. №1. 20-модда.

**104. «Эл-юрт ҳурмати» орденини таъсис этиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1998 й. 28 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. №9. 163-модда; 1999. №1. 20-модда.

**105. «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1998 й. 29 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. № 678-1. №9. 178-модда.

**106. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси.** 1998 й.

24 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999. №1. 4-модда.

**107. «Адвокатлик фаолияти кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1998 25 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999. №1. 12-модда.

**108. «Реклама тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1998 й. 25 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999. №1. 14-модда.

**109. «Гадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1999 й. 14 апрелда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999. №5. 106-модда.

**110. «Нодавлат потижорат ташкилотлари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1999 й. 14 апрелда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999. №5. 115-модда.

**111. «Архивлар тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1999 й. 15 апрелда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999. №5. 120-модда.

# МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
-------------	---

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИГА КИРИШ

#### *1-боб. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг предмети*

1-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг предмети .....	8
2-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг хусусият- лари .....	13
3-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг қонунлари ва ка- тегориялари .....	14
4-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг функциялари	16

#### *2-боб. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг методологияси*

1-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг методлари..	19
2-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг принциплари .....	28
3-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг методоло- гияси .....	30

#### *3-боб. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ижтимоий ва ҳуқуқшунослик фанлари тизимида тутган ўрни*

1-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги .....	35
2-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ҳуқуқшунослик фанлари тизимидаги ўрни .....	41
3-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанини ўрганишнинг аҳамияти .....	46

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ

#### *4-боб. Жамият, унинг ижтимоий институтлари ва социал нормалари*

1-§. «Жамият» тушунчаси. Фуқаролик жамияти .....	49
2-§. Ибтидоий жамоа тузумининг хусусиятлари .....	52
3-§. Ибтидоий жамиятнинг социал нормалари ва улар- нинг белгилари .....	58

Ўзбек тилида

**Акмал Саидов, Убайдулла Тожихонов**

**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ**

Муҳаррирлар: *Норсафар Имомов, Сардор Раззоқов*

Нашриёт муҳаррири: *Шарофат Искандар қизи*

Рассом: *Зиёд Абдурасулов*

Техн. муҳаррир: *Марҳабо Мирилёсова*

Босмахонага 13.04.2000 й.да берилди. Босишга рухсат,  
22.01.2001 йилда этилди. Қоғоз бичими 84×108<sup>1</sup>/32. Босма  
табоғи 10,5. Шартли босма табоғи 17,6. Нашриёт ҳисоб  
табоғи 14,0 Адади 2000 нусха К-7933. Буюртма нархи  
шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Адолат»  
нашриёти, 700047. Тошкент, Сайилгоҳ кўчаси, 5.

Ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати 700129,  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

